

# БИР СОАТЛИК ХАЛИФА

**«Минг бир кеча»  
китобидан янги ҳикоят  
ва афсоналар**

**ҒАФУР ҒУЛОМ  
НОМИДАГИ БАДИИЙ  
АДАБИЕТ НАШРИЯТИ  
1967.**


**Русчадан**  
**Абдулла Қаҳҳор**  
**таржимаси**

**ЎЗ**


**Бир соатлик халифа «Милл бир кеча» китобидан янги ҳикоят ва**  
**эссолар. Русчадан Абдулла Қаҳҳор тарж. Т., Тошкент 1967,**  
**Б.-фур Гулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 296 бет, Тиражи 60000,**

**Халиф на час. Сборник,**

**И (араб)**



Бир соатлик  
халифа ёхуд  
фосиқ Абуҳасан  
ҳақида ҳикоят. . .



Бағдод халифаси Ҳорун ар-Рашид замонида машҳур бир савдогар бўлиб, унинг Абуҳасан отлик бир ўгли бор эди. Савдогар ёшнини яшаб, ошини ошагач, бандаликни бажо келтирди. Угли Абуҳасан уни ювиб-тараб, кафанлаб ерга топширди-ю, қари онаси билан қолди.

Отаси ўгли Абуҳасанни мўл-кўлчилик ва роҳат-фароғатда ўстирган эди, отаси ўлгандан кейин унга мол-дунё, ер-сув, туман бойлик мерос қолди. Абуҳасаннинг отаси бу мол дунёни отасидан мерос олган ёки бошқа бирон йўл билан тўплаган эмас, меҳнат қилиб, тер тўкиб топган эди. Абуҳасанни фосиқ деб аталишига сабаб эса ёшлигидан куш-хурсандлик, хулқ-атвори ўзига ўхшаш одамлар билан айш-ишрат қилишга иштиёқманд бўлганлиги эди. Отаси ҳаёт вақтида уни кўп шўхликлардан тийган, пулни ҳожатига яраша берган, шу билан унинг фисқ-фужур ва шаробхўрликларига монелик қилган эди. Худойи таолонинг иродаси билан отаси бандаликни бажо келтиргач, Абуҳасан отасидан қолган катта давлатни кўриб, ўзига ўхшаш йиғитлардан ошна-оғайни орттирди, уларни едириб-ичиришга киришди, ота касби — савдогарчиликни ташлади, хуш-хурсандлик ва айш-ишрат деб, беҳуда сарф-харажат ва исрофгарчиликка майл қилди. Лекин бунда Абуҳасан бир қараганда оқилу доно, бир қараганда ақли норасо, нодон





каби иш тутди: бор пулини иккига тақсим қилди, бир қисмига ер-сув, уй-жой ва мол-мулк олди, қолганини тиллага алмаштириб, сарф қила бошлади, аммо сотиб олган ер-сувдан келадиган даромадга тегмасликка, тугиб қўйишга онт ичди.

Абуҳасан ҳар куни созанда қизлар ва хонандалар иштирокида дўстларига базм ва зиёфат бериб умрини хуш ўтказга бошлади; ёр-дўстлари билан бирликда яхши таомлар еб ва шароблар ичиб айш қилди, ҳар куни кечагидан кўпроқ пул сарф қилди.

Абуҳасан бутун бир йилни мана шу тариқа ўтказди. Онаси унга панд-насиҳат қилиб: «Эй жигарпорам, муттасил оққан сув ҳам тамом бўлади, зиёфатингни еб юрган ёру жўраларинг давлатинг барбод бўлганда асқатмайди. Ўзингга эҳтиёт бўл, бу ишларнинг оқибатини ўйла»,— дер эди. Бироқ Абуҳасан онасининг насиҳатларига қулоқ осмади, раъйдан қайтмади. Онаси панд-насиҳат қилишдан ҳориди, ўғлининг қулоғига гап кирмаганини кўриб, деди:

— Эй болам, бу хусусда шоир нима депти, қулоқ бер:

Дарахт умрига ўшайдур киши қимсаги,<sup>1</sup>  
Берарда мева улуснинг ёғар раҳмати.

<sup>1</sup> Шеърларни Эркин Воҳидов таржима қилган.

Қуриб қартайганда қолур назардан шул он,  
Утар танҳоликда унут бўлиб ҳиммати.  
Бу дунёга сира йўқдир ишонч,  
Ҳеч қолмади бу замонда дўстнинг қиммати.

Абуҳасан онасининг сўзларини эшитиб кулди, уни мазах ва масхара қилди.

Шу таҳлитда бир йил ўтди. Абуҳасан бир кунни қўлини чўнтагига солиб қараса бир дирҳам ҳам йўқ, чўнтаги эгаси кўчиб кетган ҳовлидай ҳувиллаб ётипти — пулнинг тиллага алмаштириб дўстлари билан айш-ишрат қилишга ажратган қисми тамом бўлишти.

Абуҳасан шипшийдам бўлиб, хафа ҳолда уйига кетаётганида кўриб қолган ёр-дўстлари ундан қочар, кўча-кўйда учраб қолгани эса кўчанинг у юзига ўтар, ёки ўзини кўрмаганга солар эди.

Абуҳасан борган сайин диққат бўлиб: «Шўрим курсин, мен аҳмоқ ва нодоннинг! Нега онамнинг насиҳатларига қулоқ осмадим!»— дерди ва қайғудан кечалари кўзига уйқу келмас, на емакдан лаззат топар ва на ичмакдан. Онаси унинг аҳволини кўриб хафа бўлди ва раҳми келди.

— Нима бўлди сенга, болагинам, нега хафасан, нега бу аҳволга тушиб қолдинг? Биладан, пулинг тугаб, сарфхаражатга ҳеч нарса қолмади, ўн ўртоғинг бундан хабардор бўлиб сендан юз ўғирди, чўнтагингда бир дирҳам қолмагани учун сени кўргиси келмай қолди. Эй бўтам, мен сенга айтмадимми? «Одамлар дарахтнинг мевасига келади, мева тугагандан кейин ташлаб кетади»,— демадимми! Бу гапимни ўйлаб кўрмаганмидинг? Гапларим ҳақ эканига энди ишондингми? Майли, диққат бўлма, қайғурма, худога шукурки, пулингни икки қисмга бўлган эдинг. Ўртоқларинг билан айш-ишратга сарф бўлган пулни қайтариш худонинг, қолаверса сенинг ихтиёрингда, ер-сув олган пулинг бузилмай шундай турипти. Тур ўрнингдан, тетик бўл, мард бўл, минбаъд телбалик қилма!

— Эй она, чўнтагида бир дирҳам йўқ кимсанинг нечоғлик хор ва унинг иззат-ҳурмати поймол бўлишини кўриб турибман!

— Худога шукур, энди тушундинг, ўғлим,— деди она, — минбаъд пулнинг қадрига етасан, билиб сарф қиласан. Камбағаллик кишининг юзини қора қилади. Камбағалдан қариндошлар ҳам юз ўгиради, ҳаммага малол бўлиб қола-

ди. Унга ҳеч кимнинг тоқати қолмайди, афтига қарагиси келмайди. Камбағалнинг кўрадиган куни шу.

— Эй онажон,— деди Абуҳасан,— пулимни еган ўша ўн ўртоғим билан орамизда ўтган гапдан беҳабарсан. Мен уларга «биродарлар, пулим тамом бўлди, энди сизларни илгаригидек зиёфат қилолмайман»,— деган эдим, ҳаммаси мени ташлаб кетди. Энди сенинг сўзларинг рост ва одамларни дарахтга қиёе қилганинг ҳақ эканига ишондим.

— Эй ўғлим,— деди она,— шоир бундоқ деган:

Кечар эрди ҳаётинг бахтиёр, йўқ зарра ғам, кулфат,  
Бу бахтлар охирида борлигин сен билмадинг офат,  
Сафо, лазаат тунн боқий дедингу, чулғади ғафлат,  
Чароғон бўлса ҳам тун гоҳ, ниҳондир кўксига зулмат.

— Мен сенга неча бор айтдим «Абуҳасан, ўғлим, эсингни йиғ, бошингдан беҳуда фикр-хаёлларни чиқариб ташлагину отанг қандоқ умр кечирганини эсла»,— дедим, лекин сен менинг сўзларимга қулоқ солмасдан: «Отам хасис одам эди»,— дединг, шоирнинг байтини пеш қилдинг:

Бадавлат бўлсаму, лек зикна-ю төр,  
Ушалсин майли қўл — мен рози минг бор.  
Ҷаховатли одамни ким қилур хор?  
Хасислар доим эл олдида абгор.

— Қани, ўғилгинам, ўша байтдан нима фойда кўрдинг? Чўнтагингда бир дирҳам ҳам қолмагандан бери қандоқ хорлик-зорлик тортаётганингни кўриб турибсан-ку! Майли, болам, ўтган ишга саловот, энди одам бўлгин.

— Оҳ, онажон,— деди Абуҳасан,— энди сўзларингга инонаман. Сенинг сўзингдан чиқмайман. Лекин ўша ўнта ўртоғимга бир учраб, улардан мадад сўрасам дейман. Қани, кўрай-чи, нима дейишар экан, зора биронтаси дуруст чиқиб мадад берсаю, тирикчилигим ўтса. Лекин биронтасидан ҳам умидим йўқ. Хайриятки, унчалик ҳам муҳтож эмасман, худойи таоло кўнглимга солиб пулимнинг ярмини асраб қўйган эканман. Лекин шундоқ бўлса ҳам, ўртоқларимнинг олдига бориб кўрай-чи, нима дер экан, унда сенинг сўзларинг ҳақ эканига яна ҳам қаттиқроқ инонаман.

Онаси деди:

— Наинки, менинг сўзларимга ҳануз иштибода бўлсанг, ўғлим! Ҳануз ақлинг кирмапти, ҳануз телбага

Ўхшайсан. Ўзинг биласанки, ўша ўнта ўртоғинг наф кўриш, бир нима орттириш учун сенга суйканган эди, пулинг тамом бўлгандан кейин ташлаб кетганидан билмайсанми? Мен сенга айтсам, ўғлим, уларнинг олдига бориб бир манфаат кўришдан умид уз.

— Биладан она, сенинг сўзинг ҳақ,— деди Абуҳасан.— Лекин ҳар қалай бошимга оғир кун тушганда улардан кўмак сўрайман, бир вақти келиб кўнгилда «нега мадад сўрамадим экан» деган армон қолмайди, лоақал ҳеч қайсиси мадад қўлини чўзмаганини билиб қўйсам минбаъд алданмайдиган бўламан-ку.

— Майли, билганингни қил,— деди она,— мен сени раъйингдан қайтармайман.

Абуҳасан тунни ўтказди, эртасига маврид топиб ўртоқларининг олдига борди, ўртоқларининг ҳаммаси уйида экан, ҳар қайсисига ҳол-аҳволини айтди, муҳтожликдан шикоят қилди, мадад ва ҳимоят сўраб деди:

— Э дўстлар, ҳиммат ва мурувват кўрсатиш чоғи келди! Менга мадад қўлини чўзинглар, ишим жўнашиб кетса, бирни ўн қилиб қайтараман, унда яна илгаригидай айшу шират қиламиз. Сизларга нечоғли пул сарф қилганимни ўзларинг биласизлар. Энди навбат сизларга.

Бироқ ўртоқларининг ҳеч биридан садо чиқмади, ҳаммаси ҳам қовоғини солганича, худди уни умрида энди кўргандай, афтига қараб тик тураверди. Ўртоқлари олдида хор-зор бўлганлигини кўриб Абуҳасан онасининг ҳузурига ранж-алам чекиб, дунё кўзига қоронғи бўлиб, кўзида ёш билан қайтди.

— Оҳ, онажон,— деди,— мана бу байтни айтган кимса ёлғончи экан:

Борида давлатинг, бағрингни кенг оч,  
Қувон, олтинни дўстлар бошидан соч.  
Ахир давлат насиб бўлмайди мангу,  
Йиғишдан наф недир — бир кун кетар у.

— Онажон,— деди Абуҳасан яна,— сенинг сўзларинг ҳақ эканини амалда кўрдим. Менга меҳр-муҳаббат қўйган чин дўстларни қидирган эдим, лекин нонкўр, яхшиликни билмайдиган одамларга йўлиқдим. Худо ҳаққи, ҳозир ўшалардан биронтасини ҳам кўргани кўзим йўқ.

— Эй ўғлим,— деди онаси,— ўртоқларинг сенга эмас, сенинг дастурхонингга, сенинг жомингга, сенинг шаробингга ўртоқ эди.

Шундан кейин Абуҳасан Бағдод одамларидан биронтаси билан ҳам ошначилик қилмаслик, уларга зиёфат бермаслик, пулни совурмаслик ва йўриғи билан сарф қилишга онт ичди. Абуҳасан мусофирларга доим мурувват қилиш, ҳар куни кечқурун бирон мусофирга туз бериш ва маст бўлгунча ичириш, уйдан тунагани жой беришга, эрталаб уни кузатиб, кечқурун ўзга кишини кутиб олишга аҳд қилди; бирон киши билан доимий ошначилик қилмаслик учун ҳеч қачон бир кишига икки марта туз бермайдиган бўлди.

Сўнгра, Абуҳасан бор пулининг ярмига сотиб олган ҳовли-жойи ва еру сувидан келган даромадга қўл урди; мўлжалдан ортиқ харажат қилиб қўймасин деб бозорга қулини юбормай ўзи борадиган, керакли нарсаларни ўз қўли билан оладиган, зиёфат бериладиган уйни ясатиб, дастурхонни турли ноз-неъмат ва шароблар билан тузаб, мусофирни кутиб олгани Бағдод шаҳар дарвозасига борадиган бўлди. Бирон мусофир келиб қолса Абуҳасан уни уйига олиб борар, овқатини баҳам кўриб кайф-сафо қилар, тунагани уйдан жой берар, эрталаб: «Саломат бўл»,— деб кузатар эди. Абуҳасан анвойи ҳазил-мутойиба ва қизиқ гапларга ғоят уста бўлиб, ҳатто тош қўғирчоқни ҳам кулдирар эди.

Шу йўсинда бирмунча вақт ўтди. Абуҳасан бир куни Бағдоднинг дарвозаси олдида мусофир кутиб ўтирган эди, дарвозадан Бағдод халифаси Ҳорун ар-Рашид мусофир либосида кириб келди. Ҳорун ар-Рашид одил ва адолатпарвар бўлганлиги сабабли, фуқаронинг ҳолини билгани мудом шаҳарни яширинча кезар, ҳар ойнинг бошида эса ҳокимларни зимдан кузатиш, уларнинг Бағдоддан ташқарида халққа нечоғлик адолатли эканликларини билиш учун бошқа либос кийиб шаҳардан ташқарига ҳам чиқар эди.

Халифа қули Масрур билан Мўсул<sup>1</sup> савдогари либосида Бағдод дарвозасидан кирганда Абуҳасан ўрнидан туриб, югурганича унинг олдида борди, ялиниб-ёлвориб халифани уйига таклиф қилди:

— Эй мусофир, меҳмоним бўлгин, иззат ва ҳурматингни бажо келтираман. Лекин шартим бор: бир оқшом тунайсан, эрталаб йўлингга кетаверасан ва минбаъд қайтиб келмайсан,— деди.

---

<sup>1</sup> Мўсул — Ироқ шаҳарларидан бири, ўрта асрда йирик савдо ва ҳунармандчилик саноати маркази бўлган.

Халифа бу сўзни эшитиб, бундай шартнинг боисини билгиси келди-ю, унинг таклифини қабул қилди. Абуҳасан халифани эргаштириб кетди ва хитойи чинилар, шоҳи кўрпалар, зарҳал билан дуолар битилган жойнамоз ва кимхоб ёстиқлар билан оро берилган зебо уйга олиб кирди.

Халифа ўтирди. Абуҳасан чиқиб тустовуқ, каклик ва бошқа тансиқ таомлар, қимматбаҳо қанд-қурсга тўла хонтахта олиб кирди. Иккови еб-ичиб, хурсандчилик қилди, хусусан халифа иштаҳа билан таом еди. Булар овқатдан фориг бўлгач, қул дастшўй ва офтоба келтириб қўлларини ювдирди. Абуҳасан чиқиб қуруқ мевалар, анвои ширинликлар, кўҳна ва ниҳоятда тиниқ шароб келтирди ва қадаҳни тўлдириб:

— Менга катта илтифот кўрсатдинг, эй азиз меҳмон, шу қадаҳни сенинг саломатлигинга сипқорамиз,— деди ва ҳазиллашгиси келди.— Мен сенга бир сиримни айтмоқчиман, хўроз сувсаса қут-қутлаб макиёнларини чақиради. Макиёнлар «бу нима деяётгани экан?»— дейди. Мен сизга айтсам, меҳмон, хўрознинг макиёнларга қут-қутлагани «сивларни яхши кўрганимдан саломатликларингга ичаман» дегани бўлади. Мен ҳам шундоқ демоқчиман, азиз меҳмон, сени камоли яхши кўрганимдан саломатлигингга ичаман.

— Саломатликка ич, роҳат қил,— деди халифа ва Абуҳасаннинг фосиқ одам эканини билиб хурсанд бўлди.

Абуҳасан қадаҳни тўлдириб шароб қуйди, қараса, халифа индамай виқор билан ўтирипти, унга қадаҳни тутиб деди:

— Нимани ўйлаб қолдинг, меҳмон? Ўйлашнинг ҳожати йўқ, сабабки, худойи таолонинг айтгани бўлади. Кел, ич, шароб кишининг фикрини очади. Умр бўйи ўй-хаёл шикини елкасига ортиб юрганлардан худо биэни паноҳида сакласин. Умрнинг эгови ташвиш-таҳликани унут, бир лаҳзалик шод-хуррамликни ҳам қўлдан берма. Эй меҳмон, бахт-толе қаерда эканини мендан ўзга ҳеч ким билмайди. Ич, бахт нимада эканини айтиб бераман.

Халифа шаробни ичди. Абуҳасан қадаҳни олиб яна тўлдирди ва деди:

— Менга қара, меҳмоним, мана шу қадаҳни ким кўтарса бахт-толе ўшаники.

Абуҳасан қадаҳни кўтарди. Унинг қилиқлари ва телба-лигидан халифа кулди, кўнгли ёзилди.

— Худо ҳаққи, Абуҳасан,— деди халифа,— сендек киши билан ошна бўлганимга шодман, сабабки, сен масрур,

мамнун ва фосиқ одам экансан. Марҳамат қилиб менга яна бир қадаҳ май бер, сенга бу кўзани ичиб тугатгани кўмак бераман.

Абуҳасан кулди ва хитоб қилди:

— Худо ҳаққи, сен ҳам менга маъқул бўлиб қолдинг, меҳмоним,— деди ва қадаҳни тўлдириб халифага узатди.— Бил ва огоҳ бўлгинким, буни «қадаҳи дарий»<sup>1</sup> дейдилар.

Халифа қадаҳни олиб хитоб қилди:

— Қадаҳи дарий ажиб экан! Эй Абуҳасан, ким билан ошналик қилишни билар экансан. Бу қадаҳи дарийнинг тенги-тимсоли йўқдир!

— Аё меҳмоним,— деди Абуҳасан,— сен билан майхўрлик қилмоқ буюк саодатдир, сабабки, сен ҳам менингдек айш-ишратни хуш кўриб, юзида ҳамиша гусса аломати зоҳир бўлган кимсаларга ўхшамас экансан. Азбаройи худо, меҳмоним, ниҳоят, бугун яхши улфат топдим! Мен сени шаҳар дарвозаси олдида кўришим билан хушчақчақ ва ишрат муҳиби эканингни, ҳузур-ҳаловат менга насиб бўлганини дарҳол билдим,— деди Абуҳасан ва шу байтни ўқиди:

Агар билсайди хонам ким унинг бу кеча меҳмони,

Упарди ул қувончдан изларингизни ўшал они.

Забони бўлса дерди пойингизга бош уриб хонам:

— Салом, хуш келдингиз, эй зоти пок, хонларни ҳоқони.

Абуҳасан хитоб қилди:

— Эй меҳмоним, бугун сендек дилкаш, хуштаъб ва хушнуд кишини учратганимдан беҳад масъуд ва бахтиёрман.

Унинг бу сўзларини эшитиб, атворини кўриб халифанинг таъби хуш бўлди. Орада яна қадаҳ айланди ва «ҳўл бориб қуруқ келаверди». Ниҳоят, кайф бошга қараб ўрмалади. Лекин халифа боши матин бўлгани сабабли, ҳеч қанчалик ўзгармади ва Абуҳасан нима сабабдан мусофирни фақат бир мартаба зиёфат қилишининг боисини билгиси келди. Абуҳасанинг кайфи ошгандан кейин халифа деди:

— Бошинг ҳаққи, Абуҳасан, менга айтгин: касб-коринг нима ва кимнинг фарзандисан?

Абуҳасан деди:

— Узр, меҳмоним, сен ҳам сафсатага иштиёқманд кўринасан. «Меҳмон бор жой сафсатадан холи бўлмас», деган мақол бор.

<sup>1</sup> Еввойи қадаҳ.

Лекин халифа савол устига савол бериб Абухасанини шундәй танг қилди-ки, ниҳоят, у деди:

— Билгин ва огоҳ бўлгинки, мен савдогарзодаман. Худойи таоло отамга кўп давлат ато қилган. Лекин, у мени қаттиқ тутиб тарбия қилди, эркатлатмади ва исрофдан тийди, менга ортиқча харж бермай ўстирди. Мен болалигимдан кайф-сафога мойил бўлиб, зуваласи ўзим қаби йигитлар билан ошналик қилар эдим. Отам эса мени бундан тияр эди. Отам мумсикроқ одам бўлганлиги сабабли, раҳматлик ўлганидан кейин менга кўп миқдорда пул қолди.

Отам менга кўп дунё қолдириб, оламдан ўтгандан кейин вақтчоғлик, хурсандлик қилмоғимга монелик қилувчи кимса бўлмагач, вақтим чоғ бўлди-ю, бутун меросни йиғиб иккига тақсим қилдим, бир қисмига боғ-роғ, уй-жой, еру сув ва бошқа мулк сотиб олдим ва булардан келадиган даромаддан бирон чақасини ҳам сарф қилмай сандиққа солиб қўйиш хусусида олт ичдим; иккинчи қисмини сарф-харажат учун нақдгина пул қилиб ёнимга солиб қўйдим. Отам ҳаёт вақтида қўлдан берган кунларимнинг ҳам ҳиссасини чиқариб айш-ишратга берилдим, ўзимга муносиб бир қанча ёр-жўра орттирдим, пулни емак, ичмак, созанда ва хонанда қизларга сарф қилиб, кеча-кундуз ишратда бўлдим. Ёрошналарим ҳеч нарсадан муҳтожлик тортмади. Мен булар билан кунларимни масрур ўтказдим.

Бир йил кайф-сафо қилдим, бир йилдан кейин, азиз меҳмоним, қўлимни чўнтагимга солиб қарасам, бир дирҳам қолмапти. Бундан хабардор бўлган ёр-жўраларим мени ташлаб кетдилар. Булардан биронтаси келиб «кўнглим сенда» демади. Мен не аҳволга тушиб қолганимни кўргач, ёр-жўраларимнинг олдига бориб, ёрдам сўрадим, сабабки, пулимни шуларга сарф қилганман, арз-ҳол қилдим. «Бир оз пул беринглар, савдогарчилик қилай, ўзимни ўнглаб олганимдан кейин қайтариб бераман»,— дедим. Шундоқ дедим, азиз жонинг ҳаққи, меҳмоним, ёр-дўстларимдан биронтаси юзимга қарамаса, мени танимагандай, шумшайиб олса бўладими! Кўп хафа бўлиб уйга қайтиб келдим ва ўзимга дашномлар бердим. Тангри ҳаққи, отам замона ва унинг фарзандларини билгани учун хасис бўлган экан! Минбаъд бу одамларнинг биронтаси билан ошналик қилмайман, уйимга фақат мусофирларнигина чорлайман деб олт ичдим. Меҳмондорчилик, ошначиликни яна бошлаб юборишдан қўрқиб, мусофирни ҳам фақатгина бир кеча меҳмон қилшга, эрталаб «мен сени билмайин, сен мени билмайсан»,



қабилда кузатмоққа аҳд қилдим. Шундай қилиб, азиз меҳмоним, мулкларимдан келган даромадни сарф-харажат қилиб, маъна шу тариқа умр кечирдим. Сени кўриб хурсандликдан сархуш бўлдим, сабабки, шунча катта-кичик меҳмон кутиб сендек хуштаб кимсани кўрмаган эдим.

Абуҳасаннинг сўзлари, унинг фаросати ва тадбиркорлиги маъқул бўлиб, халифа деди:

— Эй Абуҳасан, волло-билло, сенинг бу қилмишинг фаросат соҳиби ва тадбиркор кимса эканинг нишонасидир, сабабки, замонанинг бевафолигини билиб, ақчанинг бир ҳиссасини заҳира тутибсан. Сен одамизод ҳамиша бир зайлда кун кечирмаслигини фаҳм этиб, мол-мулк орттирибсан, шу тариқа давлатнинг бир қисмини омон сақлабсан, бунинг устига беҳудагарчилик ва фисқ-фужурни тарк этибсан, йўриқсиз сарф-харажат ва исрофгарчиликдан қайтибсан, ақл-идрок, фаросат билан иш тутуш ва расамад йўлига кирибсан. Парвардигорга ҳамдлар бўлсинки, Абуҳасан, беақллик қилиб, ақчанинг қолган ҳиссасини ҳам қўлдан бермабсан. Волло-билло, сенинг фаҳм-фаросатингга тасанно, мен бу қилиғингдан хушнуд бўлдим, сабабки, ёш бўлсанг ҳам, ҳар нечук, ошналаринг билан кайф-сафо йўлида пул совурмоқ одатини тарк этибсан. Сени ҳақ йўлга бошлаган худойи таоло ўз паноҳида сақласинким, ақлинг кириб тавба қилибсан. Иншооло, ҳар куни бир мусофирга туз берсанг, унинг оқибатида, аввало, хушбахт бўласан, сониян, ўз уйингда турли тоифадаги одамлар билан суҳбатда бўлиб, улардан таълим олсан, билмаганингни ўрганасан. Бу одамлар сенга ўз юртлари хусусида сўзлаб берадилар ва сайр-саёҳат қилиб, сенга шуҳрат келтирадилар ва илтифотингдан миннатдор бўладилар.

— Эй меҳмоним,— деди Абуҳасан,— биз гап билан овора бўлиб қадаҳи дарийни ёддан чиқарибмиз. Жомингни бер!

— Дарвоқе,— деди халифа,— биз фурсатни шаробсиз вое кетгазибмиз. Жомни тезроқ сипқор ва менга ҳам сўн.

— Волло-билло, азиз меҳмоним, мен сендек хушчақчақ кимсани умримда кўрган эмасман. Мени фосиқ дейдилар, лекин, азбаройи худо, сен мендан ҳам фосиқроқ экансан.

Халифа кулди. Абуҳасан ичди ва жомни тўлдириб халифага узатди. Иккови яна ичишга, хурсандлик қилишга киришди. Ярим кеча бўлганда халифа деди:

— Энди ухламоқ чоғи етди, Абуҳасан, лекин ётишдан олдин сенга сўзим шуки, мен саҳарда тураман, мен турган-

да сен балки уйқуда бўларсан. Ҳаловатингни бузмаслик мақсадида меҳрибончиликларинг учун ҳозир миннатдорчилик изҳор қилиб, сенга яхши тилаклар тиламоқчиман. Лекин, менга қулоқ бер, Абуҳасан! Мен ҳам сенингдек фаровонлик, ҳашаматда ўсганман ва ҳамиша зодагонлар билан ошналик қилганман. Биз бир қориндан талашиб тушгандек умр кечирар эдик. Биронтамиз бирон нарсага зориқсак, бошқамиз унинг ҳожатини чиқаришга, биронтамиз бирон тангликка тушса, бошқамиз уни қўллашга ҳаракат қилар эдик; оқибатда муҳтожлик ва ё тангликка тушган киши ўзини ўнгариб, сарват ортдириб биз билан яна айш-ишратда умр кечирар эди. Мен тилар эдимки, Абуҳасан, мен уйқуга кетгунча меҳрибонлик қилиб, ҳеч нарсени пинҳон тутмасдан кушод айтсанг: кўнглингда бирон орзу-армонинг, бирон тилагинг йўқми? Худо ҳаққи, мендан ҳеч нарсени яширмасдан айт, сабабки, бу шаҳарда менинг қўлим узун, эришолмаган кўп орзуларингга эриштирмоғим муқаррар. Эришолмаган муродинг бўлса айт, токи мен ўша муродингга етказайину, бу кеча қилган яхшиликларингга яхшилик қайтариш шарафига ноил бўлайин. Ҳаллоқи эгам ҳаққи, мусофирларга меҳрибонлигинг туфайли мен сенга шўнғил қўйдим.

Абуҳасан жавоб берди:

— Эй масъуд меҳмоним, илтифотинг учун ташаккур. Бу сўзларинг самимий эканига аминман. Лекин мен қаноатли одамман, ҳарнаки худойи таоло берипти, шукур қиламан. Шу сабабли бошқа муродим йўқдир. Шундоқ бўлса ҳам, азиз меҳмоним, марҳаматинг, меҳрибончилигинг учун қуллуқ қилмай иложим йўқ, сабабки, мени иззат қилиб кечани мен билан хурсандликда ўтказдинг, тузимни татидинг, катта бошингни кичик қилиб кулбамга қадам ранжида қилдинг. Лекин, менинг муродим хусусида савол қилдинг, менинг бир муродим бордирки, бунга эришмоғим худойи таоло измидадир. Сенга маълум бўлсинким, маҳалламиздаги тўрт нафар қари миршаб мадоримни қуритди. Худонинг ғазабига дучор бўлгур бу гўрсўхталарнинг дастидан ҳамма беҳаловат. Буларнинг ҳар кунни маҳалла аҳлига озор етказиш, биров билан муноқаша қилишдан ўзга иши йўқ: бировдан пул тамаида бўлади, бошқа бировни ҳақорат қилади. Маҳалламизнинг имоми ҳам гўрсўхта бир мўйсафид, ер юзида ундан мурдорроқ одам йўқ. Мана шу беш мурдор — бир гўнгтепа. Буларга салом берсанг, «кўзинг чиқсин» деб жавоб беради, ўз сояси билан чиқишмай-

ди, ўз соқолига ўзи чанг солади: Булар мана шундоқ мурдор, маймунсифат одамлардир.

Халифа кулиб сўради:

— Бу беш нобакорни нима қилмоқ тилагидасан?

— Оҳ, азиз меҳмоним, худойи таолодан ниҳояти биттагина тилагим бор: худонинг ноиб Амиралмуслимин Ҳорун ар-Рашиднинг тахтига бир кунгина ўтирсам дейман.

— Амиралмуслимин Ҳорун ар-Рашиднинг халифалик тахтига бир кун ўтирсанг нималар қилар эдинг?— деб сўради халифа.

— Аввало, яхши кишиларга лутфу марҳамат кўрсатган сендек кишига инъом ва эҳсонлар қилар эдим,— деди Абуҳасан,— ундан кейин, мачитнинг имомини олдириб келиб, филнинг думи билан тўрт юз дарра урдирар эдим ва унинг мурдорлигини ўзига кўрсатар эдим. Ундан кейин, ана у тўрт мурдор миршабни ҳам олдириб келар эдим. Уларга ҳам дарра урдирар эдим. Маҳалла одамларига азият еткурмасин учун уйига қамаб қўяр эдим, токи ҳаммаси қуръон тиловат қилиб уйда ўтирсин. Ҳаммасини ўзим боқаман.

Абуҳасаннинг адолатан айтган сўзлари халифага маъқул бўлди, сабабки бир кунгина халифа бўлиб, ёмон одамлардан қасос олмоқчи, маҳалла аҳли, ҳақиқатан, тўрт мўйсафид миршаб ва имомдан кўп ранж-алам кўрган эди.

— Эй Абуҳасан,— деди халифа,— сенинг сўзларинг дарҳақиқат адлу адолатдан, бу сўзлар худойи таолога хуш келиб, сени мақсад-муродингга еткурмоғи муқаррардир. Сен адолат деб, ёмон одамлардан қасос олмоқ ниятида халифа бўлмоқни ихтиёр этганинг қулоғига етиб, Амиралмуслимин сенга бир кунга тахтини берса ажаб эмас. Ўзим Мўсул савдогари бўлсам ҳам, Амиралмуслиминни сенинг хоҳишингдан огоҳ қилишим душвор эмас, халифа билан ошначилигим бор.

Абуҳасан кулиб деди:

— Азиз меҳмоним, назаримда, ҳазил-мутойиба қилаётибсан, менинг норасо ақлимдан кулаётибсан. Ҳақиқатан, сен бориб айтсанг Амиралмуслимин икковимиздан ва менинг телбалигимдан кулади, холос. Лекин халифа билса бу одамларнинг жазосини берар эди.

— Йўқ, Абуҳасан,— деди халифа,— мени масҳара қилаётибсан, деган гапни айтма. Сендек яхши одамни масҳара қилишдан худо сақласин, сени масҳара қилмоқ яхшиликка ёмонлик қайтармоқ бўлур эди. Халифа ҳам сеши

масхара қилмайди, билъакс сенинг ниятинг унга хуш келади. Энди сўзни бас қилайлик, тонг отиб келяпти.

— Сени уйқу босяпти, чарчадинг,— деди Абуҳасан,— лекин кўзачада ҳали шароб бор, тугатиб қўяйлик, ундан кейин ухлаймиз. Сенга яна бир сўзим бор: эрталаб мени уйғотмасдан кетадиган бўлсанг, эшикни ёпиб кет.

— Хўп бўлади, Абуҳасан,— деди халифа,— лекин охириг қандашни ўз қўлим билан қуяман.

— Жоним билан!— деди Абуҳасан.

Халифа кўзачани олди, шароб қуйиб ичди, кейин қандашни тўлдирди-да, ичига бир миқдор банг солиб Абуҳасанга узатди.

— Шу чоққача сен менинг хизматимда бўлдинг, энди мен сенга хизмат қилай.

Абуҳасан қуллуқ қилиб унинг қўлидан қандашни олди ва бир томчи қўймай сипқорди. Шароб билан банг кор қилиб бошини айлантирди, Абуҳасан йиқилди-ю, қотди қолди. Халифа кулди.

Халифанинг қаршисида Масрур турар эди. Халифа унга деди:

— Масрур, буни елкангга кўтариб ол. Бу ҳовли эсингдан чиқмасин, келтириб қўясан.

— Бош устига, Амирамуслимин,— деди Масрур.

Халифа ҳовлидан чиқди. Масрур унинг кетидан Абуҳасанни кўтариб борар эди. Эшик очиқ қолди. Саройга етиб бордилар. Саройда канизлар, қуллар ва ҳарам оғалар ҳануз ухламаган экан. Абуҳасанни саройга олиб кирдилар. Халифа чўриларга буюриб Абуҳасанни ечинтирди, унга ўзининг тунги либосини кийгизиб, ўз ўрнига ётқизди. Кейин халифа саройдаги ҳамма чўри, каниз, ҳарам оға ва хизматдаги бошқа одамларни чақирди, ҳамма йиғилгандан кейин деди:

— Эртага мана шу одамни менинг ўрнимда кўриб ихлос ва садоқат билан хизматини қилинглар. Бирон киши менга хизмат қилмасин. Сўзим қулоқларингда бўлсин.

Халифа вазири Жаъфарни чақиртирди, унга бутун воқеани баён қилди, сўнгра деди:

— Эртага эрталаб бутун аёнлар билан девонхонага кел. Абуҳасан халифа бўлиб девонга чиқади. Мени қандай эъвоз қилсанглар, уни ҳам шундай эъвоз қилинглар. Бу хусусда барча амир ва вазирларни огоҳ қилинглар. Ҳамма Абуҳасанни халифа деб билсин. Унинг сўзидан чиқманглар, билъакс, подшоликнинг бутун сарватини сарф

қилиб, казинани барбод қилган тақдирда ҳам амр-фармонини бажо келтиринглар, амридан чиқманглар. Сизларга сўзим шу.

Вазир халифага таъзим қилиб, «бош устига, амр-фармонларига ҳозирман, Амиралмуслимин»,— деди ва чиқиб кетди. Халифа ётоғига кирди ва ҳарам оғани чақиртирди, унга ҳам Абуҳасанни халифа ўрнида кўрмоқни тайинлаб деди:

— Абуҳасанни уйғотмасдан олдин мени уйғотгин. Мен чиқиб бирон гўшага беркинаман ва унинг қилмишларини мушоҳада қиламан.

Ҳарам оға: «Ё Амиралмуслимин, амр сизнинг амрингиз, фармон сизнинг фармонингиз»,— деди. Халифа уйқуга кетди. Ҳарам оға уни саҳар вақти уйғотди. Халифа таҳорат қилди, намоз ўқиди, сўнгра, Абуҳасан ётган уйга кириб, бир гўшага бекинди.

Тонг отганда барча каниз ва чўрилар келдилар. Бир неча каниз Абуҳасаннинг бош томонига ўтди. Ҳарам оғалар қўлларини қовуштириб бир чеккада турдилар. Абуҳасанга банг карахтлигини ёзгувчи дори бердилар. Абуҳасан бошини кўтарди, лекин кўзини дабдурустдан очолмади. Унинг боши ниҳоятда оғир эди. Абуҳасан аста-секин кўзини очиб қаради, зарҳал билан тикилган шоҳи парку кўрпада ётганини кўрди; ётган уйи ақлни ҳайратга соларди, атрофида жаннатнинг ҳурлари...

Абуҳасан кўзларини ишқалади, катта очди, қараса атрофида канизлар, чўрилар, буларнинг ҳар бири ойдан ҳам гўзал, кундан ҳам, ҳаммасининг қўлида соз; қора чурилар, ҳарам оғалар қўл қовуштириб турар эдилар. Абуҳасан шошиб қолди, гоҳ ўннга, гоҳ сўлга ағанади, ҳайратдан ақли лол бўлиб ичида деди:

«Ё раббим, бу қандай ҳол? Бу тушимми, ўнгимми? Йўқ, тушим эмас, бу одамларни, устимдаги шоҳона либос, бошимдаги салла, шоҳона тўшакни ўнгимда кўраётиман. Халифа бўлганимга шубҳа йўқ. Нима ҳодиса рўй берди, Абуҳасан? Ҳозир бирон маҳрам «хўжам ақлдан оздилар» дейди-ю шифохонага элиб ётқизиб қўяди. Ўзим халифаликни орзу қилар эдим, охири тушимда халифа бўлибманда. Гап шу. Мен кеча меҳмоним Мўсул савдогарига шу тўғрида кўп валақлаган эдим, ўнгимда айтган гапларим тушимга кирипти»,— деди.

Абуҳасан шундай деди-ю, кўзларини юмиб, ухламоқчи бўлди. Шу он бош ҳарам оға унга яқин келиб:

— Ё Амиралмуслимин, тонг отяпти. Турсинлар, таҳорат олиб, намозга майл қилсинлар,— деди.

Абуҳасан бу сўзни эшитиб ўзича хитоб қилди:

— Қандоқ ҳодиса рўй берди? Тушимми, ўнгимми? Ухла, Абуҳасан, биров ақлдан озипти, жинни бўлипти демасин тагин!

Абуҳасан кўзларини юмиб ўзини уйқуга солди. Бош ҳарам оға унга яна ҳам яқинроқ келиб деди:

— Ё Амиралмуслимин, ухлмасинлар. Турсинлар, таҳорат олиб, намоз ўқисинлар. Ҳозир офтоб чиқади, бомдод намозини қазо қиладиган одатингиз йўқ эди.

— Ё раббим,— деди Абуҳасан,— нима бўляпти ўзи? Мен ухлаб ётибман, ухлаб ётган одам бировнинг товушини эшитмас эди, мен нега эшитяпман!

Абуҳасан кўзини очиб, атрофида турган каниз, чўри, маҳрам ва ҳарам оғаларга қаради, уйқусини қочириш учун кўзларини яна ишқалади, кўраётганлари туши эмаслигига ишонгач, халифа бўлиб қолганини кўриб, кулиб юборди. Бир чеккада беркиниб ўтирган халифа ҳам кулди.

Чўрилар, канизлар ва ҳарам оғалар Абуҳасан кўзларини очиб қараб турганини кўриб яқинроқ бордилар, унга узоқ умр тилаб, таъзим қилдилар, ер ўпдилар, биров уд, биров чанг, биров рубоб ва бошқа созларни чалиб, Абуҳасанга мадҳиялар ўқидилар.

Абуҳасан гаранг бўлиб қолди, кўзларини қўли билан беркитиб қичқирди:

— Менга нима бўлди? Ё раббим! Булар халифанинг канизлари, чўрилари-ку! Қандоқ ҳодиса рўй берди! Жинни бўлиб қоласан, Абуҳасан! Худойи таоло ҳар нарсага қодир, ростдан ҳам ўнгимга ўхшайди.

Абуҳасан яна кўзини очди-да, ҳар бири ҳусн-жамолда офтобни хира қилиб турган чўриларни кўриб, хитоб қилди:

— Ақлдан оздимми, ё буларнинг ҳаммаси чинми?

Абуҳасан шу тўғрида ўйлаб, ўзича гапирётган вақтда бош ҳарам оға унга яқин келди ва таъзим қилиб, ер ўпиб деди:

— Ё Амиралмуслимин, ҳеч маҳал бу вақтгача ухлмас эдингиз, ҳеч қачон бомдод намозини тарк этмас эдингиз. Бу кеча уйқуда ҳаловатингиз бўлмади чоғи, нотоб бўлсангиз ажаб эмас. Лекин ҳозир девонхонани очмоқ маҳали етди, вазирлар, амирлар, сарой аъёнлари девонхонада сизнинг адолат ва ҳукмингизга мунтазир.

Абуҳасан бош ҳарам оғанинг бу сўзларини эшитиб

ҳанг-манг бўлди, ҳозир у нима бўлаётганини англашдан, бирон сўз айтишдан ожиз эди; ҳарам оғадан сўради:

— Нима гап ўзи? Сен кимга сўзлаяпсан, кимни «Амиралмуслимин» деб айтяпсан?

Абуҳасан гаранг бир аҳволда, нима бўлганини, нима бўлаётганини билолмас эди. Халифа Абуҳасанга қандай муомалада бўлмоқни ўргатган бош ҳарам оға унинг олдига келиб деди:

— Ё Амиралмуслимин, камина қулингиз бўламан. Сиз бу гапларни менга синамоқ мақсадида айтаётибсиз. Менинг соҳибим, Амиралмуслимин деб сизни айтяпман. Сиз худонинг ердаги сояси, аббосийлардан бешинчи ҳукмдор Ҳорун ар-Рашид, мағрибдан машриққача барча иқлимларнинг ҳукмдори, пайғамбарнинг вориси, инси жинснинг соҳибидирсиз. Сояий давлатингизда ўсиб-унган қулингизман, наҳот шуни эсдан чиқарсам. Мен сиэнинг лутфу марҳаматингиздан умидворман, Амиралмуслимин. Сизга менинг тўғримида бирон ғаламис бадгўйлик қилган бўлса ажаб эмас. Шунинг учун мени эътироф қилмай турибсиз. Мен умримда сиздан бундай сўзларни эшитган эмасман. Балки бирон туш кўриб беором бўлгандирсиз?

Абуҳасан бош ҳарам оғанинг бу сўзларини эшитиб қаққаҳа урди ва чалқанча йиқилди. Унинг кулгисини эшитиб халифа ҳам кўп кулди. Абуҳасан кулгидан тийилиб ўйлаб қолди ва у ёқ-бу ёққа қаради-да, шу ерда турган бир Маҳрам болани кўриб қолди.

— Ҳой бола, мен кимман?

— Эй хўжам, сиз бизнинг соҳибимиз, Амиралмуслимин, пайғамбаримиз ноиби, жами дарё ва қитъаларнинг ҳукмдорисиз,— деди бола.

Абуҳасаннинг аччиғи келди.

— Ёлғон айтасан, малъун! Ўзинг кичкина бўлсанг ҳам ёлғончи, юзи қора экансан!

Абуҳасан чўрилардан бирини чақирди.

— Бу ёққа кел, соҳибжамол!— деди, чўри келгач, унга бармоғини узатди.— Тишла! Қаттиқ тишла-чи, уйқудаманми ё уйғоқ?

Халифа калака қилиш учун Абуҳасанни шу кўйга солганини чўри қиз билар эди. У Абуҳасаннинг бармоғини оғзига олиб шундай қаттиқ тишладики, Абуҳасан додлаб юборди.

— Вой! Азбаройи худо, уйқуда эмас, уйғоқ эканман. Бу ишлар ўнгимда бўляпти.

Сўнгра, Абуҳасан чўрига юзланиб сўради:

— Худони ўртага солиб сўрайман, соҳибжамол, айт, мен кимман ўзим? Елғон гапирма!

— Эй хўжам,— деди чўри,— сиз бизнинг ҳукмдоримиз Амиралмуслиминсиз. Худонинг ердаги сояси бўласиз. Оллоҳ давлатларини барқарор қилсин.

— Е раббим, Абуҳасан халифа бўлади деб ким ўйлаган эди,— деди Абуҳасан,— «бир кунда не ҳодисалар бўлиб ўтмайди» деган гап ҳақ экан. Лекин бошим бунча оғир? Лаънати чўри ёлғон гапирмаётитими экан.— Сен малъун ёлғончи экансан-ку,— деди Абуҳасан чўрига,— менинг ким эканлигимни яхши биласан.

Шу он бош ҳарам оға унинг олдига келиб, деди:

— Е Амиралмуслимин, девонхонада жамоат жам.

Абуҳасан ўрнидан турмоқчи бўлди. Бош ҳарам оға унинг қўлтигидан олиб тўшакдан туширди.

Саройдаги барча чўрилар, канизлар, хизматкор ва қўллар баробар: «Ассалому алайкум, Амиралмуслимин»,— деб қичқирдилар. Абуҳасан бу товушларни эшитиб, салтанатини кўриб халифа эканига гумонсирамай қўйди, лекин бу воқеа қандай ва нима бўлиб юз берганига ҳайрон ва саросима бўлиб хитоб қилди:

— Воллоҳ, воллоҳ! Эй Абуҳасан, кечагина Абуҳасан эдинг, бугун Амиралмуслимин, худойи таолонинг ноиб бўлиб турибсан. Мунча яхши! Худойи таоло ҳар нарсага қодир.

Чўри ва канизлар уни ювинтирдилар, унга халифа либосини кийгиздилар, ўзлари олдинда, Абуҳасанни ҳашам билан ётоқдан олиб чиқиб, девонхонага олиб кирдилар. Шундан кейин чўрилар уни ҳарам оғаларга топшириб, ўзлари чиқиб кетдилар. Ҳарам оғалар Абуҳасанни катта девонхонага олиб кириб, халифа тахтига ўтқиздилар. Хизматкорлар, қўллар таъзим билан ер ўпиб, унга ҳашамат ва салтанат тиладилар. Абуҳасан девонхонага кўз югуртириб, муҳофазатда бўлган сарбозлар, ҳарам оғалар ва бошқа одамларни кўрди.

Халифа катта девонхонага олдинроқ кириб бир гўшага бекиниб олган, Абуҳасаннинг нималар қилишини кузатиб турган эди. Абуҳасан тахтда виқор билан ўтирар, чинакам халифадек, сазовор бўлган кишиларга лутф-эҳсон қилар эди.

Бир оздан кейин вазир Жаъфар кириб келди, таъзим қилиб ер ўпди ва Абуҳасанга шон-шавкат, мангу салтанат тилади ва деди:



— Ё Амралмуслимин, ё валинеъмат, душманларингиз забун, салтанатингиз фузун бўлсин!

Абуҳасан чиндан ҳам халифа бўлганига ишонди ва: «Мен худойи таолодан бир кунлик салтанат тилаган эдим, худойи таоло менга салтанатни мангу берди»,— деб қўйди.

— Жаъфар, ҳозир хаёлингдан нима кечаётганини, кўнглингдаги борини айт,— деди Абуҳасан.

— Ё Амралмуслимин,— деди Жаъфар,— вазирлар, амирлар ва сарой аъёнлари ҳузурингизга киргани эшик олдида мунтазир, Амралмуслиминнинг амр-фармонларини эшитмоқ, бажо келтирмоқ истайдилар.

Абуҳасан бош ҳарам огага юзланди, сарой аъёнларига девонхонага киргани ижозат берди.

Аъёнлар девонхонага кириб таъзим қилдилар, ер ўпдилар ва Абуҳасанга салтанат тиладилар.

— Ё Амралмуслимин, сизга зафар ёр, душманларингиз хор бўлсин!

Аъёнлар яна таъзим ва тавозе билан ер ўпдилар. Абуҳасан буларга ўтирмоқни амр этди. Аъёнлар ҳар бири ўзига муносиб ўринга ўтирди. Жаъфар халифанинг олдига келди, унинг ёнида тик туриб, узоқ-яқин ишлар хусусида сўзлади, давлат ишларига оид хатлар, маълумотномаларни ўқиб берди. Абуҳасан халифадек ҳар тўғрида ўз ҳукмини чиқарди: бир ишини ман қилди, бир тўғрида амр-фармон берди, бировни бир нарсадан маҳрум, бировга лутф қилди. Жаъфар унинг олдида қўл қовуштириб турар эди.

Шу чоқ Абуҳасаннинг кўзи миршаббошига туриб қолди ва уни таниди.

— Жаъфар,— деди,— менинг миршаббоши ва унинг одамларига ишим бор.

Буни эшитиб миршаббоши одамлари билан Абуҳасаннинг олдига келди ва ҳаммаси таъзим қилиб ер ўпди, Абуҳасанга шон-шавкат, мангу салтанат тилади.

— Ё Амралмуслимин, амр-фармонингизга тайёремиз.

Абуҳасан амр қилди:

— Фалон маҳаллага бориб, ўша маҳаллалик тўрт миршабни ушланглар, ундан кейин жомега кириб, имомни тутинглар. Буларнинг ҳар бирини фил думи билан тўрт юз дарра уринглар, сўнгра туяларга тескари миндириб думини ушлатинглару шаҳарни айлантинглар. Олдинда жарчи юриб, «ўзига тегишли бўлмаган ҳар ишга аралашадиган, қўшнилари орасига нифоқ соладиган одамларнинг

жазоси шу» деб жар солсин. Бешови бадном этилгандан кейин шаҳардан ҳайдаб солинглар, шаҳарга қайтиб кирма-син; Бағдоддан ташқари бирон маҷитга киргизиб қўйинг-лар, ёвузлик қилишдан ҳаммаси бир оз дам олсин. Фармо-нимни бажо келтирганингиздан мени огоҳ қилинг. Менинг сўзимни иккита қилишдан қўрқинг, каллангизни оламан.

Халифа Абуҳасаннинг миршаббошига айтган бу сўз-ларини эшитиб кулгидан беҳуд бўлаёзди ва ўзига деди:

— Абуҳасан тўрт қари миршаб ва имомни хотиридан чиқармаган экан, шундоқ жазога лойиқ бўлган одамларга адолат ва ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқарди. Абуҳасан ха-лифа бўлса шундоқ қилмоқчи эди.

Миршаббоши қайтиб келгунча Абуҳасан девонхонада иш билан машғул бўлди, ҳукмлар чиқарди. Миршаббоши қайтиб, таъзим қилганда Абуҳасан сўради:

— Менинг фармонимни бажо келтирдингизми?

— Орий, Амралмуслимин, — деди миршаббоши, — фар-монингизни бажо келтирганимга маҳалла аҳли ва казо-ка-волардан шаҳодатнома келтирдим. Фармонингиздан ҳамма хурсанд ва ҳамма сизга мангу шон-шавкат тилади.

Миршаббоши Абуҳасанга қоғоз узатди. Абуҳасан қо-ғозни олиб ўқиди ва шаҳодат берган кишиларнинг қўлини таниди.

Абуҳасан ғоят хурсанд бўлиб ичида: «мана, муродинг шу эди, Абуҳасан, худонинг инояти билан муродингга ет-динг», — деди-ю, вазир Жаъфарга амр қилди:

— Ҳозир беш юз тилла келтир. Пулни олиб ўша ма-ҳаллага бор, Умми Абуҳасан деган хотинни сўроқла. Бу хотиннинг ўғли маҳаллага, бутун шаҳарга маълум, одам-лардан сўрасанг дарҳол айтиб берадилар. Пулни ўша хо-тинга бер.

Халифа бу сўзни эшитгач, кула бериб қолдан кетди. Ва-зир Жаъфар таъзим қилди ва беш юз тиллани олиб, ўша маҳаллага йўл тутди; Абуҳасаннинг онасини топиб пулни берди-ю, «бу пулни сизга Амралмуслимин юбордилар», — деди. Абуҳасаннинг онаси пулни олиб ҳайрон бўлди, са-бабки, ўғлининг кўрган-кечирганларидан беҳабар эди.

Вазир девонхонага қайтиб келди, Абуҳасанга таъзим қилди.

— Амрингизни бажо келтирдим, ё Амралмуслимин, — деди.

Бир оз вақт ўтгач, девонхонага бош ҳарам оға кириб, вазирга девонхонанинг ишини тамом қилиш фурсати ет-

ганлиги ҳақида ишора қилди. Аъёнлар Абуҳасаннинг ижозати билан чиқиб кетдилар. Бош ҳарам оға Абуҳасанни қўлидан тутиб саройга олиб чиқди.

Абуҳасан «заҳар танг қилганлигини» айтди. Халифаларнинг расмига кўра унга зарҳал тикилган шиппак келтириб бердилар. Бироқ шу он Абуҳасан шундай танг бўлдики, кийгани улгурмай шиппакни кўтарганича югурди. Халифа кулавериб чалқанча йиқилди.

Абуҳасан ҳожати ушалиб чиқди. Хизматкорлар, ҳарам оғалар уни кутиб олдилар ва бошлаб овқатга олиб кирдилар.

Чўрилар, канизлар ҳар бири бир саз билан унинг қаршисида турдилар ва саз чертиб ашула бошлаб юбордилар. Абуҳасан саз ва ашула эшитиб, ҳусну жамоли офтобни хижил қиладиган чўриларни кўриб лол бўлди-ю, ичида: «Наники шуларнинг ҳаммаси ўнгим бўлса! Лекин, ҳар қалай, кечагина Абуҳасан эдим, бугун халифа бўлиб ўтирибман! Худойи таоло ҳар нарсага қодир. Ё раҳмони раҳим, ё қодир якто, бу тушнинг таъбиридан мени омон сақла. Хўш, Абуҳасан, наҳот шу тантана, шу иззат-икром, ҳашамат туш бўлса! Туш бўлмаса керак! Лекин, ҳар қалай, қандоқ ҳодиса рўй берди, а! Дунёда биттагина халифа бор эди, шу халифа ўзим эканман-да. Бинобарин, бугун мен халифа эканман, ўзга халифа йўқ. Бу тантаналарни, муҳташам саройни ўз кўзим билан кўриб турибман-ку!»

Абуҳасан бу фикр-хаёлларни бир ёнга отиб, олтин лаган ва ликопчаларда нафис таомлар, ноз-неъматлар қўйилган хонтахта ёнига ўтирди. Унинг қаршисида ҳусн-жамоли тўлин ойни хира қиладиган чўрилар турар эди.

Абуҳасан чўриларни ёнига ўтқизди, қараса, булардан ҳеч бири ноз-неъматга қўл узатмаётпти; бирига манзираат қилди, бирига ўзи егизди; кейин буларнинг отини сўради. Чўрилардан бири «менинг отим Давратулқамар», бири «номим Шамсуннаҳор», учинчиси «Сукқория» деб жавоб берди; бири «Малилатулқад», яна бири «Будур», учинчиси «Насимуссабо» деди. Абуҳасан чўриларга тикилганини, номини сўраганини кўриб халифа кулар эди.

Абуҳасан таом еб бўлгандан кейин чўрилар бош ҳарам оғага қараб: «Оға, Амиралмуслимин тановвул қилиб бўлдилар»,— дедилар. Бош ҳарам оға Абуҳасанни қўлидан олиб, курсига ўтқизди, дастшўй ва офтоба келтирди. Чўрилардан бири офтобадан сув қуйди. Ҳарам оға Абуҳасан

нинг қўлини ювиб қўйди. Чўрилардан яна бири сочиқ тутди, учинчиси мушканбар сепди.

Абуҳасан қўлини ювиб бўлганидан кейин ўрнидан турди. Бош ҳарам оға каниз ва чўрилар билан бирликда уни бошлаб, бошқа бир уйга олиб кирдилар. Бу уйни кўриб Абуҳасаннинг кўзи қамашиб кетди. Уй ниҳоятда ораста, деворларига нақш-нигор солинган, ерга гиламлар тўшалган эди. Бу уйда жуда кўп канизлар бўлиб, булар илгаригилардан ҳам ҳусндор, ҳар бирининг қўлида соз. Абуҳасан кирганда буларнинг ҳаммаси оёққа туриб, соз билан ашула бошлаб юбордилар. Булардан ҳар бири ҳусн-латофатда кишининг имонига чанг солгувчи эди. Абуҳасан қараса, хонтахта анвойи мевалар ва шаффоф шароблар билан оро берилипти, қадаҳ ва жомлар терилган, олтин лаганларда турли ноз-неъматлар турипти.

Бош ҳарам оға Абуҳасанни ўтқазди. Абуҳасан чўриларни ёнига тортди, қизларнинг ҳусн-жамолидан боши айланди, буларнинг қайси бирига кўнгил беришни билмас эди. Абуҳасан ноз-неъматга қўл урди, чўриларнинг бирига ноз-неъматдан олиб берди, бирига егизди. Сўнг, канизлардан бирига юзланди.

— Эй гўзалим, мана шу олмадан егин, юрагимга малҳам бўлгин, сени кўргач кўксимга туташган ўтни сўндиргил,— деди.

Абуҳасан қизларнинг бирини қўйиб, бирига меҳрибончилик қилар, халифа буни кўриб, Абуҳасаннинг сўзларини эшитиб ўтирар эди.

Абуҳасан таом еб бўлгандан кейин уни яна ҳам чиройли, яна ҳам ажойиб ва ғаройиб бир уйга олиб кирдилар. Абуҳасан бу уйда илгариларидан ҳам соҳибжамолроқ чўриларни кўриб ҳайратга тушди. Бу уйда ҳам соф олтиндан ясалган лаган ва ликобчаларда ноз-неъмат ва тиниқ шароблар қўйилган хонтахта турар эди.

Ундан кейин Абуҳасанни тўртинчи бир уйга олиб кирдилар. Бу уй илгаригидан ҳам катта ва музайянроқ эди. Қуёш ботиб бормоқда эди. Бу уйда қимматбаҳо тошлар билан безалган олтин шамдон турар, буларга хушбўй шамлар қўйилган эди. Бу уйда ҳам бир-биридан хушрўй чўрилар соз ушлаб турар эдилар. Абуҳасан кириши билан булар оёққа босиб, соз билан ҳайратангиз ашула бошлаб юбордилар. Абуҳасан қараса, қирғоқлари тилла ҳовуз бўйида олтин хонтахта, унинг устида шароб тўла олтин қадаҳлар турипти.

Абуҳасаннинг шодлиги ичига сиғмай кетди. У хонтахта ёнига ўтирди, чўриларни ёнига ўтқазди ва ҳар бирига меҳрибончилик қилди, отини сўради. Чўрилардан бири «менинг отим Ҳаблаллулу» деди.

— Ҳаблаллулу? — деди Абуҳасан, — «бир шода инжу» эмас, «жаҳондаги бирдан бир инжу» десанг тўғри келади. Кейин, модомики сенга шундай от қўйган эканлар, майли, ўз қўлинг билан бир қадаҳ шароб бер, мен сенинг бошингдан ўгириб ичай.

Халифа бу гапни эшитиб кулиб қўйди.

Чўри Абуҳасанга камоли аҳтиром билан қадаҳ тутди. Абуҳасан қадаҳни олиб деди:

— Эй Ҳаблаллулу, мен бу қадаҳни бошингдан ўгириб ичаман. Лекин ўзингга ҳам қуй, сен ҳам ичгин.

Абуҳасан қадаҳни ичди. Қиз қадаҳни яна тўлдирди ва қўлига удни олиб ашула бошлади:

Узунми, қисқами тун, — барибир-ку,

Кўзимда барибир йўқ зарра уйқу.

Тополсайдим агар ул ой висолин

Қўриқлаб ётмас эрдим тун ҳилолин.

Абуҳасан хурсандликдан эс-ҳушини йўқотди. У созсиз ўйинга туша кетди, назарида уй ҳам рақс қилаётгандай бўлиб, тушими, ўнгими эканини билмай қолди; сўнгра ёнида ўтирган чўридан: «Сенинг отинг нима, дилрабо? — деб сўради. Чўри «менинг отим Нажматуссубҳ» деб жавоб берди. — Эй дилрабо, — деди Абуҳасан, — бу от сенга номуносиб, сабабки, сенинг пешананг тонг юлдузидан ҳам ёруқроқ! Майдан қуй, мени маст қил!»

Нажматуссубҳ қадаҳни тўлдириб Абуҳасанга узатди. Абуҳасан қадаҳни олиб сипқарди. Қиз ҳам май қуйиб ичди ва соз чалиб ашула айтди. Абуҳасаннинг назарида уй рақс қилаётганга ўхшар эди.

Абуҳасан учинчи, тўртинчи ва бошқа ҳамма чўриларга ҳам навбатма-навбат шундай муомалада бўлди. Халифа Абуҳасаннинг қилмишини кузатиб, айниқса чўриларни гапга солганини, ҳар бирининг отини сўраганини кўриб кулиб ўтирар эди.

Абуҳасан ўзи ичиб, чўриларга навбатма-навбат ичириб ўтирганда халифа Ҳаблаллулуга ишора қилди. Ҳаблаллулу шароб қуйди, қадаҳга банг солиб, Абуҳасанга узатди ва деди:

— Аё Амиралмуслимин, чўрингиз сизга атаб чиройли бир ашула тўқиди, шу қадаҳни менинг қўлимдан олинг, мен сизга ашула айтиб бераман.

Абуҳасан бу чўрини ғоят яхши кўриб қолган эди, қадаҳни унинг қўлидан олди.

— Ҳусн-жамолинг замонада беқиёсдир, гўзалим,— деди.

Абуҳасан қадаҳни лабига олиб борди, Ҳаблаллулу ашула бошлади.

Рафиқо, сўйла, токай кечгусидир тунларим бедор,

Ғаму хасратларимни токай этмам ёрима изҳор.

Дегил ёлғиз топиб маҳбубима арзимни сен холис,

Бўлур токай менга кунлар узоғу, кечалар олис.

Абуҳасан қувониб кетди ва чўрига маҳлиё бўлиб деди:

— Эй жону жаҳоним! Мени Амиралмуслимин десанг шу ашулани яна бир бор айтгин.

Ҳаблаллулу ашулани қайтариб айтди, айтиб бўлганидан кейин Абуҳасан шаробни нўш этиб: «Мен бу қадаҳни кўзларинг садқаси деб ичдим»,— деди ва шароб томоғидан ўтар-ўтмас беҳуш бўлиб йиқилди.

Халифа беркинган жойидан кула-кула чиқди, чўриларга Абуҳасаннинг эғнидан либосларини ечиб олиб ўз кийимини кийгизишни буюрди, сўнг, Абуҳасанни орқалаб қолган қул Масрурни чақиртириб:

— Масрур, буни орқалаб уйига элт, ўша жойга ётқизиб кел, қайтишда эшикни ёпма,— деди.

— Бош устига, Амиралмуслимин,— деди Масрур ва Абуҳасанни орқалаб уйига элтди ва ётқизиб қайтди.

Халифа вақти чоғ бўлиб деди.

— Эртага Абуҳасан аслига қайтади, бугун халифа бўлиб душманлари — ўз маҳалласидаги имом билан тўрт миршаддан қасос олди.

Абуҳасан туни билан ухлади, саҳар чоғи уйғонди, лекин банг таъсиридан кўзларини очолмас эди, ниҳоят, товуш чиқарди.

— Маликам Ҳаблаллулу, ҳо Нажматуссубҳ, ҳо Давратулқамар, қайдасизлар? Бу ёққа келинлар, ёнимга ўтиринлар!

Абуҳасан буларнинг номини айтиб чақираверди, ниҳоят, онаси уйғонди ва ўғли ётган уйга кирди.

— Сенга нима бўлди, болам. Туш кўраётибсан шеклиди?

Абуҳасан кўзини очиб, рўпарасида турган бир алвасти кампирни кўрди-да, қичқирди:

— Ҳой, малъун, кимсан ўзинг, сени ким чақирди? Ҳарам оға, бу кампирни тутиб ос, минбаъд дийдорини кўрмай!

Абуҳасан кампирни кўрмайин деб кўзини юмди. Она ўғлига деди:

— Болагинам, «бисмиллоҳу раҳмонирраҳим» дегин. Худо сени паноҳида сақлағай. Сенга нима бўлди? Кеча кўп ичганга ўхшайсан, алаҳлаётисан. Ўғлим, Абуҳасан, мени танимаётисанми? Онанг бўламан, болагинам, ҳарам оға деганинг ким ўзи?

Абуҳасан кўзини очди, онаси ҳамон гапирар эди:

— Болам, тур ўрнингдан, ҳозир пешинга азон айтади.

Абуҳасан шовқин солди:

— Нима деяпсан ўзинг, малъун! Мен нега сенинг ўғлинг бўлар эканман, сўлақмон! Сен мени Абуҳасан деб ўтирибсан, мен Амиралмуслимин бўламан! Масъуд,— деди бақириб,— бу мегажинни кўзимдан йўқот, элтиб дарёга ташла!

— Кўп шовқин солма, ўғлим,— деди кампир,— худо ҳаққи, кўзингни оч. Бақирганингни қўшни эшитиб қолса, сени тентак бўлипти деб жиннихонага элтишади.

Абуҳасан дарғазаб бўлиб деди:

— Ўзинг тентаксан, имонсиз кампир! Мен Абуҳасан эмас, Амиралмуслимин, пайғамбаримиз Муҳаммад мустафонинг ноибман деб турибман-ку! Ҳамма иқлим ва дарёлардаги мавжудот менинг изимда.

— Болам,— деди кампир,— бугун кечаси уйимизга қандай малъун келди-ю, ақл-ҳушингни олиб сени шу кўйга солиб қўйди? Худойи таолони ёдингда тут, ўғлим, сени шайтоннинг бўлмағур васвасаларидан халос қилади. Сен менинг ўғлим Абуҳасансан. Мен сенинг онанг бўламан. Кўзингни очиб кулбанга назар ташла, сарой нимаси? Шу ерда туғилгансан, ўсгансан, ўғлим, болалигингдан шу онгача бу уйни тарк этган эмассан. Ўғлим, ўзингга кел, шайтоннинг домини уз! Бу гапларингни одамлар эшитиб қолсалар сени жиннихонага элтиб қўядилар.

Онасининг сўзлари қулоғига киргач, Абуҳасан бир оз ўзига келди-ю кўзини очди, атрофга қаради, ўзини кўздан кечирди, сўнг деди:

— Рост айтяпсан, она, мен Абуҳасан, сен онам шекилли. Гапинг тўғри, мен Абуҳасан бўлсам керак. Худо шайтонни шармандаю шармисор қилсин.

Кампир ўглининг бир оз ўзига келганини кўриб хандон-хушон гаплашиб ўтирган эди, Абуҳасан яна айниди.

— Ҳой жодугар, ҳой мегажин, мен нега сенинг ўглинг Абуҳасан бўлар эканман! Кўзимдан йўқол дейман. Сен илму амал қилиб мени ўглинг Абуҳасан қилиб олмоқчимисан. Узингни ҳам, ўглингни ҳам худо кўтарсин! Азбаройи худо, мен Амиралмуслимин, ҳаллоқи эгамнинг ердаги сояси бўламан.

— Эй нури дийдам,— деди она,— худойи таолога сиғин, сени бу сўзларинг касратидан омон сақласин. Бу сўзларни қўй, болам, тур ўрнингдан, кеча бўлиб ўтган воқеани айтиб берай.

Абуҳасаннинг онаси сўзни бошқа ёққа буриб, уни чалғитмоқчи бўлди. Абуҳасан деди:

— Айт, қандай воқеа рўй берди?

— Маҳалламининг имоми ва тўрт миршаби фалокатга дучор бўлди, миршаббоши одамлари билан кирди-ю, ҳаммасини ушлаб, ҳар бирини фил думи билан тўрт юз дарра урдирди, туяга тескари миндириб, сазойи қилдирди ва шаҳардан ҳайдаб юборди.

Абуҳасан бу гапни эшитиб ўрнидан ирғиб турди, кўзларини чақчайтириб қичқирди:

— Эй набакор кампир, яна мени ўғлим Абуҳасан деб ўтирибсан, ҳолбуки, мен Амиралмуслиминман. Миршаббошига бу фармойишни мен берган эдим! Мен сенинг ўглинг Абуҳасан эмаслигимга тобора ишончим комил бўляпти. Мен Амиралмуслиминман, миршаббоши менинг фармойишимни бажо келтириб бадқирдор ва мурдор одамларнинг жазосини берди. Менга уйқудасан, туш кўряпсан дема! Йўқ, мен Амиралмуслиминман ва пайғамбаримиз мустафо саллаллоҳу алайҳу вассаломнинг нойибман. Лекин мени бу ерга ким келтирганига ҳайратдаман.

Абуҳасаннинг онаси бу сўзларни эшитиб ҳуши бошидан учди, ўғлига нима бўлганини билолмай, ақлдан озипти, деб ўйлади.

— Эй жигарпорам, эй нуридийдам,— деди кампир,— раҳмонир раҳимнинг номини ёд эт, шайтонга ҳай бер, бошинга бало-қазони чорлайдиган бу сўзларни бас қил, ҳамду сано айт, худойи таолога сиғин, бошинга кулфат келтирган гуноҳларингни кечирсин. Олоҳи каримнинг даргоҳи кенг, марҳамати фузун. Илоҳим сенга ақл-идрок берсин, ҳақ йўлга йўлласин! Бу алмойи-алжойи сўзларни қўй, негаки, девор орқасида одам бор, кўзингни оч, ўғлим!



Бироқ Абуҳасан таскин топмас, бу хаёлларни бошидан чиқариб ташлашни истамас эди.

— Эй нобакор кампир,— деди,— йўқол, кўзимга кўринма дедим. Азбаройи худо, мен Амиралмуслиминман, ҳаллоқи оламнинг ердаги соясиман. Менга ҳадеб гап қайтара берсанг, ҳозир ўрнимдан туриб шундоқ адабингни бераманки, дунё кўзингга қоронғу бўлади.

Кампир қараса ўғли борган сайин қизишиб, «мен Амиралмуслиминман, мен халифаман» дейишни кўймаяпти, шундан кейин юзини юлиб: «Эй худо, боламга шайтон васвасасидан омон бер! Ўз паноҳингда сақла! Ақли расо боласан-ку, ўғлим. Эс-ҳушингни йиғиб олсанг-чи! Оҳ! Эвоҳ!»— деб йиғи солди.

Абуҳасан онасининг аҳволини кўриб унга раҳм қилиш ўрнига яна ҳам дарғазаб бўлди-ю, бир таёқни олди. «Қани, малъун кампир, мен ким бўламан? Мен сенинг ўғлинг Абуҳасанманми? Ўғлинг билан бирга худонинг қаҳрига гирифтор бўл! Қани, малъун, Абуҳасан ким ўзи»,— деб онасини савалай бошлади.

— Болам, болагинам,— деди кампир ёлвориб,— она ўз боласини билмайдими! Менинг ўғлимсан, болам, Абуҳасан бўласан. Амиралмуслимин, ҳаллоқи оламнинг ноиб Хорун ар-Рашид-ку. Сени Амиралмуслиминман, худойи таолонинг кўланкасиман дегани қандоқ тилинг боради! Хорун ар-Рашид кеча менга беш юз олтин юборди, худоё бахтимизга умри боқий бўлсин!

Бу гапни эшитиб Абуҳасан яна ҳам ғазабга минди:

— Ҳой сўлақмон, ҳой малъун!— деб қичқирди,— яна мени ўғлимсан деб ўтирибсан! Мени ёлғончи қиялсан, сенга беш юз олтинни ким юборди. Амиралмуслимин бўлмасам вазирим Жаъфардан сенга беш юз олтин бериб юборармидим?

— Худо дегин, болам,— деди кампир.

Абуҳасан яна ҳам ғазабга тўлди-ю кампирни савалай кетди: «Мен кимман? Ҳозир айт, бўлмаса уриб ўлдираман. Мен кимман? Амиралмуслиминманми? Минбаъд мени ўғлим Абуҳасан дея кўрма! Сенга айтдим-ку, лаънати, мен Амиралмуслимин Хорун ар-Рашид бўламан!»

Кампир қараса Абуҳасан ҳамон ўша-ўша, ўзига келмаяпти, шундан кейин унга жин текканига, унинг жинни бўлиб қолганига амин бўлди. Абуҳасан эса уни яна ҳам қаттиқроқ савалаб: «Мени Амиралмуслимин дегин, вассалом!»— дер эди.

Умми Ҳасан калтакнинг зарбидан додлади, қўни-қўш-ниларни чақирди. Қўшнилар келиб уни ўғлининг қўлидан қутқардилар.

— Бу қандоқ ҳол, Абуҳасан? Ақлингни еб қўйибсан, имонингдан айрилибсан. Одам ўз онасига ҳам қўл кўтарадими? Тупша-тузук одамларнинг фарзандисан-ку, шундоқ меҳрибон онангни урасанми?

Абуҳасан қўни-қўшни йиғилганини кўриб, буларнинг таъна-дашномини эшитиб хитоб қилди:

— Уларнинг кимсизлар, Абуҳасан деганларнинг ким ўзи? Сизлар бу гапларни кимга айтяпсизлар? Сизларни ҳам, Абуҳасанни ҳам худо кўтарсин. Абуҳасан ким ўзи?

— Ё парвардигор! Абуҳасан, қўни-қўшнилари, ёр-биродарларингни, ўз онангни танимай қўйдингми? Сенга нима бўлди бугун?— дедилар қўшвилар.

Абуҳасан бунга жавобан бақриб берди:

— Воллоҳи, биллоҳи! Худойи таоло қодир якто! Эй сўқирлар, ҳўкизлар! Мен сизларга Абуҳасан бўлдимми? Йўқ, мен Амиралмуслимин Ҳорун ар-Рашидман, агар билмасаларнинг билдириб, ақлларингни киргизиб қўяман.

Қўшнилари Абуҳасаннинг аҳволини кўриб, ақдан озипти деган қарорга келдилар, уни ушлаб, қўлни орқасига боғладилар. Жиннихонага одам юбордилар. Жиннихонадан бир табиб одамлари билан тасма, занжир ва кишан олиб келди. Абуҳасан бу одамларни дарров таниди ва ниятини фаҳмлаб шовқин солди:

— Амиралмуслиминни, халифани жиннига чиқаргани худодан қўрқмайсизларми? Амиралмуслиминни шу кўйга соласизларми!

— Амиралмуслимин билан ишимиз йўқ, биз ақдан озган Абуҳасанни кишанга соламиз. Абуҳасан жиннилигини қўйсин,— дедилар.

Абуҳасан қичқирди:

— Олло таоло қодир якто. Аэбаройи худо, мен Амиралмуслимин, халифаман. Худога солдим. Сизлар кўр бўлябсизлар! Эй халойиқ, мен Амиралмуслимин бўламан!

Жиннихонадан келганлар бу сўзни эшитиб, Абуҳасан буткул жинни эканига амин бўлдилар, унинг оёқ-қўлига кишан солиб, жиннихонага олиб кетдилар. Жиннихонага келгач, табиб одамларига уни тасма билан қони чиққунча урдирди. Абуҳасан фарёд қилди: «Ҳо, одамлар, ҳўшларингни йиғинглар! Халифаларингни ураётилсизлар! Мен Амиралмуслиминман! Саҳву хато қилманглар!»

Шундан кейин уни кишанлаб бир уйга қамаб қўйдилар, ҳар куни эртаю кеч эллик қамчидан уриб, елка ва яғринини дабдала қилдилар. Абуҳасан жароҳатнинг кўплигидан бетоқат бўлиб на ўнг ёнини босиб ёта олар эди, на чап ёнини.

Ҳар куни Абуҳасандан «Кимсан?» — деб сўрашар, Абуҳасан эса: «Эй одамлар, мен жинни эмасман, гап битта — худонинг ноиб, Амиралмуслиминман», дейишни қўймас эди.

Абуҳасанни кун сайин кўпроқ уришар, унинг онаси ҳар куни келиб ўғлига ялинар-ёлворар, бу гапингдан қайт, деб насиҳат қиларди. Кампир бир куни келиб қараса ўғлининг аҳволи оғир: аъзойи бадани гажиб ташлангандай, ҳамма ёғидан қон оқиб ётипти, азоб-уқубатдан қоп-қора таёқдай, бўлиб қолипти. Кампир йиғлади, юзидан қатор-қатор ёш оқди, ўғлим ҳушига келдимикин деган хаёлда:

— Ўғлим, Абуҳасан, аҳволинг қалай? — деб сўради.

Онасининг сўзидан Абуҳасаннинг жиғибийрони чиқди.

— Йўқол кўзимдан лаин! Ўғлинг билан худонинг қаҳрига гирифтор бўл! Мен Амиралмуслиминман.

Кампир ўғлининг ҳамон ўша аҳволда эканини кўриб зор-зор йиғлади.

— Оҳ ўғилгинам, бу савдони қўй. Сен туш кўргандирсан, тушингга чиппа-чин ишониб ўтирибсан. Аҳволингга назар сол. Ўзингга раҳм қил. Амиралмуслимин қаёқда, сени жиннихонага қамаб, ҳар куни азобга солмоқдалар-ку, Халифа бўлсанг сени шу қўйга солар, раҳм-шафқатни билмай азоб берар эдиларми? Ўзингга раҳминг келсин, қара, аъзойи баданинг яра-чақа бўлиб кетди-ку. Қамчи остида ўлиб кетмасдан ҳушингни ўнгла!

Кампир ҳар куни унинг олдига келар, унга насиҳат қилар, зор-зор йиғлаб кетар, Абуҳасан эса ўзича ҳамон халифа либосини кийиб тахтда ўтирар, вазирлар, амирлар, аъёнлар девонида унинг амр-фармонини кутар; чўрилар, канизлар, хизматкорлар даврасида айш-ишрат қилар ва бошқа хил хаёллар сурар эди.

Абуҳасан калтак ва қийноқ зарбидан эсини йиғиб олди ва ўйлаб ичида деди: «Агар айтганим рост бўлса, ўша кечаси уйқудан уйғониб ўзимни ўз уйимда ва Абуҳасан либосида кўрмас эдим; ҳар куни менинг олдимга келадиган кампирнинг сўзи рост, дарҳақиқат, мен унинг ўғли Абуҳасан, бу ҳодисалар тушимга ўхшаб қолди. Мен халифа бўлсам вазирим қани, ҳарам оғалар қани? Мен Амиралмусли-

мин Ҳорун ар-Рашид бўлсам мени жиннихонага қамаб қийноққа солар эдиларми? Лекин бу гапни ноиложликдан айтаётиман, ҳақиқий аҳвол бир нарсадан маълум бўлади: маҳалланинг имоми билан тўрт миршабини суриштиришим керак».

Абуҳасан посбонни юбориб табибни чақиртирди. Табиб кириб «Хўш?»— деди.

— Мен жанобларидан бир нарсани сўрамоқчиман: мен ҳақиқатан халифами ё буларнинг ҳаммаси тушимми экани сизнинг жавобингиздан маълум бўлади. Сиз мени бу ерга олиб келганингиздан бир кун бурун вазим Жаббарнинг қўлига беш юз олтин бериб, шуни Умму Ҳасан отлиқ бир кампирга элтиб бергин, деган эдим, шунингдек миршаббошига маҳалламизнинг имоми ва тўрт нафар миршабини тўрт юз дарра урдиргин, кейин туяга тескари миндириб шаҳардан ҳайдаб юбор, деб буюрган эдим.

Табиб унинг: «Вазим Жаббарга буюрган эдим» деганини эшитиб Абуҳасан ҳамон ўзини Амралмуслимин деб ўйлаганини билди-ю, дарров одамларига буюриб, юз тасма урдирди. Абуҳасан калтак зарбидан беҳуш бўлди ва бир оздан кейин ўзига келиб йиғлади.

— Мен одамларга нима гуноҳ қилдим, нега менга шунча азоб берадилар? Нега мени халифаликдан туширдилар? Шаҳарда мен туфайли нима ҳодисалар рўй берди?

Бу гапни эшитиб табиб уни яна юз тасма урдирди. Абуҳасан суяклари зирқираб, ҳолдан тойди ва шундан кейин ўйлаб қолди: «Ҳо бола, ўлиб қолмагин тагин. Дарҳақиқат, халифа бўлсанг ҳам ҳозир буларга бўйин эг, азоб-уқубатдан қутул, туш кўрган эдим деб қўя қол, кўрган азоб-уқубатинг кифоя!»

Абуҳасан шу фикрларни бошидан кечираётганда онаси келиб қолди ва Абуҳасанни калтак зарбидан чала ўлик ҳолда кўрди-ю, йиғлай бериб кўзига ёш келмай қолди ва ўғлининг ҳолини билгани яқинроқ бориб салом берди. Абуҳасан унинг саломига ҳар кунгидан бошқача алик олди. Кампир суюниб кетди ва ўғлидан хол-аҳвол сўради. Абуҳасан деди:

— Эй меҳрибон онам, сенинг олдинда уятга қолдим. Мен сени урдим, ҳақорат қилдим, ҳеч қачон бундоқ қилган эмас эдим. Сендан узр сўрайман. Мендан кўни-қўшнилари-мизга узр айт. Мен уларнинг олдида сени ерга урдим. Эй меҳрибоним, мен туш кўрдим. Бундай тушни худо ҳеч кимга кўрсатмасин. Бу тушни ўнгим деб ўйлабман. Худо шай-

җоннинг вассасидан асрасин. Худонинг номини ёд этиб оят ичаманки, мен ўглинг Абуҳасанман, лекин кўрган тушим... худо ҳаққи, бу тушимни ўнгим деб чиппа-чиң ишонган эдим. Билмайман... бу можаролардан бошим қотиб қолди. Лекин бўладиган иш бўлмай қолмайди, илож йўқ. Сўзим шу: кўрганларим ҳаммаси тушим, мен Амиралмуслимин эмасман, сенинг фарзандинг Абуҳасанман, илгари ҳам иззатингни бажо келтирганман, бундан кейин ҳам бажо келтираман.

Кампир ўглининг бу сўзларини эшитиб қувончи ичига сиғмади.

— Эй жигарбандим, дунё кўзимга ёруғ бўлди, сабабки, тортган азоб-уқубатларингдан кейин худойи таоло мен ғарибнинг оҳини эшитиб сенга раҳм айлади, шифо берди. Шайтоннинг вассасидан қутулганингга шукур қил! Сени бу кўйга солган шайтони лаин, болам. Уша машъум кеча уйимизда ётиб қолган мусофирга: «Кетганингда эшикни ёпиб кет»,— деган эдинг, савдогар эшикни ёпмай кетипти. Бакти қора эканман, бўйнига худо тавқи лаънат осган шайтон уйга кириб вассаса қилди ва сени шу кўйга солди.

— Волидан меҳрибоним,— деди Абуҳасан,— мана энди бунинг сабабини топдинг, рост айтдинг. Худо ҳаққи, кўргиликларимнинг боиси эшикни ёпмасдан кетган ўша савдогардир. Бағдодда ҳаммага аён: шайтон Бағдодга Мўсуа томондан келади. Шайтон Бағдодга келиб эгаси гафлатда ётган очиқ эшикни кўриши билан киради-ю, одамни минг балога гирифтор қилади. Энди билдим ва огоҳ бўлдимки, мен Абуҳасан, сенинг жигаргўшангман, сен менинг волидамсан. Парвардигор ҳаққи, эй волидайи меҳрибоним, менга раҳм қил, бу азоб-уқубатдан халос эт. Бу ерда эртагача тургудек бўлсам ҳалок бўламан, мендан жудо бўласан, мени бу ердан тезроқ олиб кет.

Кампир бу сўзларни эшитгач, ўглининг шифо топганини, гаплари туппа-тузуклигини кўриб хурсандликдан телба бўлаёзди. У дарҳол табибнинг олдига борди ва ўглининг шифо топиб, ўзига келиб қолганини айтди. Табиб Абуҳасаннинг олдига келди, уни текшириб қаради, Абуҳасан ҳақиқатан шифо топипти. Табиб уни озод қилиб, онасига топширди. Кампир ўглини уйига олиб кетди.

Абуҳасан бир қанча вақт уйдан чиқмади: биринчидан, бирон ёққа боргани шарм қилди, иккинчидан, ҳали ўзига келмаган, дармони йўқ эди.

Орадан бир неча кун ўтди. Абуҳасаннинг юраги сиқилиб кетди, кечасию кундузи уйда ўтираверишдан безор бўлди. У бурунги одатини қилиб, ҳар куни кўчадан бирон мусофирни уйига бошлаб келишни, ўша билан овунишни ихтиёр қилди.

Абуҳасан биринчи кун уйни ясатди, хонтахта тузади, анвои мева ва гуллар билан зийнат берди, шароб сузди, нафис таомлар пишириб қўйди-ю, кечани биргаликда ўтказгани мусофир улфат қидириб кетди. Шаҳар дарвозаси олдида мусофир келиб қолишини кутиб ўтирди, шу аснода одатига кўра фуқаро либосини кийиб халифа келиб қолди.

Абуҳасан уни кўриб ичида: «Ана айтмадимми, мени сеҳр бандига солган мана шу малъун савдогар!»— деди. Халифа Абуҳасанни пайқади. Ҳорун ар-Рашид Абуҳасан жинни бўлиб жиннихонада ётганидан, азоб-уқубат чекканидан хабардор эди, шундоқ бўлса ҳам ҳазилкаш, шўх ва қизиқчи одам бўлганидан унинг олдига келди.

Абуҳасан ўрнидан туриб қочган эди, халифа орқасидан бориб деди:

— Ё парвардигор! Ассалому алайкум. Сенмисан, Абуҳасан, биродарим? Худо ҳаққи, тўхта, сўрашай, сени кўпдан бери кўрганим йўқ, соғиниб қолдим.

Абуҳасан шумшайиб деди:

— Ҳа, Абуҳасанман, сенинг менга нима керагинг бор? Йўлингдан қолма. Саломинг ҳам, ўзинг ҳам менга керакмас.

— Абуҳасан, азизим,— деди халифа,— яхши одам эдингку, мени ёдингдан чиқардингми? Менга меҳмоннавозлик, лутфу марҳаматлар қилган эдинг, ўшандан бери сени яхши сўз айтиб йўқлайман. Қани орамиздаги дўстлик риштаси? Бошқа улфат топиб олдингми?

— Ўт, ўт, мен сени танитайман, сен ҳам мени танитаймай қўяқол,— деди Абуҳасан.

Лекин халифа бу сўзлардан ранжимади, сабабки, Абуҳасан бир мусофирни ҳеч қачон икки марта меҳмон қилмасликка онт ичганини билар эди.

— Азизим, Абуҳасан,— деди халифа,— яқиндагина кўришган эдик, мени бунчалик ёдингдан чиқарарсан деб ўйламаган эдим. Ошна эканимиздан тонишинг ва мендан қочишингдан сенга бир нима бўлганга ўхшайди, дўстим, мен сени икки кўзимдан ортиқ кўраман, сенга меҳр-оқибат изҳор қилганман, мен сенга, марҳамат қилиб, бирон тила-

гинг, ҳожатинг бўлса айт, хизматингга тайёрман, дедим, бирон ноҳўя иш қилмадим, сен эса мени таҳқир қилиб ўтирибсан.

— Марҳамат қилиб эмиш! Қўй бу гапларингни!—деди Абуҳасан бақириб,— мен сенга айтаётибман, йўқол, йўлингдан қолма! Мен сени танимайман, сен ҳам мени танимайсан! Сен менга ҳеч қанақа лутфу марҳамат кўрсатканинг йўқ, орамизда ҳеч бир дўстлик риштаси, меҳр-оқибат бўлган эмас, сабабки, сен ҳаромзодасан, Сен туфайли жиннихонага тушдим. Парвардигор ҳаққи, тезроқ йўқол, йўлингдан қолма, сен туфайли чеккан азоб-уқубатимни эсимга солма.

— Оҳ, биродарим Абуҳасан,— деди халифа,— мен сени бунчалик бағри тош деб ўйламаган эдим. Мен сени яхши, кўнглида кири йўқ, меҳр-оқибати боқий одам деб билар эдим, икковимиз хурсандлик ва дўстлик билан яхшиликча хайрлашган эдик.

Халифа жадаллаб, Абуҳасаннинг йўлини тўсди, яқинлашиб уни ўпди ва хитоб қилди:

— Худо ҳаққи, менинг сендан ўзга чин ва содиқ дўстим йўқ! Менга лутфу қарам қилиб бу оқшом суҳбатингдан баҳраманд бўлишимга розилик бер, токи икковимиз шароб ичиб хурсандлик қилайлик, худо ҳаққи, сенинг суҳбатинг дилимнинг чигалини ёзади. Сени кўпдан бери кўрмай ниҳоятда соғинганман! Худонинг марҳамати билан сени кўрган эканман, бу кеча бирга бўлайлигу хуморим ёзилсин. Мен ўз шаҳримдан атайлаб сени кўргани келдим.

— Эй худо!—деди Абуҳасан,—сен туфайли чеккан азобларим етмагандек, бу кеча сени яна меҳмон қиламанми! Ўз нағорангни чалиб, ўз найингни пуфлай бер, мени ҳол-жонимга қўй. Жинни эмасман, сен туфайли бир марта жинни бўлганим кифоядир, энди ақлдан озмайман. Менинг сен билан ишим йўқ, сенинг ҳам мен билан ишинг бўлмасин! Жўна!

Халифа деди:

— Азизим, биродарим, қадрдоним Абуҳасан. Мени ҳайдаб соласан, ноумид қиласан деб ўйламаган эдим. Сабаб, менга қаттиқ гапирасан? Худо ҳаққи, мейга бундай муомала қиларсан деб ўйламаган эдим... Айт, мен туфайли қандоқ азият чекдинг? Гапир, нима гуноҳ қилдим, билиб қўйай, ҳарнечук авфга лойиқ одамман. Сени яхши кўришимни, сенга саодат тилашимни ўзинг биласан-ку.

Абуҳасан кўнгли соф бўлгани учун эриди.

— Азизим, мусофир одам бўлганинг учун маъзур кўраман. Бу ёққа ўтир, сен туфайли бошимдан нелар кечирганимни айтиб берайин. Шунда сендан ранжиганимнинг боисини биласан.

Абуҳасан халифа бўлиб тахтда ўтирганини, кейин ўз уйида кўрган-кечирганини айтиб берди.

— Дўстим, шу тушдан кейин халифа бўлдим деган хал бошимдан чиқмади, одамлар «Абуҳасан» деса, мен «Абуҳасан эмас, Амиралмуслиминман» деявердим. Шундан кейин қўлимни орқамга боғлаб жиннихонага элтдилар, раҳм қилмай минг азобга дучор қилдилар.

Халифа унинг сўзларини эшитиб аҳволига кулди. Абуҳасан халифалик қилган кундагидан ҳам қаттиқроқ қаҳқаҳа уриб кулди.

— Менинг бошимга мана шундай савдолар тушди,— деди Абуҳасан,—шуларнинг ҳаммасига сен зоминсан, сабабаки, «мен турмасдан кетадиган бўлсанг, эшикни ёлиб кет» деганимга қарамай, эшикни ёпмасдан кетибсан. Шайтон кириб менга «халифасан» деб васваса қилди, бошимни хаёлотларга тўлдирди. Эрталаб аслимга қайтдим ва тушимда кўрганим чўриларни чақирдим. Ҳамма айб сенда, сенинг касофатинг билан ўзимни ростдан ҳам халифа деб ўйлабман. Онам насиҳат қилди, аччиғим келиб кампирни калтакладим, «Ўғлим Абуҳасан» деганида ҳатто уриб ўлдирмоқчи бўлдим, сабабки, Амиралмуслимин, худонинг ноиб эканимга амин эдим. Қўшнилари кириб онамни қўлимдан халос қилмасалар, ўлдириб қўйсам ҳам ажаб эмас эди. Тинч-тотувликда умр кечирган қўшнилариمنى ҳақорат қилишимга ҳам сен сабабчи бўлдинг.

Абуҳасан кўрган-кечирганларини бошдан-оёқ айтиб берди. Халифа бу гапларни эшитиб кулгидан ўзини тилмади.

— Сен туфайли бошимга келган савдолар каммиди, яна юзимга қараб куласан,— деди Абуҳасан,—мени ҳазиллашяпти деб ўйлайсан шекилли. Қай аҳволга тушганимни менга қанчалик ранж-алам етказганингни, бу сўзларим нечоғлик рост эканини аъзойи баданимдан билсанг бўлади.

Абуҳасан қорин ва биқинларини очиб, жиннихонадаги қийноқлардан қолган жароҳатларни кўрсатди. Халифа буни кўриб кўзларига ёш олди ва бу одамга жабр қилганини, қилган ҳазили унинг бошига бало бўлганини англади.

Халифа Абуҳасанни қучоқлади.



— Хайрият, омон қолибсан, Абуҳасан! Эшикни ёпмай кетишим орқасида сенга бунчалик азият етишини билмабман. Эшикни ёпмасдан кетишимга сабаб бўлган, сени шу кўйга солган шайтонни худо қаҳрига олсин. Юр, азизим, ҳозир сенинг уйингга борайлик, худо хоҳласа ҳаммасини кўнглингдан чиқараман.

Абуҳасан кўнгиличан, юраги тоза эди, халифанинг узр сўраб ёлворганини кўргач, мусофирни фақат бир марта меҳмон қиламан деб онт ичган бўлса ҳам, унинг ширин сўзларига учди.

— Менга қара, дўстим,— деди,— мен сени бу оқшом меҳмон қилсам қила қолай, лекин бир шартим бор: эрталаб кетишда эшикни ёпиб кетгин, токи шайтон кириб яна васваса қилмасин.

Халифа рози бўлди ва Абуҳасан айтгандай, эрталаб эшикни ёпиб кетишга онт ичди.

— Бу борада хотиржам бўл, Абуҳасан,— деди халифа,— парвардигор ҳаққи, минбаъд мендан фақат яхшилик кўрасан ва мен туфайли тортган азобингни кўнглингдан чиқарасан.

— Худо давлатингни зиёда қилсин,— деди Абуҳасан,— менинг ўзга тилагим йўқ, эрталаб эшикни ёпиб кетсанг бас. Эшикни ёпмай кетганинг оқибатида бошимга нелар келганини айтиб бердим. Калтак ва азоб-уқубат ҳанув дилимдан, жароҳатлар танимдан кетгани йўқ, бунинг устига волидам ва қўни-қўшнилари олдида зўр маломатга қолдим. Шундай бўлса ҳам, сени маъзур кўрдим ва гуноҳларингни чин кўнгиладан кечирдим. Мен бу оқшом бажону дил сен ила улфатчилик қиламан, сени кабобу шароб билан сийлайман. Лекин эрталаб эшикни очиқ қолдира кўрма.

Абуҳасан уйига йўл олди. Мўсул савдогар қиёфасидаги халифа унга эргашди. Абуҳасан ҳамон бўлиб ўтган ишларни ўйлаб, хафа бўлиб борар эди.

Булар Абуҳасаннинг уйига етиб келдилар. Масрур булар билан изма-из борарди. Абуҳасаннинг онаси бечора хушбўй шам келтириб ёқиб кўйган экан. Халифа, Абуҳасан ва Масрур ўтириб, суҳбат бошланди. Хонтахта қўйилиб, таом келтирилди. Тўйгунча таом едилар. Абуҳасан ҳар луқмани орзига солар экан, эшикка қараб кўяр эди.

— Абуҳасан, мунча эшикка қарайсан?— деди халифа.

— Бўлиб ўтган можаролар кўнглимга гулгула сояпти,— деди Абуҳасан.

— Раҳмони раҳимнинг номини тилга ол, таваккал қил, кўрқма,—деди халифа.

Таомдан кейин Абуҳасаннинг онаси идиш-товоқни йиғиштириб, мева-чева, ширинлик, шишада шароб, қадаҳ келтириб қўйди. Абуҳасан қадаҳни тўлдириб шароб ичди, яна тўлдириб халифага узатди. Шароб кор қилиб бошлар айлана бошлагандан кейин халифа кайфи ошиб қолган Абуҳасандан сўради:

— Сен умрингда бирон қиз ва хотинга кўнгил қўймаганмисан?

— Эй азиз меҳмоним, худо ҳаққи, умримда хотин киши ҳаёлимга келган эмас. Фикр-ёдим яхши таом, шароб, ўзимдек ҳазил-мутойиба ва шишани хуш кўрадиган одамлар билан хурсандчилик қилишда бўлган. Мен мана шунга кўнгил қўйганман. Хотинлардан нима фойда? Бу гапларни қўяйлик, ичгани бизга халал бермасин.

Абуҳасан қадаҳини тўлдириб ичди, яна қуйиб халифага узатди. «Ич, хурсандлик қилайлик!»—деди.

— Э, Абуҳасан, менинг сўзим ножўя эмас,—деди халифа.—Бор гапни айтдим. Эркак зоти ҳамма вақт хотинга мойил бўлади, айш-ишрат чоғи суҳбатида гўзал бир қиз ўтирса кўнгли хуш бўлади. Худо ҳозир, ростини айт, наҳотки ҳеч кимга кўнгил қўймаган, бирон аёлга ишқинг тушмаган бўлса?

— Худо ҳаққи, мен сендан яширмайман,—деди Абуҳасан.—Умримда бунга хоҳишим бўлган эмас, бу ҳақда ўйлаган эмасман, лекин бошимга ўша савдолар тушиб, шайтон васвасаси билан ўзимни халифа гумон қилганимда ўзимни канизлар суҳбатида кўрдим, волоҳи, булар орасида ҳусни ақлимни ҳайратга солган бир соҳибжамолга кўзим тушди. Бу соҳибжамол уд чалиб, ашула айтиб ҳушимни олди. Албатта, буларнинг ҳаммаси туш, ширин ҳаёл эди. Агар шу қиз ихтиёримда бўлса никоҳимга олиб масъуд бўлар эдим. Эй азиз меҳмоним, бу қизнинг овозини эшитсанг, жамолини кўрсанг мендан ҳам кўра кўпроқ маҳлиё бўлиб қолар эдинг. Оламда бундан соҳибжамол қиз бўлмаса керак деб ўйлайман, бўлса ҳам бунақа қиз халифанинг ҳарамидан, ё унинг вазири Жаъфар ва ё симу зарри беҳисоб сарой аъёнларининг уйидан топилса ажаб эмас. Бунақа ёрни топгани менга йўл бўлсин. Менинг ёрим-дилдорим шиша, худо ҳаққи, буни ҳеч кимга бермайман. Бир шиша майни топишдан осони йўқ. Қўй бу гапларни, фурсат ғанимат, ичайлик!

Абуҳасан қуйиб ичди, яна қуйиб халифага узатди.

— Азбаройи худо. Абуҳасан, сенга раҳмим келади,— деди халифа,— ёшлигинг зое кетади, хотинсиз ёш умринг дарвишдек беҳуда ўтади.

— Эй меҳмоним,— деди Абуҳасан,— умрни тинч ва фароғатда ўтказган яхши. Бу шиша билан иноқликда яхши умр кечираётганимга нима етсин. Хотин олсаму кўнглимга ёқмаса ё феъли ёмон, қилиги совуқ, уришқоқ чиқиб қолса нима қиламан? Унда пушаймон, ғам-ғуссадан на фойда?

Булар ярим кечагача мана шу хилда айш-ишратда бўлдилар. Абуҳасаннинг уйқуси келаётганини кўриб халифа деди:

— Узинг баркамол, яхши одамларнинг фарзанди бўлганинг учун соҳибжамол ва хулқи хуш қизга майлинг бўлгани маъқул, лекин фурсат бер, худо хоҳласа, сенга кўнгилдагидан зиёдроқ қизни ўзим топиб бераман.

Халифа шишадан шароб қуйди, қадаҳга банг солди-ю, Абуҳасанга тутди.

— Ма, биродарим, Абуҳасан,— деди,— мана шу қадаҳни тушингда ишқинг тушган қизнинг бошидан ўгириб ич. Олло насиб қилсин, умрингни у билан роҳат-фароғатда кечир.

Абуҳасан қадаҳни олиб деди:

— Азиз меҳмоним, сўзингни иккита қилмайман, қадаҳни ўша соҳибжамолнинг бошидан ўгириб ичаман, сабабки, худо ҳаққи, ўша қизга ишқим тушди. Сен ҳам шуни истар экансан, сенга ҳурматим, қизга муҳаббатим туфайли ичаман.

Абуҳасан қадаҳни кўтарди-ю, ўликдай қотди қолди. Халифанинг амри билан қули Масрур Абуҳасанни орқалаб олди. Халифа эшикни зич ёпиб чиқди. Саройга етиб бордилар. Масрур Абуҳасанни халифа бўлган вақтида қадаҳга банг солиб берилган уйга олиб кириб ётқизди.

Халифа каниз ва чўриларга буюриб Абуҳасанни ечинтирди, халифа либосини кийгизди ва тўшакка ётқизди, каниз, чўри, ҳарам оға ва хизматкорларга барвақт туриб ўтган сафаргидай Абуҳасаннинг хизматини қилишни амр этди. Ҳамма бир оғиздан: «Бош устига, ё Амиралмуслимин»,—деб жавоб берди.

Халифа бош ҳарам оғага буюрди:

— Эрталаб Абуҳасан тургунча мени уйғотгин,— деди ва бориб ётди.

Сарой аҳли эрталаб туриб, Абуҳасаннинг хизматини қилгани ҳамма анжомни муҳаё қилди. Бош ҳарам оға дарров халифани уйғотди, кийинтирди. Халифа таҳорат олди, намоз ўқиди. Канизлар, чўрилар, ҳарам оға ва хизматкор қизлар йиғилди, чўрилар доира ва соз кўтариб хушовоз хонандалар билан бирликда Абуҳасан атрофига тизилди. Халифа кириб буларга Абуҳасанни ўтган сафаргидай изъат-икром ва халифа деб таъзим-тавозе қилиш тариқини ўргатди, сўнгра, бир гўшага беркиниб олди.

Абуҳасанга бангдан хушёр қиладиган дори берилди. Абуҳасан кўп ўтмай уйғонди ва аксирди. Дарҳол мусиқи садолари янгради, хониш бошланди. Абуҳасан бу овозларни эшитиб дарҳол кўзини очди, атрофига қараб қаршисида ўтирган ўша каниз ва чўриларни таниди, уйни ҳам эслади.

— Лоҳовла, халифа бўлганимда ўтириб таом еган уйим-ку.

У атрофида ўтирган қуллар, чўрилар, ҳарам оғаларга разм солди, у ён-бу ёнга қараб: «Бу қандай ҳол?» деди хизматига тайёр бўлиб камол эҳтиром билан турган хизматкорлар, ҳарам оғалар ва канизларни кўриб ваҳимага тушди, уйғониб кетармиканман деган хаёлда бармоғони шундай қаттиқ тишладики, узиб олаёзди ва оғриқдан додлаб юборди. Халифа юмалаб-юмалаб кулди. Чўрилар ҳамон Абуҳасаннинг қаршисида таъзим-тавозе билан турар эдилар.

Абуҳасан деди:

— Худойи таоло қодир яктодир. Мен яна илгариги ҳолимга қайтдим. Мени яна жиннихонага элтиш қолди, ҳолос. Бугун табиб одамлари билан занжир ва кишанларини кўтариб келади-ю, яна мени қийноққа солади. Е парвардигор, бу балодан ўзинг асра. Жиннихонада тортган азоб-уқубатлардан ҳануз ўзимга келганимча йўқ, бунга сабаб ўша Мўсул савдогаридир. У малъун яна эшикни ёлмай кетипти. Шайтон кириб мени ўша кўйга солди. Шайтон ичимга кириб олиб ақлимдан айирмоқчи. Эй лаънати мўсуллик! Уйимга савдогар қиёфасида келган шайтон ўғли шайтон экансан. Сен ҳаммага маълумсан, сабабки, шайтон одамларни ақлдан оздириш учун Бағдодга Мўсулдан келади. Эй худо, уйимга келган савдогарни газабинга дучор қил, мени шайтондан омон сақла! Эй қабиҳларнинг қабиҳи, эшикни ёпиб кетаман деб ойт ичган эдинг, барибир ёпмасдан кетибсан. Шайтон каззоб, мудом ёлғондан қасам

ичиши ўзимизга аён. Кеча эшикни ёпиб кетаман деб олт ичиб, барибир ёпмасдан кетибсан. Онам рост айтган экан, ўтган ой бошимга не балолар келган бўлса шу малъун савдогар касофатидан.

Халифа унинг ўз-ўзидан гапираётганини эшитиб хўл кулди. Унинг муддаоси шу эди.

Абуҳасан атрофида хизматига тайёр бўлиб, саф тортиб турган канизлар, чўрилар ва хизматкорларга қаради; таомни баҳам кўрган қизларга разм солиб, ҳаммасини, хусусан, ишқи тушган ва бу ҳақда халифага сўзлаб берган қизни таниди, раҳмони раҳимнинг номини тилга олиб деди:

— Худойи таоло қодир якто! Эй шайтони ланн, сен бу ердан чиқиб кетмагунингча ўримдан турмайман.

Абуҳасан бошига кўрпани тортди ва ичида: «Яна ўша савдо бошимга тушди, ўтган сафар нимани кўрган бўлсам ҳозир шуни кўриб турибман»,— деди.

— Худойи таоло қодир якто! Бу балодан мени ўзи халос қилсин!

Бироқ канизлар уни ухлагани қўймадилар. Ёкутулқалб деган каниз келиб унинг ёнига ўтирди ва майин овоз билан деди:

— Ё Амиралмуслимин, тангрининг ердаги сояси, аё ҳукмдоримиз, вақт кетди. Турсинлар, таҳорат олсинлар, намоз ўқисинлар.

— Ёлгон галирма!— деди Абуҳасан,— худонинг газабига дучор бўл, шайтон! Мен Амиралмуслимин эмас. Абуҳасанман, мен халифа эмасман. Йўқол! Сени даф этиш учун худойи таолога сиғинаман. Энди мени алдаёлмайсан. Мен Абуҳасан бўламан, эй малъун! Мени яна жиннихонага юбормоқчимисан!

Халифа кулавериб хушидан кетди.

— Ё Амиралмуслимин, ўринларидан турсинлар, яна ухлаб қолмасинлар, офтоб кўтарилиб қолди.

— Сен кимни «Амиралмуслимин» деясан?— деди Абуҳасан.

— Сизни Амиралмуслимин дея ётибман. Нима эди? Сиздан бошқа қаллоқи эгамнинг сояси борми? Мен сизнинг канизингиз Ёкутулқалбман, менинг бурчим сизни уйқудан уйғотиш, сабабки, бу чоққача ухлаш одатингиз йўқ эди.

— Эй хушрўйлар маликаси, худо ҳаққи, сен кимни «Амиралмуслимин» деяётибсан?— деб сўради Абуҳасан яна

— Сиз аъло ҳазратни Амиралмуслимин деятибман, сабабки, сиз расуллолнинг ноиби, машриқдан мағрибга-ча барча мўминларнинг ҳомийсисиз. Биз канизларингиз уйқудан туришингизга, сизга салом беришга мунтазирмиз.

— Хато қилаётибсан,—деди Абуҳасан.

Каниз деди:

— Ё Амиралмуслимин, кўзларини очсинлар. Мен хато қилаётганим йўқ, сиздан ўзга халифа борми?

— Худо сақласин! Менинг номим Абуҳасан! Мен Амиралмуслимин эмасман!—деди у шовқин солиб.

— Эй худонинг сояси, ё хаёллари қочди, ё бизни калака қиляптилар,—деди каниз,—кўзларини очсинлар, канизлари, қуллари ва чўриларига боқсинлар, ҳаммамиз хизматларидамиз, амр-фармонларига тайёрмиз. Кеча бу ерда ётиб қолганларига ҳайрон бўлмасинлар, сабабки, кеча уйқу галаба қилиб ухлаб қолдилар, уйғотиб озор еткурмаслик учун жойларига ётқизмадик, ўзимиз оёқларига бош қўйиб ётдик.

Чўри Ёқутулқалб Абуҳасанга шундай сўзлар айтиб, воқеани баён қилди. Абуҳасан ҳамон буларни туш гумон қилар эди.

Ниҳоят, Абуҳасан кўзини очди, чўрилар, қуллар, канизларга назар солиб, ҳаммасини таниди, Ёқутулқалб деди:

— Ё Амиралмуслимин, парвардигори оламнинг сояси, маъзур кўришингиздан умидвормиз, биздан ранжида бўлмасинлар, вақт кетди, хоҳишлари бўлса турсинлар.

— Ёлғон айтасан!—деди Абуҳасан бақириб.—Ҳаммаси ёлғон! Мен Абуҳасан жанлигимни кўриб турибман, халифа — Амиралмуслимин эмаслигимни биламан. Сўзларингга ишонмайман, мени энди алдаёлмайсан. Яна жинниҳонага бормоқчи эмасман. Мен Абуҳасанман, Абуҳасанман!

— Ё Амиралмуслимин, Абуҳасан деганлари ким ўзи?—деди каниз,—Абуҳасан нимаси, аё ҳаллоқи оламнинг ердаги сояси? Хаёллари қочди! Жаноблари Амиралмуслимин, Ҳорун ар-Рашид бўладилар. Абуҳасан ким ўзи? Сиз бизнинг ҳукмдоримиз, халифамизсиз. Ҳамон уйқуда бўлсалар керак.

Абуҳасан кўзларини ишқалади, ўнг-сўлига қаради, каниз ва чўрилар билан айш-ишрат қилган уйини кўриб ҳайратга тушди ва нима деб ўйлашини билолмай қолди. Шун-

дай бўлса ҳам буларнинг ҳаммасини ёлгон ва шайтоннинг васвасаси деб гумон қилди.

— Шайтони лаин ўтган сафаргидай очиқ эшикдан кибриб, ақл-идрокимни олипти-да! Худо ўзи ёр бўлсин. Худонинг қудрат ва азаматига сизинаман.

Халифа Абуҳасаннинг бу сўзларини эшитиб кулди.

Абуҳасан кўзларини юмиб, ўзини уйқуга солди.

— Ё Амиралмуслимин, — деди Ёқутулқалб, — турмоққа хоҳишлари бўлмаса, майли, биз вазифамизни адо этдик. Лекин вазирлар, амирлар, аъёнлар девонхонага йиғилган, ҳамма сизнинг ташриф буюришингизга, адолат қилиб ҳукм чиқаришингизга мунтазир! Бу ишлар сизнинг измингизда, сабабки, Амиралмуслиминнинг ўрнини ҳеч ким ола билмайди.

Каниз Абуҳасанни ҳол-жонига қўймай ўрнидан турғизди. Ёқутулқалб уни қўлидан тутди, бошқа канизлар икки ёнидан суяб, тўшакдан туширдилар; уни парқу ёстиқлар қўйилган шаҳнишинга ўтқиздилар, одатдагича соз чалиб, ўйин ва ашула бошлаб юбордилар. Абуҳасан додираб қолди, ниҳоят ичида: «Ҳарнечук бу гапларда жон бор. Мен халифа Амиралмуслимин бўлсам керак», деб қўйди.

Абуҳасан чўрилар билан сўзлашмоқчи, уни-бунини сўрамоқчи эди. Мусиқи ва ашула қулоқни қоматга келтириб, унинг сўзини ҳеч ким эшитмади. Шундан кейин Абуҳасан ёнида ўтирган Ҳаблаллулу билан Нажматуссубҳга ишора қилди. Рақс тўхтади. Абуҳасан яқинроқ келган чўриларга деди:

— Таборак ва таолло ҳаққи, менга ростини айтинглари! Мен кимман ўзим?

Нажматуссубҳ жавоб берди:

— Аё Амиралмуслимин, ҳаллоқи оламнинг ердаги сояси, муддаоингиз, бундоқ саволлар бериб бизни мазах қилмоқдир. Бу савол бизни хижолат ва ҳайратга солади. Амиралмуслимин, ўзлари мағрибдан машриққача барча иқлимларнинг ҳукмдори эканликларини билмайдиларми? Маъзўр кўрсинлар, бундоқ саволлар билан бизни мазах қилиш муддаолари бўлмаса туш кўраётганликлари муқаррар, сабабки, бу кеча кўпроқ ухладилар, шу сабаб билан ақл-идрокка сизмайдиған сўзларни сўзлаяптилар. Лекин, ҳар қалай, бизни мазах қилмоқдалар. Кеча девонхонага кирганларида миршаббошига фалон маҳаллалик имом ва тўрт нафар миршабни жазога мустаҳиқ қилишни, вазири-

нгиз, Жаъфарга ўша маҳаллалик Умми Абуҳасан отлик бир кампирга беш юз олтин элтиб беришни амр қилганингизни хотирланг.

Нажматуссубҳ ўтган сафар саройда бўлган зиёфат, майхўрлик, рақс ва ҳоказоларни айтиб берди ва деди:

— Е Амиралмуслимин, кеча оқшом таом вақтида бизни ёнингизга ўтқазиб, қўлимиздан шароб ичганингиз, бизларга ичирганингиз, сўнгра шу уйда уйқуга кетганингиз хаёлингиздан кўтарилипти. Умрингизда бу кечадагидек қаттиқ ухлаган эмассиз. Ҳозир ҳам кўзингизни очолмаётибсиз.

Нажматуссубҳнинг бу сўзларини Ҳаблаллулу ва бошқа канизлар ҳам тасдиқ қилдилар. Бош ҳарам оға ҳам келиб шу гапни айтди.

— Аё Амиралмуслимин, бунчалик узоқ ухламоқ одатларида йўқ эди, ижозатлари бўлса, намоз вақти етди.

Абуҳасан бош чайқади ва ўйчан деди:

— Ҳақ гап, мен Амиралмуслиминман. Лекин худо ҳаққи, ортиқ жиннихонага бормайман. Худо ҳаққи, буларнинг ҳаммаси беҳуда гап. Овора бўлманглар, гапимизга инонади деб хаёл қилманглар. Мен, дарҳақиқат, ўша куни уклаб қолдим, буларнинг ҳаммаси тушим эди, лекин ўнгим деб ўйладим, онамни урдим, мени жинни деб касалхонага олиб бордилар, ҳар куни эртаю кеч юз қамчи урдилар, қовургаларимни синдирдилар. Оғриқ ҳали-ҳали танимдан кетгани йўқ! Сизлар мени яна жинни қилмоқчисизларми. Буларнинг ҳаммаси туш эканини, сизлар ёлғончи-каззоб эканликларингни биламан. Сизларга ачинаман, шу ҳусну латофат билан...

Ўшанда бошимдан нелар кечганини, қандоқ ҳақоратлар эшитганимни билсаларинг эди.

Нажматуссубҳ деди:

— Худо ҳаққи, Амиралмуслимин, сиз бу сўзлар билан бизни хижолатга қўйдингиз. Сиз кечадан бери бу ердан чиққанингиз йўқ, одатингизга хилоф қилиб қаттиқ уйқуда бўлдингиз, оқибат, мана шундай тушлар кўрдингиз. Ҳаммамиз қасамёд этиб айтамизки, кечадан бери оромгоҳингиздан чиққанингиз йўқ.

Абуҳасан Нажматуссубҳнинг сўзларини, чўриларнинг қасамёд этганини эшитиб ўйлаб қолди ва чўриларнинг сўзигами, ё баданидаги жароҳатгами ишонишни билмай танг бўлди. У азиз-авлиёларга китоб қилиб шовқин солди.

— Е анбиёлар, мени бу баладан халос қилинглар! Е



авлиёлар агар мен Абухасан бўлсам Абухасансан дёнлар, халифа бўлсам уни айтинглар.

Абухасан кийимларини ечди, жиннихонада еган дарраларнинг изини кўриб чўриларга деди:

— Эй худонинг бандалари, «Сен қаттиқ уйқуда ётиб туш кўргансан» дейсизлар, ахир аъзойи баданимга назар солсаларинг-чи! Мен Амралмуслимин эмас, Абухасанман. Касалхонада дарра зарбидан дабдала бўлган танимни кўринглар, ҳали-ҳали оғриғи босилгани йўқ. Шунинг учун мен сизларни ёлгончи каззоб деяётибман, даъвогар бўлманглар. Сизлар айтгандек, буни тушимда кўрган бўлсам бу қандай мўъжиза? Тушим эмас, ўнгимда кўрганимни аниқ биламан.

Абухасан нимага ишонишини билмай гаранг бўлиб қолди: бошидан кечирганларига ишонсинми, ҳозир кўриб турганларига ишонсинми? У баданига қараса, дарра излари бор, ўзига қараса халифа бўлиб ўтирипти, чўрилар, канизлар, қуллар ва ҳарам оғалар хизматида...

— Тушим десам, беҳуда гап бу, дабдалаларни кўзим билан кўриб турибман, касалхонага борганим, қўни-қўшниларим билан уришганим, табибнинг калтаклатгани ёлгон десам, яна беҳуда гап — аъзойи баданимда дарранинг изи турипти!

Абухасаннинг кўнгли хижил, гаш бўлди ва «Ҳаллоқи олам — қодир якто», — деди-да, ёнида турган кичкина хизматкорга юзланди.

— Ма, қулоғини тишла, қаттиқроқ тишла-чи, уйқудамни ё уйғоқ?

Бола унинг қулоғини оғзига олиб шундай тишладик, Абухасан фарёд чекди. Унинг товушини саройда ҳамма эшитди. Шу чоғ чўрилар соз чертиб, ашула ва рақс бошлаб юбордилар. Абухасан эс-ҳушини йўқотиб, телба ҳолга келди, бошидаги саллани юлқиб олди, халифа либосларини ечиб ташлади, ички кўйлак-иштонда маъшуқлари Нажматуссубҳ, Еқутулқалб, Ҳаблаалулу билан ўйин туша кетди. Халифа Абухасаннинг аҳволини кўргач, қулавериб беҳуш бўлди ва чалқанча йиқилди; кейин, ўрнидан турди, пардадан бошини чиқариб Абухасанга қарамоқчи бўлди, лекин кулгидан ичаги узилишидан қўрқиб, Абухасанга қичқирди:

— Абухасан, сен мени кулдиравериб ўлдирмоқчисан!

Чўрилар халифанинг овозини эшитиб рақс ва ашудани тўтатдилар, қулларини қовуштириб, таъзим-тавозе билан

сукут қилиб турдилар. Бу товуш қаёқдан келганини билмай Абуҳасан ҳам жим қолди. У қайрилиб қараб халифани кўриб қолди-да. Мўсул савдогари қиёфасида келиб меҳмон бўлган халифа эканини пайқади; шундан кейин кўрган-кечирганлари туши эмас, ўнги, буларнинг ҳаммаси халифанинг ҳазили эканини фаҳмлади.

— Мўсул савдогари сенмидинг?— деди Абуҳасан халифага қараб,— энди «мени кулдиравериб ўлдирмоқчисан» дейсан. Сен туфайли волидамга қўл кўтарган эканман, қўни-қўшни бўлмаса уриб ўлдириб қўяр эканман; сен туфайли мени жиннихонага қамаб раҳм-шафқатни билмай азоб беришган экан-да, калтакнинг оғриғи ҳали ҳам босилгани йўқ. Сен бугун яна мени азоб-уқубатга дучор қилмоқчимидинг! Маҳалламизнинг имоми ва тўрт миршабининг жафо тортганига сен зоминсан, мен эмас! Сен мени ақлдан оздирдинг, жинни қилиб жиннихонага солдинг, қўни-қўшнилари билан уриштирдинг, маломатга қўйдинг.

Халифа келиб унинг ёнига ўтирди.

— Хаққаст рост, Абуҳасан. Бу балоларни сенинг бошингга мен келтирдим, лекин, худо ҳозир, сенга шундай инъомлар қиламанки, буларнинг ҳаммаси хаёлингдан кўтарилади. Тила тилагингни, не тиласанг муҳайё қиламан.

Сўнгра халифа Абуҳасанни қучоқлаб деди:

— Эй Абуҳасан, менинг сенга иззат ва ҳурматим таърифга сиғмайди.

Халифа унга шундай иззат ва ҳурматига муносиб сарупо берди, чўриларга буюриб, бу қимматбаҳо либосларни унга кийгизди.

Сўнгра халифа деди:

— Эй Абуҳасан, нима тилагинг бор, айт!

Абуҳасан деди:

— Ё Амралмуслимин, тепамизда худо бор, айт, мен сенга нима гуноҳ қилган эдимки, бошимни айлантириб, ақлимдан бегона қилдинг? Нима сабабдан ким эканлигим хусусида мени бундай гумроҳликка солдинг — бугун халифаман, бир ой жинниман, икки кун Абуҳасанман? Мени нима сабабдан бу кўйга солганингни айтсанг, ақлим бир қадар жойига келар эди.

Халифа бу гапни эшитиб кулдию, деди:

— Шунинг билгин ва огоҳ бўлгинки, Абуҳасан, менинг бир одатим бор, ҳар замонда фуқаро либосини кийиб, хусусан, кечалари кезаман. Боғдодда нималар бўлаётгани-

дан, маҳалла элликбошилари нималар қилаётганидан огоҳ бўламан; ҳар ойнинг бошида шаҳардан чиқиб, шаҳар атрофидаги одамларнинг ҳолидан хабар оламан. Сен менга шаҳар дарвозаси олдида дуч келган кунинг шаҳар атрофини кезиб юрган эдим. Сен мени уйингга таклиф қилдинг, таомдан кейин мен сендан нима тилагинг бор деб сўрадим. Сен бир кунгина халифа бўлсаму имом билан тўрт миршабдан қасос олсам дединг; Сен халифа бўлиб қилмоқчи бўлган ишингни ҳақ деб билдим ва тилагингга еткурдим. Иттифоқо, ёнимда банг бор экан, шу бангни қадаҳга солиб юбордим. Сен қадаҳни сипқариб, уйқуга кетдинг. Қулим Масрурга кўтартириб сени саройга олиб келдим. Сен бир кун халифа бўлиб, душманларинг бўлмиш имом билан тўрт миршабдан қасос олдинг. Чўри сенга банг солинган қадаҳ берди. Сен қадаҳни сипқариб, уйқуга кетдинг. Қулим сени уйингга элтди ва менинг амрим билан эшикни ёпмасдан қайтди. Мен шаҳар дарвозаси олдида ёнингдан иккинчи мартаба ўтаётиб салом берганимда сен бошингдан кечганларни айтдинг ва танингдаги жароҳатларни кўрсатиб, хафа бўлдинг. Сен тортган азоб-уқубатларни кўнглингдан чиқармоқ учун сенга инъом-эҳсонлар қилмоқ бўлдим. Тила тилагингни, Абуҳасан!

— Ё Амиралмуслимин,— деди Абуҳасан,— ҳукмдоримиз мени мазах қилиб кўнгил очмоқ мақсадида бошимга шу савдоларни солган экан, тортган азоб-уқубатларим нақадар оғир бўлмасин, ҳаммасини кўнгилдан чиқардим. Инъом-эҳсонлар хусусига келганда, шуни айтмоқ керакки, Амиралмуслиминнинг сояи давлатида бўлган ҳеч бир кимса ноумид бўлмайди ва умрида муҳтожлик тортмайди. Эй Амиралмуслимин, давлатга ҳирс қўйиш ва суқлик одати менда йўқ, ҳукмдоримиз лутфу марҳамат қилиб тила тилагингни, дедилар, менга пул ва давлат керакмас, ҳукмдоримизнинг хизматида бўлиб, Амиралмуслиминга яқин, ҳамсуҳбат, ҳамтабақ ва ҳамқадаҳ бўлсам кифоя. Менинг тилагим шул.

— Худо ҳозир, Абуҳасан,— деди халифа,— сенинг тилагинг шу бўлса, наздимда қадринг ошди, сенга меҳрим яна ҳам зиёда бўлади.

Халифа Абуҳасан учун саройдан махсус хона беришни буюрди, бу хона кимхоб ва шоҳона заррин матолар билан ораста қилинган эди, сарф-харажатга керакли пул ҳақида шундай деди:

— Мен сенга маош тайин қилурман, лекин пулни хази-

начи қўлидан олмоғингга хоҳишим йўқ. Мен пулни сенга ўз қўлим билан ўз фарзандимга бергандек берурман.

Абуҳасан таъзим қилиб ер ўпди ва халифага узоқ умр ва мангу шон-шавкат тилади. Халифа ўрнидан туриб девонхонага чиқди. Абуҳасан фурсатни ғанимат билиб, онасининг олдига борди; бошидан кечирганларини, буларнинг барчаси туш ҳам эмас, шайтоннинг васвасаси ҳам бўлмаганини, чин эканлигини айтиб берди. Қўни-қўшни йиғилди. Абуҳасан буларга ҳам бўлиб ўтган воқеаларни ва халифанинг айтганларини гапириб берди.

— Кўрдиларингми, ҳаммаси чин, сизлар мени жиннига чиқариб азоб бериб юрибсизлар. Гуноҳ қилдиларинг...— деди.

Абуҳасан халифа бўлгани, халифа унга ҳазил-мутойиба қилгани, халифалик тахтига ўтқазгани дув-дув гап бўлиб кетди. Абуҳасан халифа лутфу карам қилиб бунинг устига саройдан жой берганини, ўзига улфат қилиб олганини, баланд мартаба бериб, саройга кириб чиқадиغان ҳамма одамларга ҳукми ўтадиган қилиб қўйганини ҳам айтди.

Абуҳасан саройга қайтди, халифа ҳузурда умр кечира бошлади. Абуҳасан сўзга чечан, хушчақчақ, ҳатто тошни ҳам кулдиришга қодир бўлгани учун халифа уни жонидан ортиқ кўрар эди. Абуҳасанга ҳамманинг, хусусан, халифанинг кундан кун меҳри орта борди. Халифа уни ҳамма суҳбатларга олиб борар, ҳатто хотини Зубайдабегим билан ўтирган чоқларида ҳам Абуҳасанни олдириб келар эди.

Халифа Абуҳасаннинг бошидан кечирганларини — халифа бўлганини, кейин жиннихонага тушиб азоб-уқубатларга дучор бўлганини Зубайдабегимга гапириб берди. Бу мижароларни эшитиб Зубайдабегим хўп кулди.

Абуҳасанни хуш кўрган Зубайдабегим кунларнинг бирида халифага деди:

— Ё Амиралмуслимин, Абуҳасанга бепарвоясан, ҳар сафар келганида менинг чўрим Нажматуссубҳдан кўзини олмайди; шунга кўнгила қўйган, шунга олиш майли борга ўхшайди.

— Бу гапнинг ҳақиқатдан узоқ эмас,— деди халифа,— мен унга шу қизни ва ё бугун оқшом кўрган қизларидан бирини беришни ваъда қилган эдим. Абуҳасан халифа бўлиб менинг чўриларимни кўрганидан кейин унга меҳмон бўлганимда, «тушимга кирган, хаёлимда халифа бўлиб ишқим тушган қизлардан бирончаси менга хотин бўла қошқи эди» деган эди. Қизлардан кўнгилага ёққани...

ни ваъда қилган эдим, шу ваъдамнинг устидан чиқишим, уни кўнглига ёққан қизга рўпара қилишим керак: Абуҳасанни уйлантириш кераклигини эслатиб савоб иш қилдинг. Билмадим, нима бўлиб хаёлимдан кўтарилипти, уни аввало уйлантиришим керак эди. Унинг кўнгли Нажматуссубҳда бўлса; шуни олиб бераман. Аввал билайлик, шу қизга кўнгли бормикин. Иккови ҳам шу ерда.

Халифа билан Зубайдабегим суҳбати вақтида Абуҳасан бир чеккада гапларига қулоқ солиб ўтирар эди, суҳбат тамом бўлгандан кейин ўрнидан турди, таъзим қилиб ер ўпди; халифага малх ўқиди, меҳрибончиликлари учун Зубайдабегимни кўкларга кўтарди.

— Амиралмуслимин лутфу карам кўрсатиб, Зубайдабегим чўриларини менга инъом қилар эканлар, Нажматуссубҳга ошиқи беқарор эканимни арз этишдан ўзга сўзим йўқ, лекин Нажматуссубҳ мени хуш кўрармикин?

Нажматуссубҳ Абуҳасанга кўнгли қўйган ва маликаси Абуҳасанга беришини орзу қилиб юрган экан.

Абуҳасан халифа билан Зубайдабегимга тилагини айтгандан кейин иккови Нажматуссубҳни чақиртириб, Абуҳасанга майли борми эканини сўради. Нажматуссубҳ буларнинг саволига жавоб бермади, лекин уялганидан қипқизариб кетди. Халифа билан Зубайдабегим унинг Абуҳасанга кўнгли борлигини пайқадилар. Халифа тўй тайёрлигини кўришга амр берди, саройда ҳашаматли катта тўй бўлди. Зубайдабегим Абуҳасанни яхши кўрган халифанинг иззатини қилиб Нажматуссубҳга олтин ва қимматбаҳо нарсалар инъом қилди. Халифа ҳам Нажматуссубҳни суйган Зубайдабегимга ҳурматан Абуҳасанга таърифидан ташқари қимматбаҳо нарсалар, олтин берди. Хизматдаги қизлар йиғилиб Нажматуссубҳга оро бердилар, соз чертиб, ашула айтиб, рақс қилиб, расм-русмларни жойига қўйиб тантана ва дабдаба билан уни Абуҳасаннинг оромгоҳига олиб бордилар. Бир ҳафта базм ва тўй-томоша бўлди. Халифа билан Зубайдабегим ҳар куни буларга инъом-эҳсонлар қилар эди. Абуҳасан ифбатли Нажматуссубҳнинг қўйнига кириб мурод-мақсадига етди. Иккови ҳузур-ҳаловатда, хурсандлик билан умр кечира бошлади. Чўрилар хизматда бўлиб, халифанинг боргоҳидан уларга анвойи лазиз таомлар, шарбатлар келтиришар эди.

Булар айшу ишрат, роҳат-фароватда кам-кўстлик кўрмади. Нажматуссубҳ таомдан кейин қўлига удни олиб ашула айтар, хурсандчилик қилар; Абуҳасаннинг ҳам вақти

чоғ, иккови бир-бирига тикилиб қувончидан парвоз қилгудай бўлар эди.

Иккови охирини ўйламасдан катта-катта сарф-харажатлар қилиб, бир қанча муддат умр кечирганидан кейин пул тамом бўлиб қолди. Бир куни заргар келиб, Нажматуссубҳ тўй куни насияга олган қимматбаҳо нарсаларнинг ҳақини сўради. Иккови қутичага қўл солиб қараса, заргарга яраша пул қолипти, холос. Заргарнинг ҳақини беришди ва бир чақа пулсиз қолиб хафа бўлишди, аянч бир аҳволга тушиб қолишди.

Шунда Абуҳасан халифанинг: «Мен сенга пулни ўз қўлим билан бераман» деганини хотирлади, пул сўраб халифанинг олдига боришни маъқул кўрдию кейин ийманди: «Халифа менга кўп пул берганини хотирласа, исроф қилганим малол келар» деб ўйлади.

Абуҳасан Нажматуссубҳга деди:

— Эй, Моҳитобоним, мен халифадан пул сўрай олмайман. Халифа «пулга муҳтож бўлсанг хазиначидан сўрама, ўзимдан сўра» деган бўлса ҳам, бориб сўрагани шарм қилман ва «оз вақт ичида шунча пул бердиму ҳаммасини сарф қилиб бўлипти» дер деб қўрқаман.

— Мен ҳам шуни ўйладим,— деди Нажматуссубҳ,— Зубайдабегимнинг олдига пул сўраб борсам «берган пуларимни дарров сарф қилиб бўлдингми» дер деб қўрқаман.

Абуҳасан деди:

— Булардан пул сўролмасак, «биз берган пуллари нима қилдиларинг» дейишдан қўрқадиган бўлсак, мен бир ҳийла топдим. Шу ҳийла билан уялмасдан, тортинмасдан пул сўрай берамиз. Мен бошлайман, сен кўмак берасан.

— Кўмак беришга тайёрман. Сенинг сўзингни қайтаришдан худо сақласин, жоним сенга тассаддуқ бўлсин.

— Жуда яхши,— деди Абуҳасан,— умрингдан барака топ, сенинг садоқатингга аминман. Мен мана бундай найранг ишлатмоқчиман: аввал сен ўласан, сендан кейин мен ўламан, икковимизнинг ўлимимиз жуда ғалати, кулгили бўлади. Бу қилигимиз халифа билан Зубайдабегимнинг кайфини чоғ қилади, пулни ундирамиз.

— Менга қара, Абуҳасан,— деди Нажматуссубҳ,— сенинг ҳеч сўзингдан чиқмайман, аммо ўлишга тобим йўқ. Сен ўлмоқчи бўлсанг ихтиёринг, қайғурсам ҳам майли, ўла бер, аммо мен ўлмайман.

— Ақлдан озибсан,— деди Абуҳасан,— минг қилса

ҳам хотин кишисан, хотинларнинг ақли қисқа бўлади. Ажабсан, нега ўлар эканмиз! Узимизни ўлдирармидик! Менинг найрангим ундоқ эмас. Қулоқ сол. Бу найрангимни айтиб берай.

— Бу бир найранг бўлса, ўлим бўлмаса, нима десанг розиман,— деди Нажматуссубҳ,— ҳамманинг ҳам жонширин эканини биласан, мен сендан яхшироқ бўлганим учун ўлимдан бош тортаётганим йўқ, ундоқ деб ўйлама! Худо сақласин! Жонширин бўлгани учун сен «ўласан» деганингни эшитиб хафа бўлиб кетдим.

— Кўп гапнинг ҳожати йўқ, лақмаликнинг мавриди эмас,— деди Абуҳасан.— Нима қилмоқчи эканимни айтгай: мен уйнинг ўртасида чўзилиб ётаман, сен каттакон кўрпа келтириб мени ўрайсан, бетимга саллани туширасан, юзимни қиблага ўгирасан, бирон эски либосингни кийиб Зубайдабегим олдига йиғлаб борасану бетингни юласан, ёқангни чок этасан, Абуҳасан қазо қилди дейсан. Аминманки, Зубайдабегим мени кўмгани кўп пул ва тобутимнинг устига ёпгани зарҳал мато беради. Ҳам пул унади, ҳам устингдаги йиртиқ либос ўрнига янги либослик бўласан.

— Бош устига,— деди Нажматуссубҳ,— худо ҳаққи. бу аломат найранг!

Абуҳасан ўлган бўлиб уйнинг ўртасига узала тушди. Нажматуссубҳ Абуҳасанни кўрпага ўради, айтганидек, салласини кўзига туширди, юзини қиблага ўгирди; сўнгра, мотам либосини кийиб, сочларини тўзитди, ёқасин чок қилиб, юзини тирмалаб фарёд чекди; шу аҳволда Зубайдабегимнинг ҳузурига кириб борди. Зубайдабегим унинг аҳволини кўриб саросимага тушди.

— Вой шўрим, Нажматуссубҳ, сенга нима бўлди, гапир!— деди Зубайдабегим.

— Шўргинам қуриди, маликам,— деди Нажматуссубҳ фигон чекиб,— вой севгилим Абуҳасан... Ҳозиргина дийдорингни кўриб гулдай очилиб ўтирган эдим, шўрлик бошимни қайғуга қўйиб кетдинг. Ҳозиргина менга қараб гул-гул очилиб ўтирган эдинг-ку, наинки ўлганинг рост бўлса...

Нажматуссубҳ бетини юлиб дод-фарёдга тушди. Зубайдабегим унинг сўзларини эшитиб, аҳволини кўриб, Абуҳасан ўлганини англади; Абуҳасанни яхши кўргани, чўрисига раҳми келгани, Абуҳасанни яхши кўрган ҳалифага ачингани учун зўр қайғуга тушди, йиғлади-сиқтади. Зубайдабегим Нажматуссубҳни юпатиб деди:

— Қизим, йиғидан фойда йўқ. Улган киши қайтиб тирилмайди. Худо ҳаққи, бу жудолик менга катта мусибат келтирди. Бечора сенинг жамолинга тўймай кетди. Сен ҳам унинг жамолига тўймай қолдинг. Қандай яхши одам эди — оқ кўнгил, ҳазилкаш, хушчақчақ, сўзга уста... Ҳусусан, сенга ичим ачийди: тўйларинг кечагина ўтгандай эди. Сен бечора тузуккина ҳаловат кўролмадинг. Тақдир шу, пешонангга шу ёзилган экан, илож йўқ. Бас, йиғлама!

Сўнгра, Зубайдабегим Абуҳасанни дафн қилиш ва маросимлар ўтказиш учун хазинадан минг тилла, тобутнинг устига ёпгани зарҳал мато берди. Нажматуссубҳ пул ва матони олиб, Абуҳасан топган ҳийла-найрангдан хушнуд бўлиб жўнади; уйга келиб бўлган воқеани эрига айтиб берди. Абуҳасан ўрнидан турди, хурсанд бўлиб деди:

— Энди навбат сеники! Улган бўлиб узала туш.

Нажматуссубҳ узала тушди. Абуҳасан уни кўрпага ўради, юзини қиблага қаратди, сўнгра, қўлига рўмолча олиб ҳалифанинг ҳузурига борди.

Ҳалифанинг олдида вазир Жаъфар ўтирган эди. Абуҳасан йиглаб, фарёд чекиб, ўзини уриб, ёқасини йиртиб кирганда ҳалифа унинг аҳволини кўриб ҳайратга тушди.

— Абуҳасан, нима бўлди?! Айт, нима ҳодиса юз берди?!

— Ё Амиралмуслимин, — деди Абуҳасан, — бундан ортиқ мусибат бўлмас. Нажматуссубҳнинг умри қисқа экан, сенинг умринг узун бўлсин. Оҳ, Нажматуссубҳ, сен билан биргаликда давр-даврон суролмадим, дийдорингга тўёлмадим. Ё Амиралмуслимин, Нажматуссубҳга нима бўлганини билмадим — ҳозир қазо қилди.

Абуҳасан шуни деб фарёд чекди, ўзини урди. Ҳалифа бу хабарни эшитиб, аввало Абуҳасанни яхши кўргани, сониян, Нажматуссубҳ Зубайдабегимнинг энг севган чўриси бўлганидан, кўп хафа бўлди.

Ҳалифа билан Жаъфар Абуҳасанга таскин-тасалли бердилар.

— Хафа бўлиш, йиғлашдан фойда йўқ, Абуҳасан. Улган киши қайтиб тирилмайди... Тақдир шу экан. Пешонага ёзилганидан қочиб қутулиб бўлмайди.

Абуҳасан макр-ҳийласини жойига қўйиб яна ҳам қаттиқроқ фиғон чекди.

— Эй Абуҳасан, — деди ҳалифа, — Нажматуссубҳга бир нарса қилмадингми? Сен яхши одамсан, кўнглимга келган шубҳага ишонмайман.



— Ё Амиралмуслимин,— деди Абуҳасан,— ўзингга маълумки, Нажматуссубҳ ҳусн-латофати, илм-фаросати ва донолиги важҳидангина эмас ва балки Зубайдабегимга барча чўриларидан суйкимлироқ бўлгани туфайли менга кўз қорачигимдай азиз эди, сен ҳам уни яхши кўрар эдинг, шу сабабли қасамёд этиб айтаманки, мен уни кўз қорачигимдай асрар эдим.

Абуҳасан ўзини уриб, йиглаб, ҳийла-найранг бобида бор ҳунарини ишлатди. Ҳалифа кўп хафа бўлди ва марҳумани тантана ва дабдаба билан дафн қилиш учун минг динар, Абуҳасанни юпатиш учун ўзига ҳам минг динар ва жасадни ўраш учун зарҳал мато берди.

Абуҳасан ер ўпди, ҳалифани дуо қилди. У пул ва матони олиб шод-ҳуррам уйига қайтди ва ёш хотини Нажматуссубҳга воқеани баён қилди.

— Менга қулоқ бер, Нажматуссубҳ, макру ҳийла ҳали ниҳоясига етгани йўқ. Сабр қил, мен юз қангома кўрсатурман.

Абуҳасан кетгандан кейин ҳалифа севган хотини Зубайдабегимга раҳм қилиб вазири Жаъфарга деди:

— Эй Жаъфар, Зубайдабегим чўриси Нажматуссубҳни гоят яхши кўрар эди, унинг ўлими хабарини эшитиб фиғон чекиб ўтирган бўлса ажаб эмас. Зубайдабегимни жондан азиз кўришим ўзингга маълум.

— Биламан, Амиралмуслимин,— деди Жаъфар.

— Шунинг учун ҳозир бориб унга тасалли берайлик. Сен ҳам бир-икки ориз сўз айт, мен ҳам айтаман, шояд юпансаю қайғудан фориғ бўлса.

— Бош устига, Амиралмуслимин,— деди Жаъфар,— лекин девонхона очилди, кишилар сизга мунтазир.

— Сен чиқиб одамларни тарқат,— деди ҳалифа,— айт, ҳалифанинг саройда юмушлари бор, бугун девонхона берк дегин.

Вазир Жаъфар девонхонага чиқиб, ҳалифанинг саройда юмушлари борлигини айтди, узр сўраб, одамларни тарқатди ва ҳалифанинг ҳузурига қайтди. Ҳалифа хизматкори Масрурни киргизиб, Зубайдабегим ҳолими эканини билди ва Жаъфар билан бирга унинг ҳузурига кирди. Зубайдабегим ҳафа бўлиб, йиглаб ўтирар, кўз ёшлари шашқатор оқар эди.

— Эй Зубайдабегим, сени қайғуга солган хабардан огоҳ бўлдим ва кўнгил сўрагани, сенга таскин-тасалли бергани Жаъфар билан бирга келдим. Олло ҳаққи,

Зубайдабегим, бошингга тушган қайғу мени эзиб юборди, сабабки, сен Нажматуссубҳни ғоят яхши кўрар эдинг, бу қиз бошқа чўриларинг орасида сенга азизроқ эди. Раҳматликни ҳамма хуш кўрарди, ўзи хушсурат ва сенга ошифта эди. Ундан кейин Абуҳасан туфайли ҳам ичим ачиди, бечора унинг жамолига тўймай, саодат ҳаловатини кўрмади қолди. Абуҳасан ҳозир ҳузуримга келган эди, ёш боладай фарёд чекади, ўзини уради, аҳволи оғир. Вазир Жаъфар иккаламиз унинг ҳолини кўриб йиғлаб юбордик. Мен унга тасалли бердим. Сен ҳам қайғуга қолган бўлсанг керак деб таскин бергани келдим. Қайғурма ва йиғламоқдан не фойда, Зубайдабегим? Улган одам қайтиб келмайди, бу жом навбати ҳаммага ҳам келади. Тақдири авалдан қочиб қутулиб бўлмайди, ҳаммамиз ҳам бир кунни ўламиниз. Сенга қайғу-ҳасратдан бирон зиён-заҳмат етмагай деб қўрқаман. Овунсанг, таскин топсанг, қайғурмасанг дейман.

Ҳалифа кўнгили сўрагани учун Зубайдабегим унга қуллақ қилиб, бахт-саодат тилади, лекин бу сўзлардан ҳайратга тушиб деди:

— Ё Амиралмуслимин, мен тушунолмай қолдим. Сен менинг чўримни «раҳматлик» дединг, чўримга аза тутганим сени қайғуга солипти. Мен Абуҳасанга куяётибман, сабабки, бу одамни сен яхши кўрар эдинг. Бечора, раҳматлик, кўп яхши, хушчақчақ ҳазилкаш одам эди. Унинг суҳбатида кўп соатларни хурсандчилик билан ўтказган эдик. Унинг ҳазил-мутойибалари баҳри-дилимизни очар эди. Абуҳасан туфайли сен қайғуга қолдинг, деб қўрққан, қачон Масрур келадию сени сўрайман деб турган эдим. Сен Абуҳасанни не чоғлик яхши кўришингни билар эдим, ўзимча «Амиралмуслимин мотам тутгандир» деб ўтирган эдим. Умринг боқий бўлсин, Амиралмуслимин. Улган менинг чўрим эмас, хато қилган бўлсанг керак, Абуҳасан ўлган.

Ҳалифа хафа бўлса ҳам, бу гапни эшитиб шундай кулдими, ағдарилиб тушди.

— Ё Амиралмуслимин,— деди Зубайдабегим,— сен мени масхара қилмоқ мақсадида келдингми? Азбаройи худо, ўлган Абуҳасан-ку!

— «Хотинларнинг ақли қисқа бўлади» деган мақол бор, дарҳақиқат, бунга шубҳа йўқ,— деди ҳалифа.— Сен нима дейсан, Жаъфар? Абуҳасан менинг ҳузуримга йиғлаб ўзини уриб келганини кўзинг билан кўрдинг, нима бўлга-

нини сўраганимизда «хотиним Нажматуссубҳ ўлди» деганини ўз қулоғинг билан эшитдинг-ку.

— Тўғри,— деди Жаъфар. Ҳалифа давом этди:

— Сен хато қилаётибсан, Зубайдабегим, ўлган Абуҳасан эмас, сенинг чўринг. Абуҳасан ҳозир менинг ҳузуримга келди, мен унга икки минг динор пул ва марҳумани ўрагани шоҳи мато бердим. Суйган чўринг ўлганига сен йиғлагин ва йиғлашинг ўринли, сабабки, уни ўз фарзандингдай тарбият қилиб ўстирган эдинг. Абуҳасанга мотам тутишининг хожати йўқ, сабабки, Абуҳасан соғ-саломат.

— Ё Амралмуслимин,— деди Зубайдабегим,— мени ҳамон мазаҳ қиляпганга ўхшайсан. Мен Абуҳасанга аза тутаётганимни аниқ биласан. Мен ҳам биламанки, сен шу сўзлар билан ўзингга таскин-тасалли бермоқдасан. Биз таскин-тасаллига муҳтож, Абуҳасан мотам тутишимизга лойиқ эди, сабабки, бизни овулар, баҳри-дилимизни очар эди.

— Эй Зубайдабегим,— деди ҳалифа,— азиз бошинг учун қасамёд этаманки, Абуҳасан ўлган эмас. Мен ҳазина қилаётганим йўқ. Ҳақ гапни айтаётиман: чўринг Нажматуссубҳ ўлган.

Зубайдабегим ҳалифадан ранжиб деди:

— Парвардигор ҳаққи, эй Амралмуслимин, ўлган менинг чўрим Нажматуссубҳ эмас, яна бир оз келмай турганинда таъзия билдириб одам юборар эдим. Сен Абуҳасанни гоят яхши кўрар эдинг, мен ҳам яхши кўрар эдим. Абуҳасан ўлган, Нажматуссубҳ ҳозиргина менинг ҳузуримга мотамсара бўлиб йиғлаб, ўзини уриб келди. Унинг аҳволини кўриб йиғладим, чўрилар ҳам йиғладилар. Нажматуссубҳ мотам либосида, сочларини тўзитган эди. Унга раҳмим келиб, юпатмоқ ва Абуҳасанни дабдаба билан дафи қилмоқ учун минг динор бердим. Шу ерда ҳозир бўлган чўрилар ҳам буни кўрдилар. Мен Абуҳасанга мотам тутиб ўтирибман.

Зубайдабегимнинг сўзлари малол келиб, ҳалифа деди:

— Зубайдабегим, сен умрингда бу кунгидай саркашлик этмаган, мени ёлғончи қилмаган эдинг: мен сенга «Абуҳасан ҳозиргина ҳузуримдан кетди, уни вазир Жаъфар ҳам кўрди» десам, сен «ўлган Абуҳасан» деб ўтирибсан.

— Мени шу гапларга қаноат қилади, чўриси Нажматуссубҳ ўлганига ишонади деб ўйлама,— деди Зубайдабегим,— билъакс, қасамёд этиб айтаманки, Абуҳасан

ўлган. Менинг чўримни худо ўз паноҳида сақласин! Бу бечорага мунча ўлим тилаб қолдинг?

Зубайдабегимнинг бу гапларидан ҳалифа ғазабга келди, Масрурни чақириб деди:

— Ҳозир Абуҳасаннинг қасрига бориб билиб кел: ўлган Абуҳасанми ё унинг хотини Нажматуссубҳми? Улган Нажматуссубҳ эканини ўзим билсам ҳам, майли, Зубайдабегим ўз қулоғи билан эшитсину саркашлигини ташласин. Умримда бундай саркашликни кўрган эмасман.

— Улган Абуҳасан эканини биламан,— деди Зубайдабегим. Ҳалифа бақириб берди:

— Сенинг сўзинг ҳақ чиқса хоҳлаган нарсангни, подшолигимнинг ярмини бераман! Абуҳасан соғ-саломат, ўлган сенинг чўринг Нажматуссубҳ эканига гаров боғлашман.

— Мен ҳам гаровга бор-йўгимни тикаман, ўлган менинг чўрим Нажматуссубҳ эмас, Абуҳасан!— деди Зубайдабегим.

Ҳалифа деди:

— Хўп, гаров боғлаймиз: агар менинг сўзим рост чиқсаю Абуҳасан соғ-саломат, сенинг чўринг ўлган бўлса, катта қасрингни оламан, агар менинг сўзим рост чиқсаю чўринг соғ-саломат, Абуҳасан ўлган бўлса Бустонудхуд боғидаги қасримни сенга бераман.

Ҳалифа билан Зубайдабегим гаров боғлашди. Абуҳасан ўз қасрида туриб булар орасида ўтган можародан хабардор эди. Ҳалифа хабар олиб келгани Масрурни юборди. Абуҳасан Масрурни кўриши билан Нажматуссубҳни уйнинг ўртасига ётқизди, кўрпага ўради, юзини қиблага ўгириб қўйиб йиғи бошлади-ю, ўзини ураверди. Масрур унинг аҳволини кўриб кўнгли бузилиб кетди ва йиғлаб деди:

— Дарҳақиқат, аёл кимсанинг хархаша ва саркашлигидан ёмони йўқ!

— Эй Масрур, нега бундоқ деяётибсан?— деб сўради Абуҳасан. Масрур деди:

— Зубайдабегимга бир бало бўлди, Амиралмуслимин билан баҳсу мунозара қилиб, унга гап қайтариб, Абуҳасан ўлган, Нажматуссубҳ соғ-саломат деб ўтирипти; Амиралмуслимин: «Саркашлик қилма, Абуҳасан ҳозиргина ўзини уриб, йиғлаб келган. Эди, мен унинг кўнглини кўтардим, юпатдим» деса, Зубайдабегим: «Йўқ, Нажматуссубҳ соғ-саломат, ўлган Абуҳасан»,— деди. Амиралмуслимин унинг

саркашлигидан ранжида бўлиб, мени қайси биринг ўлганлигини билиб келгани юборди.

— Эвоҳ, Масрур, Нажматуссубҳ ўлганча мен ўлсам бўлмасмиди!— деди Абуҳасан ва яна йиғи бошлади.

Масрур деди:

— Оҳ, биродарим Абуҳасан, йиғлама, ўлим ҳаммамизнинг ҳам бошимизда бор, ўлган қайтиб тирилмайди.

Масрур қайтиб, ҳалифа билан Зубайдабегимга Нажматуссубҳ ўлганлигини, Абуҳасан йиғлаб, ўзини уриб не аҳволда унинг бошида ўтирганлигини айтди.

Ҳалифа Зубайдабегимдан кулавериб чалқанча йиқилди.

— Э Масрур, Зубайдабегим иккимиз бу хусусда гаров боғлашган эдик, Нажматуссубҳ ўлганини ўз кўзинг билан кўрган бўлсанг Зубайдабегимнинг катта қасри меники бўлди. Хўш, Зубайдабегим, энди нима дейсан? Яна «ўлган Абуҳасан, менинг чўрим соғ-саломат» дейсанми? Мен ҳақ эканман-ку, энди кўнглинг жойига тушдими? Катта қаср менинг изимга ўтди.

— Амралмуслимин,— деди Зубайдабегим,— бу ланати қаллоб қулинг сўзига ишониб гаровни ютдим деб ўтирибсан. Мен нечук кўзимга ишонмай, бунинг сўзига ишонар эканман, чўримни ҳозир ўз кўзим билан кўрдим.

Масрур деди:

— Маликам, менга шафқат қилинг! Азиз бошингиз, Амралмуслимининг боши учун онт ичиб айтаманки, ўлган Абуҳасан эмас, чўрингиз Нажматуссубҳ, Абуҳасан унинг тепасида йиғлаб, мотам тутиб ўтирипти!

— Оҳ, малъун, оҳ юзи қора,— деди Зубайдабегим,— мен ёлғончию сен ростгўй бўлдингми! Шошма ҳали, сен даблари дўдоқни шармандаю шармисор қиламан!

Зубайдабегим қарс урди. Нажматуссубҳ, Абуҳасан ўлди, деб йиғлаб келганда ҳозир бўлган чўрилар кириб келдилар. Зубайдабегим деди:

— Қизларим, соҳибимиз Амралмуслиминнинг боши, менинг бошим учун тўғрисини айтинглар, ким ўлгану, мен кимга таскин-тасалли берган эдим?

Чўрилар бир оғиздан жавоб бердилар:

— Маликамиз, Нажматуссубҳ Абуҳасан ўлди, деб йиғлаб, ўзини уриб келди, сиз уни юпатдингиз, марҳумни дафн қилиши учун олтин ва зарҳал мато бердингиз.

Зубайдабегим Масрурга юзланиб деди:

— Эй малъун, ўлик билан тирикни хўп фарқ қилар экансан-да! Қара, шунча қиз ёлғончилигингни юзингга айтиб турипти.

Зубайдабегим Масрурни ғазабга олиб дашномлар берди. Ҳалифа Зубайдабегимнинг Масрурга дашном бераётганини кўриб ундан кулди:

— Худо ҳаққи, аёл кимсанинг ақли кирди-чиқди бўлади,— деди ва хотинига юзланди.— Зубайдабегим, Масрур ҳозир Абуҳасаннинг олдига бориб, ўлган Абуҳасан эмас, Нажматуссубҳ эканини кўриб келди. Масрур ҳозир менинг ва сенинг бошинг ҳаққи қасамёд этди, ёлғондан қасам ичса бошини танидан жудо қилишимни билади. Шундоқ бўлса ҳам саркашлик қилиб, Абуҳасан ўлди деб ўтирибсан.

— Аё Амралмуслимин,— деди Зубайдабегим,— сўзимни қайтариб гашимга теккани қулинг билан тил бириктирганга ўхшайсан. Худо ҳаққи, сўзимдан қайтмайман ва Нажматуссубҳнинг ўлганига ишонмайман, сабабки, сен келмасингдан бурунроқ чўрим менинг ҳузуримга келиб, эри Абуҳасан ўлганини айтган эди. Мен ҳозир чўриларимдан бирини юбориб, бу ёлғончи малъунни шарманда қиламан.

Зубайдабегим чўриларидан бир кампирни чақиртириб буюрди:

— Абуҳасаннинг қасрига бориб билиб кел: ўлган менинг чўрим Нажматуссубҳми, Абуҳасанми? Тезроқ хабарини келтир.

Абуҳасан ҳалифа билан Зубайдабегим орасида ўтган гаплар ва Зубайдабегим аҳволини билиб кетгани қари чўрисини юборганидан хабар топди; кампир келаётганини кўриб, дарров узала тушиб ётди. Нажматуссубҳ унинг тепасида йиғлаб, ўзини уриб ўтирди. Чўри уйга кириб, Абуҳасан ўлиб ётганини, унинг ёш хотини Нажматуссубҳ йиғлаб, ўзини уриб ўтирганини кўрдию унга тасалли берди:

— Эй қизим, ўлим ҳаммамизнинг ҳам бошимизда бор, лаънати Масрурни қарға!

— Сабаб?— деди Нажматуссубҳ.

Кампир жавоб берди:

— Масрур бориб ҳалифага: «Абуҳасан соғ-саломат, Нажматуссубҳ ўлди»,— деди. Ёлғончи малъун туфайли Амралмуслимин билан Зубайдабегим ораларидан низо чиқди: ҳалифа сени ўлганга чиқариб, Абуҳасан тирик деди, Зубайдабегим аксини айтди. Иккови ростини билиб

келгани Масрурни юборган эди, Масрур «Абуҳасан соғ-саломат, Нажматуссубҳ бандаликни бажо қилипти» деб борди. Ҳалифа билан Зубайдабегим орасида муноқаша бўлди, иккови ҳақиқатни билиб келгани мени юборди.

— Оҳ, кошки эди суйган ёрим Абуҳасан ўрнига мен ўлсам эди! Шундоқ бўлса мен ғам-ҳасратини чекиб ўтирмас эдим!— деди Нажматуссубҳ.

Кампир суюнди ва дарҳол бу ҳушхабарни Зубайдабегимга етказишга ошиқди. Ҳалифа билан Зубайдабегим ҳузурига вақти чоғ бўлиб кириб борди.

Зубайдабегим деди:

— Қани, гапир, қайси бири ўлган экан?

— Бошингиз ҳаққи, Абуҳасан ўлиб ётипти, юзи қиблага ўгирилган, салласи юзига туширилган. Чўрингиз Нажматуссубҳ йиғлаб, ўзини уриб, аза тутиб ўтирибди,— деди кампир.

Зубайдабегим кулиб:

— Ростини айт!— деди.

— Амиралмуслимин боши ҳаққи, қасамёд этаман,— деди кампир.— Ёлғон гапираётган бўлсам бошимни олсинлар.

Масрур кампирнинг Абуҳасан тирик эканлиги, Нажматуссубҳ ўлганлиги тўғрисида хабар келтиради, Зубайдабегим олдида юзим ёруғ бўлади, деб ўйлаган эди. Кампир воқеани ўз кўзи билан кўрганини айтиб, Амиралмуслимин боши ҳаққи, қасам ичганидан кейин Зубайдабегим Масрурга юзланиб деди:

— Эй малъун, хўжангга хушомад қилиб ёлғон гапиришни ўрганибсан. Мана, шарманда бўлдинг-ку!

Масрур Абуҳасан соғ-саломат, Абуҳасан ўлмаганлигини ўз кўзи билан кўргани ҳолда Зубайдабегимдан дашном эшитаётганини кўтаролмади; кампирнинг гапини эшитиб зардаси қайнаб кетди:

— Эй нобакор, Абуҳасан тирик эканини ўз кўзим билан кўрдим, уни Амиралмуслимин ҳам кўрганлар, икковимиз ёлғончига чиқдикми! Оббо малъун-эй!

Масрур ҳалифага юзланиб деди:

— Эй хўжам, бошингиз ҳаққи, қасамёд қиламанки, бу малъун кампир ёлғон гапираёттипти, буринини кесмоқ керак. Нон егани тиши йўғу ўлик билан тирикнинг фарқига борадими!

Ҳалифа унинг сўзларини эшитиб кулди. Кампир Масрурнинг ҳақоратларига тоқат қилолмай қичқирди:

— Эй баттол, сенинг лабларинг бир-бирига ёпишган, шунинг учун ҳақиқатни айтишдан ожизсан!

Ҳалифа билан Зубайдабегим кампир ва Масрурдан кулди. Масрур кампирнинг ҳақоратларидан хафа бўлиб ҳалифага юзланди ва бу байтни ўқиди:

Менга бегонадир қўрқув, нечукким бош уза сен бор,  
Эурсан шер, чивинлар етказурми бизлара озор.  
Нажотсизларга посбонсан, берурсан ташналарга сув,  
Ўзинг оби ҳаётсан, ташналиқдан ўламагум зинҳор.

Ҳалифанинг кампирга ғазаби келди, лекин Зубайдабегимнинг иззатини қилиб ўзини босдию Масрурни тийди. Ҳалифа саросимага тушди. Абуҳасан хотини ўлганига йиғлаб келганини ўз кўзи билан кўргани учун бу гапларни ақлига сиғдиролмас эди. Зубайдабегим ўз чўрилари билан бирга воқеа бошқача деб айтяпти, Нажматуссубҳ унинг ҳузурига келиб эри ўлганини айтибди, йиғлабди-сиқтапти, кампир бориб, Абуҳасан ўлиб ётганини ўз кўзи билан кўрибди — ҳалифа ҳақиқат қаерда эканини билмас эди.

— Эй Зубайдабегим, — деди, — ҳаммамиз ёлгончига чиқа қолайлик. Мен Абуҳасан соғ-саломат эканлигини ўз кўзим билан кўрдим, Масрур ҳам кўриб келди, сен Нажматуссубҳ соғ-саломат эканини ўз кўзинг билан кўрибсан, кампир ҳам шундоқ деяётибди. Энди ҳаммамиз бирга бориб ҳақиқатни билиб келганимиз маъқул.

— Мана бу тўғри гап, — деди Зубайдабегим, — бориб кўрайлик, ҳақиқатдан огоҳ бўлайлик.

Масрур олдинга тушди, чунки буларга эшикни очиб, сўзи ҳақ эканини кўрсатмак иштиёқида ёнар эди. Йўлда Масрур билан кампир талашиб-тортишиб борди; иккови гаров боғлашди: агар Абуҳасан ўлган бўлса, кампир унга бир кийимлик зардўз мато, Нажматуссубҳ ўлган бўлса, Масрур унга бир кийимлик зардўз мато берадиган бўлди.

— Сендан бир кийимлик матони ютиб олганимдан кейин ҳўжам сенинг бошингни олсинлар, нобакор кампир, — деди Масрур.

Абуҳасан бу гапларни эшитиб турарди. Ҳалифа, Зубайдабегим, вазир Жаъфар, Масрур ва кампир келаётганини кўриб Нажматуссубҳ Абуҳасанга деди:

— Эй Абуҳасан, — сен ҳалифа олдида мени ҳам, ўзингни ҳам ёлгончи қилдинг. Энди бало-қазодан худо сақласин!



— Қўрқма, хотиржам бўл,— деди Абуҳасан.— Эшак-  
ни манорага олиб чиққан киши олиб тушишни ҳам билади,  
менга қўлоқ берсанг, айтганимни қилсанг бас.

— Бош устига, Абуҳасан,— деди Нажматуссубҳ.—  
Измун иштиёрим сенда, шу балодан халос қилсанг бас.

Абуҳасан деди:

— Хотиржам бўл!

Абуҳасан ҳалифа билан Зубайдабегимни кўриш билан  
дарров ўлган бўлди ва Нажматуссубҳга деди:

— Сен ҳам ўл, юзингни қиблага ўгириб ёнимда ёт, мен  
нима қилсам сен ҳам шуни қилавер.

Масрур эшикни очди. Ҳалифа, Зубайдабегим ва улар-  
нинг ҳамроҳлари уйга кириб қарашса, Абуҳасан билан  
Нажматуссубҳ иккови ўлиб ётибди. Ҳамма довдираб қол-  
ди. Зубайдабегим фарёд чекиб йиғлади ва ден:

— Ҳаммаларинг ёмон нафас қилиб, чўримни охири  
ўлдирдиларинг! Бечорагинам эрининг дард-фироқида куй-  
иб адо бўлди.

Ҳалифа Зубайдабегимга деди:

— Парвардигор ҳаққи, мен бунга ишонмайман, Зубай-  
дабегим, ундоқ дема. Аввал Нажматуссубҳ ўлган, Абуҳа-  
сан унинг дард-фироқида адо бўлган. Гаровни мен ютдим,  
катта қасрингни ютиб олдим.

— Ё Амралмуслимин,— деди Зубайдабегим.— Сен  
ҳақ эмас, мен ҳақ бўлиб чиқдим, сабабки, аввал Абуҳасан  
ўлган, бечора чўрим унинг дард-фироқида куйиб адо  
бўлган.

Ҳалифа билан Зубайдабегим орасида баҳс бошланди.  
Масрур билан кампир ҳам мунозара қилишди, ҳалифа би-  
лан Зубайдабегим бўлмаганда булар уришар эди.

Мунозара ва муноқаша чўзилди. Зубайдабегим чўри-  
сини ўз кўзи билан кўрган бўлса, ҳалифа ҳам Абуҳасанни  
ўз кўзи билан кўрган, бу иккиси бир-бирининг ўлими  
ҳақдаги хабарни етказган эди.

Ҳалифанинг газаби жўш уриб деди:

— Волло-билло, Аббоснинг равзаси ҳаққи, қасамёд эта-  
манки, буларнинг қайси бири олдин ўлганини айтган ки-  
шига икки минг динор инъом қиламан.

Бу гапни эшитиб Абуҳасан иргиб ўрнидан турди-да,  
кафанини улоқтириб:

— Ё Амралмуслимин, икки минг динорни менга бер!  
Азбаройи худо, мен олдин ўлганман, икки минг динорни  
узат!

Абухасаннинг хотини Нажматуссубҳ ҳам ирғиб ўрнидан турди-ю, Зубайдабегимнинг қучоғига отилди. Зубайдабегим Нажматуссубҳ соғ-саломат эканини кўриб гоят хурсанд бўлди ва хитоб қилди:

— Эй бадбахт, менга шунча ғум-ғусса чектирдинг. Шукур, ўлмаган экансан.

Ҳалифа икковининг тирик эканини, Абухасан икки минг динор сўраб қўл чўзиб турганини кўриб, кула-кула чалқанча йиқилди.

— Эй Абухасан, сен ҳам мени кулдириб ўлдирмоқчисан! Ҳалифа бўлганинга қилмишларингдан кулиб ўлаёзганим етмагандек, яна бу ҳангомани қилиб ўтирибсан.

Абухасан ҳалифага, «мен олдин ўлганман» деганини эшитган Зубайдабегим ҳам кулавериб ўлаёзди.

Абухасан ҳалифага деди:

— Ё Амралмуслимин, мўминлик ва риоя асл одамнинг хислатидир, менинг бу ҳангомани бошлаганимга сабаб шу: ўзингга маълумки, мен табиатдан хушнудлик, роҳат-фароғат ва айш-ишратга мойилман. Сен менга Нажматуссубҳни олиб бердинг, бу ҳам роҳат-фароғат ва айш-ишратга мендан кўпроқ мойил экан. Шундоқ қилиб иккимиз бор-йўғимизни совурдик. Ўзингга маълум, айш-ишрат пул билан бўлади. Бугун чўнтагимга қўл солиб қарасам, бирон дирҳам қолмабди. Хотиним Нажматуссубҳ Зубайдабегим берган пулни сарф қилиб бўлди, менга сен берган пулдан ҳам бирон дирҳам қолмабди.

— Бу аҳволни кўриб кўп хафа бўлди ва нима қилишимизни билмай мен Нажматуссубҳга: «Зубайдабегимдан пул сўрай оласанми?» дедим. Нажматуссубҳ: «Уяламан, Зубайдабегим кўп пул берган эдилар, яна сўрагани журъат қилолмайман» деди. Сендан пул сўрагани ўйлаб қолдим, «Тўйингга шунча пул берган эдим, ҳаммасини сарф қилибсан — исрофгар одамга ўхшаб қолдинг» дерсан дедим.

Абухасаннинг бу сўзларини эшитиб ҳалифа билан Зубайдабегим кулгидан беҳол бўлдилар.

— Туринглар, бу ёққа юринглар,— деди ҳалифа ва булардан қайси бири олдин ўлганлигини айтган одамга ваъда қилган пул, икки минг динорни Абухасанга берди, унга ҳар ой бир минг динордан маош тайин қилди.

Зубайдабегим ҳам чўриси Нажматуссубҳга минг динор инъом қилди. Булар айш-ишрат ва висол заволи қазо етиб келгунча умрларини ҳузур-ҳаловатда ўтказдилар.



**Басра**  
**султонининг ўгли**  
**Зайнуласном**  
**ҳақида ҳикоят**



Ривоятга кўра Басрада улуг бир султон бор эди. Султон ниҳоятда бадавлат, лекин ўғил кўрмаган, меросхўри бўлмаганидан кўп гусса чекар эди. У фақиру бенаволарга кайр-саҳоват қилиб худойи таолодан ўғил тилади. Худойи таолога унинг оқи етиб, малика хомиладор бўлди. Подшоҳнинг боши осмонга етди ва таваллуд вақт-соати етгач, аллома ва мунажжимларни чорлаб деди:

— Айтингиз, ўғил бунёдга келадими, қизми ва бунинг бошидан нима кечади?

Мунажжимлар қуръа ташлаб жавоб бердилар:

— Аё Амиралзамон, ўғил бунёдга келади ва унинг номини Зайнуласном қўймоғингиз керак. Фарзандингиз шижоат ва жасорат соҳиби бўлади ва лекин ҳаётида бахтсизлик ва машаққатга дуч келади, агар шунда қадди букилмаса, юраги дадил бўлса, замонадаги подшоҳлардан бадавлатроқ бўлади.

— Фарзандим шижоат ва жасорат соҳиби бўлса,— деди подшоҳ,— бошига келадиган машаққатлардан ташвин тортмайман, чунки ҳукмдорларнинг фарзандлари фалокатлардан сабоқ оладилар.

Малика қайратангиз хушрўй фарзанд кўрди. Подшоҳ унга Зайнуласном деб ном қўйди. Унинг таърифиди шонир деди:



Буюклардан буюкдир улки, бўлиши ҳуснингга наққош,  
 Жаҳонга келдингу мен ҳолиқинг олдида эгдим бош.  
 Гўзаллик мулкига шахсан, қулингдур барча ҳуси аҳли,  
 Қуёшдирсан, алар юлдуз, беролмас шуълангга бардош.

Бола беш ёшга етди. Подшоҳ уни олим, закий ва моҳир бир муаллимга берди. Муаллим унга ахлоқ, одоб, илму фандан, фалсафа ва ҳуснихатдан дарс бера бошлади. Бола муаллимдан билимдонроқ бўлди, замона алломаларидан ўзиб кетди. Худойи таоло унинг отасига бир дард берди, дард кундан-кун оғирлашди ва султон қазо кунни яқинлашаётганини фаҳмлади. Султон ўғли Зайнуласном, барча вазирлари ва аъёнларини ҳузурига чорлаб, шулар ҳузурда ўғлига васият қилди:

— Эй ўғлим, фақирга озор берма, имкони борича адолат билан иш тут. Қулоғингга кирган ҳар қандай сўзга ишонма, ҳамма вақт фуқаронинг сўзига қулоқ бер, эҳтиёт бўл, бировнинг ёлғон сўзига учма!

Сўнгра подшоҳ вазирларига юзланиб, ўғлига содиқ бўлиш ҳақида улардан сўз олди. Қазо вақти етгач, оламдан кўз юмди. Улик ювилди, жаноза ўқилди, дафн қилинди. Зайнуласном отасига мотам тутиб, олти кун қора либос кийди, сўнгра салтанат тахтига ўтирди. Девонхонага ва-

зирлар, амирлар ва аёнлар йиғилди. Ҳамма Зайнуласномга таъзия билдирди, тожу тахт билан муборақбод қилиб, унга узун умр, беҳад шон-шавкат тилади.

Зайнуласном бир неча кунни шу тариқа ўткарди; кейин қарасаки, шон-шухрати зўр, давлати беҳисоб. Унинг ўзи ёш. Хурсандчиликка майли зўр эди. Атрофига ўн нафар ўзига ўхшаш йигитларни тўплади-ю, шулар билан бирга айш-ишрат қилиб бойлигини совуришга киришди, подшоҳлик қилгани дёвонхонага кирмай қўйди. Онаси унга панд-насихат қилди, фуқаро ғалаён қилиб тахтдан тушириб қўймасин деб кўрокитди. Лекин Зайнуласном бу сўзларга қулоқ осмади. Орадан кўп ўтмай фуқаро аёнларнинг жабр-зулмидан шижоат бошлади, подшоҳни тахтдан туширмоқчи бўлди, чунки монелик қиладиган кимса бўлмаганидан аёнлар ҳадларидан ошган эдилар. Унинг онаси оқила, тадбирли аёл эди, ишни ўз қўлига олди ва халойиқни бу ниятидан қайтарди.

Она Зайнуласномни чақириб деди:

— Эй бўтам, мамлакат аҳволини ўйламасдан фисқ-фужур, исрофгарчиликка берилсанг, ёш ва нодон йигитларга қўшилиб айш-ишрат қила берсанг салтанатдан маҳрум бўласан демабмидим? Кўзингни оч, болам, сени ўлдириб салтанатни тортиб олмасинлар тагин!

Зайнуласном шундан кейин бир оз эсини йиғди-ю, давлат идорасини бир неча ақли расо қарияларга топширди, лекин бу ишни Басра ғорат бўлгандан кейин қилди, сўнгра ақлини йиғиб ўзига келди, қараса, бор-йўғи, хазина ҳам барбод бўлибди, ҳаммаси айш-ишратга сарф бўлибди.

Зайнуласном пушаймон бўлиб, аҳволига ачинди, ғам-ҳасрат уни уйқу лаззатидан маҳрум қилди.

Бир кеча унинг тушига бир мўйсафид кириб деди:

— Эй Зайнуласном, қайғурма, сабабки, қайғунинг кетидан хурсандлик келади, машаққат кетидан фароғат келади. Урнингдан тур, Мисрга йўл ол, Мисрда ганжина топасан.

Зайнуласном уйқудан уйғониб, тушини онасига айтди. Онаси кулди.

— Хом хаёл, болам,— деди.

— Мисрга бормасам бўлмайди,— деди Зайнуласном.

— Бундай беҳуда тушга бошида ақли бор киши ишонмайди,— деди она.

Зайнуласном:

— Йўқ, тушим эмас,— деб хитоб қилди.— Мўйсафид фирибгар эмас, нуроний чол, худойи таолонинг элчиси бўлса ажаб эмас. Бу одам менинг қайғу чекаётганимдан огоҳ бўлиб тушимга кирди ва менга хайрли маслаҳат берди. Мисрга албатта бораман. Бу одамнинг сўзи ҳақ эканига кўнглим гувоҳлик бериб турибди.

Бир қанча вақтдан кейин Зайнуласном подшоҳликни тарк этиб, бир куни кечаси Миср сари равона бўлди: кечакундуз юриб Мисрга етди, шаҳарга кирди, ҳориб-чарчаб бир мачитга тушди, озиқ-овқат харид қилди, чарчаганликдан бошини ерга қўйиб, уйқуга кетди.

Зайнуласном уйқуга кетиши билан ўша мўйсафид яна тушига кириб деди:

— Эй Зайнуласном, сен менинг сўзимга қулоқ осдинг. Мен сени синамоқ, шижоат ва жасоратингни билмоқ мақсадида ўша гапни айтган эдим, билдим, шижоатли экансан, энди шаҳрингга қайт, мен сени оламдаги ҳамма подшоҳлардан бадавлатроқ қиламан.

Зайнуласном уйғониб хитоб қилди:

— Бисмиллоҳу раҳмону раҳим! Сўзига инониб эътиқод қўйганимда мени бадбахт қилган бу мўйсафид қандоқ одам ўзи! Худойи таоло қодири якто! Хайрият, сафарга кетишимни ҳеч кимга айтмаган эканман. Лекин ҳар қалай, мўйсафидга эътиқодим суст бўлгани йўқ.

Тонг отгач, Зайнуласном отига миниб, Басрага қайтди, кечаси онасининг ҳузурига кирди. Онаси у билан сўрашиб:

— Бирон нарса топдингми?— деб сўради.

Зайнуласном воқеани баён қилгач, онаси деди:

— Хафа бўлма, қайғурма, болам. Сенга бирон нарса насиб қилган бўлса кўп овора бўлмасдан қўлга киргизасан. Лекин эсинг кирсин, сени бу аҳволга туширган нарсаларни — йигитлар билан айш-ишрат ва исрофгарчилик қилишни тарк эт. Бу ишлар, болам, бебош йигитларга муносиб, сенга муносиб эмас.

Зайнуласном энди ақли кирганини, бу ишларни тарк этишини айтиб онасига сўз берди-да, ётиб уйқуга кетди. Мўйсафид яна унинг тушига кириб деди:

— Эй Зайнуласном, ваъдага вафо қилгани келдим. Уйқудан турганингдан кейин белкуракни олиб, отангининг саройи остидаги фалон жойга бор, ўша ерни ковласанг ганжина топасан.

Зайнуласном уйқудан уйғониб, тушига кирган мўйса-

— Уш саккиз йил бўлди,— деди Муборак.— Менинг соҳибим Басра султонининг ўғли эканлигинга далилинг борми?

— Менинг отам,— деди Зайнуласном,— ўз саройи остига гор қилгани, горга яшмадан қилинган ва қимматбаҳо тошларга тўла қирқта хум қўйгани, горда бир уй бино қилиб, унга асл тошлардан етти ҳайкал ўрнатгани ва бу ҳайкаллар яхлит тошлардан бўлиб, олтин таккурсиларда тургани сенга маълум. Бу уйда ёзув ёзилган шоҳи пардага кўзим тушди, ёзувда айтилишига кўра, ҳузурингга келсам, сен менга саккизинчи ҳайкални кўрсатар экансан, ҳайкалга соҳиб бўлар эканман. Отамнинг айтишига қараганда саккизинчи ҳайкал аввалги етти ҳайкалдан қимматлироқ экан.

Муборак бу сўзларни эшитиб дарҳол Зайнуласномнинг оёғига йиқилди ва қўлларини ўпиб деди:

— Сен дарҳақиқат соҳибим ва ҳукмдоримнинг ўғли экансан! Эй соҳибим, мен Мисрнинг барча олиймақом ва зодагонларига зиёфат бермоқдаман. Шу зиёфатга ташриф буюрмоқ хоҳишинг борми?

— Яхши,— деди Зайнуласном.

Муборак дарҳол ўрнидан турди, Зайнуласномни одамлар йиғилган бир уйга бошлаб кирди, унга тўрдан ўрин кўрсатди, олдига хонтахта қўйдирди. Муборак қўл қовуштириб тикка турар ва хизматига камарбаста эди. Зодагонлар бунга ҳайрон, чунки Мисрда Муборакдан улуғ одам йўқ эди. Ҳамма ўзича:

— Миср аёни Муборак нечук бу йигитнинг хизмати-га камарбаста бўлиб турипти!— дер эди.

Ҳамма тонг қолиб, бу йигит қаердан келганини билмас эди.

Меҳмонлар еб-ичиб, хурсандлик қилгандан кейин Муборак деди:

— Эй Миср зодагонлари, бу йигит хизмати-га камарбасталигимдан ҳайратга тушманглар, бу йигит соҳибим Басра султонининг ўғлидир. Бунинг отаси вафот қилганда мен озод бўлмаган, зархарид қули эдим, эндиликда ўғлининг хизматида бўламан. Бу йигит менинг ҳукмдорим, сизлар кўриб турган бутун бойлигим ва мулк-амлоким шуники, менинг ҳеч нарсам йўқ.

Бу сўзни эшитиб Миср зодагонлари оёққа турдилар, Зайнуласномга салом бериб, уни эъвоз-икром қилдилар. Зайнуласном деди:



— Эй зодагонлар, сизлар шоҳид. Муборак бундан буён озод. Қўлидаги бизга тегишли барча бойлик ва мулк-амлоқ билан уни озод қилдик. Эй Муборак, яна нима тилагинг бўлса айт.

Муборак бу сўзни эшитиб ўрнидан турди, Зайнуласномнинг қўлини ўпди ва меҳрибонлиги учун қуллуқ қилиб деди:

— Аё ҳукмдорим, менинг ягона тилагим сизнинг саломатлигингиздир, бошқа тилагим йўқ, сабабки, қўлимдаги пул беҳисобдир.

Зайнуласном Муборакнинг уйида уч-тўрт кун дам олди, сўнг, деди:

— Эй Муборак, фурсат етди.

Муборак жавоб берди:

— Аё ҳукмдорим, сиз йўқлаб келган нарса гоят қимматбаҳо ва даҳшатомуздир, билмадим, бу нарсани қўлга кирита олурсизми, ё даҳшатга тушасизми?

Муборак қулларига йўл тадорикини кўришни буюрди. Йўл ҳозирлиги кўрилди. Муборак билан Зайнуласном иккиси йўл юриб бепоеён бир биёбонга чиқди. Булар ҳар куни умрларида кўрмаган ва ақлни лол қилувчи, кишини саросимага солувчи нарса ва ҳодисаларга дуч кела бердилар. Манзилга етиб отдан тушишди. Муборак отларга қараб туришни қулларига буюриб:

— Биз қайтиб келгунча шу ерда туринглар,— деди.

Муборак йўлда деди:

— Аё соҳибим Зайнуласном, дадил бўлинг, ҳайкал турган жойга етиб келдик.

Иккови кўп йўл юриб каттакон бир қўлга яқинлашганда Муборак деди:

— Аё ҳукмдорим, огоҳ бўлингки, ҳозир яшил туф тутган бир кема намоён бўлади. Бу кема дарғаси ва эшкакчиларининг қиёфаси гаройиб, мен сизга айтиб қўяй: кема гарқ бўлмасин десангиз зинҳор-базинҳор сўз қотманг, сабабки, бу ерлар девлар макони, турур нимаики кўзингиз олдингизда зоҳир бўлса, огоҳ бўлингки, ҳаммаси девларнинг ишидир.

Булар қўл бўйига келиши билан кема намоён бўлди. Кема дарғасининг боши фил, тани йиртқич ҳайвон эди. Кема соҳилга келди. Дарға буларни хартуми билан олиб кемага солди. Кема сузиб нариги қирғоққа етди.

Булар кемадан тушгач, мушк-анбар ҳидини таратиб турган дарахтлар, бўтакўз ва ҳиди ором берувчи гуногун гул-

лар кўринди. Хушовоз қушларнинг фарахбахш хониши өштилди.

Муборак Зайнуласномга савол қилди:

— Қалай бу жойлар?

Зайнуласном жавоб берди:

— Худойи таоло бизга ваъда қилган жаннат шу бўлса керак.

Яна бир оз юрилгач, ҳайбатли сарой кўринди. Саройнинг ҳамма тошлари забаржад ва зумраддан, эшиклари олтиндан. Саройнинг олдида узунлиги юз ва кенглиги эллик олчин келадиган кўприк бўлиб, балиқнинг қовурғасидан бино қилинган, унинг икки бошида найза кўтарган девлар турар эди.

Муборак Зайнуласномга деди:

— Бундан нари бормаимиз.

Муборак қўйнидан сариқ ипак қийиқча олиб белига боғлади, шу хилдаги яна бир қийиқчани елкасига ташлади. Зайнуласномга ҳам иккита қийиқ берди; сўнгра, икковининг олдига биттадан оқ шоҳи белбоғ ёзди, қўйнидан қимматбаҳо тошлар, мушк-анбар олиб белбоғлар устига қўйди ва Зайнуласномга деди:

— Мен айтадиган гапни такрор этинг: «Ё соҳибим, девлар шоҳи, биз бугун сенинг ҳимоятингдамиз», дег. Биз тахлика остидамиз. Огоҳ бўлингким, девлар шоҳи бизни виён-заҳмат етказмай қарши оладиган бўлса, хушрўй одам қиёфасида, агар бизни кўргани хоҳиши бўлмаса, бадбуруш одам қиёфасида келади. Хушрўй одам қиёфасида келса дарҳол оёққа босинг, салом беринг, лекин белбоғдан туша кўрманг.

Зайнуласном, бош устига, деди. Муборак яна деди:

— Салом берганингизда шундай дег: «Аё ҳукмдорим, девлар ва замин у замон подшоҳи. Ассалому алайкум, Басра султони бўлмиш отамни худо даргоҳига чорлади. Отам сизнинг ҳимоятингизда эди, мен ҳам сизнинг ҳимоятингизга сизиниб келдим.

Муборак Зайнуласномга салом бериш тариқини ўргатганидан кейин, яна деди:

— Девлар шоҳи эҳтимол сизга «тила тилагингни» дер, унда дарҳол: «Аё соҳибим, сиздан тилагим саккизинчи ҳайкалдир, шу ҳайкални отамга ваъда қилган экансиз», дег.

Шундан кейин Муборак тутатқи ёқди ва афсун ўқиди. Ҳаял ўтмай кўк кўради, чакмоқ чақди, оламни қоронғи-

лик босди, ер ларзага келди. Зайнуласном даҳшатга тушди. Муборак деди:

— Қўрқманг, ҳукмдорим, сиз қўрққан нарса бизнинг тилагимиз, бу ҳодисалар яхшилиқ аломатидир.

Шундан кейин бир оз ўтиб олам тинчиди, бутун атроф ёришди, хушбўй ҳидлар анқиди ва девлар подшоҳи хушрўйликда тенги тимсоли йўқ одам қиёфасида пайдо бўлди ва буларга мулоҳим назар ташлади.

Зайнуласном унинг қаршисида дарҳол ер ўпди, унга яхши тилаклар тилади. Девлар шоҳи унга деди:

— Эй Зайнуласном, мен Басра султони сенинг отангни хуш кўрар эдим, ҳар сафар ҳузуримга келганида сен кўрган ўша ҳайкаллардан бирини берган эдим. Сен ҳам хурсанд бўлавер, сен ҳам мендан отангдек, балки ундан ҳам ортиқроқ иззат-ҳурмат кўрасан. Шоҳи пардада сен кўрган ўша ёзувни отанг вафот этиб оллоҳи таолонинг даргоҳига кетмасидан бурун мен ёздирган эдим, сени ўз ҳимоятимга оламан деб ваъда берган эдим. Сен кўрган етти ҳайкалдан қимматлироқ бўлган саккизинчи ҳайкални сенга инъом қиламан, худо хоҳласа отангга берган ваъдамни бажо келтириб, сени ҳимоятимга оламан. Тушингга кирган мўйсафид мен бўламан. Сенга хум ва қимматбаҳо тошлардан йўниб ишланган ҳайкаллар топилган жойни қази деб мен буюрган эдим. Бу ерга нима мақсадда келганингни биламан. Қидирган нарсангни сенга инъом қиламан, лекин бир шартим бор: ҳусн-латофатда тенги йўқ, умрида эркак зотига майл қилмаган ўн беш яшар покиза қиз топиб келасан ва шу хусусда оғт ичиб, онтингни бажо келтирасан. Огоҳ бўл, қизни келтираётиб йўлда мени алдама.

Зайнуласном девлар шоҳининг талабини бажо келтиргани сўз берди ва деди:

— Аё шоҳ, бу хизматни топшириб менга шараф кўрсатдинг, лекин бу нарса одам боласининг қўлидан келмайди, ҳусн-жамолда беқиёс қизни топсам ажаб эмас, лекин унинг мусаффо ва умрида эркак зотига майл қилмаганлигини қаёқдан биламан?

— Рост айтасан,— деди девлар шоҳи,— бани одам бунга қобил эмас. Лекин мен сенга бир ойна бераман, ҳусн-жамоли беқиёс қизни топиб, қиз ўзингга маъқул бўлганда шу ойнага боқ, агар ойна соф ва беғубор бўлса — қиз покиза, агар ойнада губор кўрсанг билгинки, қиз покиза эмас. Қиз мен айтгандай ҳусн-жамолда беқиёс ва покиза бўлса олиб кел, лекин йўлда унинг эҳтиёт қил ва ўзинг ҳам эҳтиёт

бўл, мени алдама, акс ҳолда жонингдан жудо қиламан. Менга берган сўзингда тур. Шаҳзода ҳеч қачон сўзини иккита қилмайди.

Девлар шоҳи Зайнуласномнинг қўлига ойна бериб деди:

— Мана ойна, ўғлим, бетўхтов йўлга туш.

Қул Муборак билан Зайнуласном девлар шоҳи билан хайрлашиб, кўл бўйига келди. Бу ерда кема турган экан, кемада ўтирган фил бошлиқ махлуқ буларни кўлнинг нариги ёқасига ўтказиб қўйди.

Иккови Мисрга етиб келди. Зайнуласном Муборакнинг уйида бир муддат туриб дам олди, сўнгра деди:

— Эй, Муборак, юр, икковлон Бағдодга борайлик, девлар шоҳи тайинлаган қизни қидириб топайлик.

Муборак деди:

— Аё ҳукмдорим, биз ҳозир Қоҳирадамиз, Қоҳира шаҳарларнинг онаси, оламнинг мўъжизаси, Қоҳирада бор қизлар бошқа ҳеч юртда йўқ. Девлар шоҳи айтган қизни шу ердан топамиз, узоқ шаҳарларга боришимизнинг лузуми йўқ.

— Рост айтсан, Муборак,— деди Зайнуласном,— лекин ўшандоқ қизни қандай топамиз ва уни ким қидиради?

— Бу борада бош қотирманг, ҳукмдорим,— деди Муборак.— Менга тобе бир шум кампир бор, ўзи макр-ҳийланинг онаси, бундоқ иш унга мушкул эмас.

Муборак дарҳол одам юбориб кампирни олдириб келди ва талабини айтди.

— Шу ишни қилсанг катта мукофот бераман.

Кампир деди:

— Бош устига соҳибим, хотиржам бўл. Дам ўтмай хоҳишингни бажо келтираман, кўзимни тагида ҳусн-латофати беназир киз кўп ва буларнинг ҳаммаси мўътабар одамларнинг фарзандидир.

Бироқ кампир девлар шоҳи берган ойнадан беҳабар эди. Муборак айтгандай қизни қидириб шаҳарга чиқди, соҳибжамол қизлардан анчасини топди, ҳаммасини биринкетин олиб келди. Кампир ҳар бирини олиб келганда Зайнуласном ёнидан ойнани олиб қарар, ойна кўмирдай қорайиб кетар эди. Қоҳирадан биронта ҳам покиза киз топилмади.

Зайнуласном Қоҳира қизларини кўздан кечиргач, Бағдодга борадиган бўлди. Муборак ҳам йўл тараддудини кў-

риб, Бағдодга йўл олди. Иккови Бағдодда катта бир уйни ижарага олиб истиқомат қила бошлади. Уй остонасидан зодагонлар ва мўътабар кишилар оёғи узилмади. Зайнуласном билан Муборак эшикни катта очиб, келган-кетганга дастурхон тузаб қўйди. Мачитга келган ҳар бир мусофир, мужобир буларнинг саховатидан хабар топиб, уйларига кирар, саховатидан баҳраманд бўлар эди. Иккови Бағдодда шуҳрат қозонди ва булар ҳақида ҳамма фақат яхши сўз айтар эди.

Лекин маҳалла мачитининг имоми малъун, мурдор, нобакор, хасадчи бир одам бўлиб, унинг уйи Муборак билан Зайнуласном турган уйга яқин эди. Мана шу имом буларнинг бадавлатлиги, сахийлигини кўриб ҳасад қилди, буларни бир балога гирифтор ва роҳат-фароғатидан бенасиб қилиш учун ҳийла-найранг йўлини излай бошлади. Хасадчи муруватли, бағри кенг ва эзгу одамларга ҳасад қилади-да.

Имом бир куни пешин намозидан кейин ҳалқада ўтирган намозхонларга ваъз айтгандан сўнг:

— Эй, мўминлар,— деди.— Маълум бўлсинки, маҳалламизда бир мусофир истиқомат қиладики, бу одам билан эҳтимол, алоқада бўлгандирсизлар. Мазкур одам даромади маълум бўлмаган ҳолда кўп сарф-харажат, исрофгарчилик қилмоқда. Тахминимча, бу одам қароқчидур, ўз юртида ўғирланган нарсаларини бу ерга келтириб сарф қиладур. Худойи таоло ва унинг расули ҳаққи, сизларни огоҳ қиламан — бу малъундан ҳазар қилинглар, сабабки, кўп ўтмай, унинг қилмишларидан халифа хабар топса ажаб эмас. Касофатига қоласизлар. Мен айтдим-қўйдим, уёғини ўзларинг биласизлар. Худойи таоло сизларни ҳақ йўлга бошласин.

Намозхонлар жавоб бердилар:

— Эй, имомимиз Абубакр, ҳарнаки дединг, қулоқ осамиз.

Имом бу гапни эшитиб давог билан қалам олди-ю, халифага мактуб ёзди, маҳаллага бир ўғри келганини айтиб, Зайнуласномни бадном қилди.

Муборак намозхонлар ичида бўлиб, имомнинг сўзларини эшитган ва унинг халифага мактуб ёзишидан огоҳ бўлган эди; уйга келиб бир халтада юз динор, бир бўғча сн-гил, аммо қимматбаҳо жома олди-ю, имомнинг уйига борди.

Имом уни кўриб дарғазаб бўлди.

— Нима иш билан келдинг? — деб хитоб қилди.

Муборак деди:

— Эй, имомимиз Абубакр, сенинг ҳузурингга мени Зайнуласном юборди. Зайнуласном художўй ва зўр аллома эканингни эшитиб, сен билан ошнолик қилмоқни ихтиёр этди ва шу либос билан ақчани юборди. Бу нарсалар рутбага лойиқ бўлмагани учун узор сўради.

Абубакр зарб қилинган олтин тангаларни кўриб деди:

— Соҳибингдан узор сўрайман. Афсус ва надоматлар бўлсинки, шунча вақтдан бери у кишининг иззатини жойига қўёлмадим. Менинг номимдан авф сўра, nasib бўлса эртага у кишининг ҳузурларига бориб, зиёрат қиламан.

— Соҳибимнинг сизни кўрмоқ ва дийдорингизга мушарраф бўлмоқдан ўзга тилаги йўқ, — деди Муборак, сўнг имомнинг қўлини ўпиб, «дуо қилинг» деди-ю, чиқиб кетди.

Эрталаб Абубакр бомдод намозидан кейин жамоатга юзланди.

— Эй мўминлар, огоҳ бўлинглар, ҳасадчи муруватли ва бағри кенг одамлар ҳасадини ейди. Кеча мен сизларга айтган мусофир... ҳасадчи одамлар уни ўғри деб бадгўйлик қилдилар. Мен тафтиш қилиб кўрдим, бу кимса дунёдаги энг олиймақом ва олижаноб одамлардандир. Тилларингни тийинглар, ҳеч бирларинг унинг ҳақида кечагидек бадгўйлик қилманглар, акс ҳолда мени ҳам ва ўзларингни ҳам балога гирифтор қиласизлар, сабабки, шундоқ одам, шундоқ улуғ рутба эгаси Бағдодда истиқомат қилиб, халифа билан ошно бўлмаслиги мумкин эмас.

Имом сўзини тугатиб мачитдан чиқди-да, уйига қайтди, этаги ва енги узун тўнини кийиб, Зайнуласномнинг уйига борди. Зайнуласном художўй одам бўлиб, уламо ва фузалони яхши кўргани, улардан каромат кутгани учун уни иззат-икром билан қарши олди; ёнига ўтқазиб дастурхон ёздирди. Таомдан кейинги суҳбат асносида имом сўради:

— Эй бўтам, бу шаҳарга келишдан муродинг нима? Агар бирор муродинг бўлса, мен хизматингга ҳозирман.

Зайнуласном деди:

— Менинг муродим уйланмоқдир, ҳусн-латофатда беназир, покиза ва умрида эркак зоти ҳаёлидан кечмаган ўн беш яшар қиз қидириб юрибман.

Имом жавоб берди:

— Бундоқ қизни топиш душвор, бўтам. Ун беш яшар ва гоят соҳибжамол бир қизни биламан, унинг отаси вазир эди, вазираликни тарк этди, ҳозир қизининг тарбияси билан машғул бўлиб ўз қасрида истиқомат қилади. Шу қиз сенга муносиб деб ўйлайман.

— Насиб бўлса шу қизни муносиб кўрамиз ва сизнинг кўмагингиз билан муродимиз ҳосил бўлади,— деди Зайнуласном,— лекин уни кўриб иффатлими эканини билмоғим керак. Унинг ҳусн-жамоли ва ёши сизнинг сўзларингиздан маълум бўлди, лекин иффати ва покизалигини синаб кўрмагандирсиз.

— Қизнинг юзидан иффатли ва покиза эканини билиб бўладими?— деди имом,— лекин ҳеч бокиси йўқ, агар хоҳишинг бўлса қасрига олиб бориб отаси билан ошна қиламан, отаси қизини чақиради, уни ўзинг кўрасан.

Зайнуласном билан имом вазираликнинг қасрига йўл олди. Булар кириб келганда вазир Зайнуласном амир эканини, қизига уйланмоқ муддаоси борлигини билиб ўрнидан турди, ҳурмат билан қарши олди.

Вазир дарҳол қизини чақиртирди, унинг юзидан хижобини олиб, Зайнуласномга кўрсатди. Зайнуласном қизнинг жамолини кўриб ҳанг-манг бўлди ва ичида: «Шундай қиз ўзимга насиб бўлармикин!» деб қўйди.

Зайнуласном қўйнидан ойнани олиб қаради. Ойна жило бериб турар эди. Зайнуласном вазир билан сўзни бир жойга қўйди. Қози ва шоҳидларга одам юборилди. Аҳднома ёзилди. Вазир куёвга қимматбаҳо инъом ва туҳфалар берди. Зайнуласном келини уйига олиб кетди, шаҳар аҳолисига саккиз кун тўй берди, Абубакрга кўп эҳсонлар қилди.

Шундан кейин Муборак Зайнуласномга деди:

— Эй соҳибим, ўрнингиздан турунг, фурсат ўтмасин.

— Амрингга ҳозирман!— деди Зайнуласном.

Муборак сафар ҳозирлигини кўрди, қизга тахтиравон ясадди. Булар қизнинг отаси вазир билан хайр-маъзур қилиб, йўлга равона бўдилар.

Зайнуласномнинг қизга ишқи тушди. Буни кўриб Муборак деди:

— Эй соҳибим Зайнуласном, девлар шоҳига берган сўзингизда турмоқ учун ўзингизни қўлга олинг.

Зайнуласном хитоб қилди:

— Эй Муборак, қизга нақадар ошиқ бўлганимдан бе-

хабарсан! Қизни ўз шаҳрим Басрага олиб кетиш, никоҳим-  
га олиб қўйнига кириш ниятидаман.

— Ҳалокатга дучор бўлиб фанога риҳлат қилмаслик  
учун бу ниятдан қайтинг,— деди Муборак,— хиёнат кўча-  
сига кирсангиз ўз жонингизга ҳам, қизнинг жонига ҳам  
жабр қиласиз. Бу йўлдан қайтинг, девлар шоҳига берган  
сўзингизни унутманг. Эҳтирос ақл-идрокингизни мағлуб  
қилмасин. Ҳалок бўласиз ва қўлингизга кирган ҳамма нар-  
садан айриласиз.

— Эй Муборак, қизни мендан эҳтиёт қил, менга кўр-  
сатма,— деди Зайнуласном.

Муборак одамларидан икки кишини қизга қоровул қи-  
либ қўйди, уни Зайнуласномдан пинҳон тутди. Булар дев-  
лар шоҳи маконига йўл олдилар.

Қиз йўл узоқлигини кўриб, шу маҳалгача куёвини бир  
марта ҳам кўрмагани учун ҳайрон бўлиб Муборакка шун-  
дай савол берди:

— Эй Муборак, соҳибинг боши учун айт, эрим Зайну-  
ласномнинг юрти ҳали узоқми?

— Эй маликам, ҳарчанд душвор бўлса ҳам, ростини ай-  
таман. Басра султони амир Зайнуласном сенинг эринг  
эмас. Аҳднома ота-онанг кўнгли учун ёзилган эди. Сени  
Зайнуласномдан девлар шоҳи сўраган, сен девлар шоҳига  
хотин бўлиб кетяпсан,— деди Муборак.

Қиз бу сўзни эшитиб хафа бўлди, йиғлади:

— Раҳм-шафқатни билмайсизлар, худодан қўрқмайсиз-  
лар! Мени алдаб балогоа гирифтор қилмоқчисизлар.

Қиз фарёд қилди. Буни кўриб Зайнуласном ундан ҳам  
қаттиғроқ йиғлади.

Булар ҳеч қаерда тўхтамай девлар шоҳининг маконига  
етиб бордилар ва қизни унинг ҳузурига олиб кирдилар.  
Қиз девлар шоҳига манзур бўлди. Шоҳ Зайнуласномга  
юзланиб деди:

— Олиб келган қизинг гўзаллиги ҳар қандай таъриф  
ва тавсифдан ташқари. Лекин сўзингни тутганинг, садоқа-  
тинг қиздан гўзалроқ. Энди ўз шаҳрингга қайт, мендан  
тилаганинг саккизинчи ҳайкал етти ҳайкалнинг қаторида  
турипти. Мен ҳайкални бир қўлимдан бериб юбор-  
дим.

Зайнуласном ер ўпиб подшога саодат тилади ва Му-  
борак билан бирга Қоҳирага қайтиб келди; саккизинчи  
ҳайкал иштиёқида ёниб, Муборакнинг уйида кўп туришни  
истамади ва шу билан бирга мудом қиз тўғрисида гапириб



хафа бўлар, оҳ тортар ва хитоб қилар эди: «Эвоҳ, толенм паст экан. Гўзалликда яккаю ягона сендек қиздан жудо бўлдим! Мен сени ота-онанг қучоғидан олиб девлар шоҳига элтиб бердим! Э жону жаҳоним, зўр қайғуга қолдим!»

Зайнуласном қизнинг ота-онасини алдагани, қизни девлар шоҳига элтиб бериб, Басрага йўл олгани учун ўзини койиди. У келиб онасига салом берди ва бўлган воқеани баён қилди. Онаси деди:

— Э болагинам, жинлар шоҳи айтган ҳайкални бориб курайлик. Мен бениҳоят мамнунман.

Зайнуласном онасини олиб ғорга тушди. Иккови ҳайкаллар турган уйга кириб қараса девлар шоҳи айтган ҳайкал ўрнида хуршиддек бир қиз турипти. Зайнуласном унга тикилиб қараса ўша, девлар шоҳига элтиб берган қиз. Зайнуласном қувониб кетди. Қиз деди:

— Тилаган ҳайкалинг ўрнида мен турганимга ажабланма. Унинг ўрнига мени олганинг учун афсус қилмасанг керак, деб ўйлайман.

— Оҳ, гўзалим,— деди Зайнуласном,— менинг сендан ўзга тилагим, орзу-армоним йўқ. Сени дунёдаги барча қимматбаҳо тошларга ҳам алишмайман! Сени девлар шоҳига элтиб берганим, сени ва ота-онангни алдаганим учун қанчалик қайғуга тушганимдан беҳабарсан!

Зайнуласном сўзини тугатмасдан тоғларни қулатувчи ва ерни ларзага келтирувчи ваҳимали бир садо эшитилди. Зайнуласномнинг онаси даҳшатга тушди. Бир оздан кейин девлар шоҳи пайдо бўлиб, ранги ўчиб, қути қочган кампирга деди:

— Аё малика, қўрқма, сабабки ўғлингни муҳофазат қиламан. Мен ўғлингга ўз отасидек меҳр қўйдим. Унинг тушига мен кирган эдим, ўз нафсини тия олармикин деб шижоат ва жасоратини синамоқ бўлган эдим. Уғлинг бу қизнинг жамолига алданди, аҳдини бузди, қизга уйланишни кўнглидан кечирди, одам боласи хом сут эмган деб ўйлаган эдим, ўғлинг қизга даҳл қилмади, нафсини тийди. Мен бундоқ покизаликдан ҳайратга тушдим. Қизни ўғлингга инъом қиламан. Уғлинг қизни никоҳига олсин. Мен ўғлингга ваъда қилган, бошқа етти ҳайкалдан қимматлироқ ҳайкал мана шунинг ўзи, оламда бундан қимматбаҳороқ ҳайкал йўқ.

Девлар шоҳи Зайнуласномга юзланиб деди:

— Эй Зайнуласном, мана хотининг! Никоҳингга ол,

декин шартим бор: кўнгила қўясан, устига хотин олмайсан.  
Бу қизнинг садоқати ва иффатига мен қафилман.

Девлар шоҳи буларга шу сўзни айтиб кўздан ғойиб бўлди. Зайнуласном билан қиз хурсандликдан ақл-идрок қафасини тарк этдилар. Зайнуласном бутун мамлакатга тўй берди, қизнинг оғушига кириб, унга битмас-туганмас муҳаббат қўйди, бола-чақалар кўрди. Булар айш-ишрат ва ғисол заволи — қазо етиб келгунча умрларини ҳузур-ҳаловатда ўтказдилар.



**Жиннихонага  
тушган йигит  
ҳақида ҳикоят**



Ривоятларга кўра халифа Ҳорун ар-Рашид бир кунни вазири Жаъфарга деди:

— Эй Жаъфар, зеркиб юрагим сиқилляпти, тур ўрингдан, бошқа либос кийиб шаҳарни кезайлик, фуқароларнинг ҳолидан хабар олайлик, ким жабр кўраётган, ким жабр қилаётган экан, билайлик, ҳокимлар қандоқ иш тутаетганини кўрайлик.

— Бош устига, аё Амиралмуслимин,— деди Жаъфар.

Икковлари бошқа либос кийиб, ҳарам оға Масрурни олиб шаҳар кўчаларини кездилар. Булар шаҳарни айланиб бемористон — жиннихонага келганда халифа Жаъфардан сўради:

— Эй Жаъфар, бу қандай жой?

— Аё Амиралмуслимин, бу — жиннихона, бунда бошқа беморлар ҳам шифо топадилар,— деди Жаъфар.

Халифа деди:

— Ундоқ бўлса кирайлик, бемор ва жиннилар ҳолидан хабар олайлик, булар қай хилда парвариш қилинар экан, нозирлар бу бахтсизлар хизматига эътиборсиз бўлиб, вақиф ақчаларини кемирмасмикинлар.

Халифа, вазир Жаъфар ва Масрур бемористонга кирдилар ва аввало беморлардан хабар олдилар. Хизматдагилар беморларга ҳалол хизматда экан: ҳар бир беморнинг



олдида таом, ичимлик, дори-дармон, беморхона озода, халифа хурсанд бўлди. Бу ердан чиқиб жиннихонага кирдилар.

— Жаъфар, бу бахтсизларни ҳам кўрайлик, аҳволдан хабар олайлик, булар марҳаматга лойиқ одамлар,— деди халифа.

Жиннихонага кирганларида халифа деди:

— Жаъфар, ҳар биримиз бир жиннини танлаб унинг олдига кирайлик, ҳол-аҳвол сўрайлик.

— Бош устига,— деди Жаъфар билан Масрур.

Олдин Масрур бир жиннинг олдига кирди. Жинни уст-бошини йиртар, «Ироқ мевалари ширин-шакар!» деб шовқин солар эди.

Масрур ундан сўради:

— Ширин-шакар деганинг қанақа мева ўзи? Менга сот, йўлдошларимни сийлай.

— Бош устига, хўжам, яқинроқ кел, берай,— деди жинни.

Масрур яқин борганда жинни бир қўли билан унинг ёқасидан ушлади, иккинчи қўлини четининг орасига тикди-ю, нажосат олиб унинг юзига чаплади.

Масрур унинг қўлидан зўрға қутулди, чопганича бемористоннинг ҳовузига бориб бет-қўлини, соқолини ювди, қайтиб халифанинг олдига келди.

Халифа сўради:

— Ироқнинг меваси қалай экан, Масрур?

Ҳамма кулди. Халифа Жаъфарга юзланиб деди:

— Қани, Жаъфар, энди ўзинг танлаган жиннининг олдига кир.

Жаъфар кирди. Жинни тек ўтирар эди.

— Ассалому алайкум, биродарим,— деди Жаъфар.

— Ваалайкум ассалом, худонинг раҳмати бўлсин.

— Афтингдан оқилу доно ва закий одамга ўхшайсан, сабаб жиннихонада ўтирибсан?— деди Жаъфар. Жинни жавоб берди:

— Бунга сабаб шуки, бир куни қариндош-уруғларим, ёр-дўстларимга: «Мен пайғамбарман, мени сизларга худо юборди» дедим, булар сўзимга ишонмай мени келтириб жиннихонага қўйиб кетдилар.

Жаъфар бу сўзни эшитиб дарҳол қочди ва халифанинг олдига келиб воқеани айтди:

— Аё Амиралмуслимин, жиннидан қочдим, сабабки, у куфрлик қилди. Гуноҳини сизга айтгани тилим бормаиди.

— Нима гуноҳ қилган экан?— деди халифа.

— Худонинг расулиман деяпти. Мен: «Афтингдан оқилу доно ва закий одамга ўхшайсан, сабаб жиннихонада ўтирибсан?» деб сўрадим. «Бунга сабаб шуки, қариндош-уруғ, ёр-дўстларимга, мен худонинг расулиман, мени сизларга худо юборди десам, мени келтириб жиннихонага қўйдилар» дейди.

Халифа деди:

— Бу гуноҳ эмас, Жаъфар, сабабки, худонинг расули кўп. Мусо пайғамбардан кейин қанча пайғамбар келиб кетди. Эҳтимол бу ҳам пайғамбар бўлса, биз унинг иззатини жойига қўймоғимиз лозимдир. Бориб айт: «Қар бир пайғамбар мўъжиза кўрсатади, сен қандоқ мўъжиза кўрсатиб пайғамбар эканлигингга бизни ишонтирасан? Мўъжиза кўрсатсанг пайғамбар эканлигингга ишонамиз» дегин.

Жаъфар жиннининг олдига кириб шу сўзларни айтди. Жинни жавоб берди:

— Мўъжизамни кўрмоқчи бўлсанг ҳозир кўрсатаман.

— Кўрсат, мўъжиза ва кароматингни кўрайлик,— деди Жаъфар.

Жинни деди:

— Ўрнингдан тур, мана бу баланд томга чиқиб, ўзингни ерга ташла, бўйнинг синиб ўласан, мен дарҳол «тур ўр-

нингдан» десам, эиён-заҳмат кўрмасдан ўрнингдан туриб кетасан.

Жаъфар кулиб деди:

— Ростдан ҳам пайғамбар экансан. Сенга ишондим ва ихлос қўйдим, мўъжиза кўрсатмай қўя қол.

Халифа Жаъфардан бу сўзни эшитиб қотиб-қотиб кулди ва деди:

— Эй Жаъфар, одамни синаб кўргандан кейингина иззат-икром ё музаммат қилиш керак. Бор, пайғамбарни синаб кўргани ўзингни томдан ташла.

— Эй хоҷам,— деди Жаъфар,— менинг ихлосим унинг мўъжиза кўрсатиш ё кўрсатмаслигига боғлиқ эмас, бу одам пайғамбар эканига ишондим, ихлос қўйдим. Унинг пайғамбарлигига иштибоси бор киши синаб кўрсин.

Халифа унинг сўзларига кулди ва деди.

— Энди ўзим бир жиннининг олдига киришим қолди.

Халифа учинчи жиннининг олдига кирди. Жинни хушсурат, ясанган, озода, ўн саккиз ёшлардаги бир йигит бўлиб, олдидаги қўлёзма қуръонни қироат билан тиловат қилмоқда эди.

Халифа унга салом берди. Йигит одоб, эҳтиром ва виқор билан алиқ олди.

— Худонинг раҳмати бўлсин, э покдоман дарвиш.

Халифа савол қилди:

— Оқил ва доно, закий йигит кўринасан, сабаб бу ерда ўтирибсан? Сени бу ерга ким келтирди? Бу ер ақл-идрокига раҳна тушган одамларнинг жойи, сен ундоқ одам эмассан-ку.

Халифа ғоят ҳайрон бўлиб, ичида: «Ақлдан озган киши қуръон тиловат қилмайди, сабабки, ихлос қўйиш учун ақл-идрок керак, жиннида эса ақл-идрок бўлмайди. Бу йигитнинг бошига бир савдо тушган бўлса керак, йўқса ақли комил бўлгани ҳолда жиннихонага қамаб қўймас эдилар», деди.

Халифа яна сўради:

— Эй йигит, бу ерда нима қилиб ўтирибсан? Қаерлиж ва кимнинг ўғлисан?

Йигит оҳ чекиб деди:

— Эй покдоман дарвиш, рост айтасан, ақл-идроким жойида, жинни эмасман. Бошимга савдо тушди. Халифа Хорун ар-Рашид келса-ю бошимга тушган савдони унга айтиб берсам деб кеча-кундуз худога нола қиламан. Халифа эмас, сеңдек бир оқил, покдомон дарвиш келса ҳам

майли эди, дардимни айтар эдим. Дарвиш эҳтимол менга яхшилик қилиб халифага дарак берар, халифа бу хабарни эшитса бошимга тушган савдони текширар эди. Бу балодан мени бошқа ҳеч ким эмас, фақат ўша халос қилади.

— Эй йигит,— деди халифа,— бошингга тушган савдони менга айт, мен халифа билан кўришиб тураман, кечагина ҳамтовоқ бўлган эдим. Бир-биримизга меҳр-муҳаббатимиз зўр. Бошингга тушган савдони менга айтсанг халифага етказишим осон, бугуноқ етказаман, сен ҳақ бўлсанг мушкулнинг осон бўлади. Ҳозир бу ердан чиқиб халифанинг ҳузурига бораман.

— Шундоқ, покдоман одам, худонинг марҳаматидан умидвор бўлсанг, бирпас ўтир, мен сенга ҳаммасини баён қилай,— деди йигит,— илтижо қиламан, менга мурувват қил, отам, бошимга тушган савдони Амиралмуслиминга етказ. Озор кўрганман.

Халифа дарҳол ўтирди.

— Бошингга тушган савдо ва мушкулни сўзла.

— Аввало, эй покдоман дарвиш, худойи таоло сенга ёр бўлсину ишим ўнгидан келсин. Илоҳо халифа менга таадди қилган вазири Жаъфарнинг жазосини берсин.

Жаъфар унинг сўзини эшитиб ҳайрон бўлди ва ичида: «Мен бу йигитга нима ёмонлик қилган эканман. Худо ҳаққи, мен уни умримда кўрган эмасман-ку, мени қаёқдан билади? Бу йигит жинни, жиннининг қилмиши, гапи гуноҳга ўтмайди, майли, жиннилигида қилғилигини қилиб қолсин» деб қўйди.

Йигит бошига тушган савдо ва қандай аҳволга тушганини халифага баён қилди.

— Эй покдомон дарвиш, мен Бағдод савдогарлари оқсоқолининг ўғлиман. Бир куни отам катта савдогарларни чақириб зиёфат берди. Ўғли бор савдогарлар ўғлини олиб келган эди. Дастурхон ёзилиб, хизматкорлар таом келтирди. Савдогарлар еб-ичиб, хурсандлик қилинган, суҳбат бошланди. Сўз навбати келганда савдогарзодалардан бири: «Ота, менга мол бериб фалон шаҳарга юбор» деди. яна бири отасига, «менга дўкон очиб бер» деди. Шундай қилиб ҳар бир савдогарзода отасига ўз тилагини айтди. Буларнинг гапига қулоқ солиб ўтирган эдим, бахиллигим келди-ю, мен ҳам отамга: «Кўрдингизми, савдогарзодалар ҳар қайсиси отасига тилагини айтяпти, мол бериб саёҳатга юборишларини сўраяпти, сиз менга ҳеч нарса бермайсиз», дедим. Отам: «Хўп, ўғлим, ўзгаларнинг сармойяси қарздор-



ларда бўлса, шукур, бизнинг сармойамиз ҳамёнимизда, ҳудо хоҳласа, эртагаёқ дўкон очиб сенга дастмоя бераман, олди-сотдини ўргатаман» деди.

Шундоқ бўлди, худойи таоло оламни офтоби билан ёритиб тонг отгач, отам бозорга борди, савдогарлар растасидан менга дўкон олди, уни уч минг динорлик мол билан тўлдирди. Булар ҳаммаси қимматбаҳо нафис матолар эди.

Мен дўконга бориб, хурсанд бўлиб олди-сотди, ўлчаш-йиртишга киришдим. Қўшнилари келиб мени муборақ қилдилар, ишимга кушойиш тиладилар.

Ҳар куни барвақт туриб дўконга борар, савдо-сотик билан машғул бўлар ва пул ортдирар, фойда кўриб беҳад хурсанд бўлар эдим.

Тўрт ойни мана шу тариқа фароғатда ўтказдим, одам танидим. Мен билан таниш-билиш бўлган одамларнинг ҳаммаси, хусусан отамни таниганлар, ошнолари менга меҳр пайдо қилиб хурсанд бўлдилар. Мендан отам ҳам хурсанд, онамининг эса хурсандлиги ер-кўкка сиғмас эди. Қисқаси омадин келган, бутун олам юзимга кулиб боққандай эди.

Мана шу тўрт ой ўтгач, кунлардан бир куни, харидор кўп, савдо қизиб турганда дўконга бир қанча хотин-халаж ва чўрилар келганини пайқамай қолибман. Буларнинг орасида хусни офтобни ҳира қиладиган соҳибжамол бир қиз кўринди. Дўконимда ўтирган кишилар буларни кўриб одоб юзасидан менга: «Биз ҳозир қайтиб келамиз, сен аёлларнинг ҳожатини чиқар» деб туриб кетдилар. Мен уларга «Худо хайрингизни берсин» дедим. Шундан кейин соҳибжамол қиз чўрилар билан бирга келиб, дўкон олдидаги курсига ўтирди. Булар менга: «Мато харид қилмоқчимиз. энг қимматбаҳо бўлса ҳам ажойиб, Бағдодда мисли йўқ матолардан беш юз динорлик бер» дедилар.

Мен буларга бисотимда бор матоларни кўрсатдим. Булар ўзларига ёққан матодан беш юз динорлик харид қилдилар. Ҳисоб қилиб қарасам, шу савдодан юз динор фойда кўрибман. Худога шукур қилдим. Қизлар молни олиб тугдилар. Мен молнинг ҳақини сўрасам соҳибжамол қиз: «Эй Ҳасан оға, биз ишни катта қилиб юборганмиз, сабр қил, пулингни бир неча кундан сўнг келтириб берамиз, эҳтимол, унгача бизга яна мато керак бўлар, насияга мато олиб сенга мижоз бўламиз, қарзимизни насия дафтарингга ёзиб қўяверасан» деди.

Чўрилардан бир кампир қизга деди: «Эй бекам, нима деясан ўзинг? Бу барно йигит кимнинг ўғли эканини

билмайсанми? Бағдод савдогарларининг оқсоқоли, ёмон кўздан асрагай, хожамизнинг ўғли Ҳасан оға бўлади. Нега сен буни жўн одамлардан, насияга мол бермайман» деб ўйлайсан? Савдогар ва аёнлар сени билмайдиларми?»

Кўз очиб юмгунимча аёллар матони олиб, «Хайр, Ҳасан оға» деб жўнадилар. Мен ҳам «хайр» деб қолдим. Қарри чўрининг гапига учиб, уялганимдан пул сўролмадим, «Қаерликсизлар, кимсизлар?!» ҳам деёлмай анқайиб қолавердим.

Булар кетгандан кейин ўйлаб пушаймон бўлдим, ўзимни уришдим, кейин: «Ўтган ишга салавот, эндиги пушмон ўзингга душман» деб таскин топдим.

Кечқурун дўконни ёпдим, қилмишимга яна ўқиндим, «уларга мол сотмасам нима қилардим, жинни бўлиб, лоақал турар жойини сўрамабман-а! Ярим фойда унса ҳам пулини нақд олсам бўлмасмиди, фойда кўрмай, ҳеч бўлмас, таннархини олсам нима бўлар эди!» дедим.

Беш юз динор зарар кўрганимни эслаб: «Бу қизларни қайтиб кўрмайман, қаёқдан ҳам келди! Мени қўлга тушириб кетдилар» дедим.

Кўп хафа бўлдим, бундан ташқари воқеани отам билиб қолса нима жавоб бераман, отам хабардор бўлса нима бўлади, деб кўрқар эдим. Уйга хафа ҳолда келдим. Онам авзойимни кўриб ҳолатимни пайқади: «Эй ўғлим, ҳар куни дўкондан хандон-хушон келар эдинг, бугун таъбинг олинган, юзингда гам-ташвиш асорати бор, савдо юришмадимми?» деди.

Мен ичимда: «Буткул савдо қилмаганим яхшироқ эди, мана савдо қилиб фойда ва сармоядан ажралдим» дедим. Онам қўярда-қўймай: «Эй болам, худо ҳаққи, бошим ҳаққи, гапир қандай қайғуга қолдинг, нима алам ўтди?» деб сўрай берди. Мен важ-тақал қилган, гапни айлантирган эдим, онам инонмади. Ниҳоят, воқеани гапириб бердим, аёллар келиб мендан беш юз динорлик насияга мол олганини, бир чақа бермаганини, пул сўрагани шарм қилганимни айтдим.

«Бу қизларни умрингда кўрганмидинг?» деб сўради онам. Мен: «Умримда кўрган эмасман», деб жавоб бердим. Онам, «Булар кимлар ва қаерлик эканини сўрадингми?» деди. Мен нима жавоб беришимни билмай, хафа бўлиб ростини айтдим: «Худо ҳаққи, ҳеч бирини танймайман» дедим. Онам уларнинг қиёфасини, либосини сўради, «Афти

ундоқ, либоси бундоқ, орасида соҳибжамол бир қиз бор эди» дедим. Онам деди: «Савдогар судхўр каби ботир бўлади, қўрқоқ бўлса бой бўлмайди. Ғам-ташвишни қўй, ўзингни қийнама, ҳаммаси қайтиб келади, пулингни беради, бермаса беш юз динорни мен бераман. Фақат отанг билмасин. Хотиржам бўлиб хурсандчилигиғни қилавер, отанг ташвишманд эканингни кўрса пайқаб қолади-ю, сени уришади. Бундан кейин эҳтиёт бўл, қўлга тушма. Отанг келиб аҳволингни пайқамасин, бардам бўл, вақтингни чоғ қил» деди.

Онам менга тасалли бериб яна бир қанча сўзлар айтди, лекин мен тасалли топмадим, хафалигимдан таомга майлим бўлмади, кечани минг фикр-хаёллар ва ташвиш билан бедор ўтказдим. Эрталаб барвақт туриб дўконга бордим, бўлиб ўтган воқеа кўнглимдан чиқмай, кечгача кунни гўё бошқа оламда ўтказдим.

Кечгача кутдим, ҳеч ким келмади, қайғум ошди. Дўконни ёпдим. Қилмишимдан хафа бўлиб, ўзимга дашном бериб, уйга диққат бўлиб қайтдим. Онам илгаригидан ҳам хафароқ эканимни кўриб: «Худо ҳаққи, болам хафа бўлма, бу фикр-хаёлларни кўнглингнидан чиқар, касал бўлиб қоласан» деди ва алдаб-сулдади: «Қўрқма, ўғлим, бировнинг бошига эмас, ўз бошига тушган мушкулдан одамга ақл киради».

Онам ҳарчанд таскин-тасалли берса ҳам, унинг сўзлари қулоғимга кирмас, таскин-тасалли топмас эдим.

Эртасига ҳам кўзимга дунё қоронғу бўлиб дўконга бордим. Орадан бирон соат ўтгач, баногоҳ ўша чўрилар соҳибжамол қиз билан биргаликда келиб қолдилар. Ҳаммаси менга салом берди, саломатлик тилади. Мен ўрнимдан туриб буларни таъзим-тавозе билан қаршиладим. Қиз менга қараб: «Ҳасан оға, пулингни келтирдик!» деди.

Чўрилар, «Биз сендан яна мол харид қилмоқчимиз» дедилар. Мен: «Бажону дил» дедим ва мол чиқариб кўрсатдим. Улар керакли молни олиб, хайр-маъзур қилдилар.

Мен кечқурун дўконни ёпдим, хушҳол бўлиб уйга келдим. Онам хушнудлигимни кўриб: «Худонинг иродаси билан харидорларинг келиб пулингни бердимиз?» деб сўради. Мен: «Ҳа, онажоним, пулимни олдим» дедим. Онам айтди: «Айтмаганмидим, пулингни келтириб берадилар демаганмидим, савдо иши шунақа бўлади!»

Шундан кейин қиз тез-тез келадиган, насияга мол

оладиган бўлди, мендан ўн минг динорча қарздор бўлиб қолди.

Бир куни дўконда ўтирган эдим, бир кампир келиб салом берди. Мен саломига алиқ олиб тавозе билан: «Бирон хушхабар келтирдингми? Қутлуғ қадамнинг билан мени хушнуд қилдинг, нима хизматинг бор?» дедим. «Эй ўғлим,— деди кампир,— сенга эзгуликдан ўзга тилагим йўқ, мен элчи бўлиб келдим» деди. «Қадамнингга ҳасанот! Кимдан ва нима муддаода элчи бўлиб келдинг?»

Кампир деди: «Эй ўғлим, тез-тез келиб сендан мол харид қиладиган, сендан ўн минг динор қарздор бўлиб қолган қизга мато керак деб ўйламагин. Бу қиз мато олиш баҳонаси билан сени кўргани келади, сабабки, сенга кўнгил қўйган, сенга хотин бўлмоқ хоҳиши бор. Уша ўн минг динор унинг маҳри, эндиликда бу шахло кўз билан айшишрат қилмоғинг мумкин. Агар хоҳишинг бўлса ҳозир унинг олдига олиб бораман, жамолини кўрасан; қиз ёқса оласан, ёқмаса ўн минг динорингни олиб кетаверасан».

Мен рози бўлдим, лекин кампирнинг бу гапидан хавфсираб, ичимда: «Мени қўлга туширмасмикин?» деб қўйдим. аммо бу нарса унчалик ҳам қўрқадиган иш эмас-ку, деган фикрга келдим. Э йигит,— дедим ичимда,— ёлғончининг кетидан остопагача бор<sup>1</sup>. Онам қўрқоқ савдогар бой бўлмас демаганмиди.

Кампир менга юзланиб деди: «Нега ўйланиб қолдинг? Дадил бўл, қўрқма, бўлмайдиган иш деб ўйлама. Белингни маҳкам боғла, тур, ҳозир умрингда кўрмаганингни, ишинг кўнглингдагидан зиёд бўлишини кўрасан, менга садақа қилсанг бас». «Яхши, онахон, мени олиб бор,— ўз-ўзимга дедим,— эркакнинг бошидан нелар кечмайди! Мен қиз бўлмасам, хотин киши бўлмасам, нимадан қўрқаману нимадан уяламан. Мен эркакман, Бағдоднинг азамат йигитиман, кампирдан қўрқаманми!!»

Дўконни беркитиб калитни ёнимга солдим, эй покдоман дарвиш, кампирнинг кетидан эргашдим. Кампир ярим йўлда тўхтаб деди: «Эй болам, ҳар ишнинг оқибатини ўйламайдиган кимсага тақдир ёр бўлмайди!» «Иншоолло, тақдир ёр бўлади, онажон» дедим. Кампир деди: «Эй болам, уйга кириб қизни кўрганингда у сенга ёқмаса ҳам ажаб эмас. Дунё шу ўзи. Одамларнинг табиати ҳар кил бўлади, муҳаббат худодан. Қизнинг юлдузи юлдузингга тўғри кел-

<sup>1</sup> Араб мақоли.

маса-ю, ташлаб кетиб қолсанг, ёшсан, шаҳарда биз мало-матга қоламиз деб қўрқамиз. Яхшиси кўзинг оғриган бўлсин, мен кўзингни боғлаб олиб бора қолай. Уша ерда кўзингни очаман, кирасан, қизни кўрасан, қиз таъбингга ёқса яхши, ёқмаса яна кўзингни боғлаб олиб чиқаман. Яхшиси шу, бизнинг уйимиз қаерда эканини, ким эканимизни, қаерга кириб чиққанигни, бу уй кимнинг уйи эканини билмай қўя қоласан».

Кампир кўзимни боғламоқчи бўлганини кўриб ичимда. «Охири бахайр бўлсин! Бу малъун мени балога гирифтор қилмоқчи-ку! Бу найранг қилиб мени алдаб кетмоқчи, бу малъун тўғрисида кўнглимга келган гаплар ҳақ экан-да. Азбаройи худо, бу бир товламачи кампир, ёнимда яроғим ҳам йўқки, бирон ҳодиса рўй бергудай бўлса даф қилсам» деб қўйдим.

Кейин яна ўйлаб қолдим: «Бу кампирнинг қўлидан нима ҳам келади! Эй йигит, бу кампир маккорга ўхшайди. Сўзларининг тагига етиш учун хавф-хатар, ҳатто ўлимдан ҳам қайтма. Иншоолло, бу махлуқнинг кирдикорини фош қилиб, Амиралмуслиминга бориб айтаман...»

Эй покдоман дарвиш, мен одамларга кўп аралашмас, ошнолик қилмас ва шу сабабли улардан қўрқар эдим. Минг хил тахмин ва гумонга бордим, қўрққанымдан қиз хаёлимдан кўтарилди, «Кампир кўзимни боғлайман деб қўрқитиб қўйди, бу малъун мени не кўйларга солар экан» деб ўйлар эдим.

Ўйлаб-ўйлаб ниҳоят рози бўлдим ва дедим. «Эй онахон, бу ер чорраҳа, серқатнов жой экан, кўзимни боғласанг кўрган киши нима дейди? Четроққа чиқайлик, хилватроқ кўчага кирайлик, кўзимни ўша ерда боғла». Кампир рози бўлди, мени бошлаб бир кўчага олиб кирди, кўзимни рўмол билан боғлаб, етаклаб олди.

Кўп юриб, бир ҳовлининг дарвозаси олдида тўхтадик. Кампир дарвозани қоқди. Дарвоза очилди. Кампир мени етаклаб олди, чамамда, ҳовлининг ўртасида тўхтадик. Дарвоза ёпилди. Кампир кўзимдан рўмолни олди. Бир биридан ҳусндор икки чўрини кўрдим. Булар мени еттита эшикдан олиб ўтдилар. Бир жойга бориб қарасам, ҳар бирининг ҳусн-жамоли тўлин ойни хира қиладиган ўн тўртта қиз турипти. Мени зеб-зийнат ва шоҳона анжомга тўла, ҳасти Судаймоннинг хазинасига монанд бир уйга олиб кирдилар. Бу уй ва ундаги зеб-зийнатни кўриб, тушимми-ўнгимми деб қолдим ва ичимда: «Шуларнинг ҳаммаси

ҳақиқат бўлса-ю, унинг бекаси менга тегса, оламдаги ҳамма бойлардан масъудроқ бўлар эдим» деб қўйдим.

Кампир қаёққадир кетди, ҳаял ўтмай ҳусн-латофатда бир-биридан ўткир икки чўрини бошлаб келди. Чўрилар табақларда анвои ҳалво, сомса, тиниқ шаробларни бошларида келтириб олдимга қўйдилар, шароб қуйиб бердилар. Кейин мева-чева, олма шарбати келтирилди. Тўйгунимча эдим, ичдим.

Шундан кейин кампир кириб: «Тур ўрнингдан, ҳаммомга туш» деди. Мен ўрнимдан туриб кампирнинг кетидан бордим. Ҳамма ёқда кишини ҳайратга соладиган кумуш шамчиروқлар, олтин қандилларда хушбўй шамлар оқ нур сочиб турар эди. Кампир мени мрамрдан бино бўлган, деворларига аломат нақш-нитар, ҳайвонот, паррандалар, дарахт ва гуногун гуллар сурати солинган ҳаммомга бошлаб кирди. Энг яхши либос кийган ғоят соҳибжамол етти қиз келиб кампирнинг амри билан мени ечинтирди, кейин ўзлари ҳам ечиндилар ва мен билан бирга ҳаммомга кирдилар. Буларнинг бири менга совун суркар, бири танимни ишқар, бири уқалар эди. Мен буни кўриб тушимми, ўнгимми деб қолдим ва бу ишларнинг оқибати нима бўлишини билмас эдим.

Чўмилтириб, атир сепиб, оро бериб бўлганларидан кейин мени ҳаммомдан олиб чиқиб, кашта тикилган паркү ёстиқлар қўйилган шаҳнишинга ўтқаздилар. Қаршимда ҳар бири ҳусн-латофати билан ақлимни лол қилувчи ва имонга чанг солгувчи йигирма нафар чўри таъзим-тавозе билан турар эди. Булардан бирининг қўлида мушк-анбар тўла исриқдон, бирининг қўлида анвои хушбўй гуллар, яна бирининг қўлида шароб-шарбат тўла қадаҳ, ҳаммаси менга мунтазир эди. Бу ишлардан фориг бўлганимдан кейин, эй покдоман дарвиш, мени яна бир катта уйга олиб кирдилар. Бу ерда йигирма нафар қиз соз кўтариб турар эди.

Булар соз чертиб хониш бошладилар. Мен буюк шодлик ва хурсандликдан ичимда: «Ё парвардигор, бу бечора кампир ҳусусида ёмон ўйларга бориб гуноҳга ботдим, бу кампирга ишонмадим, ёлғон гапиряпти деб ўйладим, ўзинг кечир» дедим.

Бир оз вақт ўтгандан кейин кампир келиб: «Куёвни муборақбод қилганларга худо ёр бўлсин» деди.

Барча чўрилар ўринларидан туриб хизматимга ҳозир бўлдилар. Мени бу ердан бошқа каттакон оромгоҳга олиб

чиқдилар. Бу уйдаги ҳашамат ва зеб-зийнат, анжом ва нақш-нигорни таъриф-тавсиф қилишдан ожизман, эй покдоман дарвиш, бу уй кўнгилга ҳузур бағишлагувчи шундай бир оромгоҳ эдики, жаннат шу эмасмикин деган гап кўнглимдан ўтди.

Бу уйга кириб ўтиришим билан бошқа бир эшик очилди-ю, гоят соҳибжамол қимматбаҳо либослар кийган, дурру гавҳар билан ўзига оро берган йигирма чоғлик қиз кириб келди. Буларнинг орасида ўша хуршид монанд қиз ҳам бор эди. Бу қиз чўрилар ичида юлдуз орасидаги ойга ўхшар эди. Мен ичимда: «Мана шу ҳаёт, мана бу саодат» деб қўйдим. Қизлар ундан олдин хушбўй шам кўтариб кирдилар, чўрилар олдимга келиб, мени унинг истиқболига олиб бордилар. Мен уни қарши олдим. Ҳаммамиз бошқа, яна бундан ҳам каттароқ ва чиройлироқ уйга кирдик. Чўрилар мени фил суягидан бўлган шаҳнишинга чиқардилар, кейин қизни ҳам чиқариб, ёнимга ўтқаздилар. Кампир олтин баркашда анвойи ширинликлар келтириб олдимизга қўйди, кейин чўриларни олиб чиқди ва эшикни ёпди. Қиз иккимиз танҳо қолдик. Чўрилар кетгандан кейин мен унга сўз қотмоқчи бўлиб лаб очган эдим, қиз сўзимни оғзимдан олиб: «Эй ёрим» деди. Мен хитоб қилдим: «Лаббай, дилдорим, гапир» дедим. «Бир шартим бор» деди қиз. «Бу қандоқ шарт экан? Нима талабинг, қандоқ шартинг бўлса қабул қиламан», дедим. «Бу шарт бир сенга эмас, ўзимга ҳам тегишлик» деди қиз. «Бажону дил, айт шартингни» дедим. Қиз деди: «Шартимни қабул қилсанг, бошимга тож бўласан; агар қабул қилмасанг мени кўрганинг-кўрмаганинг, қандоқ келган бўлсанг шундоқ кетаверасан». «Шартингни айт, нима экан?» дедим. «Бизнинг дарвозамиз йилда бир марта очилади, шунга розимисан?» деди қиз. «Рози бўлганда қандоқ, дилдорим» деб жавоб бердим. Қиз яна деди: «Мен қизғончиқман, чўриларим кўп, булардан биронтасига ортиқча бир сўз қотганингни кўрсам калтак ейсан». «Бу шартингни ҳам қабул қиламан» дедим. «Мен ҳам шу шартни қабул қиламан» деди қиз,— мен ҳам биронта эркакка сўз қотганимни кўрсанг сен ҳам билганингни қил».

Эй покдоман дарвиш, мен яна бир нарсани айтишни унутибман. Кампир мени биринчи уйга олиб кирганида бир оз ғойиб бўлиб турди-ю, бир халта динор келтириб берди. «Мана, пулингни ол, хотиржам бўл! Бекамиз ўзи келтириб бермагани учун таъна қилма — ниҳоҳдан аввал сенга кўрингани шарм қилди, шарм-ҳаё имондандир. Мана

энди худонинг иродаси билан шу ерда никоҳ ўқитамиз, қиз сенинг чўринг ҳукмида бўлади. Бу худойи таолонинг фарзларидан биридир, сабабки, хотинлар ҳалола одамларга худо тарафидан берилган омонатдир» деди.

Кампир сўзини тугатмасдан Онҳазрат кириб келди. Мен унинг ҳурматига ўрнимдан гурдим. Онҳазрат саломга алик олиб, мени ёнига ўтқазди. Кампир Онҳазратга деди: «Онҳазратим, сиз қизга вакил ота бўласиз». «Бош устига» деди Онҳазрат ва ваколатнома ёзди, кейин кампирга юзланиб: «Сен менга никоҳ қилгани ваколат берасанми?» деди. Кампир «орий, ваколат бераман» деди. Онҳазрат вакил эканини қайд қилди. Мен унинг олдига бордим. Ҳазрат менга қўл бериб: «Розимисан?» деди.

— Розиман, деб жавоб бердим. Онҳазрат шариятга мувофиқ аҳднома ёзди.

Онҳазрат ва унинг одамларига анвойи ширинлик ва қанд-қурс тортилди. Булар едилар, ичдилар, ва хурсандлик қилдилар. Сўнгра Онҳазрат олдига юз динорлик бир бўғча жома қўйилди. Онҳазрат бўғчани олиб хизматкорига узатди, мезбонларга ташаккур билдирди, хайр-маъзур қилиб, чиқиб кетди.

Мен ҳам кетгани қўзғолган эдим, кампир: «Сен қаёққа борасан?» деди. «Уйга кетаман» дедим. Кампир деди: «Ҳали ҳам ёш болага ўхшайсан, аҳднома ёзилгандан кейин дарров тўй тараддудини қилмайдими киши?»

Мен «Эй онахон, бунга қарши сўзим йўқ» дедим. Мени ҳаммомга олиб бордилар, шундан кейин, эй покдоман дарвиш, бошимга ҳали сенга айтган савдолар тушди.

Кечгача ўтирдик, кейин дастурхон тузалди. Таомга майл қилдик, тўйгунимча едим, шароб келтирилди, ичдим. қизнинг шarti ва аҳднома хусусида бўлган гап шу. Энди қиз икковимиздан ҳикоят қилай.

Уйқу маҳали келганда қиз: «Тур, ёру жоним, ётайлик» деди. Тунни бирга ўтказдик. Эй покдоман дарвиш, бундай ҳаловатли ва масъуд кечани умримда кўрган эмасман!

Эрталаб икковимиз ҳаммомга тушдик. Ювиниб чиққаннимиздан кейин чўрилар кўнгилдагидан зиёда хизмат қилдилар. Мушк-анбар, атир ва бошқа хушбўй нарсалар сепдилар, мусиқа ва хониш садолари янгради. Хулласи калом, кишининг умрида камдан-кам бўладиган бу хурсандликни таъриф этишдан ожизман.

Кунни хотиним суҳбатида емоқ-ичмоқ, хурсандлик билан ўтказдим, сўнгра онам, унинг мендан ўзга ҳеч кими



йўқ экани, ёнида ётмасам кечани бедор ўтказиши, мендан жудоликка бардош қилолмаслиги ёдимга тушди.

Кўп хафа бўлдим, йиғладим, онамни соғиниб кўзларимдан шашқатор ёш оқди. Хотиним йиғлаётганимни кўриб: «Эй ёрим, нега йиғлаяпсан?» деб сўради. «Онамни соғиндим,— дедим,— онамнинг мендан ўзга ҳеч кими йўқ, мени жонидан азиз кўради, менсиз бир соат ҳам тоқат қилолмас эди, уйдан чиқиб кетганимга бугун етти кун бўлди, менсиз кечалари ухламаган бўлса аҳволи не кечди экан?» «Шартимиз нима бўлди, бизнинг дарвозамиз йилда бир марта очилади-ку» деди хотиним. «Шундоқ-ку, жоним,— дедим,— лекин онамдан жудоликка бардош қилолмайман, бу табиий ҳол, чунки ҳаромзодагина ота-онасини ўйламайди. Онам билан бир кунгина дийдор кўришсам бас. Бугун бориб онамни кўрсаму дарров қайтиб келсам нима бўлади?» «Бу хусусда хотиржам бўл»,— деди хотиним. Мен суюниб кетдим: «Худо ёр бўлсин ёржоним! Ота-онангнинг умри зиёда бўлсин, эй аслзодалар фарзанди!» дедим. «Бориб онамни кўриб кел,— деди хотиним.— Лекин бир шартим бор: кампирни ола кетасан, кампир бу ердан чиқишда яна кўзингни боғлайди». «Сенинг амрингга тобеман, сўзингдан чиқмайман» дедим. Хотиним деди: «Ундоқ бўлса бориб бир ҳафта туриб кел, онанг дийдорингга тўйсин. Етти кундан кейин кампир боради, кўзингни боғлаб олиб келади».

Хотинимга дарҳол қуллуқ қилдим. Хотиним кампирни чақириб: «Эртага эрталаб Ҳасан огани уйига олиб бор, онаси билан дийдор кўришсин» деди.

Эй покдоман дарвиш, менинг бошимдан кечгани шу эди. Энди онам тўғрисида ҳикоят қилай.

Мен уйдан чиқиб кетган куним пешинда отам намоздан қайтиб мени сўрапти: «Ҳасан қани, ҳануз келмадимми?» депти. «Келгани йўқ, иши чиқиб қолди шекилли, бугун ҳаяллади. Истасанг қулни юбораман хабар олиб келади», депти онам. Отам рози бўлипти. Онам қулни дўконга юборипти. Қул бориб қараса дўкон берк, ҳеч ким йўқ. Мени қидирмаган жойлари қолмапти, қавм-қариндошлар, таниш-билишлар, қўни-қўшнилардан сўроқлаб тополмаптилар. Ота-онам кечаси билан кўз юммапти, эртасига шаҳардан ташқарига одам юбориб қидиртирипти, лекин мендан дарак тополмапти. Уч кун қидириб тополмаганидан кейин онам менга аза очипти, йиғлапти, фарёд чекиб ўзини урипти, юзини юлипти. Чўрилар, қавм-қариндошлар, ёр-дўстлар ҳам аза тутиптилар.

Мен саққизинчи кечани ҳам хотиним билан ўтказганимдан кейин эрталаб кампир кўзимни боғлади, йўлга тушдик. Ярим йўлга борганимда кампир рўмолни кўзимдан олди, мен билан хайрлашиб: «Худо ўз паноҳида сақласин» деди-ю, қайтиб кетди.

Ҳовлимиз олдида чувиллашиб юрган бир талай хотинхалажни кўриб қолдим. Булар мени кўриб «Кимсан?» дедилар. Мен «Савдогарлар оқсоқолининг ўғли Ҳасанман» деб жавоб бердим. Бири келиб мени қучоқлади, бири ўпти ва йиғлаб: «Эй болам, биз азага келдик, онанг сенга аза очган эди» деди.

Хотинлардан бири хушxabарни онамга етказгани чопиб кетди. У ҳовлимизга кириб, хурсандликдан ҳайқириб ашула айтаверди. Онам хафа бўлиб, йиғлаб, ўзини уриб, юзини юлиб ўтирган экан. Уша хотиннинг ҳайқирганини кўриб одамлар уни ақлдан озипти деган хаёлда, «Ҳой, фалончи, жинни бўлиб қопсан» дедилар. Хотин. «Йўқ, мен жинни бўлганим йўқ, ўзларинг жинни бўлипсанлар, хурсанд бўлиш ўрнига аза тутиб ўтирибсизлар, мана Ҳасан келди, ота-онаси менга суюнчи бериши керак», деди.

Ҳамма, хусусан онам ҳанг-манг бўлиб қолди ва хотинга қараб: «Нима деяпсан ўзинг?» деди. Бу хотин менинг холам эди, онамга қараб деди: «Сўзим рост, суюнчи бер, илло-билло ўғлинг келди; ўз кўзим билан кўрдим, саломлашдим. Сенга хушxabарни етказиб суюнчи олгани келдим».

Унинг сўзи ростми эканини билгани онам чиқди, дарвозадан кириб келаётганимни кўргач, эс-ҳушини йўқотиб оғушимга отилди ва ҳовлимизда хурсандчилик бошланди, ашула янгради, қий-чув кўтарилди. Ҳадемай отам кириб келди мени қучоқлади, бениҳоят хурсандлигидан кўзига ёш олди. Аза ўрнига бутун маҳаллада тўй бошланиб кетди.

Сўнгра, ота-онам мендан: «Етти кун қаёқларда қолиб кетдинг?» деб сўрадилар. «Мен хотин олдим, хотинимнинг уйида эдим» деб жавоб бердим. «Кимнинг қизини олдинг?» деб сўрадилар. «Хусн-жамоли офтобни хижолат қиладиган соҳибжамол бир қизни олдим, кўзлари қоп-қора, юзи ойдек, лаблари ширин-шакар, қомати сарв, пайкари ипақдай, хушзабон, сўзлари тонг шаббодасидай кишининг баҳрини очади» дедим. Шу ерда ҳозир бўлганлардан: «Бундан гап сўраб ўтирманглар! Либосини кўринглар, бундай либос Бағдодда бошқа ҳеч кимда йўқ, бу шубҳасиз,

девларнинг қилмиши, буни девлар уйлантирган, либос кийдирган, шунинг учун кимни ва кимнинг қизини олганидан беҳабар» деди. Ҳамма жим қолди, ҳеч ким мендан бошқа гап сўрамади.

Уйимизда бир кун, икки кун, уч кун турдим, сўнгра отамга: «Бозорга бориб дўконимни очай» дедим. Отам борақол, деди. Эрталаб бориб дўконимни очдим. Дўкон олдидан ўтган ҳар бир киши тўхтаб менга узоқ тикилар, кейин юзини тескари ўгириб: «Бу одамни девлар олиб кетган, уйлантирган, девлар маконидан чиқиб келган» дер эди. Ҳар куни одамлар дўконим олдидан ўтар, менга тикилар эди.

Шундай қилиб етти кун ўтди, еттинчи куни дўконда ўтирган эдим, кампир пайдо бўлди. Кампир келиб рўпарамда тўхтади. Мен ирғиб туриб дўконни беркитдим. Кампир мени бошлаб кетди. Мен изма-из боравердим. Бир кўчанинг бошига борганимизда кампир кўзимни рўмол билан боғлаб, қўлимдан етаклади; қизнинг ҳовлисига етганимизда дарвозадан киргизди-ю, рўмолни кўзимдан олди, дарвозани қулфлади.

Кўзимни очиб қарасам қаршимда хотиним турипти. Хотиним салом бериб, мени қучоқлади. Мен ота-онам қандай кунларга қолганликларини, онам менга аза очганини айтиб бердим. Хотиним кулди.

Ун кунни хотиним билан ўтказдим, сўнгра ҳовлимизга бориб келгани жавоб сўрадим. Хотиним: «Кампирни ола кет, кўзингни боғласин» деди.

Кампирни ола кетдим. Кампир кўзимни боғлади ва ярим йўлга борганимда кўзимдан рўмолни ечиб олди-ю, хайрлашиб қайтиб кетди. Ҳовлимизга келдим.

Онам мени кўриб қучоқлади, ўпди, қавм-қариндошларимиз, таниш-билишларимиз келдилар, мени қутладилар. Мен ҳар куни одатдагича дўконга қатнадим.

Шундай қилиб бир неча кунни онам, бир неча кунни хотиним билан ўтказиб юрдим. Кунлардан бир куни дўконда ўтирган эдим, эй покдоман дарвиш, қимматбаҳо тошлар билан зийнат берилган тилла исириқдон кўтариб даллол ўтиб қолди. Кўнглимдан «Заб исириқдон экан, хотинимга муносиб нарса экан» деган гап ўтди.

Даллол исириқдонга минг динор баҳо қўйган деб эшитган эдим, даллолни чақириб, «Исириқдонга харидорман, кимники бу?»— деб сўрадим. «Эй хўжам,— деди даллол,— бу бир хотиннинг исириқдони». «Уша хотинни айтиб юбор,

келсин», дедим. Даллол: «Бош устига» деди-ю бир оздан кейин ўрта бўйли бир жувонни бошлаб келди. Жувон салом берди. Мен, «Марҳабо» деб ёнимга ўтқаздим ва: «Эй бекач, исириқдоннинг соҳиби сенми?» деб сўрадим. Жувон «ҳа» деди. «Исириқдонингни менга сотмайсанми?» дедим. «Сотаман» деди жувон. «Баҳоси қанча?» дедим. Жувон саволимга жавоб бермасдан даллолга юзланди, унга ўн динор бериб жўнатиб юборди. Бекач иккимиз қолгач; «Эй бекач, ҳали савдо бўлмасдан туриб сабаб даллолга ширинкома бердинг?» дедим. Бекач: «Эй Ҳасан оға, икки кўзим, исириқдон сеники, оламан деган бошқа одамни ер ютсин» деди. «Мана, ҳақингни ол» дедим. Бекач: «Мен ҳақимни керагидан ортиғроқ олганман», деди. «Нима деяётипсан ўзинг?» дедим. Жувон жавоб берди: «Эй Ҳасан ёрим, кўпдан бери сенга мафтун бўлиб юрибман, кўйингда беқарорман. Менга бир бўса берсанг бас, сендан бошқа ҳеч нарса тиламайман. Исириқдонни бажону дил сенга бахш этдим, кўзларим сенга нигорон. Илло-билло кўйингда адо бўлдим, ёржоним! Сўзимни қайтарма, бир бўсани мендан дариг тутма, бир бўса бадалига шу исириқдонни ол», деди бекач. Исириқдоннинг ҳақини сабаб олмайсан?» дедим. «Исириқдоннинг ҳақин батамом ортиғи билан олганман, бир бўса берсанг бас» деди бекач.

Мен ичимда: «Эй, Ҳасан, ишқингда шундай шайдо бўлса-я! Битта бўсага шундай қимматбаҳо исириқдонни беряпти!» деб қўйдим, кейин жувонга юзланиб дедим. «Хоҳишинг шу бўлса кел, бўса ол, кўнглингда армон қолмасин, бу кеча ором олиб ухла», дедим. Эй покдоман дарвиш, менининг мақсад ва муддаосини қаёқдан билай.

Жувонга юзимни тутдим, у мени шундай қаттиқ тишладики, нахуддай этимни узиб олди ва жўнаб қолди. Оғриқнинг аламига чидолмай йиғлаб юбордим, кўзларимдан шашқатор ёш оқди. Лунжимни боғлаб олдим. Бир оз ўтирганимдан кейин кампир пайдо бўлди.

Лунжимни боғлаб олганимни кўриб кампир: «Нима қилди?» деди. «Мажруҳ бўлдим» дедим. Ким сени мажруҳ қилди?» деди кампир. Ўзим, ўз қўлим билан дедим. «Нучук?» деди кампир. «Дўконни очаётганимда арқон қўлимдан чиқиб кетди, худо сақлади-ю, кўзимга тегмади» дедим. Дўконни нега ўзинг очасан, нега қулингга буюрмайсан?» деди кампир. «Шундоқ бўлиб қолди, худо сақлади» дедим. Ўрнимдан турдим, кампирга эргашдим. Ярим йўлга борганимизда кампир мени хилват кўчага тортиб кўзимни

боғлади, хотинимнинг ҳовлисига элтиб дарвозадан киргизди-ю, дарвозани қулфлаб олди. Чўрилар мени кўриб, бири куюниб уҳ тортганини, бири йиғлай бошлаганини, ҳаммаси мендан қочаётганини пайқадим.

Мен ҳеч гапдан беҳабар хотинимнинг олдига кирдим. Хотиним мендан: «Лунжингни сабаб боғлаб олдинг?» деб сўради. Мажруҳ бўлдим дедим. «Ким мажруҳ қилди?» деди хотиним. «Арқон қўлимдан чиқиб кетиб юзимга тегди» дедим. «Қўлингдаги нима?» деди хотиним. «Исириқдон, сенга атаб олдим» деди. Хотиним исириқдоннинг баҳосини сўради: «Нега бундай савол қилдинг?» дедим. Хотиним: «Шундоқ, билгим келди» деди. «Бу исириқдоннинг баҳоси минг динор» дедим. «Ёлғон гапираётган бўлсанг-чи?» деди хотиним. «Бошинг ҳақи, ёлғон эмас, минг динор» дедим. Хотиним хитоб қилди: «Нега менга ёлғон гапирасан, бу исириқдон бадалига бўса бергансан!» деди.

Сўнг, хотиним менга газабнок бир назар ташлади-ю, деди: «Оҳ, безот, зодагонлар фарзанди бўлатуриб ва камолатга етган эркак бошинг билан хотин кишига нучук юзингни тутдинг, бўса бердинг! Йўқол кўзимдан, каззоб! Ҳой, Маржон, аҳдини бузган, худони тилга олиб ёлғон қасам ичган бу малъун каззобнинг бошини танидан жудо қил!»

Бир қул бошимни кесгани келиб мени маҳкам ушлади. Шу он мен малъун деб билган кампир кириб мени ўлимдан халос қилди, қул бошимни кесмоқчи бўлганини кўриб уни тўхтатди ва хотинимнинг оёғига йиқилди, унга шивирлаб бир нарсалар деди, кейин: «Э бекам, волло-билло бу раъйингдан қайт, пушаймон бўласан. Бундоқ ишни сенга на оло жоиз кўради, на инсон. Пушаймон суд қилмайди. Бу йигитга бир оз таъзир бермоқ керак, зероки жазо қазодан афзалдир. Бу йигит ота-онасининг ёлғиз фарзанди, буни қатл қилишинг билан аслзодалардан бўлмиш ота-онасини қайғу-аламга соласан. Бу ниятдан қайт, жоиз эмас, ёш жонинг бор, худодан қўрқ».

Хотиним кампирга деди: «Сен туфайли бир қошиқ қошидан кечдим, лекин ўз қўлим билан жазосини бераман» деди ва мени тутиб турган қулларга хитоб қилди: «Бу ҳиёнаткор итни ётқизиб уринглар, қаттиқ калтакланглар!»

Қуллар мени дарҳол ётқизиб аямай калтаклай бошладилар, хотиним тепамда: «Бу каззоб итни яна уринглар! Э каззоб, эркак бошинг билан хотин кишига бўса бердингми!» деб турди.

Кейин хотиним бу байтни ўқиди:

Севибдир ўзгани ёрим,  
Кетаркан, шукр айларман.  
Енарман севгидан, аммо  
Шериклик ишқни найларман.

Қуллар мени шундоқ калтакладиларки, калтак зарбидан эсим оғиб, беҳуш бўлдим. Хотинимнинг амри билан мени кўчага чиқариб ташладилар.

Кечаси кўчада ўликдай ётганимни кўрган одамлар мени маст деб ўйладилар, бири оёғи билан туртиб: «Уялмайсанми, ит! Туппа-тузук одам наинки шу қадар ичса-ю шу аҳволга тушса» деди, бири тепамга келиб мени томоша қилди.

Бир киши, худо кўнглига солди-ю, кўзларига ишонмагандай менга тикилди ва одамларга юзланиб деди: «Эй худонинг бандалари, худодан қўрқинглар! Бу йигит маст эмас, буни биров уриб ўлдирипти. Оёқларига қаранглар, калтак зарбидан шишиб кетипти. Баданидаги арқон изини кўринглар. Нар и туринглар, озор етмасин».

Сўнг, бир киши тикилиб мени танипти ва югурганича бориб отамга хабар берипти. «Эй хожа, ўғлинг Ҳасан калтак зарбидан беҳуш бўлиб кўчада ётипти» депти.

Бу хабарни эшитиб отамнинг ҳуши бошидан учипти. Югуриб келиб аҳволимни кўргач, дод солди, ўзини урди, фарёд қилиб одам чақирди. Мени кўтариб уйга олиб келдилар. Аҳволимни кўриб онам ҳам ўзини урди, дод-фарёд кўтарди.

Отам ўзига келгандан кейин бориб табиб олиб келди. Қирқ кун дори-дармон қилганларидан кейин ўзимга келиб ўрнимдан турдим.

Отам ёнимга ўтириб деди: «Эй болам, сенга ким озор берди, сени бу қадар шафқатсиз калтаклаган ким ўзи? Айт, бориб Амиралмуслиминга арз қиламан, токи Амиралмуслимин адолат юзасидан бу нобакорнинг жазосини берсин. Бу мисли йўқ шафқатсизлик, сени бу ҳолга солган одамнинг муддаоси ўлдирмоқ бўлган». «Эй ота, сўрама, мени ким урганини айтсам инонмайсан» дедим. Отам «Нега инонмас эканман!» деди. «Йўқ, инонмайсан, айтсам бу гаплар ақлингга сиғмайди, бошқа бировнинг ҳам ақлига сиғмайди» дедим. «Нега сен мени бу сўзларинг билан хуноб қиласан, ростини айтмайсан», — деди отам. «Ҳаммасини айтиб бер, кўнглим тинчисин, бу ишда қандоқ йўл тутишим кераклигини билиб олай». «Эй ота, бу воқеани сенга

бир нақл тарзида баён қиламан, шундан мени ким урганлигини билиб оласан. Мен айтай, кўргин-чи, ақлинг бовар қиладими, йўқми» дедим. Отам рози бўлди. «Фараз қилайлик,— дедим — соҳибжамол ва хушқомат бир қиз бир йигитни кўриб қолди-ю, шунга кўнгил қўйди ва киши қўйиб: «Эй фалончи мени шаръий никоҳингга ол» деди; йигит ҳам унга кўнгил берди-ю, унинг хоҳишига рози бўлди. Бу ҳол қиз билан йигит орасидаги ишқ-муҳаббат туфайли содир бўлдим?» Отам «Шундоқ» деди. Мен яна дедим. «Ошиқ ва маъшуқа шарияти Муҳаммад мустафо хукми билан жуфти ҳалол бўлди, сўнг, эр хотиннинг сўзидан чиқмади. Эй ота, эрнинг хотинга бу янглиғ мубтало бўлгани ишқ-муҳаббат туфайли эмасми?» «Ҳақ гап!» деди отам, «Орада шундай меҳру муҳаббат бўлгани ҳолда хотин эрини шу кўйга солишини, раҳм-шафқат деган нарсани билмай калтаклатишини одам боласи ақлига сиғдира оладими? Мен айтган шу сўзларга одам боласининг ақли бовар қиладими, ўзинг инонасанми? Бу воқеа ўз бошимдан кечди». «Эй болам,— деди отам бу ҳодисани менга дурустроқ тунтириб бер, сени ким урди?» «Бошимдан кечганларини мен сенга нақл тарзида баён қилдим. Мени ким урганлигини шундан ўзинг билиб оларсан дедим, сабабки суйган хотиним заррача шафқат қилмай мени шу аҳволга солди» дегани номус қилдим».

Шундан кейин отам мени урдирган ўз хотиним эканини билди-ю, деди: «Эй ўғлим, бу кимнинг қизи экан, сабаб ўз эрига қўл кўтарипти, буни билмоғим керак. Жамики иқлим ва худонинг бандаларига хомий бўлмиш Амиралмуслимин бунингдек адолатсизликка тоқат қилмайди. Наники Бағдод савдогарларининг оқсоқоли бўлмиш кишининг ўғлини бир хотин шундоқ калтаклатса! Ҳаммадан ҳам кўра бу қизнинг ким эканлигини айт. Бу ким ўзи ва қандоқ одамларнинг фарзанди?»

Мен айтмадим, эй покдоман дарвиш, отам қисташини қўймади, ҳеч бўлмагандан кейин «Кимнинг қизи эканини билмайман» дедим. Отам «Бағдоднинг қайси маҳалласида эканини, уйини ҳам билмайсанми, айт, ўғлим» деди. «Кимнинг қизи, қаерлик эканини ҳам билмайман» дедим.

Отам ҳайрон бўлиб қолди, хафа бўлганимни кўриб, таскин-тасалли берди, сўнг деди: «Эй ўғлим, ҳар нарсанинг ниҳояти бор, ҳар қандай сир ошкор бўлади. Энди қайғу-аламни қўй, ўзингни бос, сабр-тоқат қил. Юр, ҳаммомга борамиз».

Икковимиз ҳаммомга бордик. Ювиниб уйга келдим. Ҳар куни эрталаб дўконга борадиган бўлдим. Дўконимнинг олдидан ўтган ёр-жўраларим отамнинг фармойишига биноан бирпас ўтириб менга таскин берар, вақтимни чоғ қилар эди. Кеч киргач, дўконимни ёпиб уйга кетар эдим.

Мени ўлгунча яхши кўрадиган хотиним фироқида куйиб телба ҳолга келдим, сабабки мен ҳам уни жондан ортиқ севар эдим. Шу сабабдан қайғу-ҳасрат чекар, уйга келганимда юрагимга қил сиғмас эди. Кўнглим ғаш, хотиним ҳажрида тирикликдан бездим, баджаҳл бўлиб қолдим: ё чўриларимизни урар эдим, ё хизматкоримизни уришар ва ҳақорат қилар эдим. Ўлгудек жиззаки бўлиб қолдим.

Бир куни овқат маҳалида чўри хонтахтага шўрва келтириб қўйди. Шўрва жуда иссиқ экан, чўри айтмапти, шўрвадан бир қошиқ олиб оғзимга солсам тилим шунақа куйдики, кўзларимдан ёш чиқиб кетди.

«Эй малъун,— дедим бақириб.— Шўрва бунақа иссиқ экан, нега айтмадинг! Бир оз совутиб келтирсанг бўлмасмиди?»

Шундоқ дедиму косани олиб чўрининг бошига урдим. Чўрининг боши ёрилди. Чўри дод солди. Онам югуриб келди, чўрининг аҳволини кўриб менга: «Нега ундоқ қилдинг, нега бошини ёрдинг?» деди. Мен жавоб бермадим. Онам яна сўради: «Сенга нима бўлди ўзи? Нима қилсак сенга малол келади, чўрилар ёқмайди, хизматкорлар ёқмайди, таом ёқмайди, ҳайронман! Айт, сенга нима бўлди? Яхши эмас, бировни урасан, бировни сўкасан, бировни жеркийсан, бировнинг бошини ёрасан сенга бир бало бўлди»

Ғазабим жўш уриб кетди, аё покдоман дарвиш. Ўзимнинг аҳволимдан, хусусан хотинимнинг дард-фироқидан юрагим сиқилиб кетди-ю, онамни сўкиб кетдим. Онам шовқин солган эди, урдим. Шу аснода отам келиб қолди-ю, аҳволимни, чўрининг боши ёрилганини, онам қалтак еб йиғлаб ўтирганини, идиш-товоқ сочилиб, синиб ётганини кўриб менга: «Бу нима қилиқ? Бу нима жиннилик? Жинни бўлсанг уни айт, жиннихонага юборай» деди. «Мени ўз ҳолимга қўй, ота! Бас, хунобимни оширма! Ўз ҳолимга қўймасанг ҳозир сени ҳам ураман!» дедим.

Отам бу гапимни эшитиб жон-пони чиқиб кетди-ю: «Нима деяпсан ўзинг! Мени урасанми? Мени-я?» деди. Қоним яна қайнаб кетди, отамнинг сўзи оғзида қолди, яна бир косани олдим унинг бошига урдим. Унинг боши ёрилди, юзи, соқоли қонга буланди.



Отам қулларга «Ушланглар бу жиннини!» деб бақирди. Қуллар атрофимни ўраб, қўлимни қайириб орқамга боғладилар, қозига элтиб жиннига чиқардилар, бемористонга элтдилар ва оёқ-қўлимга кишан солиб, жиннилар қатори қамаб қўйдилар. Бироқ ота-онам шу ерда ҳам менга меҳр-шафқат кўрсатди. Отам табибга айтиб, оёқ-қўлимни кишандан халос қилдирди. Отам менга кўрпа-ёстиқ ва ўқиб тасалли топмоғим учун шу каломи шарифни юборди. Кўрган-кечирганларим, бошимга тушган савдо мана шундан иборат.

Эй покдоман дарвиш, халлоқи оламнинг ердаги сояси Амиралмуслиминнинг адолати, унинг вазири Жаъфарнинг заковати ҳақида ким эшитмаган. Нима учун шу вазир Амиралмуслимин — халифага маслаҳат бермайди, токи халифа шаҳарда нималар бўлаётганини, озор берган киму, озор тортган ким эканини махфий суратда текшириб адолат жорий қилсин. Халифа бемористонга ҳам келсин, бу ердаги одамларнинг аҳволдан хабар олсин, ўзларидан сўрасин, билсин. Мен алақачонлар ҳолдан тойганман, менга раҳм қил, халифанинг кўнглига сол, бу ёққа келсин, мен арздодимни айтай деб худога ёлвораман. Яна сендан сўроғим шуки, Амиралмуслимин билан мулоқот қилганимда мени унутмасдан аҳволимни халифага сўзлаб бер.

— Худо ҳозир, эй ўғлим,— деди халифа,— дарҳақиқат, бошингга тушган савдо ҳайратангиздир! Илоҳо халифа бу ерга, сенинг олдингга келсин, сен бошингдан кечирганларни сўзлаб бергину халифа қасосингни олсин, сен бу балолардан қутул. Иншоолло, мен халифа билан мулоқотда бўламан, ҳарнаки деган бўлсанг халифага еткураман.

Халифа йигит билан хайр-хўш қилди-ю, Жаъфар билан Масрурни олиб чиқиб кетди. Булар бемористондан чиққач, халифа Жаъфарга деди:

— Эй Жаъфар, бу йигитнинг айтганлари тўғрисида нима дейсан?

— Аё Амиралмуслимин,— деди Жаъфар,— бу йигит жинни бўлганидан кейин нима ҳам дедим.

— Йўқ, Жаъфар,— деди халифа,— бунинг сўзлари жинни эмас, соғ одамнинг сўзларига ўхшайди.

Жаъфар жавоб берди:

— Аё Амиралмуслимин, бу йигитнинг ишини ўз қўлингизга олсангиз ёмон бўлмас эди. Шунда бу йигитнинг сўзлари ростми, ёлғонми, ўзи жинними, соғми эканини билиш учун қандоқ йўл тутмоғимиз кераклиги аён бўлар

эди. Мен ҳам бу йигитнинг рафторига қараб соғ одам деб ўйлайман, лекин бошига савдо тушиб мушкул аҳволда қолпти.

Боргоҳига қайтиб келгач халифа Жаъфарга деди:

— Эй Жаъфар, бу йигитнинг ишини қандоқ тафтиш қилишни ўйлаб кўр.

— Аё Амиралмуслимин,— деди Жаъфар,— бу йигитнинг жинними, соғми эканини, сўзлари ёлғонми, ростми эканини билиш учун бир йўл бор: йигитга одам юбориб олдириб келинг, «Бугун сенинг олдинга борган дарвиш кўрган-кечирганларингни, бошинга тушган савдони менга айтиб берди. Қани менга бир бошдан гапириб берчи, дарвишнинг айтганлари тўғримикан» денг. Агар йигитнинг гапи жиннихонада айтганларига тўғри келса, демак бу бечора жинни эмас, соғ ва унинг деганлари рост, борди-ю, сўзи айри чиқса унда жиннилиги рости сўзлари ёлғон бўлади. Жиннихонага қайтариб юборамиз.

Халифа Жаъфарнинг бу сўзини маъқул кўрди.

— Яхши маслаҳат бердинг, шундоқ қил,— деди.

Халифа дарҳол бемористонга одам юбориб, йигитни олдириб келди. Йигит келиб халифага таъзим қилди, ер ўпди ва унга боқий умр, шон-шавкат тилади.

— Эй йигит,— деди халифа,— бир дарвишдан сенинг бошинга тушган сўзларни эшитдим. Дарвиш бугун бемористонга бориб сени кўрган экан. Мен дарвишнинг сўзларига инонмай бошинга тушган савдоларни ўз оғзингдан эшитмоқ бўлдим. Битта ҳам ёлғон қўшмай бўлган воқеани айтиб бер.

Йигит ер ўпиб:

— Бош устига, халлоқи оламнинг ердаги сояси Амиралмуслимин,— деди ва бемористонда дарвишга айтган гапларини бошдан оёқ айнан қайтарди.

Халифа бу сўзларни эшитиб Жаъфарга юзланди.

— Эй Жаъфар, йигитнинг сўзларини эшитдингми, бемористонда айтганларидан бир сўз нари, бир сўз бери эмас. Энди нима дейсан? Энди бу йигитга ким озор берганини билмоғим, озор еткурган кимса ва бу бечора хусусида адлу адолат юзасидан ҳукм чиқармоғим даркор.

— Аё Амиралмуслимин,— деди Жаъфар,— бу ишни ҳақиқат қилмоқ учун бир йўл бор, бунинг сир-асроридан воқиф бўлмоқ учун бир тадбирни жорий қилмоқ керак, агар шу тадбир билан муродга етолмасак, у тақдирда бошқа бир тадбир топурмиз.

— Нечукдир ул тадбир?— деди халифа.— Айт, эшитай, тўғри тадбир бўлса жорий қилурмиз.

— Аё Амиралмуслимин,— деди Жаъфар,— бундан ўзга тадбир йўқ. Йигитни бемористонга қайтариб, унинг отасини чақирмоқ керак. Отасига амр қилинг, бемористонга бориб ўғлини чиқариб олсин, ўгли жинни бўлмагани учун унга таскин-тасалли берсин, яши гапирсин. Шундан кейин йигит бориб одатдагича дўконни очсин. Биз унга одам қўшиб берамиз. У дўкон олдида ўтиради. Уша кампир йигитнинг олдига албатта келади. Шунда йигит одамимизга имо қилсин, одамимиз кампирни тутиб, ҳузурингизга келтирсин. Кампир бўлган воқеани дарҳол сўзлаб беради. Кампирни биламизу, шу тариқа йигитга озор еткурган кимсани топиб оламиз. Рози бўлсангиз бу ёғини ўзим қиламан.

Халифа Жаъфарнинг бу сўзини эшитиб:

— Тўғри маслаҳат! Азбаройи худо, давлатни сенингдай одам идора қилмоғи, халифага сендек одам вазир бўлмоғи керак,— деди ва йигитни бемористонга жўнатди.

Сўнг, халифа йигитнинг отаси — Бағдод савдогарларининг оқсоқолини чақиртирди, бориб ўғлини бемористондан чиқариб олишни, иззат-икром қилишни, «худо хоҳласа тезликда мурод-мақсадингга етасан, ўғлим» деб таскин-тасалли беришини амр этди. Халифа унинг ўғлини ўзи текшириб кўрганини, йигит жинни эмас, оқил эканини, бошига тушган савдодан дили озор топганини айтди.

— Бемористондан чиқариб олиб таскин-тасалли бер, кўнглини хуш қил, уйингда бир неча кун ором олсин, ундан кейин бориб дўконини очсин,— деди халифа.

— Бош устига, аё Амиралмуслимин,— деди савдогарлар оқсоқоли ва дарҳол бориб ўғлини бемористондан чиқариб олди, уни иззат қилиб, кўнглини овлаб ҳаммомга туширди, боғларга олиб борди.

Уч-тўрт кун ўтди. Йигит ором олди, сўнг бориб дўконини очиб ўтирди. Халифа одамларини юборди, улар дўкон атрофида, халифа айтгандай беркиниб, кампирнинг келишини кутдилар.

Энди савдогарлар оқсоқолининг ўғли Ҳасанни қўйиб, акки оғиз сўзни унинг хотинидан эшитинг. Хотин эрини калтаклатиб, кўчага чиқартиб ташлатганидан кейин қилмишига кўп пушаймон бўлди ва ичида: «Мен нечук шундай бераҳмлиқ қилиб уни калтаклатдим» деди. У ҳар куни йиғлар, ўзини уриб ғазал ўқир эди.

Сахарлар нола қилгум офтобга, қайда деб ёрим,  
Сўраб чақмоққа қичқирсам фалакка етмагай зорим  
Фироқ андуҳи кўксим ёқса ҳам, тунлар қилиб тоқат,  
Фигон чекмамки, ногаҳ, етмасин ёримга озорим.  
Олисдир йўл, ёнар кўнгул, етолмасман висолнга,  
Боқинг бу жисми урёним, кўринг бу чашми хунборим.  
Жамолинг бир кўрай, майли, олисдан, эй малак сиймо,  
Умидим бор, дариг тутмайдурур вислик вафодорим.  
Сенга бахшидадир жону жаҳоним, ўзгани севмам,  
Бекор бул иштибоҳинг, сен ўзингсан номусу орим.  
Сахарлар нола қилгум раҳм шафқатлар тилаб сендан,  
Фироқинг ўртади, кўп қийнама ортиқ, етар зорим.

Жувон йиғлаб, фарёд билан бир қанча вақтни ўтказди,  
ғусса ва фироқ ўтида кундан кун ёнди, тоқати тоқ бўлиб,  
сабри тугагандан кейин кампирни чақириб:

— Мени эрим, суйган ёрим Ҳасан билан яраштириб  
қўй!— деди.

Кампир хитоб қилди:

— Ана! Пушаймонлик тортасан демабмидим! Эрингга  
таъзир бер деган эдим, лекин сен оаҳм-шафқатни билмай,  
урдириб ўлар ҳолатга еткиздинг. Кўп урдирмасанг, ошиқ-  
маъшуклардай араз қилсанг, боргоҳингдан чиқариб ташла-  
масанг бундоқ бўлмас эди. Уриб суякларини синдирганинг,  
гўшларини тилка-пора қилганингдан кейин мен эринг  
юзига қандоқ қарайман, қайси тилим билан гапираман?  
Шундай азоб-уқубат кўрганидан кейин мен уни сен билан  
қандоқ яраштираман? Ким билади, ҳали тирикми, йўқми?  
Бу йигит катта одамларнинг биттаю-битта ўғли эди. Ху-  
дойи таоло ота-онасига тасалли берсин! Бирон кор-ҳол бўл-  
ган бўлса айб сенда, бунга сен зомин бўласан. Йигитгина-  
нинг шўри қурсин! Бу йигит калтак еб ўрганган эмас,  
қўзичоққина бундоқ калтакка бардош бера олармиди! Ундан  
кейин ҳозир нима бўлаётгани менга қоронғи. Узингга маъ-  
лум, Амиралмуслимин Ҳорун ар-Рашид ҳозир Бағдодда,  
ким озор бераётир, ким озор тортаётир мудом тергаб тура-  
ди, адолат қилиб, озор етганга тараххум қилади, озор бер-  
ганининг жазосини беради... Худо бизни паноҳида сақласин,  
қизим!

— Суйган ёрим, дилдоримга қилган ситамларим ту-  
файли чекаётган ғам-ғусса ҳам етади, сен изтиробимни  
олдирма,— деди жувон.

Кампир деди:

— Хўп, бордим, кўрдим кейин унга нима дейман? Сўзимга ишониб мен билан келгани журъат қилармикин? Ҳамма айб сенда. Ҳаммасига сен зомин бўлдинг. Нима жин уриб уни синамоқчи бўлдинг, қиздан исиріқдон беріб юбординг, бир бўса олиб, исиріқдонни бекорга бер деб ўргатдинг? У ахир йигит, қизгинам, пайғамбар ё авлиё эмаски каромат қилиб сенинг ниятингни билса. Кўчадан минг динорлик исиріқдон кўтариб кетаётган қизни кўриб «исиріқдонинг неча пул?» деб сўрапти. Қиз: «Бир бўса берсанг бас» депти. Йигит «уйча қиммат эмас экан» деган хаёлга боришти. Бу ҳийла-найрангни қизга ўзинг ўргатгансан. Сухсурдай йигит соддалик билан қизнинг сўзига ишониб бўса берган, айб сенда, ноҳақ иш қилдинг.

— Онагинам, бизни яраштириб қўйиш сен учун ҳеч нарса эмас,— деди жувон йиғлаб,— ўзинг биласан, эркак-сиз уй уй эмас.

Кампир жавоб берди:

— Рост айтасан! Эрсиз хотин хотин эмас, эр хотиннинг зийнати.

— Ешинг улуғ,— деди жувон,— бунақа ишларни кўп кўргансан. Наинки, ширин сўз билан уни менга мойил қилиб, икковимизни яраштириб қўйиш қўлингдан келмаса? Эй меҳрибон онахоним, мен сенга таяниб қолганман. Суйган ёримни кўрмасан қарорим йўқ. Ёримни кўндириб олиб келсанг, ўзинг хоҳлаган қимматбаҳо матодан кўйлақ тикдириб бераман, бундан ташқари юз динор инъом қиламан, маошингни ошираман.

Кампир Ҳасан билан гаплашгани кетди; уйига яқин бориб ундан-бундан уни сўраб-суриштирди. Биров Ҳасан оға касал, биров ақлдан озган, яна биров шифо топиб дўконида ўтирипти, деди.

Кампир қайтиб жувонга Ҳасан оға дўконида ўтирганидан хабар берди.

— Бориб дарров олиб кел!— деди жувон.

Кампир бориб, дўкондан берида тўхтади. Ҳасан уни кўрди, таниб унинг олдига келди. Кампир саломлашиб деди:

— Бошим ҳаққи, ўғлим, хотининг сўзига кириб сенга найранглар қилдим, лекин буларнинг ҳаммаси ўз бошига бало бўлди.

— Эй онахон, айб унда эмас,— деди йигит, сўнг халифа юборган одамларга кўз қисди. Халифанинг одамлари

дарҳол келиб кампирни тутдилар ва Ҳасан икковини саройга олиб кетдилар.

Вазир Жаъфар буларни кўриб:

— Нима гап?— деб сўради.

— Уша кампир билан савдогарлар оқсоқолининг ўғлини олиб келдик.

— Икковини бу ёққа олиб келинглар,— деди Жаъфар. Улар олиб кирилганда Жаъфар кампирга тикилиб қаради-ю, таниди ва сўради:

— Йигитни ўша аҳволга солган қиз кимнинг қизи?

— Сенинг қизинг,— деб жавоб берди кампир.

Жаъфар кампирга яна тикилиб қаради. Кампир қизнинг бекачи эканига қаноат ҳосил қилди. Халифа бу ишларнинг оқибатини кутиб, дақиқа санаб ўтиргани учун бу ишни пайсалга солиб бўлмас эди. Жаъфар кампирдан яна сўради:

— Ростини айт, кимнинг қизи?

Кампир жавоб берди:

— Айтдим-ку, сенинг қизинг деб!

Жаъфар кампирни миршабга топширди-ю, ўзи халифанинг олдига бориб, савдогарлар оқсоқолининг ўғли Ҳасан билан кампир келтирилганидан хабар берди ва деди:

— Аммо, Амиралмуслимин, хотин бу йигитни шундоқ кўйга солишга ҳадди бор, қандоқ эркак жуфти ҳалоли бўлатуриб номаҳрам хотинга бўса беради? Бу ҳол шариятга хилоф, бундоқ эр жазога мустаҳиқ. Бундоқ эрга ҳар бир хотин шундоқ таадди кўрсатса жоиз.

— Мен сендан бунини сўраётганим йўқ, ўша хотин ким экан, шуни билмоқ истайман,— деди халифа.

— Менинг қизим экан,— деди Жаъфар — бошингиз ҳаққи, бу можаролардан менинг хабарим йўқ.

Халифа кулди.

— Ҳа, шунинг учун бу йигит жазога мустаҳиқ бўлмоғи керак экан-да! Қиз сенинг қизинг бўлгани учун шундай деган экансан-да. Лекин хотиннинг эрга қўл кўтармоғи хилофи шаръдир! Менга қара Жаъфар, Жалолиддин ҳазрат буларни никоҳ қилган, сенинг қизинг шаръан бу йигитнинг жуфти ҳалолидур. Лекин йигит ҳақ, сабабки сенинг қизинг унга тегмоқни ихтиёр этган, йигит уни олмоқни ихтиёр этган эмас; сўнгра, эр нимаики қилса жоиз, хотиннинг эрга ҳукми ўтмайди, бу нарса шарияти мустафога хилофдир. Хотин бу янглиғ гуноҳ қилган тақдирда эр уни қўли билан ўлдирмоғи ҳам жоиз, шу сабадан йигит қизингни ўлдирса

хун даъвоси йўқ, уни нима қилса ҳеч ким моневълик қилолмайди, агар йигит қизингни маъзур кўрса мурувват қилгани бўлади.

Сўнгра халифа йигитни чақириб деди:

— Бу жувон тўғрисида хоҳишингни айт, уни маъзур кўрасанми ё ўлдирасанми?

— Аё Амиралмуслимин, — деди йигит, — хотиним вазир Жаъфарнинг қизи экан, менинг ҳеч бир даъвойим йўқ. Лекин сиздан бир тилагим бор: мени қул қилиб олингу хотиним билан яраштиринг.

Халифа Жаъфарга фармон қилди:

— Модомики бу йигит мурувват қилиб қизингни афв этар экан, икковини яраштир, бошқатдан тўй-томоша қилиб бер. Керакли ҳамма нарсани хазинадан ол, муҳташам тўйдан кейин қизингни бу йигитга қўш.

Халифа йигитга ўн минг динор инъом қилди ва Жаъфарга деди:

— Эй Жаъфар, бир фақирни куёв қилдим деб ўйлама! Бу йигит шаҳримиз савдогарлари оқсоқолининг ўғли, шаҳарда бундай бадавлатроқ одам йўқ. Ўғлига дўкон очиб бергани — ота-онасининг макридир. Наинки шундоқ йигит сенинг қизинг қабилидаги бир махлуқ тааддисига сазовор бўлса! Бу нима қилиқ: келганда кўзини боғласа, кетганда кўзини боғласа! Майли, бу гапларни хаёлингдан чиқар. Бу сўзларни қайтариб айтгани тилим бормади!

— Аё Амиралмуслимин, ҳамма амр-фармонингиз бош устига, — деди Жаъфар, сўнгра, кампир билан Ҳасанни олиб қизининг уйига қараб йўл олди.

Булар кириб келганда қизи отасига ҳурматан ўрнидан турди, у отасидан уялар, қилмишлари учун эрининг юзига қаролмас эди.

— Бу қандоқ хол? — деди Жаъфар. Қизи хижолатдан сўзга лаб очолмас эди. Вазир қизини уришди. Қиз отасининг таъна-дашноmidан хафа ва хижолатга қолганини кўриб, Ҳасан деди:

— Аё вазири аъзам, Амиралмуслимин сизга бундоқ фармон бергани йўқ, кизингизнинг изму ихтиёри менда. Унга дашном берманг. Қизингиз жонимни сўраса ҳам берман, сабабки уни икки кўзимдан ортиқ кўраман.

Жаъфар буларни холи қўйиб боргоҳига кетди. Отаси кетгандан кейин қиз эри Ҳасанга отилди-ю, қучоқлаб ўпа берди ва хурсандлигидан беҳуд бўлди. Кампир унинг юзига гулоб сепиб ўзига келтирди. Қиз ўзига келиб йиғлади.

эрини яна қучоқлади, ўпди, қилмишлари учун узр сўради. Ҳасан ҳам уни ўпиб, йиғларди. Иккови ярашгандан кейин Жаъфарнинг фармони билан тўй-томоша бўлди.

Шундан кейин Жаъфар Жалолиддин ҳазратга одам юбориб, олдириб келди ва сўради:

— Мендан беижозат сабаб никоҳ ўқидинг?

— Никоҳ шаръий, мен мана бу мактубга биноан никоҳ ўқидим, — деди Жалолиддин ҳазрат.

Жаъфар мактубни унинг қўлидан олиб ўқиди.

«Жалолиддин ҳазратларига дуо ва саломдан кейин маълум бўлсинки, Бағдод савдогарлари оқсоқолининг ўғли Ҳасан ога билан никоҳ маросимида вакил ота бўлгани қадам ранжида қилмоғингни рижо этаман. Яна бир неча кишини олиб кел, токи улар, аввало, сенинг ваколатинг, сўнгра никоҳ шоҳида бўлсинлар. Келсанг ҳурмат-иззат сеники, келмасанг — бирон ҳодиса рўй берса ўзингдан кўр».

Вазир мактубни ўқигач, Жалолиддин ҳазрат деди:

— Аё вазири аъзам бу мактубни олиб аёл кишининг бадкирдорлигидан қўрқдим, келиб пулини олдим, келтирган кишиларимни мени вакил ота қилганига ва никоҳга шоҳид қилдим. Шаръий никоҳ ўқидим. Шунда жаноблари ҳозир бўлсалар мени вакил қилар эдилар, деб ўйлайман. Худога шукур шундоқ бўлди, балоғатга етган қиз гоят тўғри йўл тутди, чароки муҳаббат арслонни ҳам бўйин эгдирди. Муҳаббат ўтида ёнган қизингиз ақл-идрок билан иш тутди, шаръий никоҳ ўқитди. Унинг ўрнида бошқа қиз бўлганда бошқа йўл тутиб, отасининг шаънига доғ солур эди. Шариати мустафо йўлини тутган кимсани ҳеч ким маваммат этмайди. Бу ишларнинг ҳаммасини сиздан қўрққанидан қилди, чароки ҳеч бир кимса уни сиздан хотинликка сўрагани журъат қилолмасди, ҳамма рад жавобидан қўрқарди.

— Ундоқ бўлса Онҳазрат, қайта никоҳ қил, мен бажону дил розиман, — деди Жаъфар ва унга сарупо билан юз динор инъом қилди.

Тўй-томоша ўтди. Ҳасан вазир Жаъфарга куёв бўлди. Вазирнинг шу қизидан ўзга фарзанди йўқ эди, Ҳасанни ўғил қилиб унга меҳр-муҳаббат қўйди. Ҳасан вазирнинг ҳузурига кириб-чиқиб юриб, сарой ишини қўлига олди. Халифа ҳам унга меҳр қўйди ва мироҳўр қилиб тайинлади. Булар айш-ишрат ва висол заволи-қазо етиб келгунча умрларини хурсандлик, ҳузур-ҳаловатда ўтказдилар.






**Аловиддин  
ва тилсим чироқ  
ҳақида ҳикоят**



Аё Масъуд шаҳаншоҳ, Чин шаҳарларидан бирида камбағал бир тикувчи бўлиб, унинг Аловиддин отлиқ ўғли бор эди. Аловиддин болалигидан шўх, бевош эди. Ун ёшга етганда отаси уни ҳунарманд қилмоқчи бўлди, бироқ ўзи камбағал бўлганидан уста ҳақиға қурби етмай, ўз дўконида унга тикувчилик ҳунарини ўргатмоқчи бўлди. Аловиддин ўзи монанд бевош кўча болалари билан санқиб ўрганган, дўконда бирон соат, бирон дақиқа қарор топмас, отаси бирон мижозининг олдиға кетгани ҳамоно дўконни ташлаб, бошқа шўх болалар билан ўйнагани кетар эди.

Отасининг гапига қулоқ осиб дўконда ўтиришға, ҳунар ўрганишға уни мажбур қилиб бўлмас эди. Отаси унга насиҳат қилавериб толиқди, лекнин фойдаси бўлмади, шу сабабдан ғамдан касалға мубтало бўлиб қазо қилди. Аловиддин саёқ юришни ташламади. Отаси ўлгандан кейин унинг онаси ўғлининг ҳамон дайдишини, бирон ҳунар ортириб ёки бошқа юмуш билан машғул бўлиб бир нима топиб келмаётганини кўриб, эридан қолган дўконнинг бутун ускунасини сотди, ип йигириб қўл кучи билан ўзини ҳам, бевош Аловиддинни ҳам боқишға киришди.

Аловиддин қаттиққўл отасидан қутулганини кўриб баттар шўх ва дайди бўлиб кетди, уйға фақат таом маҳалида келадиган бўлди, қолбуки бечора онаси чарх йигириб не



машаққатлар билан бир бурда нон топар эди. Шундоқ қилиб бола ўн беш ёшга кирди.

Бир куни Аловиддин бевош болалар билан ўйнаб юрганида ўткинчи бир мусофир булардан нарироқда бирдан тўхтади-ю, бошқа болаларга эътибор қилмай Аловиддинга разм солди. Бу одам мағрибийлардан бўлиб, ўзи жодугар, ўта маккор, фалсафа ва фунундан бохабар, илми нужумни билар эди; Аловиддинга разм солганидан кейин ичида: «Мен излаган, мусофирликни бўйнимга олишга сабаб бўлган бола ушбудир» деди.

Мағрибий болалардан бирини четга тортди, ундан Аловиддин кимнинг ўғли, отасининг оти нима эканини ва бошқа гапларни сўраб олди-ю, Аловиддинга яқин келиб уни четга тортиб сўради:

— Ҳой бола, сен фалончи, фалончининг ўғлимисан?

— Ҳа, жаноб ҳожи,— деди Аловиддин,— отам алақачон ўлиб кетган.

Мағрибий бу сўзни эшитиб, Аловиддиннинг бўйнига қўлини ташлади, уни қучоқлаб ўпди, йиғлади. Аловиддин унинг бу қилиғини кўриб ҳайрон бўлди.

— Нима сабабдан йиғлаётибсан, отамни қаёқдан биласан?— деди.

Мағрибий ғамгин жавоб берди:

— Эй болам, наинки шундоқ савол берсанг! Мен отанг ўлганига йиғлаётиман, отанг менинг туғишган акам эди. Узоқ йўлдан чарчаб келдим, акам билан дийдор кўришиб хурсанд бўламан деган умидда эдим, сен отам ўлди деб ўтирибсан. Акам ўлганига, шўр пешонамга йиғлайман, акамни кўролмай қолдим. Сени кўришим билан жияним эканингни билдим, шунча боланинг ичида сени танидим. Мен кетганда отанг ҳали хотин олмаган эди. Акамни кўрсаму унинг ўрнига мен ўлсам бўлмасмиди. Узоқ жудоликдан кейин бир кўрсам деган эдим. Худонинг иродаси шу экан, нима деб бўлади. Лекин унинг ўрнига сен қолибсан, сени кўриб таскин-тасалли топаман, сабабки сенингдек ўғилни бунёдга келтирган кишининг номи боқийдир.

Мағрибий чўнтагига қўл солиб ўн динор олди-ю, Аловиддинга тутқазди ва деди:

— Эй ўғлим, қаерда турасизлар, онанг қаерда?

Аловиддин мағрибийни уйга бошлади. Мағрибий деди:

— Бу пулни олиб онангга элт, ўғлим, мендан салом айт. «Амаким мусофиротдан қайтиб келди» дегин. Худо хоҳласа эртага келиб онангни, акам умр кечирган ҳовлини кўраман, қабрини зиёрат қиламан.

Мағрибий Аловиддинни яна ўпди ва жўнаб кетди. Аловиддин пулга суюниб, уйга қараб чопди. У фақат тушки ва кечки таом маҳалидагина келар эди, бугун эрта келди, уйга суюниб кирар экан, шовқин солиб:

— Она, суюнчи бер, амаким ёт эллардан қайтди, сенга кўпдан-кўп салом айтди,— деди.

— Сен мени калака қилаётганга ўхшайсан,— деди онаси,— қанақа амакинг бор экану қаёқдан келипти? Ҳеч қанақа амакинг йўқ!

— Нега ундоқ дейсан, она,— деди Аловиддин,— амакимни ҳозир ўз кўзим билан кўрдим, мени қучоқлади, ўпди, йиғлади! Амаким мени таниди, ҳаммамизни билади. Инонмасанг мана буни кўр, ўн динор берди, пулни бериб: «Онангга элиб бер» деди. Худо хоҳласа эртага сени кўргани келади.

— Ҳа, рост, амакинг бор эди, болам,— деди она,— лекин отангдан анча илгари ўлиб кетган эди, бошқа амакинг борлигини билмайман.

Она кечаси билан ўйлаб чиқди. Мағрибий жодугар эрталаб турди, жомаларини кийиб, Аловиддиннинг маҳалласига йўл олди, у болани кўришга иштиёқманд эди; Аловиддин одатдагича болалар билан ўйнаб юрар эди.

Мағрибий уни кўриб олдига келди, қучоқлади, ўпди, сўнгра, ҳамёнидан икки динор чиқариб деди:

— Мана буни олиб, онангга айт, ўғлим: «Амаким кечқурунги овқатга келади, шу пулга яхши таом пишириб турар экансан» дегин. Лекин мени ҳозир олиб бориб ҳовлиларингни кўрсат, келганимда адашиб юрмай.

— Хўп,— деди Аловиддин ва мағрибийни бошлаб бориб ҳовлини кўрсатди. Мағрибий кетгач, Аловиддин югуриб ҳовлига кирди, онасига мағрибийнинг сўзини айтиб, икки динорини топширди.

— Амаким бугун кечқурун овқатга келади,— деди.

Она бозорга борди, керакли нарсаларни харид қилди, уйга келиб қозон осди; қўшнидан идиш-товоқ сўраб олди; таом вақти етганда ўғлига деди:

— Ўғлим, овқат тайёр, амакинг ҳовлимизни билмас, чиқиб қарши ол!

— Хўп,— деди Аловиддин. Шу пайт эшик тақиллаб қолди. Аловиддин дарров чиқиб эшикни очди. Эшикни қоққан жодугар мағрибий экан. Унинг қули бир кўзача май, мева-чева, ширинликлар кўтариб олган эди.

Аловиддин бу нарсаларни қулнинг қўлидан олди. Қул қайтиб кетди. Аловиддин мағрибийни ичкарига бошлади. Булар уйга кирганда мағрибий онаси билан йиғлаб кўришди ва ундан акаси одатда қаерда ўтирганини сўради. Хотин мағрибийга эри ўтирган жойни кўрсатди. Мағрибий бориб ўша ерни ўпди: «Пешонам шўр экан! Э ака, сендан жудо бўлдим, эй кўзимнинг нури, жигарим» деб нола қилди.

Мағрибий шундоқ сўзларни айтиб, ўзини уриб йиғлай берганидан Аловиддиннинг онаси, «Бу бечора куйганидан бир кор-ҳол бўлмасин» деб қўрқиб кетди ва унинг олдига келиб қўлидан олиб турғизди.

— Эй иним, куйишдан нима фойда! Ўзингни ҳалок қиласан,— деб унга тасалли берди.

Мағрибий ўзини босиб олгандан кейин деди:

— Эй келин, мени ташимаганингга, акам ҳаёт чоғида бирон марта ҳам кўрмаганингга ҳайрон бўлма. Мен қирқ йил бундан муқаддам акам билан видолашиб шаҳримизни тарк этганман: Ҳинд, Синдни ва Мағриб шаҳарларини кездим, Қоҳирага бордим. Мадинаий Мунавварани зиёрат қилдим; ундан гумроҳлар мамлакатига бордим, бу ерда ўн тўрт йил истиқомат қилдим. Бир куни акам, шаҳрим, ватаним ёдимга тушди, акамни соғиндим, йиғладим, акамни

кўриш мақсадида бу ерга келмоқ кўйига тушдим ва ўзимга ўзим дедим:

— Эй инсон, шунча вақт ватанингдан йироқдасан. Битта аканг бор, ўзга ҳеч кимнинг йўқ, бориб акангни кўр, тақдири азал ва бераҳм фалак ҳукмини ким биледи? Акангни кўролмайд ўлсанг кўзинг очиқ кетади. Худога шукур, давлатинг бор, пулинг бор, аканг, эҳтимол тангликда умр кечирар, бориб кўр, аканг камбағалликда умр кечираётган бўлса ёрдам бер!

— Мана шуларни ўйладиму эрталаб сафарга отландим; жума намозини ўқидим, отланиб йўлга тушдим; кўп машаққатлар, мудҳиш тахликаларни бошдан кечирдим, худойи таолонинг инояти билан шаҳримизга етиб келдим. Кўчада кетаётиб, болалар билан ўйнаб юрган ўғлинг Аловиддинни кўрдим, кўрдиму меҳрим тушди, жигарчилик экан, танидим. Аловиддинни кўриб, тортган бутун азобуқубатларим ёдимдан чиқди, хурсандлигим ичимга сигмади. Аловиддиндан акам қазо қилганини эшитиб қайғу-ҳасратга тушдим. Бу хусусда боланг айтиб берган бўлса керак. Лекин Аловиддин менга таскин берди, сабабки марҳум акамнинг пушткамаридан бўлган, зурриёт қолдирган кимса боқий барҳаётдир.

Сўнг, мағрибий Аловиддиннинг онаси йиғлаб ўтирганини кўриб Аловиддинга юзланди, макр-ҳийласини ўтказиш учун, сўзларини ва амакиси эканини тасдиқлашини, онасига тасалли беришини сўради.

— Эй болам,— деди мағрибий,— қандай ҳунар орттирдинг? Онанг икковинг кун кўрарлик бирон ҳунар ўргандингми?

Аловиддин хижолат бўлди, бошини қуйи солиб ерга қаради, унинг онаси деди:

— Ҳунар қаёқда! Ҳеч бир ҳунари йўқ! Кунни бўйи шўхлик қилгани қилган, кўча болалари билан санқигани санқиган. Отаси бечора нима сабабдан ўлди? Шунинг дардини тортиб касал бўлиб ўлди. Мен кунни бўйи меҳнат қилиб, ип йиғириб иккита нон топаман, ҳар кунни шунини тамадди қиламан. Кап-катта йиғитни боққани қурбим қолмади, иним, шу иккита нонни зўрға топаман. Энди ўзимни биров боқиши керак.

Мағрибий Аловиддинга юзланиб деди:

— Нега бевошлик қиласан, жияним? Айб-уятни билгин, ундоқ қилма. Энди кап-катта, ақлли йиғит бўлиб қолдинг, яна яхши одамларнинг фарзандисан. Онанг тул боши

билан сени боқиб ўтирганда бекор юришдан шарм қилгин. Ҳунар ўрганиб бир нима топиб келгин. Шаҳарда ким кўп, ҳунарманд уста кўп, кўргин, бирон ҳунарни ёқтирсанг ўша ҳунарга берай, нон берадиган бир ҳунарни ўрган. Отаннинг ҳунарига кўнглинг бўлмаса, кўнглингга ёқадиган бошқа ҳунарни айт, қўлимдан келганича ёрдам қиламан.

Аmmo мағрибий Аловиддин сукут қилиб, бу сўзларга жавоб қилмай ўтирганини кўрди, бундан англадики, болага бу гаплар малол келди, ҳавойи бўлиб ўсгани учун ҳунар ўрганмоққа хоҳиши йўқ.

— Жияним,— деди мағрибий,— сўзларим малол келмасин. Ҳунарга хоҳишинг бўлмаса мен сенга дўкон очиб бераман, дўконни қимматбаҳо матоларга тўлдираман. Одам танийсан, савдо-сотиқ қилиб шаҳарда машҳур савдогар бўласан.

Мағрибийнинг сўзларини эшитиб Аловиддин хурсанд бўлиб кетди, чунки савдогарлар мудом ясаниб юришини, буларнинг ҳаммаси катта одамлар эканини биларди. У мағрибийга қараб кулди, розилик баён қилиб бош ирғитди. Мағрибий боланинг савдогар бўлмоқ орзуси борлигини англади.

— Эй жияним, фақат сўзингда тур,— деди,— мен сени эртага бозорга элтаман, яхши жомалар тикдириб бераман, кейин дўконга ўтқазиб, дўконни қимматбаҳо матоларга тўлдираман, ўтириб савдо-сотиқ қиласан.

Аловиддиннинг онаси бу сўзларни эшитиб, мағрибийга ҳануз кўнглида бўлган шубҳаси барҳам топди, мағрибийни ҳақиқатан эрининг ақаси эканига амин бўлди, сабабки бегона одам унинг ўғлига бунчалик меҳрибончилик қилмас эди; шундан кейин боласига насиҳат қилиб, беҳуда хаёлларни бошидан чиқариб ташлашини, амакисининг сўзидан чиқмаслигини, сўзига сўз қайтармаслигини, амакиси отасининг ўрнига ота эканини, шўхлик билан зое кетган умрининг ҳиссасини чиқариши кераклигини тайинлади, сўнг таом келтирди. Ҳамма дастурхонга ўтирди. Таомдан кейин қўллар ювилиб, савдо-сотиқ ва бошқа тўғриларда суҳбат бўлди.

Аловиддин хурсандликдан парвоз қилгудай бўлиб туни бўйи киприк қоқмади. Мағрибий эртага эрталаб келиб Аловиддинни бозорга олиб бориш ваъдаси билан ярим кечаси чиқиб кетди. Эрталаб мағрибий эшикни қоқди, Аловиддиннинг онаси чиқиб очди. Мағрибий уйга киргани унамади ва Аловиддинни сўради. Аловиддин дарҳол

либосини кийиб чиқди, мағрибийга салом бериб, қўлини ўпди. Мағрибий уни етаклаб бозорга олиб кетди.

Мағрибий бозорда катта савдогарнинг дўконига кириб ранго-ранг ва башанг янги либос сўради. Савдогар айтганидек янги либослар келтириб олдига қўйди.

— Эй жияним, хоҳлаган либосингни ол!— деди мағрибий.

Бола унинг, хоҳлаган либосингни ол, деганига суюниб кетди, кўнглига ёққан либосни олди. Мағрибий либосларнинг ҳаққини савдогарларга берди ва Аловиддинни олиб, дўкондан чиқиб кетди; уни ҳаммомга олиб борди. Иккови ҳаммомга тушди, чўмилди; ҳаммомдан чиқиб, устларига гулоб сепдилар, шарбат ичдилар. Аловиддин янги либосларни кийиб ўзида йўқ хурсанд бўлди; мағрибийнинг қўлини ўпиб:

— Эй амаки, оллоҳу таоло бахтимга сизни ўз паноҳида эсон-омон сақласин!— деди.

Мағрибий Аловиддинни бозорга олиб борди, бозор айланиб, савдо-сотиқни томоша қилдирди.

— Эй жияним,— деди мағрибий,— савдогарларга кўз ташла, молни таниш, харидорларни билиб олиш учун олди-соттига зеҳн сол, сабабки савдогарликни касб қиласан.

Ундан кейин мағрибий уни шаҳар айлантирди, мачитларни, карвон саройларини, мусофирхоналарни кўрсатди; ундан кейин яхши бир ошхонага олиб кирди. Ошпаз кумуш идишларда таом келтирди. Икковлон лаззатли таомни еб-ичиб ҳузур қилдилар. Шундан кейин мағрибий унга истироҳатгоҳ, ўйин ва кўнгул очар жойларни, султон саройини кўрсатди, сўнг, мусофирхонага олиб борди, ўзи тушган қўшхонага олиб кирди. Мағрибий қўшнилари бўлган баъзи савдогарларни уйига таклиф қилди, буларга дастурхон ёзиб, бу бола жияни эканини айтди.

Ҳамма еб-ичиб тарқалгандан кейин мағрибий Аловиддинни етаклаб уйга олиб келди. Онаси ўғлининг шаҳзодалардек янги либослар кийганини кўриб хурсандликдан ҳуши бошидан учаёзди ва мағрибийга миннатдорчилик изҳор қилди.

— Эй иним,— деди,— худо ҳозир, бошим ғовлаб қолди, ўғлимга қилган лутфу марҳаматинг учун қай тил билан миннатдорлик изҳор қилишимни, мадҳингга нималар дейишимни билмайман!

— Эй келин,— деди мағрибий,— ўғлингга ҳеч бир лутфу марҳамат қилганим йўқ. Аловиддин акамнинг ўғли — ўз



ўғлим, отасининг ўрнига ота бўламан, кўнглинг тўқ бўлсин.

— Худойи таоло иноят, пайғамбарлар шафоат қилсину жонинг омон, умринг узоқ бўлсин, боламга доим соябон бўл,— деди Аловиддиннинг онаси.— Боламнинг изму ихтиёри сенда, ҳеч қачон сенинг сўзингдан чиқмайди.

— Эй келин,— деди мағрибий,— бу хусусда хотиржам бўл. Аловиддин ақлли йигит, худо хоҳласа, боланг отаси йўқлигини билинтирмайди, сени рози қилади, худо буюрса шаҳарда улуғ савдогар бўлади. Афсуски эртага жума, Аловиддинга дўкон очиб беролмайман намози жумадан кейин савдогарлар сайру томоша қилиб боғ-роғларга чиқиб кетадилар. Лекин шанба куни, худо хоҳласа, Аловиддиннинг кўнглидаги ишни қиламан, дўкон очиб бераман. Эртага келиб Аловиддинни шаҳар ташқарисидаги боғ-роғларга олиб бораман, бу жойларни кўрмаган бўлса ажаб эмас. Эртага савдогарлар ўша ерда бўладилар. Аловиддин булар билан танишиб ошна бўлсин.

Шундан кейин мағрибий хайр-хўш қилиб қўшхонасига кетди ва эрталаб келиб эшикни қоқди. Аловиддин хурсандликдан туни бўйи кўз юммаган, тонг отиб чумчуқлар чирқиллаганда ўрнидан туриб, либосларини кийиб амакисига кўз тутиб ўтирган эди; эшик тақиллаганда учқундай отилиб чиқди-ю эшикни очди, мағрибийни кўриб қўлини ўпди. Мағрибий уни ўзи билан бирга олиб кетди.

— Бугун мен сенга, жияним,— деди мағрибий,— умрингда кўрмаган нарсаларни кўрсатаман.

Мағрибий шаҳардан чиққунча бола билан ширин-ширин гаплашиб борди. Булар шаҳардан чиқиб боғларни кездилар, мағрибий болага қаср ва қалъаларни кўрсатди. Ҳар бир боғ, қаср ва қалъа олдига келганда: «Шу боғ сенга маъқулми, олиб бераман». «Мана бу қаср сенга манзурми?» деб сўради. Аловиддин ёш бола бўлганлигидан, мағрибийнинг ширин сўзларига инонар, хурсандликдан ҳушини йўқотай дер эди.

Булар кўп юриб ҳориб-толиб ажойиб бир боғга кирдилар. Бу боғнинг манзарасини кўриб Аловиддиннинг кўнгли очилиб, кўзлари чақнаб кетди. Гулларга мис арслонлар оғзидан сув сочилиб турар эди. Иккови дам олгани лиммо-лим ҳовуз бўйига ўтирди. Мағрибий Аловиддин билан суҳбатлашиб ҳазил-мутойиба қилиб ўтирди, сўнг, чўнтагидан егулик солинган тўрвани чиқариб унга узатди.

— Қорнинг очгандир, жияним, егин!

Иккови қорнини тўйгазгандан кейин мағрибий деди:

— Дам олган бўлсанг тур ўрнингдан, яна бир оз томоша қилайлик.

Иккови шу ердаги боғларнинг ҳаммасини томоша қилгандан кейин бир тепалик олдида тўхтади. Аловиддин умрида шаҳардан чиқмаган, бунча йўл юрмаган эди, чарчаб мадори қолмади.

— Эй амаки, қаёққа борамиз?— деди у.— Боғлар орқада қолиб кетди, тепаликка келиб қолдик, йўлимиз ҳали узоқ бўлса ортиқ юролмайман, чарчаб ҳолдан тойдим. Бу ёқда бошқа боғ кўринмайди, шаҳарга қайтайлик.

— Йўқ, жияним,— деди мағрибий,— бу йўл аломат боғларга чиқади. Мен сени умрингда кўрмаган боғларга олиб бораман. Нафасингни ростлагину юравер, йигитсан ахир!

Мағрибий Аловиддинни алдаб-сўлаб йўлга солди, бўлган-бўлмаган воқеаларни сўзлаб кўзлаган жойига олиб борди. Унинг Чин-Мочиндан бу ерларга келишдан муроди ҳам шу эди.

Манзилга етгач, мағрибий деди:

— Утир, дам ол, жияним, биз кўзлаган тилсим шу. Худо хоҳласа сенга одам боласи кўрмаган, одам боласи томоша қилмаган гаройиботни кўрсатаман. Дам олиб бўлганингдан кейин бориб ўтин йиғиб кел. Мен гулхан ёқиб сенга гаройиб нарсаларни кўрсатаман.

Аловиддин бу сўзларни эшитиб, амакиси нима қилмоқчи бўлганига қизиқдики, ҳориганини ҳам унутиб, ўтин йиғишга киришди ва мағрибий: — Бўлди!— дегунча йигди. Мағрибий дарҳол ўрнидан туриб, ёнидан чақмоқ тош олди, тутантириққа ўт берди; сўнг қўйнидан шам чиқариб ёқди. Аловиддин йиғган ўтинини суриб қўйди. Мағрибий гулхан ёқиб юборди; ўтин ёниб қўрга айланишини кутиб турди-ю, қўйнидан бир қути чиқарди, ундан бир оз талқон олиб ўтга сепди. Утдан тутун чиқиб кетди. Мағрибий алланималар деб афсун ўқиди.

Баногоҳ оламни қоронғилик босди, кўк кўкради, ерларзага келди ва ёрилди. Аловиддин кўрқиб даҳшатга тушди ва қочмоқчи бўлди. Мағрибий боланинг қочмоқчи бўлганини кўриб ғазабга келди, сабабки, жаҳоннамосига қараб билдики, Аловиддин бўлмаса қилган ишларидан наф йўқ. Очмоқчи бўлган дафинаси Аловиддиннинг кўмагисиз очилмас эди. Боланинг қочиш ҳаракатида эканини

кўриб юзига чунон шалпати урдик, унинг бутун тишлари тўкилаёзди. Аловиддин беҳуш бўлиб юз тубан йиқилди, бир оз ётиб ҳушига келганидан сўнг сўради:

— Амаки, мен сенга нима гуноҳ қилдим, сабаб мени урдинг?

Мағрибий алдаб-сулдаб деди:

— Эй ўғлим, мард бўлгин дедим-да, сўзимга сўз қайтарма, мен сенинг амакинг, отанг ўрнидаман. Худо хоҳласа ғаройиботни кўрасану ҳамма машаққат ёдингдан чиқади.

Ер ёрилганда тупроқ остидан мис ҳалқали бир мрамр тахта кўринди. Мағрибий Аловиддинга деди:

— Эй жияним, менинг айтганларимни қилсанг дунёда энг бадавлат одам бўласан, сени шу сабабдан урдим. Бу ерда катта дафина бор, сенга аталиб кўмилган, сен бўлсанг қочиб буни қўлдан чиқармоқчи бўлдинг. Энди асингни йиғиб, сўзимга қулоқ бер, афсун билан ерни ёриб юбордим-а! Мен сенга айтган дафина мана шу мрамрнинг остида, ҳалқани тутиб кўтарсанг мрамр тош кўтарилади. Дафина сенга аталган, шунинг учун мрамрни сендан ўзга одам кўтаролмайди, хазианага сендан ўзга одам қадам қўёлмайди. Лекин менинг сўзларимга қулоқ осмогинг, бирон сўзимдан чиқмаслигинг даркор, нима десам сенинг фойданг учун айтаман, ер юзидаги подшолар бир қисмини ҳам тасарруф қилолмаган бу хазиана икковимизнинг тасарруфимизда бўлади.

Аловиддин бу сўзларни эшитиб, оғриқ, ҳорғинлик ва машаққатларни унутди, мағрибийнинг сўзларига ҳайрон бўлди. «Наинки ер юзидаги ҳамма подшолардан бадавлатроқ бўлсам!» деди.

— Эй амаки,— деди Аловиддин,— тилагинг нима, менга айт, изму ихтиёрингдан, ҳеч бир сўзингдан чиқмайман.

Мағрибий деди:

— Эй болам Аловиддин, сенга эзгуликни кўзлайман холос, менинг сендан ўзга ворисим йўқ.

Мағрибий унинг олдига келиб қаншаридан ўпди.

— Мен кимни деб заҳмат чекаётирман? Сени деб, сени мана шундоқ ғани қилмоқ мақсадида заҳмат чекам. Мрамрни ҳалқасидан ушлаб кўтар, дедим, сўзимни қайтарма.

— Эй амаки,— деди Аловиддин,— мрамр оғир, бир ўзим кўтаролмайман, ёшман, ёрдам қил.

— Эй болам,— деди мағрибий,— мен бу мрамрга қўл уролмайман. Ҳалқани ушласанг бас, мрамр дарҳол

кўтарилади. Бу мрамарга бошқа ҳеч кимса қўл уролмайдидедим-ку. Мрамарни кўтарганингда отингни айт, отанг ва бобонгнинг номини, онанг ва унинг отасининг номини тилга ол.

Шундан кейин Аловиддин мрамарнинг олдига бориб, мағрибийнинг айтганларини қилди, ота ва боболарининг номини тилга олганда мрамар осонгина кўтарилди, олиб четга сурди. Мрамарнинг остида ғор ва ўн икки зиналик пиллапоя намоён бўлди.

— Эй Аловиддин,— деди мағрибий,— эсингни йиғ, жияним, менинг сўзларимга қулоқ ос, нима десам шуни қил. Эҳтиёт бўлиб ғорга туш, тагига етганингда тўртга бўлинган бир хонани кўрасан. Ҳар бир хонада қизил олтин, кумуш, ёмби ва бошқа жавоҳирларга тўла тўрттадан хум бор. Лекин эҳтиёт бўл, бу хумларга яқин бора кўрма, қўл урма, ҳеч нарса олма, олға юриб тўртинчи хонага бор, ҳар бир хона олдидан ўтганингда уларда ҳам, биринчи хонадагидек, олтин, ёмби ва бошқа қимматбаҳо нарсаларга тўла хумларни кўрасан. Буларнинг ёнидан ўтиб бораётганингда хумларга кийимнинг ё этагинг тегиб кетмасин, акс ҳолда ҳалок бўласан. Бу хоналардаги бирон нарсага зинҳор-зинҳор либосинг тегиб кетмасин. Хонага тез кир, бирон нарсага қараб ағрайиб қолма, бирон зинада тўхтаб қолишдан зинҳор эҳтиёт бўл. Менинг сўзимдан чиққудек бўлсанг, афсун билан дарҳол бир парча қора тошга айланасан.

— Тўртинчи хонада бир эшик бор. Эшикка қўлингни қўйиб, бояғидай отингни, отангнинг отини айт, эшик дарҳол очилади. Бу эшикдан бир бўстонга чиқасан, боғдан ўтиб йўлга чиқ, йўлдан ўн қулоч юр, ўттиз пиллапоялик пешайвонни кўрасан. Пешайвоннинг тепасида чироқ ёниб турган бўлади. Зинадан чиқ, чироқни олиб ўчир, ёгини тўк, кийимнинг ёғ бўлишидан қўрқмасдан қўйингга сол. Қайтишингда дарахтлардан кўзингга яхши кўринган мевани узишдан қўрқма, сабабки, чироқ қўлингда бўлгандан кейин боғдаги ва дафинадаги ҳамма нарса сенинг тасарруфингда.

Кейин, жодугар мағрибий бармоғидаги узукни олиб Аловиддиннинг бармоғига тақди ва деди:

— Эй болам, менинг сўзларим хотирингдан чиқмаса, бу узук сени ҳар қандай бало-қазодан омон сақлайди. Қани тур, ғорга туш. Дадил бўл, ҳеч нарсадан қўрқма, мард бўл, ёш бола эмас, йигитсан. Менинг айтганларимни

қилсанг катта давлатни қўлга киргизасан, дунёда сендан ғанироқ одам бўлмайди.

Аловиддин зинадан ғорга тушди ва тўрт хонага бўлинган уйни кўрди. Бу хоналарда мағрибий айтгандек, олтин, қумуш ва бошқа қимматбаҳо нарсаларга тўла тўрттадан хум турар эди.

Аловиддин хона деворларига ёки ундаги бирон нарсага тегиб кетмаслик учун этакларини йиғиштириб, эҳтиёт билан ҳамма хоналардан ўтди, боғга, ундан пешайвон ёнига келиб осиглиқ турган чироқни кўрди; зинадан чиқиб чироқни олди, ёгини тўкиб қўйнига солди-ю боғга тушди; дарахтларни, тангри таолонинг мадҳини қилаётган қушларни томоша қилиб, дарахтлар орасидан юрди. Бу дарахтларнинг шоҳлари мевадек тизилган жавоҳирларнинг оғирлигидан эгилган, бир дарахтдаги жавоҳирлар бошқа дарахтдагиларга ўхшамас — оқ, яшил, сариқ, қизил ва бошқа рангларда бўлиб, жилваси офтобни хира қилар эди. Ер юзидаги энг катта подшода ҳам бунингдай қимматли тошлар топилмас, ҳеч бир кимда бу тошлардан энг кичкинасига тенг келадиган жавоҳир йўқ эди!

Аловиддин бу тошларга тикилиб, ҳайратга тушиб, дарахтлар орасида туриб қолди, сабабки, дарахтлар мева ўрнига ақлни лол қилувчи инжу, гавҳар, ёқут, забаржад ва бошқа хил қимматбаҳо тошлар солган эди. Аловиддин умрида бу нарсаларни кўрмаган, қимматбаҳо тош нима эканидан, буларнинг олди-соттиси ва баҳосидан беҳабар, чунки, аввало ёш, қолаверса фақир одамларнинг боласи эди. У узум, анжир ва бошқа меваларга монанд тошларни томоша қилиб, узиб олгиси келиб туриб қолди, булардан бир нечасини узиб олди, лекин қуруқ, қаттиқ эканини ва тиши ўтмаганини кўриб, шиша бўлса керак деб ўйлади, шундоқ бўлса ҳам меваларнинг ҳар туридан олиб, қўйнига солди, чўнтақларини тўлдирди, белбоғига тугди, хуллас; «Бу шишаларни уйимизга осаман, болалар билан ўйнайман» деган хаёлда кўтарганича олди.

Аловиддин амакиси мағрибийдан қўрққани учун боғидан чиқиб, шигиб билан ташқарига йўл олди; тўртта хонадан ўтишда олтин тўла хумларга қарамади ҳам, зинага етиб борди-ю, қўйин ва чўнтақларидаги юкни оғирлик қилиб, зинанинг охириги ва баланд пиллаюясида чиколмади ва мағрибийга деди:

— Эй амаки, қўлингни бер, мени тортиб ол!

Мағрибий жавоб берди:

— Аввал чироқни бер, ўғлим, чироқ оғирлик қилаётгандир.

— Чироқнинг ҳеч оғирлиги йўқ!— деди Аловиддин,— қўлингни бер, чиқиб олай, чироқни бераман.

Мағрибийнинг чироқдан ўзга мақсад-муддаоси йўқ эди, шунинг учун Аловиддин чиқмасдан бурун чироқни олиш пайдан бўлиб қистай берди. Чироқ чўнтагида бўлиб, унинг устига қимматбаҳо тошлар солгани учун Аловиддин чироқни ололмади; бундан ташқари худо кўнглига солди-ю чироқни бермади, амакиси нима учун қўлини бермасдан аввал чироқни олиш пайига тушиб қолганини билмоқчи эди.

— Эй амаки,— деди,— аввал қўлингни бериб мени тортиб ол, ундан кейин чироқни олмайсанми!

Мағрибийнинг қаҳри келди, Аловиддиндан чироқни сўраб туриб олди. Аловиддин чўнтагининг тагида бўлгани учун чироқни олиб узатолмас эди. Аловиддин чироқни бермоқчи эмас, ғордан чиққандан кейин бермоқчи бўлганини кўриб мағрибийнинг ғазаби жўш урди. Аловиддиннинг эса ғордан чиқиб олишдан ўзга ғарази йўқ эди.

Аловиддин сўзига қулоқ солмаётгани, чироқни бермаганидан мағрибийнинг жаҳли чиқиб, ақли қочди, жони ҳалқумига келди-ю афсун ўқиб ўтга бир оз талқон сепди. Ер ёрилди, ғор кўмилди-ю, мрамар унинг оғзини беркитди. Аловиддин ғорда қолиб кетди.

Мағрибий сеҳргар бўлиб, юлдузларга қараб Аловиддин номига тилсим қилинган дафина борлигини билган, шу дафинани қўлга киргизмоқ мақсадида унга ўзини ёлғондан амаки қилиб танитган эди. Бу одам ўз юртида, Ифриқияда ўқиб, бошқа сир-асрор қатори бу юртда, Калкас шаҳрида катта бир дафина, бу дафинада бир чироқ борлигидан, бу чироқни қўлга киргизган кимса ер юзидаги барча подшолардан ғанироқ бўлишидан огоҳ бўлган эди. У қуръа ташлаб, бу дафинани, камбағал бир оиладан Аловиддин отлиқ бир бола воситаси билан топиш мумкин эканини билди, яна қуръа ташлаб бу боланинг шакл-шамойилини кўрди.

Шундан кейин мағрибий сафарга отланиб Хитой юртига келди, ҳийла-найранг қилиб Аловиддин билан топишди ва муродига эришмоқ бўлди. Бироқ Аловиддин унга чироқни беришдан бош тортди-ю, умиди узилиб, меҳнатлари зое кетди, шундан кейин Аловиддинни ўлдирди, чироқни беном-нишон йўқотиш муддаосида унинг ус-

тига тупроқ тортди-да, хафа бўлиб ўз юртига равона бўлди.

Аловиддин горнинг оғзи беркилганини кўриб, «Амаки, амаки» деб қичқирди, жавоб бўлмагандан кейин мағрибий макр қилганини англади, бу одам амакиси эмаслигини билди.

Аловиддин ер остидан чиқолмаслигини билиб жонидан умид узди, йиғлади-сиқтади, бирон йўл йўқмикин деб атрофга қаради. Мағрибий афсун ўқиб, Аловиддин тезроқ ўлсин деган мақсадда ҳамма эшикларни, ҳатто боғнинг эшигини ҳам беркитган, тўрт девор ораси тим қоронғи эди. Аловиддин буни кўриб қайғудан эс-ҳушини йўқотаёзди ва зинанинг остида ўзини уриб, худога нола қилиб ўтирди. Худойи таоло Аловиддинга раҳм қилиб, унга нажот берди.

Биз юқорида мағрибий болани горга тушираётиб унинг бармоғига узук таққанини ва: «Бу узук сени бошинга келадиган ҳар қандай бало-қазодан омон сақлайди» деганини айтган эдик. Аловиддин қайғудан йиғлаб ўзини урганда шу узукка қўли тегиб кетди. Шу он унинг кўз ўнгида ҳазрати Сулаймоннинг дев қулларидан бири пайдо бўлиб:

— Хизматингга ҳозирман, хизматингга ҳозирман! Буюр, мен қулингман, узук кимнинг қўлида бўлса, мен унинг ҳақир қулиман!— деди.

Унинг важоҳатини кўргач, Аловиддин қўрққанидан қалтирай бошлади, лекин «Буюр, мен қулингман» деб турганини кўриб кўнгли тинчиди. Мағрибий узукни беришда «Бу узук бошинга тушган ҳар қандай бало-қазодан сени омон сақлайди» деганини хотирлади.

— Эй узук соҳибининг қули, мени бу гордан ер юзига олиб чиқ,— деди ва Аловиддин сўзини тугатмасдан ер ларзага келди-ю, ёрилди, ўзини ер юзида, горнинг оғзида кўрди.

Аловиддин икки кунни қоронғи дафинада ўтказиб ер юзига чиққанидан кейин кўзини очолмади, ёруғлик ва офтоб нуридан кўзлари қамашди; кўзи аста-секин ёруғликка ўрганганидан кейин қараса, горнинг оғзида турипти, ҳаммаёқ теп-текис, ер ёрилганидан асар ҳам йўқ.

Аловиддин мағрибийнинг афсунидан ҳайратга тушди, балодан халос этган худога шукур қилди, атрофига қараб боғларни кўрди, мағрибий билан келган йўлни таниди.

Жонидан умид узган Аловиддин омон қолганига хурсанд бўлиб, ўша йўлдан шаҳарга қайтди, уйига кириб,

очликдан, бошидан кечирган қўрқув ва хурсандлигидан беҳуш бўлиб ерга йиқилди.

Унинг онаси югуриб келди, қўшидан гулоб келтириб, юзига сепди. Уғли чиқиб кетгандан бери унинг кўз ёши тинмаган, сабабки Аловиддин ёлғиз ўғил эди; боласининг эшикдан кириб келганини кўриб суюнди, лекин беҳуш бўлиб йиқилганини кўриб қайғуга тушди, юзига тинмай гулоб сепди, хушбўй нарсалар искатди, ниҳоят Аловиддин кўзини очиб таом сўради.

— Онажон, менга егулик бирор нарса бер, икки кундан бери очман,— деди.

Онаси уйда борини келтирди ва деди:

— Эй болам, еб ол, қорнинг тўйиб дам олганиндан кейин қаёққа борганингни, нима бўлганини, бошингга не мушкул тушганини айтиб бер. Майли, чарчагансан, болам, ҳозир айт демайман.

Аловиддин еб-ичиб қорини тўйғизди, дам олиб ўзига келгач, онасига юзланди:

— Эй онажоним, гуноҳи азимга ботдинг! Сен мени ҳалок қилмоқ қасдида бўлган одамнинг қўлига топширдинг. Икковимиз ҳам уни менинг амаким, деб ўйлабмиз, ҳолбуки, худо ҳаққи, бу одамнинг қўлида ўлиб кетаёдим. Лекин, шукур, худо мени бу балодан сақлади! Биз бу одамнинг яхшилик қиламан деб айтган сўзларига инондик. Эй онажон, бу жодугар мағрибий нақадар ярамас одам эканини билмайсан! Худонинг ғазабига дучор бўлсин. Мана, она, бу малъун мени шундай аҳволга солди.

Аловиддин мағрибий билан қаерга борганини, мағрибий афсун ўқиб ерни ёрганини, хуллас, бошидан кечирганларини онасига сўзлаб берди. Бу балодан халос бўлганига суюнганидан у йиғлар эди.

— Ер ёрилганда қўрқиб қочмоқчи бўлган эдим, мағрибий мени уришди, урди, горнинг оғзи очилганда ўзи тушолмади, сабабки, малъун қуръа ташлаб дафина менинг номимда эканини, фақат менга очилишини билган экан, мени уришиб, урганидан кейин муродига етиш учун ярашмоқчи бўлди, бармоғимга узук тақиб горга туширди.

— Мен бу одамни кўришим билан ёмон бир ҳодиса бўлиши кўнглимга келган эди, сенинг тўғрингда хавотирга тушиб қолган эдим, сабабки, унинг қабиҳ, каззоб, афсун билан одамларни ҳалок қилиши афтидан маълум эди. Худога шукур, болам, мағрибийнинг домидан халос бў-



либсан. Мен алданиб, бу одам ҳақиқатан амакинг деб ўйлабман.

Аловиддин икки кун ухламагани учун ғоят лохас эди, ётиб қаттиқ уйқуга кетди ва эртасига пешинда очиқиб уйғонди, уйғониб онасидан таом сўради.

— Бор таомни кеча еб битирган эдинг, ўғлим,— деди онаси.— Сабр қил, бир калава ипим бор, бозорга элтиб сотаману пулига бирон нарса олиб келаман.

— Калавангни қўй, онажон,— деди Аловиддин.— Кеча мен келтирган чироқни бер, бозорга элтиб сотаман, пулига таом келтираман. Чироқ калавадан қимматроқ.

Аловиддиннинг онаси чироқни келтирди, унинг кир эканини кўриб:

— Бу аҳволда сотиб бўладими? Артсам, тозаласам, қимматроққа сотарсан,— деди.

Аловиддин онаси чироқни қум билан ишқаган замоно ваҳимали бир дев пайдо бўлиб деди:

— Хизматингга ҳозирман! Мен қулингман! Не тилагинг бор? Бу чироқ кимнинг қўлида бўлса мен унинг қулиман, бир мен эмас, чироқнинг ҳамма қуллари унинг изму ихтиёрида.

Аловиддиннинг онаси уни кўриб даҳшатга тушиб, тили тутилди, беҳуш бўлиб йиқилди сабабки бунингдек даҳшатли махлуқни умрида кўрмаган эди. Аловиддин девни дафинада кўргани учун кўрқмади, онасининг аҳволини кўриб ирғиб турди, чироқни унинг қўлидан олиб девга деди.

— Қорним оч! Кўнглим тилаганидан зиёда яхши таом келтириб бер!

Дев дарҳол ғойиб бўлди-ю бир оздан кейин музайян кумуш хонтахта келтирди. Хонтахтада гуногун таом солинган ўн иккита табақ, иккита нуқра пиела, иккита кўзачада тиниқ шароб, қордан ҳам оқроқ нон турар эди. Дев буларнинг ҳаммасини Аловиддиннинг олдига қўйиб кўздан ғойиб бўлди. Аловиддин онасини ўрнидан турғизди, юзига гулоб сепди, онаси кўзини очганда деди:

— Она, кел, худо берган бу таомлардан егин.

Унинг онаси олдида турган кумуш хонтахтани кўриб ҳайрон бўлди ва деди:

— Бу неъматларни юборган сахий кимса ким экан, ўғлим? Бизнинг аҳволимиздан султон хабар топиб бу нарсаларни юборган бўлса керак, сабабки буларнинг ҳаммаси шоҳона таомлар.

— Онажон,— деди Аловиддин.— Ҳозир гап-сўзнинг мавриди эмас. Бу ёққа кел, таомни ейлик, очмиз.

Она келиб хонтахта ёнига ўтирди. Иккови таомга майл қилди. Эртага етарли овқат қолдириб, қўлларини ювганларидан кейин она деди:

— Эй болам, шукур, қорнимиз тўйди, энди очман деёлмайсан. Мен ҳушимдан кетиб йиқилганда дев нима қилди?

Аловиддин онаси ҳушдан кетгандан кейин дев нима қилганини айтиб берди. Онаси ҳайрон бўлиб деди:

— Девлар ҳақиқатан Одам авлоди экан-да! Мен девни умримда кўрган эмас эдим. Малъун магрибий горга қамаганда сени халос қилган дев шу бўлса керак.

— Йўқ, она,— деди Аловиддин,— дафинага келиб мени халос қилган дев бу эмас. У дев узукнинг қули, сен кўрган дев чироқнинг қули.

Бу сўзни эшитиб она деди:

— Мен кўрган лаънати дев чироқнинг қули экан-да? Худо кўтарсин, мунча ҳам бадбуруш экан! Қўрққанимдан ўлаёзим. Берган сутим ҳақи, болам бизга бунчалик даҳшат солган узук билан чироқни чиқариб ташла. Девни кўргани кўзим йўқ, худойи таоло ва Муҳаммад мустафо бизни булардан омон сақласин.

— Эй онажон,— деди Аловиддин,— сенинг ҳар бир сўзингни амр ўрнида кўраман, лекин узук билан чироқни чиқариб ташламайман, сотмайман ҳам. Чироқнинг қули бизга қандоқ яхшилик қилганини кўрдинг-ку, очликдан ўлар ҳолатга етганимизда таом келтириб берди. Малъун магрибий мени горга туширганида олтин-кумуш эмас, фақат чироқни келтиришимни буюрган эди, сабабки, чироқдан қандоқ катта фойда келишини билган экан, бу чироқнинг қадр-қийматини билмасам, бундоқ машаққатлар чекмас, чироқни деб ўз юртидан бу ерга келмас ва умиди пучга чиққандан кейин горнинг оғзини беркитмас эди. Биз бу чироқни асрамоғимиз ва ҳеч кимга кўрсатмаслигимиз керак, сабабки, бу нарса тириклигимиз ва бойлигимизнинг боисидир. Мен узукни бармоғимдан ололмайман, сабабки, шу бўлмаса мени қайтиб кўрмас эдинг, дафинанинг қаърида ҳалок бўлар эдим. Қандоқ қилиб буни бармоғимдан оламан? Нима бўлишимни, бошимга яна қандай бало-қазо келишини қаёқдан билай? Чироқни сенинг кўзингдан пинҳон тутаман, кўрмагин, кўрқмагин.

Аловиддиннинг онаси ўглининг сўзларини маъқул кўриб деди:

— Билганингни қил. Узукка ҳам, чироққа ҳам қўл тек-  
қизмайман, бу даҳшатни қайтиб кўрмайин.

Иккови эралаб туриб кеча қолган таомни еди. Бошқа  
таом қолмади. Аловиддин дев келтирган табақлардан би-  
рини бозорга олиб борди ва йўлда қабихликда тенг-тимсоли  
йўқ бир яҳудийга йўлиқди. Аловиддин табақни яҳудийга  
берди. Яҳудий Аловиддинни хилватга тортди ва табаққа  
разм солиб, унинг соф кумушдан эканини кўрди, лекин  
Аловиддин заршуносни, йўқми эканини билмасди.

— Эй бола,— деди яҳудий,— бу табаққа қанча ҳақ  
сўрайсан?

Аловиддин жавоб берди.

— Бунинг нарх-навосини сен биласан.

Яҳудий гаранг бўлиб қолди, сабабки Аловиддин зар-  
шунос бўлмаса ҳам, берган жавобидан доно одам кўринар  
эди. Яҳудий унга кам ҳақ берай деса Аловиддин бунинг  
нархини билишидан истиҳола қилди, кўп ҳақ берай деса,  
содда ва табақнинг қийматиини билмас деган мулоҳазага  
борди; ниҳоят, ёнидан бир динор чиқариб берди. Аловид-  
дин динорни маҳкам сиқимлаганича чопа кетди. Яҳудий  
буни кўриб Аловиддин табақнинг нархини билмайдиган  
содда одам эканини англади-ю, гарчи ҳақнинг юздан би-  
рини берган бўлса ҳам, бир динор берганига афсус  
қилди.

Аловиддин ўйлаб-нетиб ўтирмасдан, шошиб, новвой-  
нинг олдига борди, динорни майда қилди, нон сотиб олди,  
уйига қайтиб майда пулни онасига берди ва:

— Эй она, бозорга бориб керак нарсаларни ол,— деди.

Унинг онаси бозорга борди, керакли нарсаларни олиб  
қайтди. Иккови еди-ичди, роҳат қилди. Аловиддин бир та-  
бақнинг пули тамом бўлганда бошқасини элтиб яҳудийга  
сотар, яҳудий ҳар бирига бир динордан берар, ундан кам  
бергани қўрқар, сабабки Аловиддин бошқа харидор излаб  
қолиши мумкин эди.

Аловиддин ҳамма табақни яҳудийга сотиб бўлди, хон-  
тахта қолди. Хонтахта жуда катта ва оғир эди. Аловиддин  
хонтахтани яҳудийга келтириб берганда яҳудий унинг қан-  
доқ хонтахта эканини кўриб ўн динор баҳо қўйди.

Бу пул ҳам тамом бўлгач Аловиддин онасига деди:

— Чироғдан бошқа ҳеч нарса қолмади, чироғни ишқа-  
лайман.

Унинг онаси қўрқувдан қалтираб қочиб кетди. Аловид-  
дин чироқни ишқалаган эди, дев пайдо бўлиб:

— Хизматингга ҳозирман! Мен сенинг, чироқ соҳибининг қулиман. Буюр!— деди.

— Яна яхши таомлардан келтир. Очмай!— деди Аловиддин.

Дев ғойиб бўлди-ю, кўз очиб юмгунча ўшандай хонтахта олиб келди. Хонтахтанинг устида аломат таомларга тўла ўн иккита кумуш табақ, икки кўзачада тиниқ шароб ва оқ нон турар эди.

Аловиддин чироқни ишқаламоқчи бўлганда яна девни кўришдан қўрқиб қочиб кетган онаси қайтиб, хушбўй ҳидлар анқиб турган таомларга тўла хонтахтани кўрди-ю, хурсанд бўлди, ҳайратда қолди.

Аловиддин деди:

— Мана, чироқнинг хосиятини кўрдингми, сен чиқариб ташла деб ўтирибсан!

— Девнинг давлати эиёда бўлсин,— деди она,— лекин, ҳар нечук, афтига қаролмайман.

Иккови еди-ичди, қолган таомни эртапи кунга олиб қўйди. Аловиддин бўшаган табақлардан бирини қўйнига яширди-ю сотгани яҳудийнинг олдига олиб борди, тақдирнинг тақозаси билан йўлда бир мусулмон, художўй мўйсафид заргарнинг дўконига кирди. Мўйсафид ундан сўради:

— Нима ҳожатинг бор, ўғлим? Шу ердан ўтиб яҳудий билан муомала қилиб юрганнингни кўрган эдим. Яҳудийга бир нима элтар эдинг, ҳозир ҳам унга бир нима сотмоқ муддаосида кетаётган бўлсанг керак. Лекин яҳудийлар, алаҳусус малъун Мордухай яккаю ягона худойи таолога имон келтирган мусулмонларнинг пулини комига тортмоқни хоиз деб билгани ва Муҳаммад мустафо умматларига албатта фириб бермоғидан беҳабармисан? Эй ўғлим, агар сотгулик бир нарсанг бўлса менга кўрсат, қўрқма, тарозуда тортиб оламан.

Аловиддин бу гапларни эшитиб табақни мўйсафидга берди. Мўйсафид табақни олиб тарозуда тортиди ва сўради:

— Яҳудий сенга неча пул берди, унга сотган бошқа табақларнинг ҳам шундоқми эди?

— Ҳа, бошқа табақларим ҳам шундоқ эди, яҳудий ҳар бир табаққа бир динордан берган эди.

Мўйсафид бу гапни эшитиб даргазаб бўлди.

— Кўрдингми, ўғлим, меннинг сўзларим ҳақ, худонинг бандаларига фириб бергувчи бу малъун яҳудий нақадар баттол ўғри! Яҳудий сенга фириб берипти, мазоху масхара

қилипти, чароки табақ соф нуқра, вазни фалон, нархи етмиш динор! Хоҳласанг ҳақингни санаб берман.

Мўйсафид Аловиддинга етмиш динор санаб берди. Аловиддин пулни олди, яҳудийнинг фирибгарлигидан огоҳ қилган мўйсафидга ташаккур изҳор қилди.

Аловиддин бир табақнинг пули тамом бўлганда бошқасини элтиб мўйсафидга сотаверди. Она-бола бадавлат бўлиб кетди, ортиқча ҳашам ва сарф-харажатга берилмасдан илгаригидай мўътадил кун кечираверди. Аловиддин илгариги хулқини ташлади, бебош болалар билан ўйнамай қўйди, ақли расо одамлар билан ошно бўлди, ҳар куни бозорга бориб катта-кичик савдогарлар билан танишди, улардан мол, савдо-сотих ва бошқа нарсаларни сўради, заргарлик растасига бориб, қимматбаҳо тошларнинг олди-сотдисиغا разм солди, бу ишларга омилкор бўлганидан кейин дафинадан олиб келган тошлари шиша ё биллур эмас, қимматбаҳо тошлар эканини, ҳеч бир подшонинг бисотида йўқ, бозордаги тошлар бу тошларнинг увояига ҳам тенг келмаслигини билди.

Аловиддин ҳар куни бозорга қатнар, савдогарлардан савдо-сотих йўлларини сўрар, баҳоларни билар эди. Кунлардан бир куни нонуштадан кейин Аловиддин одатдагича бозорга борганида жарчи чақираётганини эшитди:

— Замину замон ҳукмдори султонимиз амр қилдилар: ҳамма дўконини ва омборини беркитсин, чароки султонимизнинг қизлари Бадралбудур ҳаммомга йўл оладилар, ҳеч бир кимса уйидан чиқмасин, эшик ва дарчадан нигоҳ ташламасин. Огоҳ бўлингиз!

Аловиддин бу гапни эшитиб султоннинг қизини қай йўл билан кўришни ўйлади-ю ичиди: «Одамлар бу қизнинг ҳусн-лаатофати тўғрисида кўп гапирдилар, бир кўрсам армоним йўқ эди» деб қўйди.

Аловиддин султон қизини кўриш учун тадбир излади ва у етиб келгунча ҳаммомга бориб, дарвоза орқасига беркиниб олишни маъқул кўрди ва ҳаммомга бориб биров кўрмайдиган бир жойга беркиниб олди. Бу орада султоннинг қизи шаҳарга тушди, бозор ва майдонлардан ўтиб ҳаммомга келди, ҳаммомга киришда юзидан қардани кўтарди. Унинг жамоли офтобни хира қилар эдики, шоир у тўғрида шундай дебдир:

Қўйибдир ким бу соҳир кўзларингга сурман савдо?  
Яногини қайси тоғ узра етишган лолан якто?

Дегил қайси чаманда бўлди зулфинг сунбули пайдо?  
Юзинг офтобни ким буркамиш зулфинг туни оро?

Аловиддин унинг жамолини кўрганида ўзича: «Ҳақиқатан бу тангри таолонинг санъатидир! Буни яратган, унга ҳусн-латофат ато қилган худога ҳамду санолар бўлсин» деди.

У ақл-ҳушини йўқотиб қизга мафтун бўлди, ишқ-муҳаббат қалбини чангалига олди, онасининг олдига эс-ҳушидан айрилиб борди. Онаси унга сўз қотганда Аловиддин ҳайкалдай қотиб жим турар эди. Онаси унинг олдига таом қўйиб, ўғли не аҳволда эканини кўргач, сўради:

— Эй ўғлим, сенга нима бўлди? Бирон еринг оғрияптими? Нима гап, менга айт. Бугун бир тарзи бўлиб турибсан, гапирсам жавоб бермайсан.

Аловиддин ҳамма хотинларни ҳам онаси сингари хунук кампир деб ўйлаган, султоннинг қизи ҳусндор эканини одамлардан эшитган бўлса ҳам, бундай соҳибжамол эканини билмаган эди.

Онаси уни таом егани қистади. Аловиддин таомдан бир оз еди-ю ётди ва кечаси билан «Эй худо, ё олло» деб тўлганиб, султоннинг қизи ишқида кўз юммай чиқди, эрта-лаб турганида муҳаббат оловида яна ҳам ўртанди. Онаси ўғлининг аҳволини кўриб гаранг бўлиб қолди ва унга нима бўлганини билолмай, бемор гумон қилиб деди:

— Эй болам, тобинг бўлмаса, бирон еринг оғриётган бўлса бориб ҳақимни олиб келай, кўрсин. Шаҳримизда мусофир ҳақим бор, султон олдириб келган, яхши табиб эмиш, бетоб бўлсанг кўрсин, дори берсин.

— Эй онажон,—деди Аловиддин.—Бетоб эмасман. Мен ҳамма хотинлар ҳам сендек деб билар эдим. Кеча султоннинг қизини кўриб қолдим. Жарчи султоннинг қизи Бадралбудур ҳаммомга йўл олганини айтиб, йўлда турманглар, даричадан қараманглар деб одамларни огоҳ қилганда мен ҳаммомнинг эшиги орқасига беркиниб турдим султоннинг қизи келиб юзидан пардасини олганда ҳусн-жамолини томоша қилдим. Унга шундай ҳусн-латофат ато қилган тангри таолога ҳамду санолар бўлсин! Эй онажон, бу қизга шундай ошиқи шайдо бўлдимки, таърифига ожизман, ишқ ўтида ёниб кечаси билан кўз юмганим йўқ. Унинг ишқи юрагимни пора-пора қилди, султонга арзимини айтиб, қизини шаръий никоҳимга олмасам тоқат қилолмайман.

Она бу сўзни эшитиб ўғлини ақли ноқис деб ўйлади.

— Худо паноҳида сақласин! Ақлингни еб қўйибсан! Ўғлим, Аловиддин ақлдан озибсан! Наинки султоннинг қизига огиз солсанг!

— Эй онажон,—деди Аловиддин,—ақлдан озганим йўқ. Бу гапларинг менга кор қилмайди. Юрагимнинг малҳами Бадралбудурни албатта оламан, отаси султоннинг розилигини сўраб совчи юбораман.

— Бошинг учун бу гапларни қўй, ўғлим биров эшитиб жинни бўлипти демасин!—деди онаси.— Қўй бу хаёлларни! Султоннинг қизини сўратгани кимнинг ҳадди сиғади? Аъёнлардан бўлмасанг, амир бўлмасанг, ким совчиликка боради?

— Эй онажон,—деди Аловиддин,—совчиликка сендан ўзга киши лойиқ эмас! Султоннинг қизини сўрагани сен турганда ким боради? Ўзинг бориб султонга арзимни еткиз.

— Е олло!—деди она.— Сенга ўхшаб мен ҳам ақлдан озибманми? Бу гапларни хаёлингга келтирма, болам. Уйласангчи ахир: кимсан ўзинг, кимнинг ўғлисанки, султоннинг қизига совчи юборасан? Бир тикувчи, яна фақир тикувчининг ўғлисан. Отанг шаҳардаги тикувчиларнинг энг қашшоғи эди. Мен кимман? Менинг уруғим шаҳардаги камбағалларнинг камбағали. Султоннинг қизини сўрагани нечук ҳаддинг сиғди. Султон қизини берадиган бўлса, подшога ё султонга, шон-шавкатда ўзига муносиб одамга беради, ундан камига бермайди.

Аловиддин онасининг сўзларини эшитиб деди:

— Эй она, сен айтган гапларни ўйлаб кўрганман, қашшоқ одамнинг фарзанди эканимни биламан. Лекин буларнинг ҳеч бири мени раъйимдан қайтаролмайди. Ўз ўғлингга шундай бир меҳрибончилик қилсан деган умиддаман, йўқса ҳалок бўламан. Мендан жудо бўласан, нима бўлсам ҳам фарзандингман, мени ҳалокатдан халос қил.

Она бу сўзларни эшитиб гаранг бўлиб қолди.

— Тўғри, болам фарзандимсан, сендан ўзга ҳеч кимим йўқ, мадоримсан. Менинг орзу-армоним сени уйлантириш, лекин уйлантирадиган бўлсам ўзимизга муносиб одамларнинг қизини келин қиламан. Мен келин қиладиган қизинг ота-онаси ўғлингнинг ҳунари, ери, боғ-роғи борми деб сўрайди, шунга жавоб тополмайману Чин ҳоқони, тенги йўқ султоннинг қизига қандоқ огиз соламан? Ўзинг фикр-мулоҳаза қил, яхшироқ ўйлаб кўр, эс-ҳушингни

йиг! Сенинг кўнглинг учун султоннинг олдига борсам, бу ишдан яхшилик чиқмайди, бошимизга фалокат келади. Бу хатарли нарса! Султоннинг қизини сўрагани нечук журъат қиласан, қандай қилиб бораман, қандоқ қилиб ҳузурига кираман? Унинг ҳузурига киролганимда ҳам нима дейман? Башарти, дилимга қувват йиғиб сенинг муродингни айтганимда мени ақлдан озипти, деб ўйламайди-ми? Бу шундай султонки, унинг ҳузурига туҳфасиз кириб бўлмайди. Биламан, султон беозор, хушмуомала одам, адолат сўраб, паноҳ тилаб, шафқат истаб кирган кишини ноумид қилмайди. Ундан лутфу карам истаган киши шунга сазовор бўлиши керак. Лутфу карамга нолайиқ, султонга, юртга хизматини ўтказмаган ва бошқа сабабдан лутфу карамга сазовор бўлмаган кимса ундан марҳамат умид қилмайди. Сен султонга, юртга қандоқ хизмат ўтказиб қўйдингки, ундан марҳамат умид қиласан, ҳатто қизини сўрайсан? Сен бундоқ марҳаматга лойиқ эмассан, ўғлим, сендай кишиларга султон лутфу карам қилмайди! Бундан ташқари, ўғлим, боя айтганимдай, ҳеч ким султоннинг олдига шоҳона туҳфасиз бормади. Мен унинг олдига бориб қизини сўрагани қандай журъат қиламан?

Онаси ҳақ гапларни гапирганини эшитиб Аловиддин деди.

— Эй онажон, ҳамма гапларинг ҳақ, ўй-мулоҳазаларинг тўғри, буларни ўзим ўйлаб кўришим керак эди, аммо Бадралбудурнинг муҳаббати дилимни пора қилган, ўшанга эришмасам ором тополмайман. Едимдан кўтарилган бир нарсани эсимга солдинг. Бу нарса сени султоннинг ҳузурига юбориш ниятимни барқарор қилди ва менга жасорат бахш этди. Султонга муносиб туҳфамиз бор, онажон, бунингдай туҳфа на бирон подшода бор, на бошқа кимсада, бу туҳфа мен дафинада кўрган дарахтлар мевасидир. Меваларни шиша деб ўйлаган эканман, суриштириб кўрсам қимматбаҳо тошлар бўлиб, ер юзидаги подшоларнинг ҳаммаси ҳам булардан бирон донасига молик эмас экан. Мен гавҳаршунос савдогарлардан суриштириб билдим, бу мевалар бебаҳо экан. Чинни табағимиз бор, шуни келтир, қимматбаҳо тошларга тўлдириб бераман, султонга туҳфа қилиб элтасан. Шу туҳфани олиб борсанг, султон сени хуш кўришига, сўзларингга қулоқ солишига аминман. Эй онажон, султоннинг қизига йўл топсанг топганинг, йўқса ишқ ўтида ёниб адо бўламан. Бу туҳфа хусусида хотиржам бўл, мен буни заргарлар растасига кўп олиб бордим, лекин ҳеч



бирига кўрсатмадим, сабабки, савдогарлар минг динорга сотаётган тошлар бунинг бир қиронига ҳам арзимамайди. Уша чинни табақни келтир, онажон, тошга тўлдирай, қандоқ чиройли эканини, жилосидан ақл лол бўлишини кўрасан.

Аловиддиннинг онаси бу тошлар ростдан ҳам ўғли айтгандайми эканини кўриш учун чинни табақни келтирди. Аловиддин табақни энг чиройли ва йирик тошларга тўлдирди.

Аловиддиннинг онаси қараб, уларнинг жилосидан кўзи қамашди, буларнинг гўзаллигига ҳайрон бўлди. Лекин бу тошлар, дарҳақиқат, шундай қимматбаҳо эканига ҳануз иштибода эди.

Аловиддин деди:

— Эй онажон, нечоғлик гўзал ва шоҳона туҳфа эканини кўрдингми! Тангри ҳаққи, ҳеч бир подшо бу тошлардан биронтасини ҳам тополмайди. Аминманки, улуғ султоннинг ҳурматига сазовор бўласан, султон буларни кўрса сени иззат-икром билан қаршилайди. Тур, бу заҳматни бўйнингга олгину табақни кўтариб саройга бор.

— Эй ўғлим,— деди она,— бу туҳфа ҳақиқатан қимматбаҳо, ўзинг айтгандай, ҳеч бир кимсада йўқ. Лекин, ҳар қалай, султоннинг қизига оғиз солгани қандоқ журъат қиламан? Султон: «Нима ҳожатинг бор?» деб сўраса тилим лол бўлиб қолади. Башарти дилимга қувват йиғиб: «Эй улуғ султон, сенга қариндош бўлмоқ тилагида келдим» десам, султон мени ақлдан озипти дейди-ю ҳайдаб чиқаради, маломат қилади. Мен энди иккимиз ҳалок бўлишимизни гапириб ўтирмайман, сенинг кўнглинг учун юрак ютиб бораман. Башарти султон туҳфани камоли эҳтиром билан қабул қилса, сенинг тилагингни еткизганимда: «Қимсан, мол-мулкинг, даромадинг қалай?» деб сўраса нима деб жавоб бераман? Унинг қизига оғиз солсам шундай саволар қилиши муқаррар.

— Эй онажон,— деди Аловиддин,— султон сендан ҳеч нарсани сўрамайди, туҳфани кўрса менинг ким эканимни дарҳол фаҳмлайди. Сендан гап сўраса пайсалга сол, жавобини ўзим бераман. Бу ишни унчалик қийин деб ўйлама, юрагимни кўп эзма. Сен нукул: «башарти», «борди-ю» дейсан, ахир қўлимда чироқ борлигини, шу туфайли султон сенга яхши жавоб беришини биламан-ку. Хотиржам бўл!

— Бош устига, ўғлим,— деди она,— лекин бугун кеч кирди, худо хоҳласа, эртага эрталаб тилагингни ўрнига етказаман.

Она бу хусусда туни бўйи ўйлади, эрталаб жасорат пайдо қилди. Ўғлининг чироқ ҳақидаги гапи унга қувват берди. Аловиддин чироқ ҳақидаги гапи онасига қувват берганини кўриб, у тўғрида бировга айтиб қўймасмикин деган ўйда қўрқиб кетди ва деди:

— Эй онажон, чироқ хусусида бировга бир нима дея кўрма, сабабки, бу бизнинг бахт-толеимиз. Ҳеч кимга оғзингдан чиқарма, йўқса чироқ туфайли кўраётган кунимиздан маҳрум бўламиз.

— Хавотир бўлма, ўғлим,— деди она ва чодрасини ёпинди-ю табақни олиб, саройга йўл олди ва одам кўпаймасдан олдинроқ бориб султоннинг девонига кирмоқчи бўлди.

Она саройга келганда вазир бир қанча давлат аъёнлари билан биргаликда султоннинг ҳузурига кириб кетган эди. Бир муддат ўтгандан кейин девонхона вазирлар, аркони давлат, амирлар, аъён ва акобирлар билан тўлди. Султон кириши билан буларнинг ҳаммаси саф тортди. Султон тахтига ўтирди. Девонхонадаги одамлар унинг қаршисида қўл қовуштириб турар, амр-фармонини кутар эдилар. Султон буларга ўтиришни буюрди. Буларнинг ҳар қайсиси ўз жойига ўтирди. Девонхона иши бошланди. Султон адолат юзасидан ҳукм чиқариб, амр-фармон берди, ниҳоят иш тамом бўлгандан кейин саройга кириб кетди. Ҳамма тарқалди.

Аловиддиннинг онаси султоннинг ҳузурига киргани ва сўзлашгани пайт пойлади, лекин киролмади, сабабки подшоҳлар билан мулоқотга ўрганмаган эди, восита бўладиган одам ҳам тополмади, султон ҳарамга кириб кетганини, девонхона бўшаб қолганини кўриб уйига қайтиб кетди. Аловиддин онасининг табақни қайтариб олиб келганини кўриб, бирон ҳодиса бўлдимикан деган хаёлда қўрқиб кетди, онасидан гап сўради. Онаси деди:

— Эй ўғлим, худога шукур, султоннинг девонхонасини кўрдим, унинг қандоқ жой эканини билиб жасорат пайдо қилдим. Лекин девонхонадаги одамлар тарқалди, султон ҳарамга кириб кетди-ю сўзлашолмай қолдим. Менга ўхшаган бошқа кўп одамлар ҳам султон билан сўзлашолмай қолди. Эртага бориб сўзлашаман, хотиржам бўл, истагингни албатта бажо келтираман.

Аловиддин Бадралбудур ишқида ўртаниб, тилагини онаси бажо келтиришини дақиқа сайин кутиб ўтирган бўлса ҳам, онасидан бу сўзларни эшитиб ниҳоятда хурсанд

бўлди. Аловиддин сабр қилди. Кеча ўтди. Эрталаб она табақни кўтариб яна саройга жўнади. Бироқ девонхона ҳафтасига икки марта очилар, бугун берк экан.

Она девонхонага олти кун қатнади, ҳар сафар ичкарига киргани ботинолмай, девон тарқаб, султон ҳарамига кириб кетгунча эшик олдида турар, ҳар сафар унга султоннинг кўзи тушар эди.

Еттинчи куни ҳам она табақни кўтариб келди ва девон тарқагунча эшик олдида турди. Султон вазир билан бирга ўрнидан туриб саройга йўл олганида қайрилиб унга қаради ва деди:

— Эй вазир, беш-олти кундан бери шу кампир келиб эшик олдида туради, бошига ёппинган чодра остида бир нима борга ўхшайди, бу хотин ким, нима муддаода келишини билмайсанми?

— Эй улуғ султон,— деди вазир,— хотин кишининг фаросатини биламиз-ку, эрининг ўстидан арз қилгани ёки шу каби бошқа бирон иш билан келгандир-да.

Султон бу жавобга қаноат қилмай вазирга деди:

— Бу хотин яна келганида менинг ҳузуримга олиб кир!

— Бош устига, аё заминун замон подшоҳи,— деди вазир.

Саройга қатнаш онага одат бўлиб қолди, кечани ўтказиб эрталаб яна табақни кўтарганича саройга борди, одатдагидай, эшик олдида турди. Султон уни кўриб вазирга юзланди.

— Эй вазир, кечаги хотин яна келди. Бечора бахтсиз хотинни олиб кир, арзини айтсин.

Вазир амирлардан бирини чиқариб хотинни олдириб келди. Хотин султоннинг олдига келиб таъзим қилди, ер ўлди, унга шон-шавкат, боқий умр тилади.

Султон унга юзланиб деди:

— Эй заифа, бир неча кундан бери келиб девонхона эшиги олдида турганингни кўраман, бирон тилагинг бўлса айт.

Она ер ўлди, султонга саодат тилади, қуллауқ қилиб деди:

— Аё Амралзамон, менинг бир тилагим бор, бир қошиқ қонимдан кечсанг тилагимни айтаман, тилагимни эшитиб ҳайратга тушсанг ажаб эмас.

Султон бу гапни эшитиб унинг тилаги нима эканини билишга яна ҳам мароқ пайдо қилди. Султон мурувватли одам бўлгани учун бу ерда ўтирган одамларни чиқариб

юборди, девонхонада вазир билан қолди-ю, Аловиддиннинг онасига юзланиб деди:

— Эй занфа, тилагингни айт, бир қошиқ қонингдан кечдим.

Она деди:

— Аё Амралзамон, аввало сенинг шафқатингдан умидворман.

Султон жавоб берди:

— Худо ноумид қилмасин.

Шундан кейин она арзини баён қилди:

— Аё Амралзамон, менинг Аловиддин отлиқ бир ўғлим бор. Сенинг қизинг Бадралбудур шаҳарга тушиб, ҳаммомга йўл олганида ўғлим ҳаммомнинг эшиги орқасига беркиниб, унинг ҳусну жамолини кўрибди-ю, ошиқи беқарор бўлибди, дунё кўзига кўринмай қолибди. Ўғлим қизингни сўратиб мени сенинг ҳузурингга юборди. Ўғлим бечора ишқ-муҳаббат домига гирифтор бўлиб қолди. «Шу қизга етишмасам ҳалок бўламан» дейди. Умид қиламанки, Амралзамон бу журъатини маъзур кўрасан.

Беозор султон унинг бу сўзларини эшитиб кулди ва сўради:

— Ўғлинг ким ўзи? Қўлингдаги нима?

Султоннинг аниғи келмаганини, ҳатто кулганини кўриб, она дарҳол табақни қўйнидан чиқариб унинг олдига қўйди. Жавоҳирларнинг жилосидан бутун девонхона ёришиб кетди. Султон тошларнинг жилов ва жилвасидан данг қотиб қолди-ю ичиди: «Менинг хазинамда ё бошқа бирон подшоҳнинг хазинасида бу жавоҳирларнинг биронтаси ҳам бўлмас керак» деди, сўнг вазирга юзланиб:

— Сен нима дейсан, эй вазир? Умрингда биронта шундай қимматбаҳо тошни кўрганмисан?— деб сўради.

— Аё Амралзамон,— деди вазир,— умримда кўрган эмасман, ҳукмдоримиз султоннинг хазинасида биронта бушундай жавоҳир бўлмас керак.

Султон деди:

— Менга шундай туҳфа юборган кимса қизим Бадралбудурга муносиб куёв эмасми? Шундан ўзга муносиб куёв йўқ.

Султон қизи Бадралбудурни вазирнинг ўғлига ваъда қилган эди, бу сўзни эшитиб вазир кўзига дунё қоронғи бўлди. У бир оз жим бўлганидан кейин деди:

— Аё Амралзамон, менга тараҳҳум қил! Қизим Бадралбудурни уч ойдан сўнг сенинг ўғлингга бераман деган

эдинг, худо хоҳласа ўғлимнинг туҳфаси бундан каттароқ бўлади.

Султон бу нарса имконият хорижида, вазир бундай туҳфани тополмайди деб ўйласа ҳам, унинг сўровига биноан уч ой муҳлат берди ва Аловиддиннинг онасига юзла-ниб деди:

— Эй заифа, бориб ўғлингга айт, қизимни бераман, лекин кам-кўстимни қилиш ва бошқа ишларга уч ой муҳлат керак бўлади, ўғлинг кўз тутсин.

Аловиддиннинг онаси султоннинг қўлини ўпди, унга саодат тилади-ю, хурсанд бўлиб уйига қайтди. Ўғли унинг хушҳол эканини, хусусан табақни қўйиб келганини кўриб, буни хайрли аломат деб билди.

— Эй онажон, худо хоҳласа хушxabар олиб келаётганга ўхшайсан, жавоҳирлар туфайли султоннинг фотиҳасини олибсан чоғи?

Она султон қандоқ яхши қабул қилганини, тошларни кўриб эс-ҳушини йўқотиб қўйганини, қизи хусусида розилик берганини сўзлаб берди.

— Лекин, болам,— деди,— султон розилик бермасдан олдин вазир унинг қулоғига бир нима деди, шундан кейин у пайсалга солди. Вазир бир ишқал қилиб султонни йўлдан урмаса деб қўрқаман.

Аловиддин султоннинг ваъдасини эшитиб ниҳоятда хурсанд бўлди ва хитоб қилди:

— Султон уч ойдан кейин қизни бермоқчи бўлса, вазирнинг ишқал қилиш-қилмаслиги билан ишим йўқ!— деди ва меҳрибончилиги учун онасига ташаккур баён қилди.— Худо ҳаққи, сен бугун мени қабрдан тортиб олдинг! Худога шукур! Оламда мендан ўзга маъсуд кимса йўқ!

Аловиддин икки ой сабр қилди. Она бир куни кечки пайт гўшт сотиб олгани бозорга чиқди, қараса дўконлар берк, бутун шаҳар ораста, одамлар дўконларини супурган, гуллар билан безатган, чироқ ва шамлар ёққан, сарбоз ва аъёнлар отланиб, машъал, шам кўтариб бормоқда. Она счиқ турган ёғфурушнинг дўконига кирди, ёғ сотиб олди ва ёғчидан сўради:

— Бошим ҳаққи, айт, шаҳарда нима ҳодиса рўй берди? Нега шаҳар бундоқ ораста ва савдогарларнинг дўконлари берк?

— Эй, заифа,— деди ёғчи,— мусофир бўлсанг керак?

— Йўқ,— деди она, мусофир эмасман, лекин нима сабабдан шаҳарга оро берилганини билмайман.

— Бугун кечкурун вазирнинг ўгли султоннинг қизи Бадралбудурни никоҳига олади. Вазирнинг ўгли ҳозир ҳаммомда, бу сарбоз ва аъёнлар уни саройга қузатгани ҳаммомдан чиқишига мунтазир.

Она бу сўзни эшитиб, бу нохуш хабарни ўғлига қайси тил билан айтишини билмай кўп хафа бўлди ва гангиб қолди, сабабки ўғли бу уч ойнинг ҳар дақиқасини санаб ўтирган эди.

Она уйга қайтиб ўғлига деди:

— Эй ўғлим, сенга нохуш хабар келтирдим, лекин хафа бўлма.

— Қандоқ хабар?— деди Аловиддин.

Онаси жавоб берди:

— Султон қизи Бадралбудур хусусида берган ваъдасига вафо қилмади, уни вазирнинг ўғлига берипти. Бугун кечкурун никоҳ эмиш. Эй болагинам, султон билан гаплашганимда вазир бир ишқал чиқариб султонни раъйдан қайтариши кўнглимдан ўтган эди.

— Бу хабар рост эканини билдингми?— деди Аловиддин.

— Эй болам,— деди она,— шаҳар ораста, сарбозлар, амирлар отланиб, вазирнинг ўғли ҳаммомдан чиқишига мунтазир. Бу гапни менга ёғчи айтди, менинг сўроғимга ҳайрон бўлиб: «Сен бу шаҳарда мусофирга ўхшайсан» деди.

Аловиддин онасининг сўзидан бу хабар рост эканига амин бўлди-ю, кўп ғам чекди, ҳатто титраб кетди, кейин нима қилмоқ керак, деб ўйлаб қолди-ю, чироқни эслаб, онасига деди:

— Бошинг ҳаққи, онажон, вазирнинг ўғли қизни тушида ҳам кўролмайди. Хонтахтани қўйиб дастурхон ёз, таом ёймиз. Кейин мен уйимга кириб бир оз ухлайман, тонг хурсандлик келтиради.

Таомдан кейин Аловиддин уйига кириб чироқни қўлига олди ва ишқалади. Дарҳол дев пайдо бўлди ва:

— Қулинг хизматингга ҳозир, буюр!— деди.

— Қулоқ бер,— деди Аловиддин,— мен султоннинг қизини сўратган эдим, султон уч ой муҳлат қўйди, лекин ваъдасида турмай қизини вазирнинг ўғлига беряпти. Бугун никоҳ эмиш. Сенга сўзим шу: куёв билан келин оромгоҳга кириши билан икковини кўтариб ҳузуримга олиб кел.

— Бош устига,— деди дев ва ғойиб бўлди.

Аловиддин султоннинг хиёнаткорлигини ўйлаб тўшак-

да тўлганиб ётган эди, уйқу маҳали бўлганда баногоҳ дев келин билан куёв ётган тўшакни кўтариб кириб келди. Аловиддин буни кўриб девга деди:

— Бу палидни ҳожатхонага элтиб ташла.

Қул вазирнинг ўғлини ҳожатхонага элтиб ташлади ва афсун ўқиб карахт қилди, қайтиб:

— Аё ҳукмдор, яна нима хизматинг бор?— деди.

— Эртага эрталаб кел, буларни элтиб қўясан,— деди Аловиддин.

— Бош устига!— деди дев.

Аловиддин Бадралбудурни кўриб деди:

— Эй ёрим, мен сени бу ерга таҳқир қилгани эмас, ғайриларни жамолинг лаззатидан бенасиб қилгани олдириб келдим!

Бадралбудур ўзини бу қоронғи уйда кўриб қўрқди, қалтиради.

Аловиддин ўртага шамшир қўйиб, кечани Бадралбудур билан ўтказди, унга дахл қилмади. Вазирнинг ўғли эса умрининг энг қоронғи кечасини ҳожатхонада кечирди. Эрталаб дев барвақт келди, келин билан куёвни элтиб жойига қўйди. Буни ҳеч ким пайқамади. Келин билан куёв қўрқувдан ўлар ҳолатга етган эди.

Дев буларни қўйиб кетган замон султон қизидан хабар олгани келди. Вазирнинг ўғли султон келганини пайқаши билан дарров тўшакдан тўрди, лекин кечани ҳожатхонада совуқдан ва қўрқувдан қалтираб ўтказгани учун ҳали ўзига келмаган эди, шу сабабдан султоннинг ташриф буюриши унга малол келди.

Вазирнинг ўғли дарров кийинди. Султон қизи Бадралбудур ҳузурига келди, уни қаншаридан ўпди, хайрли сабоҳ тилади, сўнг, эридан хурсандми эканини сўради. Бадралбудур унинг сўроғига жавоб бермади, афтидан, хафа кўринар эди.

Султон қизини гапга солса ҳам у индамади. Султон бу ердан чиқиб хотини маликанинг ҳузурига кирди ва қизининг кайфиятини сўзлаб берди. Малика унинг сўзини эшитиб деди:

— Эй Амиралзамон, келин билан куёвнинг одати шу, никоҳ куни эртаси шарм қилади, ота-онасига қовоғини очмайди. Хафа бўлса, бир неча кундан кейин ўзига келади, гапирди. Мен ҳозир кириб хабар оламан.

Малика либосини кийиб қизининг ҳузурига кирди, уни ўпди, хайрли сабоҳ тилади. Лекин Бадралбудур индамади.

Малика қизимга бирон ҳодиса бўлган деб ўйлади-ю ташвишга тушди.

— Қизим,— деди,— нима бўлди, нега бунақа бўлиб қолдинг? Бирон ҳодиса рўй бериб сени ташвишга солдимми? Ҳол-аҳвол сўрасам индамайсан, отангга ҳам гапирмайсан.

Бадралбудур бошини кўтариб деди:

— Эй онажон, ранжида бўлма, ростдан ҳам сени иззат-икром билан қаршилашим керак эди, узримни қабул қилиб, қулоқ бер, бунинг боисини айтай. Кеча эрим кўрпага кириши билан бир махлуқ икковемизни кўтарди-ю қоронғи, ифлос бир жойга элтиб қўйди, эрталаб қайтариб олиб келди. Бир оздан кейин отам кирди, бир аҳволда бўлганим учун унинг сўзларига жавоб бермадим. Отам хафа бўлгандир, лекин кечаси не ҳолга тушганимни билса гуноҳимни кечирар, мендан ранжида бўлмас эди.

— Эй қизим,— деди малика,— бу гапларни қўй, эшитган одам ақдан озипти дейди. Хайрият бу гапларни отангга айтмабсан, эинҳор гапиро кўрма!

— Эй онажон,— деди Бадралбудур,— мен ақдан озганим йўқ! Менинг сўзимга инонмасанг куёвингдан сўра.

— Қўй, бу хаёлларни бошингдан чиқар,— деди малика,— либосингни кийиб кўчага чиқ, тўйингга бутун шаҳар шод-хуррам эканини кўр, соз ва ноғоралар чалаётганини эшит.

Малика оқсочни чақирди. Оқсоч Бадралбудурни ясантирди. Малика чиқиб султонга қизи бу кеча ёмон туш кўрганини, шундан парижонликка тушганини айтди, қизи номидан узр сўради, сўнгра, вазирнинг ўғлига одам юбориб, қизи айтган гаплар ростми эканини суриштирди. Вазирнинг ўғли хотиндан ажраб қолишидан кўрқди, бу гапларни рад қилиб:

— Ҳеч нарсадан хабарим йўқ,— деди.

Малика бу гапларнинг ҳаммаси қизининг туши эканига амин бўлди.

Шаҳарда куни бўйи тўй-томоша бўлди. Уйқу маҳали бўлганда Аловиддин чироқни қўлига олиб ишқалади. Дев пайдо бўлиб:

— Амрингни бажо келтирмоққа ҳозирман, буюр,— деди.

Аловиддин вазирнинг ўғли қизга дахл қилмасдан икковини келтиришни амр этди. Дев ғойиб бўлди-ю, кўз очиб юмгунча куёв билан келини кўтариб келди, вазирнинг



ўғлини ҳожатхонага элтиб қўйди. Аловиддин яна ўртага шамшир қўйиб кечани қиз билан ўтказди. Дев эрталаб келиб, келин билан куёвни жойига элтиб қўйди.

Султон эрталаб либосини кийди, қизидан хабар олгани қасрига борди. Вазирнинг ўғли унинг келганини пайқаш билан дарров тўшакдан туриб, ташқарига чиқди.

Султон қизининг ҳузурига келди, хайраи сабоҳ тилади, ҳол-аҳвол сўради, қизи кечагидай хафа эди. Султон қизининг ҳамон индамаётганини кўриб, бирон ҳодиса рўй берганини англади-ю, дарғазаб бўлди ва шамширини қинидан суғуриб бонг урди:

— Ё нима ҳодиса рўй берганини айт, ё бошингни оламан!

Отаси дарғазаб бўлганини кўриб Бадралбудур қўрқиб кетди ва деди:

— Менга озор берма, ота! Бошимдан кечганини айтсам мени маъзур кўрасан!

Бадралбудур султонга воқеани айтиб берди.

— Агар менинг сўзларимга инонмасанг, куёвингдан сўра. Мени ким олиб кетганини билмайман, ундан ҳам сўраганим йўқ.

Бу сўзни эшитиб султон қизига деди:

— Эй қизим, бу гапларни менга нима учун кеча айтмадинг? Кеча айтганингда мен бу даҳшат ва қайғу-ҳасратдан сени халос қилган бўлур эдим. Қўй, вақтинги чоғ қил, бугун кечқурун миршаб қўяман, сени муҳофазат қилади.

Сўнг, султон қасрига кетди, вазирини олдириб келди ва деди:

— Эй вазир, ўғлинг сенга ҳеч нима демадимми?

Вазир жавоб берди:

— Аё Амиралзамон, мен ўғлимни кеча ҳам, бугун ҳам кўрганим йўқ. Нима эди?

Султон қизи айтган гапларни унга гапириб берди ва деди:

— Сен ўғлингдан сўра, биз бу асрордан воқиф бўлайлик. Қизим туш кўрган бўлса ажаб эмас.

Вазир бориб воқеани ўғлидан сўради. Ўғли деди:

— Ота, Бадралбудурнинг сўзи ҳақ. Бу икки кечада кўп нарсаларни бошдан кечирдик. Хотинимга қараганда мен кўпроқ жафо чекдим, сабабки, хотиним ўрнида ётди, мени тор, қоронғи, бадбўй ҳожатхонага ётқиздилар, совуқ суяк-суягимдан ўтиб кетди. Эй ота, султонга айт, мени бу

никоҳдан овоз қилсин, яна бир кечани шу қабилда ўтказгани тоқатим қолмади.

Бу гапни эшитиб вазир хафа бўлди, сабабки ўғлини султоннинг қизига уйлантириш билан обрў-эътиборини ошироқчи эди, энди нима қилишини билмай қолди, ўғлига подшоҳ қизини никоҳлаб бериш учун азиз-авлиёларга сиғинган эди, энди никоҳни бузиш унинг учун оғир эди.

— Сабр қил, ўғлим,— деди вазир,— бугун миршаблар муҳофазатида бўласизлар.

Вазир султоннинг ҳузурига келди ва ўғли айтган гапларни гапириб берди.

— Аё Амралзамон, истасанг бу кеча миршаб қўямиз.

Султон унамади.

— Нима ҳожати бор? Бу никоҳнинг менга даркори йўқ.

Султон дарҳол жарчи чақиртириб шаҳарда тўй-томошани тўхтатди. Вазир билан унинг ўғли саройидан ҳайдаб чиқарилганини, никоҳ бузилганини эшитиб ҳамма ҳайрон бўлди, бунинг боисини ҳеч ким билмас эди. Султон бу воқеаларни хаёлидан чиқарди.

Султон айтган уч ой муҳлат ўтди. Аловиддин бу кунларни соатма-соат, дақиқама-дақиқа санаб ўтказди, фурсат етганда онасини саройга юборди. Султон ваъдасини унутган эди.

Аловиддиннинг онаси саройга бориб, девонхона эшиги олдида турди. Девонхона одамга тўлди. Султон кириб, девонхона эшиги олдида турган хотинни кўриб қолди ва унга берган ваъдаси эсига тушиб, вазирга деди:

— Эй вазир, менга қимматбаҳо тошлар келтириб берган хотин эшик олдида турипти, олиб кир.

Вазир чиқиб хотинни олиб кирди ва султонга рўпара қилди. Хотин ер ўпди ва султонни дуо қилиб деди:

— Аё Амралзамон, қизинг Бадралбудурни менинг ўғлим Аловиддинга уч ойдан сўнг бераман, деган эдинг, бермоқчи бўлиб, тайин қилинган муҳлат ўтди.

Хотин қашшоқ бўлгани учун Султон нима жавоб беришини билмай шошилиб қолди, вазирга юзланиб сўради:

— Эй вазир, бу хусусда нима дейсан? Мен... ваъда берганим рост, лекин бу хотин қашшоқ кўринади, зодагонлардан эмас. Нима қилмоқ керак?

Вазир ҳасад қилди, ўғлининг бошдан кечирганларини, никоҳ бузилганини кўнглидан чиқаролмай деди:

— Аё Амралзамон, қизингни ўзинг билмаган камбағал мусофирга берасанми?

— Мен ваъда берганман, қандоқ тадбир қилсам экан?  
Вазир жавоб берди:

— Аё султон, бунинг тадбири осон: одам юбориб ўшандоқ қимматбаҳо тошларга тўла қирқта олтин табақ сўра, бу табақларни қирқ нафар қул ва чўри келтириб берсин:

— Мана бу тўғри тадбир,— деди султон ва Аловиддиннинг онасига юзланиб деди:

— Бориб ўғлингга айт, мен ваъдамда турибман, лекин қизимнинг маҳрига илгари келтирганинг қимматбаҳо тошдан қирқ табақ сўрайман ва бу табақларни қирқ нафар қул ва чўрилар келтириб берсин. Ўғлинг шуларни юборса қизимни бераман.

Аловиддиннинг онаси ҳайрон бўлиб, бош чайқаб унинг ҳузуридан чиқди ва ўзича: «Бундай маҳрни ўғлим қаёқдан олади? Башарти дафинага бориб бу нарсаларни келтирганда ҳам бунча қул ва чўрини қаёқдан топади?» деди.

Она уйига қайтиб келди, султоннинг сўзини ўғлига айтди ва деди:

— Эй ўғлим, Бадралбудурдан умидингни уз, касофат вазир ишни бузди.

Аловиддин кулиб деди:

— Бирон таом келтир, еяйлик, иншоолло, султоннинг айтганларини муҳайё қиламиз. Ёрим Бадралбудурнинг кўзлари ҳаққи, бу иш менга оғирлик қилмайди.

Она керакли нарсаларни харид қилгани бозорга кетди. Аловиддин уйига кириб чироқни қўлига олди ва ишқалади. Дев пайдо бўлиб:

— Буюр, ҳукмдорим!— деди.

— Менга қимматбаҳо тошларга тўла қирқ дона олтин табақ келтир,— деди Аловиддин,— яхши либос кийган қирқ нафар қул ва чўри олиб кел, чўрилар хушрўйликда беназир бўлсин.

Аловиддиннинг айтганларини дев кўз очиб юмгунча муҳайё қилиб кўздан ғойиб бўлди. Аловиддиннинг онаси бозордан қайтди; қул, чўриларни, олтин табақларни кўриб қотиб қолди ва деди:

— Ё олло! Бизни бир умр бу чироқдан жудо қилма-син!

Аловиддин деди:

— Эй онажон, чодрангни бошингдан олма, султон ҳарамига кириб кетмасдан олдин етиб бор, айтган нарсаларини еткиз.

Она ҳар бири биттадан олтин табақ кўтарган қул ва чўриларни бешлаб саройга олиб борди, султонга таъзим қилди, шон-шавкат, боқий умр тилади. Чўрилар султоннинг олдига олтин табақларни қўйдилар. Султон буларни, хусусан чўриларнинг ҳусн-латофатини кўриб ҳайратда қолди. Тошларнинг жилоси унинг кўзини қамаштирди. Султон гаранг бир ҳолда, кўзларини чақчайтириб лол бўлиб турар эди. Султон чўрилар ва олтин табақларни қизи Бадралбудурнинг қасрига юборди ва вазирга юзланиб сўради:

— Оламдаги подшоҳлар қодир бўлмаган ишни қилган кимса тўғрисида нима дейсан? Билло, бу нарсалар қизимга кифоядан ортиқдир.

Вазир ҳасаддан жони чиққудай бўлса ҳам сўз қотди:

— Аё ҳукмдорим, қизингга оламдаги ҳамма хазиналарни берса ҳам камлик қилади, сен шуни катта ва шоҳона туҳфа деб ўтирибсан.

Султон вазирнинг ҳасад қилаётганини фаҳмлади-ю, унинг сўзига бовар қилмай Аловиддиннинг онасига юзланди.

— Бориб ўғлингга айт, юборган туҳфасини қабул қилдим. Ўғлингни куёв қиламан, ҳузуримга келсин, эъвоз-икром билан кутиб оламан, истаса бугун кечқурун никоҳ ўқиттираман.

Она ер ўпиб султоннинг ҳузуридан чиқди, бир камбагал хотин бўлгани ҳолда ўғли султонга куёв бўлишидан хурсанд бўлиб, гўё қанот чиқарди. Султон девонхонадаги одамларга жавоб берди, қизининг ҳузурига кириб, унда сўради:

— Эй қизим, куёвинг юборган туҳфа хусусида нима дейсан?

Қизи жавоб берди:

— Илло-билло бу тошлар ақли лол қилади, ота!

Султон деди:

— Бу куёв вазирнинг ўғлидан минг чандон яхши, худо хоҳласа, умрингни роҳат-фароғатда кечирасан.

Аловиддиннинг онаси уйига келди, ўғлига деди:

— Хурсанд бўл болам, муродингга етдинг. Султон туҳфангни қабул қилди. Бугун кечқурун тўй, қаллиғининг қасрига борар экансан. Султон: «Ўғлингга айт, менинг ҳузуримга келсин» деди.

Аловиддин хурсанд бўлди, меҳрибончиликлари, тортган машаққатлари учун онасига ташаккур билдирди, сўнг, уйига кириб, чироқни ишқалади. Дарҳол дев пайдо бўлиб:

— Хизматингга ҳозирман, ҳукмдорим!— деди.

— Мени подшоҳ ҳаммомига олиб бор, султонлар ҳам умрида киймаган қимматбаҳо либослар келтир,— деди Аловиддин.

Дев уни дарҳол муҳташам ҳаммомга элтди. Аловиддин чўмилди, ўзига анвойи хушбўй нарсалар сепди, ҳаммомдан чиқиб, шоҳона либосларни кийди, шарбат ичди. Дев уйига элтиб қўйгач, Аловиддин деди:

— Менга қирқ нафар қул келтир, ҳаммаси яхши либос кийган, отлиқ, яроғ-аслаҳалик, отларининг тақинчоқлари қимматбаҳо, юганлари олтиндан бўлсин. Мен саройга йўл олганимда буларнинг йигирма нафари олдинда, йигирма нафари кейинда борсин. Бундан ташқари саксон минг динор пул, ўзимга султонларнинг ҳам ҳаваси келадиган бир от келтир. Отнинг афзали қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган бўлсин. Яна йигирма нафар гоят хушрўй чўри келтир. Булар саройга онам ҳамроҳлигида боради. Чўриларнинг ҳаммаси қимматбаҳо либослар кийсин, асил тошлар таққан бўлсин. Онамга ҳам шоҳона либослар келтир.

Дев: «Бош устига» деди-ю ғойиб бўлди ва Аловиддин айтганини бир зумда муҳайё қилди. Аловиддин онасини чақириб либос кийгизди ва чўриларни олиб саройга боришни тайинлади. Аловиддиннинг ўзи отланди, қулларини олдин ва кейинга саф торттирди, тантана ва дабдаба билан шаҳардан ўтиб, саройга томон йўл олди.

Аловиддин шаҳардан ўтиб борар экан, ҳусни билан тўлин ойни хижолат қилар, сабабки ўзи хушрўй, бунинг устига саодатмандлик унинг ҳуснига ҳусн қўшган эди. Шаҳар аҳолиси унинг сиймосини ва ҳашаматини кўриб халлоқи эгамга ҳамду сано ўқир эди. Аловиддин саройга яқин боргач, қулларига буюриб, халойиққа олтин сочдирди.

Султон вазирлари, давлат аъёнлари билан Аловиддинга мунтазир бўлиб девонхонада ўтирар, уни қарши олгани сарой дарвозаси олдига бир қанча амир ва аъёнларни қўйган эди.

Аловиддин сарой дарвозаси олдига келиб отдан тушмоқчи бўлганда амирлардан бири пешвоз чиқиб уни тўхтатди.

— Эй хожа, девонхона эшиги олдида отдан туш, султоннинг амри шу,— деди.

Вазир ва амирлар Аловиддинни бошлаб, дабдаба билан девонхона эшиги олдига олиб келдилар ва дарҳол узангини

ушлаб, унинг қўлигидан олиб отдан туширдилар, султоннинг ҳузурига бошлаб кирдилар. Султон дарҳол тахтидан тушиб, Аловиддинни оғушига олди ва ўнг томонига ўтқизди. Аловиддин султоннинг ҳурматини жойига қўйгач деди:

— Аё Амралзамон, мен гарчанд фақир ҳақир қулларингдан бири бўлсам ҳам, буюк лутфу карам кўрсатиб қизингни бердинг, эндиликда менга лутфан бир парча ер бер, мен Бадралбудурга муносиб қаср бино қиламан.

Султон Аловиддиннинг фавқулодда хушрўй эканини, ҳайратангиз либослар кийганини, қуллари сафда хушрафтор эканини ва яхши либослар кийганини кўриб амир ва аъёнлари ҳайратда қолди. Вазирнинг эса ҳасаддан жони ҳалқумига келди.

Кейин султон дўмбира ва ноғора чалдирди, Аловиддинни саройга олиб кетди. Таом тортилди. Султон Аловиддин билан сўзлашиб ўтирди. Аловиддин шундай назокат ва фасоҳат билан сўзлар эдики, султон унга мафтун бўлиб қолди.

Сўнгра, султон қози ва шоҳидларни олиб келгани одам юборди. Қози келиб никоҳ хат ёзди. Аловиддин уйига кетгани қўзғолган эди, султон уни этагидан ушлаб, деди:

— Эй ўғлим, никоҳ хати ёзилди, бугун кечқурун хутба ўқилади, қаяққа борасан?

— Аё Амралзамон,— деди Аловиддин,— мен Бадралбудурга муносиб қаср бино қиламан. Хутбани шу қасрда ўқитамиз. Худо хоҳласа қаср ҳозир бино бўлади.

— Эй болам,— деди султон,— менинг саройим олдида майдон бор, мақбул кўрсанг шу ерга қаср бино қил.

— Менга кераги ҳам шу,— деди Аловиддин ва султон билан хайрлашиб, қуллари билан уйига келди, уйига кириб чирогини қўлига олди, ишқалади, дев ҳозир бўлганда деди:

— Менга тезликда қаср бино қил. Ниҳоятда катта, ундаги жиҳозлар, гиламлар шоҳона бўлсин.

Дев: «Бош устига» деди; эрталаб келди-ю, Аловиддинни олиб борди, қаср ва ундаги жиҳозлар, гиламларни кўрсатди. Аловиддин хурсанд бўлди ва дарҳол уйига қайтди: отланиб қуллари ва мулозимлари билан бирликда девонхонага борди. Султон эрталаб дарчани очиб ташқарига қарганида саройи қаршисида муҳташам мрамар ва тошлардан бино бўлган ҳайратангиз бир қасрни кўрди. Аловиддин яна девдан зарҳал билан тўқилган, султоннинг саройи билан янги қаср орасини энлайдиган каттакон бир гилам талаб қилди.

Султон ҳашаматли қасрни, қаср билан сарой орасига тўшалган гиламни кўриб, ҳайратда қолди. Шу аснода вазир кириб келди. Султон вазирга деди:

— Эй вазир, бу ёққа кел, Аловиддиннинг бир кечада бино қилган қасрига назар сол, шунда қизим Бадралбудурга лойиқ ва муносиб куёв эканини биласан. Бу бинога назар сол, нақадар юксак! Шундоқ бинони сен йигирма йилда бино қилгани қодирмисан? Аловиддин буни бир кечада бино қилди.

Вазир қасрни кўриб бу ишга ҳайрон бўлди, ҳасади жўш уриб деди:

— Аё Амралзамон, буларнинг ҳаммаси афсун билан бўлган иш, сабабки одам боласи буни бир кечада бино қилишга қодир эмас.

— Волло-билло, мен сенга ҳайронман!— деди султон,— нега бунча кўнглинг қора! Бахиллик қилаётисан. Кеча яхши қаср бино қилиш учун ер берганимда ҳозир эдинг. Эй тентак, менга шунча қимматбаҳо тошларни туҳфа қилган киши бир кечада шундоқ қаср бино қилишга қодир.

Вазир нафаси ичига тушиб, жавоб қайтаролмади. Султон девонхонага чиқиб қараса, Аловиддин мулозимлари билан келаётипти ва ўзи ҳамда қуллари одамларга олтин сочаётипти. Ҳамма унга меҳр-муҳаббат изҳор қилаётипти.

Султон Аловиддинни кўриб ўрнидан туриб уни қарши олди, қучоқлади, ўпди, қўлидан тутиб, биргаликда катта саройга кирди. Бу ерга хонтахта қўйилган эди. Султон ўтирди. Аловиддин вазирлар, амирлар ва аёнлар билан унинг ўнг томонига ўтирди. Ҳамма еди-ичди, хурсандлик қилди. Султон Аловиддиннинг онасини кўриб ҳайрон бўлди: бу хотин илгарилар фақирлар либосида келгувчи эди, ҳозир шоҳона либослар кийиб ўтирипти!

Шаҳар, сарой ва бутун мамлакатда тўй-томоша бошланиб кетди. Одамлар келиб ақлни ҳайратга соладиган Аловиддиннинг қасрини томоша қилар ва дер эдилар:

— Худо ҳаққи, муносиб куёв! Худо ёрлақасин!

Таомдан фориг бўлингандан кейин Аловиддин султон билан хайр-маъзур қилди, келини қаршилагани ҳозирлик кўриш учун отланиб қасрига қайтиб кетди, у ерда беҳисоб чўрилар, жанизларни кўриб, келини қаршилагани ҳозирлик кўришни буюрди.

Намозидигарга азон айтилганда султоннинг амри билан вазирлар, амирлар, давлат аёнлари, зодагонлар, сарбозлар, қуллар отландилар. Султоннинг ўзи ҳам отланди.

Ҳамма майдонга чиқди. Аловиддин қуллари билан отла-  
ниб, майдонга султон билан биргаликда чиқди ва ўзининг  
соҳибқиронлик санъатини намойиш қилди. Бу санъатда  
унга ҳеч ким бас келолмас эди. Бадралбудур қасрнинг дар-  
часидан томоша қилар эди. Аловиддинни кўриб юрагига  
ишқ ўти туташди.

Сайил тамом бўлгандан кейин султон билан Аловиддин  
ҳар бири ўз боргоҳига қайтди. Кечқурун вазирлар ва дав-  
лат аъёнлари ясов тортиб Аловиддинни тантана ва дабдаба  
билан ҳаммомга олиб кетдилар. Аловиддин чўмилди, ҳам-  
момдан чиқиб отланди ва башанг мулозимлар билан қасри-  
га йўл олди. Тўрт вазир шамширини яланғоч қилиб, уни  
муҳофаза қилиб борди. Сўнгра мулозимлар қайтиб, Бадр-  
ралбудурни чўри ва канизлар ҳамроҳлигида машъаллар,  
шам ва чироқлар кўтариб Аловиддиннинг қасрига элтди-  
лар, оромгоҳига олиб кирдилар. Аловиддиннинг онаси  
Бадралбудур ҳузурда бўлди. Сўнгра Бадралбудурни етти  
бор, ҳар сафар бошқа либосда Аловиддинга кўрсатдилар.  
Бадралбудур қасрни томоша қилди, зумрад ва ёқут билан  
зийнат берилган олтин чироқларни кўриб ҳайратга тушди.  
Қасрнинг деворлари мрамор, яшма ва бошқа жавоҳирлар-  
дан эди.

Сўнг, тўй таомлари тортилган хонтахта қўйилди. Ҳам-  
ма еди-ичди, хурсандлик қилди. Буларнинг қаршисида сак-  
сон каниз ҳар бири бир соз чалиб турди, қадаҳлар даврани  
айланаверди. Бундоқ кечани ўз замонида Искандари Зул-  
қарнайн ҳам кўрмаган эди.

Одамлар тарқалгач, Аловиддин Бадралбудур ҳузурига  
кирди ва мурод-мақсадига етди. Иккови кечани айш-  
ишратда ўтказди. Тонг отгач, Аловиддин заррин либос-  
ларини кийиб, нонушта қилди, шароб ичди, чиқиб от-  
ланди-да, қулларини олиб султоннинг боргоҳига йўл олди.

Аловиддин келганда султон ўрнидан турди, қучоқлади,  
ўнг томонига ўтқизди. Амирлар ва давлат аъёнлари келиб  
кўришдилар. Султоннинг фармони билан хонтахта қўйилиб  
дастурхон ёзилди. Ҳамма еди-ичди, хуш-хурсандлик қил-  
ди. Дастурхон йиғиштирилгандан кейин Аловиддин сул-  
тонга юзланиб деди:

— Аё Амиралзамон, меҳмоним бўлиб қизинг билан  
таомни баҳам кўришга хоҳишинг борми? Барча вазир, амир  
ва давлат аъёнларини бирга олиб бор.

— Сен шундай илтифотга лойиқсан, ўғлим,— деди сул-  
тон.



Султон давлат аъёнлари билан отланиб, Аловиддин ҳамроҳлигида унинг қасрига йўл олди. Султон қасрнинг ҳашаматини кўриб ақли лол бўлди ва вазирига юзланиб деди:

— Эй вазир, бунингдай қасрни умрингда кўрган ва ё эшитганмисан?

— Аё Амралзамон,— деди вазир,— бу қаср бани башар қўли билан бино бўлганига ишонмайман. Йўқ, бу афсунгар ва жодугарларнинг ишидир.

— Мен сенинг бахиллигингни биламан,— деди султон,— не сабабдан Аловиддин хусусида ҳамиша бадгўйлик қилишингни ҳам биламан.

Аловиддин султонни юқорига, Бадралбудурнинг оромгоҳига олиб чиқди. Султон дарчаларига зумрад панжаралар ўрнатилган уйни кўриб ҳайратда қолди. Панжараларнинг бири битмаган. Аловиддин уни жўрттага чала қолдиртирган эди.

— Хайриятки мана бу панжара битмай қолипти!— деди султон ва вазирга юзланди,— бу панжара нима сабабдан битмай қолди экан, билмайсанми?

— Билмайман, Амралзамон,— деди вазир.

Султон деди:

— Қасрни бино қилишда Аловиддин шэшилиб панжарани битқазишга фурсати бўлмапти.

Шу он Аловиддин кириб султоннинг келганидан хотинини огоҳ қилди ва қайтиб чиққанида султон деди:

— Уғлим Аловиддин, нима сабабдан бу панжарани битқазмадинг?

— Аё Амралзамон,— деди Аловиддин,— менга лutf кўрсатиб, битказдириб берасану бу сендан ёдгорлик бўлиб қолади деб чала қўйган эдим.

— Машаққатли иш эмас,— деди султон ва дарҳол бир қанча заршунос ва заргар олдириб келди, уларга хазинадан керакли зар ва қимматбаҳо тошлар беришни амр этди.

Бадралбудур оромгоҳидан чиқди ва хурсанд бўлиб, кулиб отасини ҳузурига келди, унинг қўлини ўпди. Отаси уни қучоқлади, ўпди ва қутлади. Бу орада таом вақти бўлиб қолди. Султон, Бадралбудур ва Аловиддинга алоҳида, бош вазир ва бошқа амирлар, вазирлар, давлат аъёнларига алоҳида хонтахта қўйилиб, дастурхон ёзилди. Султон, Бадралбудур ва Аловиддин еб-ичиб хурсандлик қилдилар. Султон аломат ноз-неъмат, фаройиб табақлар билан ороsta қилинган дастурхонни кўриб ҳайрон бўлди. Уларнинг

қаршисида саксон нафар каниз ҳар бири соз чертиб, қўн-гилларга ором бергувчи мақом ўқиб турар эди!

Султон хурсанд бўлиб, қувониб кетди, ичида: «Подшо-лар шундоқ бўлмоғи, шундоқ кун кечирмоғи керак!» деди.

Ҳамма еди-ичди, қадаҳлар давра айлана берди. Дас-турхон йиғиштирилгандан кейин бошқа катта хонага хон-тахталар қўйилиб анвойи ширинликлар, мева-чева тор-тилди. Ҳамма ўша хонага кирди.

Усталар, заршунослар ва заргарлар панжарани битка-зишга киришдилар. Султон кириб буларнинг ишига назар солди. Буларнинг иши илгаригиларнинг ишидан катта фарқ қилар, бу усталар улардай ҳунармаид эмас эди. Зар-шунослар хазинадаги тошлар камлик қилишини билдир-дилар. Султон бошқа, катта хазинани очишни, нима керак бўлса олишни, бу ҳам кифоя қилмаса Аловиддин туҳфа қи-либ келтирган тошларни ишлатишни амир этди.

Усталар катта хазинани ҳам бўшатдилар. Аловиддин келтирган тошлар ҳам тамом бўлди. Бироқ бу тошлар қол-ган ишнинг бир қисмига ҳам етмади. Шундан кейин султон вазирларга кимда қанча тош бўлса келтирсин, ҳақини мен-дан олсин деб фармон берди. Вазирларда ҳам ҳеч нарса қолмади. Бироқ бу тошларнинг ҳаммаси қолган ишнинг ярмини битқазизшга ҳам кифоя қилмади. Бу ҳол овоза бўлди. Аловиддин келиб усталарнинг ишини кўрди, қара-са, чала ишнинг ярми ҳам битмапти. Шундан кейин Ало-виддин қилинган ишни буздирди, вазирлардан ва султон-нинг хазинасидан олинган тошларни қайтариб беришни буюрди.

Хазинадан олинган тошлар хазинага қайтарилганда султон ҳайрон бўлди-ю, отланиб Аловиддиннинг қасрига йўл олди. Султон келмасдан олдин Аловиддин чироқни қўлига олиб ишқади. Дев пайдо бўлиб:

— Амрингга ҳозирман, ҳукмдорим!— деди.

— Панжаранинг чала жойини битказишга керакли ҳам-ма нарсани муҳайё қил,— деди Аловиддин. Дев: «Бош усти-га» деди ва кўз очиб юмгунча Аловиддин айтган нарсаларни муҳайё қилди-ю ғойиб бўлди. Панжара битди. Аловиддин панжарани кўздан кечираётган пайтида султон кириб кел-ди. Аловиддин уни эъвоз-икром билан қаршилади. Султон сўради:

— Уғлим, қилинган ишни нима сабабдан буздирдинг, нега панжарани битказгани қўймадинг?

— Аё Амиралзамон,— деди Аловиддин,— қимматбаҳо тошлар кифоя қилмади, усталар сенинг хазиналаринг ва давлат аёнларининг хазиналаридаги бор қимматбаҳо тошларни сарф қилиб, ишнинг ярмини ҳам битиролмадилар. Шунинг учун қилинган ишни буздирдим ва панжарани ўз қўлим билан битирдим. Ё, Амиралзамон, бориб кўргил.

Султон бориб кўрди, панжара ажиб бир санъат билан битказилган, ҳеч бир қусури йўқ эди, ҳайрон бўлиб Аловиддинни қучоқлади, ўпди ва деди:

— Эй ўғлим, сенинг тенгинг-тимсолинг йўқ! Уғлим, буюк подшолар қодир бўлмаган ишни қилдинг.

Сўнг, султон қизи Бадралбудурнинг ҳузурига кирди, бир оз ўтирди-ю саройига қайтиб кетди.

Аловиддин ҳар куни мулозимлари билан отланиб шаҳардан ўтиб, халойиққа зар сочар, пешин намозини султоннинг мачитида адо қилар эди. Фақир уфуқаро унга меҳр қўйди. Шухрати бутун мамлакатларга ёйилди. Аловиддин овга чиқар, сарбозлар билан майдонга чиқиб, соҳибқиронлик санъатида замона одамларини тонг қолдирар эди. Унинг хотини Бадралбудур эрининг бу ишларини куриб унга кундан-кун кўпроқ муҳаббат қўяр эди. Бутун подшоликда унинг сўзи сўз, маслаҳати маслаҳат бўлиб қолди, Аловиддин адолат билан иш юргизар, одамларга марҳамат, лутфу эҳсон кўрсатар, шу билан уларни ўзига мафтун этар эди.

Бир куни бошқа бир подшоҳ султонга қарши беҳисоб лашкар тортиб келди. Султон бор лашкарларини шайлаб Аловиддинни уларга сардор қилди. Аловиддин лашкар суриб душманга яқин борганида шамширини қинидан суғурди. Жангу жадал бошланди. Аловиддин душманга ҳамла қилиб қанчасини қириб ташлади, қанчасини асир олди, қолганларини пароканда қилди, кўп ғанимат олиб қайтди, биронта ҳам туғи эгилмади, ғалаба шарафига ясатилган шаҳарга тантана ва дабдаба билан кириб келди. Султон унга пешвоз чиқиб қучоқлади, ўпди ва ўз боргоҳига олиб келди. Ҳашаматли тўй-томоша бошланди. Одамлар Аловиддиннинг дуойи жонини қилар эди.

Энди икки оғиз сўзни жодугар мағрибий хусусида эшитинг.

Мағрибий ўз юртига қайтар экан, бўлган ишларни ўйлаб, Аловиддинни қаҳр-ғазаб билан қарғар ва ичида: «Бу аблаҳ ғорда ҳалок бўлди, чироқ ғорда қолди, тортган

машақатларим эсимда, ammo чироқдан умидимни узмайман» дер эди.

Мағрибий шаҳрига бориб, чироқ борми, Аловиддин тирикми эканини билмоқ учун қуръа ташлади, уч марта қуръа ташлаб на Аловиддиннинг ўлигини кўрди, на чироқни, кўп хафа бўлди, газаби жўш урди, Аловиддин омон қолганига, чироқни олганига қаноат ҳосил қилди. Мағрибий яна қуръа ташлаган эди, қуръага Аловиддин чироқни олиб, шаҳарда улуғ одам бўлгани ва султоннинг қизига улангани чиқди.

Жодугар алам қилганидан ўлаёзди ва ўзича: «Чироқни қўлга киритмоқ йўлида кўп машақат ва азоб-уқубат чекдим, бу зоти палид ҳеч бир заҳмат кўрмасдан чироққа соҳиб бўлиб олди. Мен бир илож қилиб уни ўлдираман!» деди.

Мағрибий дарҳол йўл тадорикини кўрди-ю, Аловиддиннинг юрти — Чин мамлакатига йўл олди, пойтахтга келиб карвон саройга тушди, бир-икки кун истироҳат қилганидан кейин шаҳарни кезди. Ҳамма Аловиддин тўғрисида, унинг олиҳиммат ва саҳий эканлиги, унинг ажойиб ва гаройиб қасри тўғрисида сўзлар эди. Мағрибий одамлардан бирига савол қилди:

— Сизлар мадҳини қилаётган кимса ким ўзи?

У одам жавоб берди:

— Сен Аловиддинни эшитмаган ва унинг қасрини кўрмаган бўлсанг, узоқ юртдан келган мусофир экансан-да. Унинг қасри бир мўъжиза, худо ўзига насиб қилсин!

Мағрибий деди:

— Эшитган эмасман. Узоқ юртдан келган мусофирман. Мени ўша қасрга олиб бор, томоша қилай.

У одам мағрибийни қасрга олиб борди. Мағрибий қасрга разм солиб, бу муҳташам қаср чироқнинг хосиятидан эканини билди ва ҳасаддан жони ҳалқумига келди ва ўзича: «Мен бу палидга чоҳ қазийман, ўлдираман! Егани бир кунлик овқати йўқ бир қашшоқ, тикувчининг ўғли шунча давлатга соҳиб бўлипти! Худо хоҳласа мен унинг онасига яна чарх йигиртираман» деди.

Мағрибий гўр азобини тортгандай бўлиб карвон саройга қайтди, чироқ қаерда эканини билмоқ учун қуръа ташлади, чироқ Аловиддиннинг қўлида эмас, қасрда эканини билиб хитоб қилди:

— Бу иш мушкул эмас кўринади! Мен бу палидни ҳаловатидан маҳрум қиламан!

Мағрибий бориб мисгарга бир неча мис чироқ буюрди — Оғзингга сиққан ҳақни ол! — деди.

Мисгар «бош устига» деди ва унинг талабини дарҳол бажо келтирди. Мағрибий мисгарнинг ҳақини берди, карвон саройга келди, чироқларни саватга солиб шаҳарни кезар экан:

— Ҳо одамлар, эски чироқни янги чироққа алиштирадиган борми?! — деб қичқирди.

Унинг сўзини эшитган ҳар бир киши уни жинни деб гумон қилар эди. Мағрибий қичқира-қичқира Аловиддиннинг қасри олдига келди, яна қичқирди. Унинг кетидан эргашган болалар: «Жинни! Жинни!» деб шовқин солар эдилар.

Худонинг иродаси билан Бадралбудур шу он даричадан қараб турар эди, мағрибийнинг қичқирганини эшитиб, Чўрилар билан хўп кулди.

— Худо кўтарсин, бундан унга нима фойда! — деди.

Аловиддин чироқнинг қасрда эканини унутган, яшириб қўймаган эди. Чўрилардан бири Бадралбудурга деди:

— Эй бекам, хожамнинг эски чироғи бор, шуни бериб янги чироғ сўрайлик, бу одам рост айтаётиптимикин?

— Чақир, — деди Бадралбудур, — эски чироқни бериб, бу жиннидан янгисини ол.

Бадралбудур чироқнинг хосиятидан буткул беҳабар эди.

Чўри Аловиддиннинг оромгоҳига чиқиб чироқни олиб тушди ва ҳарам огага берди. Ҳарам ога қасрдан тушиб уни мағрибийга берди, янги чироқни олиб Бадралбудурнинг ҳузурига чиқди. Бадралбудур мағрибийнинг телбалигидан ҳануз кулар эди.

Мағрибий чироқни олгач, бу ўша чироқ эканини кўриб кўзларига ишонмади, бошқа чироқларини улоқтирди-ю, югурганича хилват ва қоронғи бир гўшага келди, чироқни қўлига олиб ишқалади. Дев пайдо бўлиб:

— Буюр! — деди.

— Аловиддиннинг қасрини бор-йўғи билан кўтариб Жоду шаҳрига элтиб қўй!

Султон эрталаб уйқудан туриб дарчадан ташқарига қаради. Майдонда Аловиқдиннинг қасри йўқ, майдон ҳувуллаб ётар эди, ҳайрон бўлиб кўзини ишқади, яна қаради, қаср йўқ эканига амин бўлганидан кейин нима ҳодиса рўй берганини фаҳм этолмай саросимага тушди. Султон қараб туриб йиғлади, вазирни чақириб шовқин солди:

— Айт, Аловиддиннинг қасри қани?

Бу сўзни эшитиб вазир ҳанг-манг бўлди.

— Нега анқайиб қолдинг? Бу ёққа кел, дарчадан қара,— деди султон.

Вазир дарчадан қаради. Майдонда на қаср бор эди, на бошқа нарса. Вазир ҳам гаранг бир аҳволда, тили тутилиб, лол бўлиб турар эди.

— Аё Амралзамон, мен сенга буларнинг ҳаммаси жодугарнинг қилмиши деган эдим, сен ишонмаган эдинг.

Султон ғазаби жўш уриб, вазирдан сўради:

— Аловиддин қаерда?

Вазир жавоб берди:

— Овга кетган эди.

Султон амирлардан бирига сарбозлар билан бориб Аловиддинни занжирбанд қилиб келтиришни амр этди.

Амир сарбозларни олиб жўнади ва Аловиддиннинг ҳузурига келиб деди:

— Э хожам, мендан ранжима, султоннинг амри шу: мен сени ҳозир занжирбанд қилиб султоннинг ҳузурига элтаман. Мени маъзур тут, султоннинг хизматидаги одамман.

Аловиддин бу сўзни эшитиб ҳайратга тушди, бунинг сабабига тушунолмамай сўради:

— Билмадингми, бунинг боиси нима?

Амир жавоб берди:

— Эй хожам, боисидан беҳабарман.

— Султоннинг фармонини адо эт!— деди Аловиддин.

Аловиддинни занжирбанд қилиб шаҳарга келтирдилар. Халойиқ уни бу аҳволда кўриб, султон бошини кесмоқчи эканини билди-ю, кўп хафа бўлди. Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, аслаҳа кўтариб Аловиддиннинг кетидан эргашди, султон уни нима қилмоқчи эканини билмоқчи эди.

Аловиддин саройга келтирилгач, султонга хабар қилинди. Султон жаллодни чақириб, унинг бошини танидан жудо қилишни амр этди. Халойиқ буни эшитгач, хўруж қилиб, саройнинг дарвозасини беркитди, баъзилар деворларига тармашди, султонни ўлдирмоқ қасдида эшикларни бузди. Вазир кириб султонни бу ҳолдан огоҳ қилди.

— Аё Амралзамон, кунинг битаётганга ўхшайди! Аловиддиннинг гуноҳини кечир, токи Аловиддин туфайли фуқаро бизга ҳужум қилиб ҳалок этмасин.

Султон Аловиддиннинг гуноҳидан ўтганини маълум қилиб фуқарони тинчитди. Унинг амри билан жаллод Ало-

виддиндан қўлини тортди. Султон Аловиддинни олдириб келди. Аловиддин унинг қаршисида ер ўпиб деди:

— Аё Амиралзамон, қулингга марҳамат қилиб, не гуноҳим учун қатлга маҳкум этилганимни айтгансан деб умид қиламан.

— Каззоб!— деди султон,— гуноҳингни гўё ўзинг билмайсан!

Султон вазирга юзланиб деди:

— Олиб бор, дарчадан қарасин, қани қаср?

Вазир дарчанинг олдига олиб борди, Аловиддин ташқарига қаради, қаср йўқ, майдон илгаригидай ҳувиллаб ётар эди. Аловиддин ҳанг-манг бўлиб қотиб қолди, қасрга нима бўлганини англолмас эди. Султон сўради:

— Хўш? Кўрдингми? Қани қаср? Жигарпорам, биттаю битта қизим қани?

— Бошим ҳаққи, аё Амиралзамон, ҳеч нарсадан хабарим йўқ,— деди Аловиддин.

— Огоҳ бўл,— деди султон,— қизимни топиб келсин, деб гуноҳингдан ўтдим. Агар топиб келмасанг бошингни танингдан жудо қиламан.

— Аё Амиралзамон,— деди Аловиддин,— менга қирқ кун муҳлат бер, қизингни топиб келмасам бошимни ол.

— Мен айтганингдай қирқ кун муҳлат бераман. Қочиб халос бўламан деб ўйлама! Бошим ҳаққи, қаерга қочсанг қидириб топаман.

Аловиддин қайғу дарёсига ботиб султоннинг ҳузуридан чиқди. Фуқаро унинг ўлимдан қолганига шод-хуррам эди.

Аловиддин шарм ва маломатдан бошини қуйи солганича кетди, нима қилишини билмай, Бадралбудур тўғрисида қайғу чекиб шаҳарда бир-икки кун турди, сўнг умид узиб, ўзича: «Нима бўлди ўзи, қасрни қаердан топаман?» дея шаҳардан чиқиб кетди.

Аловиддин қай томонга юришини билмай саҳрони кезиб бир дарё бўйига келди, ўзини дарёга ташламоқчи бўлди, кейин инсофга келди-ю, бу ишларнинг ҳаммасини худосга солди, кейин ўйга ботиб қайғу-ҳасратдан юзини чангаллаб йиғлай бошлади. Шу чоқ иттифоқо бармоғидаги узукка қўли тегиб кетган эди, дев пайдо бўлиб:

— Хизматингга ҳозирман, буюр!— деди.

Аловиддин хурсанд бўлиб деди:

— Эй узукнинг қули, менинг қасрим ва хотиним Бадралбудурни келтириб бер!

Дев жавоб берди:

— Эй хожа, менга қўлимдан келмайдиган хизматни буюрдинг, бу хизматни чироқнинг қули бажо келтиради.

— Қасрни келтириш қўлигдан келмаса мени қасрга олиб бор!— деди Аловиддин.

— Бош устига!— деди дев ва кўз очиб юмгунча уни Мағрибистонга кўчирилган қасрга элтди.

Қоронғи тушди.

Аловиддин қасрни кўриб суюнди ва хотини Бадралбудурни топиш йўлини излай бошлади: беш-олти кун ухламагани учун бошини ерга қўйиб уйқуга кетди, тонг отгач, ўрнидан турди, дарё бўйига бориб таҳорат олди, намоз ўқиди, қасрга бориб, Бадралбудурнинг дарчаси остида ўтирди.

Бадралбудур эри ва отасининг фироқида куйиб, палид мағрибийнинг муомалаларидан азият чекиб мудом йиғлар, кечалари ухламас эди. Шу чоқ бир каниз унга либос кийдиргани кирди-ю, дарчадан қараб Аловиддинни кўрди.

— Бекам, бекам бу ёққа кел, қара, дарча остида хожа ўтирипти,— деди.

Бадралбудур дарчадан қаради. Аловиддин бошини кўтариб хотинини кўрди. Иккови саломлашди ва иккови ҳам қанот боғлагандай бўлди.

Бадралбудур:

— Орқа эшикдан кир, малъун мағрибий ҳозир йўқ,— деди ва канизга буюриб эшикни очдирди, ўзи Аловиддинга пешвоз чиқди. Аловиддин уни огушига олди ва деди:

— Эй ёрим, мен сендан баъзи нарсаларни сўрамоқчиман. Уйда эски чироқ бор эди, кўрганинг йўқми?

Бадралбудур оҳ чекиб деди:

— Бошимизга келган балоларга шу сабаб бўлди.

Аловиддин деди:

— Айт, нима бўлди?

Бадралбудур чироқни мағрибийга бериб янгисини олганини айтди.

— Эртасига ўзимни шу ерда кўрдим. Мағрибий қасрни бу ерга ўша чироқнинг кучи билан олиб келган экан. Мана энди Мағрибистонда ўтирибмиз.

— Малъун мағрибий тўғрисида гапир, сенга нималар деди. Тилаги нима экан?— деди Аловиддин.

— Ҳар куни бир маротаба келади. Менга хушомадлар қилади, эрингни қўйиб мен билан бўл дейди. Эрингни отанг



қатл қилди ҳам деди, эринг камбағалнинг ўғли, уни мен бой қилдим ҳам деди. Мени жон-дилидан яхши кўрган бўлади, мен уни жон-жаҳдим билан ёмон кўраман.

— Чироқни қаерга яширди экан, билмайсанми? — деди Аловиддин.

Бадралбудур жавоб берди:

— Чироқни ҳамиша қўйнида олиб юради, чиқариб менга кўрсатди.

Аловиддин қувониб хитоб қилди:

— Мен ҳозир кетаман. Канизларингдан бирини орқа эшикка қўй. Мен келганда очишсин. Макр-ҳийла ишлатиб бу лаънатига панд бераман.

Аловиддин қасрдан чиқиб саҳрога йўл олди, бир деҳқонни кўриб деди:

— Эй амак, либосингни менга бер, менинг либосимни кий.

Деҳқон либосини берди. Аловиддин унинг либосини кийиб шаҳарга борди, икки дирҳамлик банг сотиб олди-ю, қасрга қайтди. Эшик олдида турган каниз уни кўриб эшикни очди. Аловиддин хотинининг ҳузурига кириб деди:

— Сен чеҳрангни оч. Бу малъунга кулиб боқ, «Қачонгача ўзим якка зерикиб ўтираман, кечқурун кел, биргаликда таом еяйлик» дегин. Унга меҳр-муҳаббат изҳор қилиб, бирга шароб ичишга хоҳишинг борлигини айт. Пайдар-пай шароб қуйиб бер, бир неча қадаҳ ичганидан кейин мана шу бангни шаробга солиб бер, маст бўлиб йиқилгандан кейин мени чақир.

— Мана бу яхши тадбир! — деди Бадралбудур. — Қўлимдан келади.

Аловиддин қорнини тўйғизиб чиқиб кетди. Бадралбудур оқсочини чақирди, бошқа либос кийди, ўзига оро берди, устига гулоб сепди. Шу аснода мағрибий кириб уни ўзига оро берган ҳолда кўрди.

Мағрибий хурсанд бўлди, хусусан Бадралбудур уни хуш табассум билан қаршилаб, ёнига ўтқизганидан кейин яйраб кетди.

— Эй ёрим, — деди Бадралбудур, — истасанг кечқурун кел, таомни баҳам кўрайлик, қачонгача ўзим танҳо диққат бўлиб ўтираман. Бас, етар! Энди Аловиддин ва отамни кўришдан умид уздим. Сен буларнинг ўрнини бос. Менинг сендан ўзга ҳеч кимим қолмади. Кечқурун келарсан, таомни баҳам кўрармиз деган умиддаман. Бир оз шароб келтир. Ғоят яхши, ўз ватанимнинг шаробидан бўлсин. Менда

ҳам бир оз шароб бор, лекин бу мамлакатнинг шаробидан татиб кўрмоқчиман.

Мағрибий бу сўзларни эшитгани ва унинг юзида муҳаббат аломатларини кўрганидан кейин камоли хурсандлигидан қичқирди:

— Бош устига, эй ёрим! Ҳозир бориб, истаган нарсангни олиб келаман!

Бадралбудур уни яна ҳам алдаш учун деди:

— Узинг бориб нима қиласан, қуларингдан биронтасини юбор.

Мағрибий унамади.

— Кўзларинг ҳаққи, шаробни ўзим олиб келаман.

Мағрибий бориб, хирсни ҳам йиқитадиган шароб олиб қасрга қайтди. Канизлар хонтахта қўйиб таом келтирдилар. Иккови еди-ичди. Канизлар шароб қўйиб турдилар. Мағрибий кайф қилиб боши айлангандан кейин Бадралбудур:

— Эй ёрим, бизнинг юртимизда бир одат бор: таомдан кейин маъшуқа ошиққа охирги қадаҳни сўнади,— деди ва қадаҳга банг солиб мағрибийга узатди.

Мағрибий камоли хурсандликдан қадаҳни бир томчи қўймай сипқарди, бир оз вақт ўтгандан кейин оёқ-қўли бўшашиб, чалқанчасига йиқилди. Канизлар дарҳол эшикни очиб Аловиддинни чақирдилар. Аловиддин кириб, ўликдай қотиб ётган мағрибийни кўрди-ю, қилични қинидан суғуриб, унинг калласини танидан жудо қилди ва Бадралбудурга юзланиб деди:

— Канизларингни олиб бу ердан чиқ, мени холи қўй.

Бадралбудур канизларни олиб чиқиб кетди. Улар эшикни қулфладилар. Аловиддин мағрибийнинг қўйнига қул солиб чироқни олди ва ишқалади. Дев пайдо бўлиб: «Буюр!» деди.

— Қасрни элиб ўз жойига қўй,— деди Аловиддин.

Қул «Бош устига» деб ғойиб бўлди. Аловиддин чиқиб хотинини огушига олди, ўпди. Бадралбудур ҳам уни ўпди. Дев кўз очиб юмгунча қасрни келтириб жойига қўйди.

Аловиддин хотини иккови дастурхон ёздириб таом еди, ичди, уйқу маҳалигача хурсандлик қилди, кейин хурсанд бўлиб ухлагани ётди. Хусусан Бадралбудур ўзида йўқ шод, сабабки эрталаб отаси султонни кўришига амин эди.

Султон биттаю битта қизининг қайғусида ҳар куни йиғлар, ўзини урар, ҳар куни эрталаб саройнинг дарчасидан қараб: «Келиб қолмасмикин?» дер ва яна йиғлар эди.

Султон шу куни ҳам эрталаб дарчадан қаради ва қасрни кўрди, инонмай кўзини ишқади, яна қаради-ю, Аловиддиннинг қасри турганлигига амин бўлганидан кейин қулларини чақириб: «Отни келтирингиз!» деди.

Султон отланиб Аловиддиннинг қасрига борди. Аловиддин унга пешвоз чиқди ва қизи Бадралбудурнинг ҳузурига олиб кирди. Бадралбудур отасини қаршилади. Султон қизини оғушига олиб кўз ёши қилди. Қизи бошидан кечганларни сўзлаб берди ва сўзининг пиروвардида деди:

— Бошинг ҳаққи, ота, жоним танимни тарк этган эди, кеча Аловиддинни кўрганимдан кейин қайтди. Бунга қадар малъун жодугар туфайли чеккан ғам-ғуссамнинг таърифидан ожизман.

Бадралбудур мағрибийга эски чироқни бериб янги чироқ олганини айтди ва деди:

— Бу чироқнинг хосиятларидан беҳабар эдим. Мағрибий чироқни олганидан кейин ўзимни бошқа юртда, ички Мағрибистонда кўрдим. Эрим Аловиддин келиб макр-ҳийла билан мағрибийни ўлдирди, худога шукур, бу малъуннинг чангалидан мени халос қилди. Эрим мағрибийни ўлдирганидан кейин менга: «Чўриларинг билан бу ердан чиқиб тур» деди. Мен чиқдим, ундан кейин Аловиддин нима қилиб қасрни бу ерга келтирганини билмайман.

Аловиддин деди:

— Аё Амралзамон, мен ҳеч нарса қилганим йўқ. Бадралбудур: «Чироқни мағрибий қўйнига солиб юради» деган эди, мен унинг қўйнига қўл солиб чироқни олдим ва пайдо бўлган девга қасрни бу ерга келтириб қўйишини буюрдим. Аё масъуд шоҳ, бориб малъун мағрибийни кўр, нариги хонада ўлиб ётипти.

Султон нариги хонага чиқиб, ўлиб ётган мағрибийни кўрди ва унинг жасадини пора-пора қилиб ўтда ёқишни амр этди, сўнгра, Аловиддинни оғушига олди, ўпди, барча хизматлари учун ташаккур баён қилди.

— Сенга етказган азиятларимни маъзур кўр, сабабки Бадралбудур яккаю ягона қизим,— деди.

— Аё Амралзамон, сен менга адлу адолатга хилоф ҳеч бир азиат етказганинг йўқ,— деди Аловиддин.

Баъдазон султон қизи топилгани шодиёнасига тўй-томоша бошлади. Мағрибийни ўтда ёқиб, кулини совурдилар.

Ривоятларга кўра мағрибийнинг ўзидан ҳам малъунроқ, ўзидан ҳам жодугарроқ бир укаси бор эди. У қуръа ташлаб, акасининг ҳолидан хабар топди, акасининг ўлгани аён бўлиб кўп қайғурди, ўлимининг сабабини, қай шаҳарда ўлганини билмоқ бўлиб яна қуръа ташлади. Акасини Чин мамлакатига Аловиддин отлиқ бир йигит ўлдирганлиги, жасадини куйдириб, кулини совурганликлари аён бўлди. У бутун воқеадан, чироқ можароси ва бошқа нарсалардан огоҳ бўлди ва дарҳол йўл ҳозирлигини кўриб, Чин мамлакатига равона бўлди. Чин пойтахтига келиб карвон саройга тушди, икки-уч кун истироҳат қилганидан кейин макр-ҳийла билан Аловиддинни ўлдирмоққа бел боғлади.

У шаҳарга тушди, бир жойда шатранж ўйнаб ўтирган одамларнинг олдига келди. Одамлар Фотима отлиқ бир художўй кампир тўғрисида гапирмоқда эдилар: художўй кампир биёбонда истиқомат қилиб, шаҳарга ҳафтада фақат икки марта келар, ҳамма уни хуш кўриб, иззат-ҳурмат қилар экан.

Мағрибийнинг укаси шу ҳақда гапирган одамларнинг биридан сўради:

— Эй амак, Фотима отлиқ хотин тўғрисида аломат гапларни айтдингиз, бу хотин қаерда истиқомат қилади? Мен мусофирман, бошимга бир савдо тушди, ўша хотиннинг олдига бориб дуосини олсам дейман. Ажаб эмаски худойи таоло мушкулумни осон қилса.

Бу одам мағрибийнинг укасини шаҳардан ташқарига олиб чиқиб, Фотиманинг маконини кўрсатди. Художўй Фотима тоғнинг чўққисидаги бир ғорда истиқомат қилар экан. Мағрибийнинг укаси у одамга ташаккур изҳор қилиб шаҳарга қайтди, кечани карвон саройда ўтказиб яна шаҳарга тушди. Худонинг иродаси билан кампир иттифоқо шу куни шаҳарга тушган эди.

Мағрибий бозорда юриб, одамлар йиғилаётганини кўрди, нима гап деб сўраган эди, бир кимса:

— Художўй хотин Фотима келди,— деб жавоб берди.

Мағрибий хотиннинг кетидан эргашиб юрди, кечқурун ғорга қайтаётганида кетидан борди, хўроз бир қичқирганча турди-ю, кейин ғорга кирди. Кампир бир парча бўйранинг устида чалқанча ётар эди. Мағрибий Фотиманинг бошидан тутди-ю, ханжарини қинидан чиқариб қичқирди. Фотима уйғонди, мағрибий бошидан тутиб ханжар ўқталиб турганини кўриб қўрқувдан ўлаёзди.

— Товушингни чиқарсанг ўлдираман!— деди мағрибий,— тур ўрнингдан. Менинг айтганимни қил!— Мағрибий, агар сўзимдан чиқмасанг ўлдирмайман деб қасамёд этди. Фотима ўрnidан турди. Мағрибий деди:

— Либосингни менга бер, менинг либосимни кийиб ол.

Кампир жулдур либосини, рўмолини, чодрасини мағрибийга берди. Мағрибий деди:

— Бу кифоя эмас, юзимга бирон парса сурт, токи мен сенинг қиёфанга кирай.

Фотима ғорнинг тўридан бир кўзача олиб келди, ундан бир оз ёғ олиб мағрибийнинг юзига суртди. Мағрибийнинг ранги Фотиманинг рангига ўхшаб қолди. Сўнг, хотин мағрибийга ўз либосларини кийгизди, рўмолини боғлаб қўйди, қўлига ҳассасини берди, бўйнига тасбеҳини осди-да, шаҳарда юрган вақтида нималар қилишни ўргатди, ниҳоят, қўлига ойна бериб деди:

— Юзингни кўр! Кўрган киши мenden фарқ қилломайди.

Мағрибий ойнага қаради, Фотимадан ҳеч фарқи йўқ эди. Шундан кейин мағрибий ханжарини олиб хотинни ўлдирди, тоғнинг ёнбағрига кўмди, офтоб ботганда: кейин шаҳарга тушди. Одамлар тўпланиб ундан дуо олар, ҳеч кимнинг Фотима эканига шубҳа қилмас эди.

Бу воқеаларнинг ҳаммаси Бадралбудур саройининг дарчаси остида бўлмоқда эди. Бадралбудур ғовурни эшитиб, канизларидан нима ҳодиса бўлганини сўради. Канизлар жавоб бердилар:

— Эй бекам, художўй Фотима шаҳарга тушипти, одамлар унинг атрофига тўпланиб дуосини олмоқдалар.

Бадралбудур ҳарам оғага юзланиб деди:

— Бор, Фотимани олиб кир, биз ҳам дуосини олайлик. Мен бу хотиннинг кароматларини кўп эшитганман, бир кўрай.

Ҳарам оға чиқиб, Фотима либосини кийган мағрибийни олиб кирди. Бадралбудур уни иззат-иқром билан қарши олди ва деди:

— Фотимабегим, меҳмоним бўл. Мени дуо қил. Фазилатларингдан таълим бер.

Бу мағрибийнинг айни муддаоси эди.

— Эй бекам,— деди мағрибий,— мен бечора аёлман, биёбонда кун кечираман. Подшоҳлар саройи менинг жойим эмас.

— Эй Фотимабегим,— деди Бадралбудур,— хоҳишимни қайтарма. Мен сенга алоҳида хона бераман, тоат-ибодат қилиб ўтирасан.

— Хоҳишинг шу бўлса сўзингни қайтармайман,— деди мағрибий,— лекин сенга ҳамтабақ бўлмайман, ўша хонада ибодат билан машғул бўламан.

Мағрибий Бадралбудур билан ҳамтабақ бўлса оғзидан пардани олиши керак бўлар, унда Бадралбудур таниб қолар эди.

— Эй Фотимабегим,— деди Бадралбудур,— сенинг айтганинг бўлсин. Юр, мен сенга қасримни томоша қилдирай.

Бадралбудур мағрибийни оромгоҳига олиб чиқди ва дарчасида қимматбаҳо тошлардан панжара ўрнатилган ўша хонани кўрсатди.

— Қалай менинг қасрим, Фотимабегим,— деди Бадралбудур.

Мағрибий жавоб берди:

— Болло, қаддан зиёда зариф! Худойи таоло насиб қилсин! Лекин афсуски бир нарса кам экан.

— Нима?— деб сўради Бадралбудур.

Мағрибий жавоб берди:

— Анқонинг тухуми кам экан. Анқонинг тухуми шипга осилиб қўйилса эди. Анқо ниҳоятда катта бир қуш, туяни чапгалида кўтариб учади. Бу қуш Қоф тоғида бўлади. Шу панжарани ясаган уста анқонинг тухумини келтириб беришга қодир.

Шундан кейин бу гап қолди-ю, Бадралбудур уни ваъда қилган хонасига олиб кирди. Малъун мағрибий шу ерда қолди.

Кеч киргач, Аловиддин келиб хотини ҳузурига кирди. Саломлашиб, уни ўпди, лекин ташвишманд, авзойи ўзгача эканини кўриб сўради:

— Иншоолло, эсон-омон ўтиргандирсан? Сабаб ташвишманд кўринасан?

Бадралбудур жавоб берди:

— Менинг қасрим бекаму кўст деб ўйлар эдим, анқонинг тухуми кам экан.

— Шунга ташвишманд бўлиб ўтирибсанми?— деди Аловиддин,— эй ёрим, анқонинг тухуми кам бўлса дарҳол келтириб бераман! Кўнглинг тўқ бўлсин!

Аловиддин дарҳол ўз хонасига кирди, чироқни қўлига олиб ишқалади. Дев пайдо бўлиб:

— Тилагинг нима, буюр!— деди.

— Анқонинг тухумини топиб кел, хотинимнинг шипига осиб қўяман,— деди Аловиддин.

Дев бу сўзни эшитиб дарғазаб бўлди ва Аловиддинга дашном қилди:

— Эй кўрнамак, чироқ қуллари сенга шунча хизмат қилгани кифоя эмасмикин, яна хотининг хурсандлиги ва эрмаги учун анқонинг тухумини тилайсан! Агар бундай тилагинг борлигини билсам афсун ўқиб ўзингни ҳам, хотинингни ҳам ҳавода муаллақ қолдириб, сизларни ҳалок этишга кўшиш қилар эдим. Лекин айб сенда эмас, ҳамма иллат художўй Фотима қиёфасига кириб саройингда ўтирган малъун мағрибийдадир. Бу малъун Фотимани ўлдирди, сени ҳалок қилиб акасининг қасдини олмоқ муддаосида Фотима либосини кийиб саройингга келди.

Дев шу сўзларни айтди-ю ғойиб бўлди. Аловиддин гаранг бўлиб қолди ва хотинининг ҳузурига кирди. Боши оғригандай ўзини касалликка солди. Бадралбудур буни кўриб деди:

— Художўй Фотима шу ерда, айтиб келай, бошингга қўлини қўйса оғриғи қолади.

Бадралбудур чиқиб мағрибийни олиб келди. Мағрибий Аловиддинга салом берди. Аловиддин деди:

— Марҳабо, Фотимабегим, бошим оғриётипти, сенинг нафасинг шифо беради.

Мағрибий яқин келди, Аловиддинни гафлатда қолдириб, ханжар урмоқ қасдида унинг бошига қўлини қўймоқчи бўлди. Шу он Аловиддин пайт пойлаб турди-ю, қўйнидаги ханжарини олиб унинг кўксига урди. Мағрибий йиқилди.

Бадралбудур додлаб юборди.

— Художўй Фотимани нега ўлдирдинг!

Аловиддин деди:

— Мен Фотимани эмас, Фотиманинг қотилини ўлдирдим. Бу малъун жодугар мағрибийнинг укаси, ўз юртидан акасининг қасдини олмоқ мақсадида келган эди. Иккимизнинг ҳалокатимизга сабаб бўладиган анқонинг тухумини сўрашни сенга шу ўргатган. Менинг сўзимга инонмасанг оғзидан пардани олиб қара, художўй Фотимами ё мағрибийми эканини кўрасан.

Бадралбудур келиб унинг оғзидан пардани олди, юзини соқол босган эркак ётганини кўриб, Аловиддинга деди:

— Эй ёрим, мен сени икки марта таҳликага қўйдим?  
Бадралбудур эрини оғушига олди, ўпди. Аловиддин деди:

— Ҳеч бокиси йўқ, ёрим! Шукурки, худойим бизни бу икки малъуннинг ёвузликларидан омон сақлади.

Шу аснода султон кириб келди. Иккови унга воқеани айтиб берди ва мағрибийнинг жасадини кўрсатди. Султон унинг жасадини куйдирмоққа буюрди. Мағрибийнинг жасадини ҳам акасининг жасадидай куйдириб, кулини совурдилар.

Аловиддин ва хотини Бадралбудур айш-ишрат ва висол заволиқазо етиб келгунча умрларини хурсандлик, ҳузур-ҳаловатда ўтказдилар.






# Эрон ҳакими борасида ҳикоят



Ривоятларга кўра қадим замонда бир ҳакими ҳозиқ бор эди. У ўз юрти Форс мамлакатини тарк этиб, бошқа юртларни сайру саёҳат қилди, ниҳоят Бағдод шаҳрига келди; Бағдод кўчаларини, бозорларини томоша қилди, тимга кириб, бир дўкон олдидан ўтиб кетаётганида ўн саккиз ёшлардаги бир баковул йигитни кўриб қолди. Йигит хушрўйликда беназар эдики, унинг таърифидида шоир дебдир:

Қўйибдур ким бу соҳир кўзларингга сурмаи савдо?  
Яногинг қайси тоғ узра етишган лолаи янто?  
Дегил, қайси чаманда бўлди сочинг сунбули пайдо?  
Юзинг офтоб каби порлар қаро сочлар туни оро?  
Эрурсан шоҳ ҳусн аҳлига, дилбар — эй пари сиймо,  
Боқиб бул оразингга кўп гўзаллар волаи шайдо.  
Чиройингга жаҳон ичра топилмайдур қиёс асло,  
Мужассам ҳусни эрурсан, оҳуваш нозик қадинг, барно  
Боқар чоғингга сен ойнага эй орази зебо,  
Турар бир-бирларига икки кўзгу рўбарў гўё.

Бу йигит дўконидида анвои лазиз таомлар пиширарди. Унинг покизалиги ҳуснига ҳусн қўшар эди. Аксар оқ либос киярди, у ўзининг латофати, хушрўйлиги, покизалиги ва лаъиз таомлари билан шаҳар аҳолисини шу қадар



мафтун этган эдики, ҳатто халифа унинг қўлидан таом емоқни ихтиёр этди.

Ҳаким шаҳар айланиб юриб одамлардан шу баковулнинг таърифини эшитди, дўконига келиб унинг ҳусн-жамоли, зарофатини кўргач, ичида: «Эшитган — кўрган бирла баробар эмас экан! Одамлар бу йигитдаги ҳусн-латофатнинг ўндан бирини ҳам таъриф ва тавсиф этмаганлар» деди.

Халифанинг бир қизи бўлиб, жамоли тўлун ойни ҳижлага солар эди. Қиз Аловиддин баковул отлиқ бу йигитнинг зеболиги ва зарофатини кўп эшитган, уни бир кўрмоқ орзусида юрган, лекин бу орзусига эришмоқнинг иложини тополмаган эди. Кўп подшоҳлар унинг отаси халифага совчи юборган, халифа қизини гоят яхши кўргани учун куёв кўрмоқни орзу қилар, лекин қизи ҳеч кимсага тегмоқни истамас эди.

Аловиддин ҳам қизнинг соҳибжамоллигини эшитган, уни бир кўриш тилагида худога нола қилар, лекин ичида: «Бу тилак ғайри имкондир, менингдек бозорда ўтирадиган бир бечора баковулга бу тилакка эришмоқ, халифанинг қизини кўрмоққа йўл бўлсин? Бу хориқулудда нарса» дер эди.

Бир куни жарчи чиқиб, Бағдод кўчаларига жар солди:  
— Эй мўмин бандалар, худони ёд этинглар! Амирал-

муслимин фармон қилдилар: жумъа намозидан кейин бовор беркилади, жомеънинг дарчасидан ҳеч кимса бошини чиқармасин, чароки халифанинг қизлари Бадралбудур касби ҳаво қилгани ва кўнгила ёзгани бозорга ташриф буюрадилар!

Бадралбудур Аловиддинни кўргани, унга кўз қирини ташлагани бу ҳийлани ўйлаб топган эди, махфий суратда унга бир канизини юбориб: «Аловиддин дўконида ўтирсин, ҳеч кимсага билдирмай бир иложини қилиб менга ўзини кўрсатсин» деди.

Каниз келиб Аловиддинга бу гапни етказди. Аловиддин хурсанд бўлди, дарров туриб дўконининг дарчасига панжара ўрнатди, халифанинг қизи ўтган вақтда ҳеч кимга билдирмай дарчадан унга ўзини кўрсатиш тадбирини кўрди.

Одамлар жумъа намозидан чиқиб, дўконлар беркилгандан кейин Аловиддин дўконда тилак тилаб ўтирди. Халифанинг қизи Бадралбудур бозорга тушди. Унинг сиридан воқиф каниз Аловиддиннинг дўкони олдига етиб келганларидан бекасини хабардор қилди. Бадралбудур дўконни томоша қилиш баҳонаси билан канизларини олдинга ўтказиб юборди, дарчанинг панжарасини суриб, Аловиддинга кўз ташлади-ю, унинг жамолини кўриб деди:

Аё шоҳим, ҳусн мулкига хоқон,  
Қошинг аждар — кўзинг ганжигга посбон.  
Тараҳҳум айла, илкинг бер менга ёр,  
Оғир дардим, чекарман тунлар афгон.  
Латофат осмонида қуёшсан,  
Чекингай нури васлингдан шабистон.  
Агарчанди Юсуф ҳусн ичра танҳо,  
Ул ойдин, сен эсанг хуршиди осмон.

Халифанинг қизи Бадралбудур Аловиддиннинг олдига келиб, юзидан бўса олади ва унга юзини тутлади. Бирининг кўз ёши бирининг юзидан оқиб тушади. Бир-бирининг ишқида дунё кўзига кўринмай қолади. Видолашгандан сўнг иккови уйқудан ва емоқ-ичмоқдан маҳрум бўлиб, ҳаловатни йўқотади, бир-бирининг дард-фиғонида куйиб, чўп-устихон бўлиб қолади.

Кунлардан бир кун ҳакими ҳозиқ Аловиддиннинг дўконига келди, унинг жамолини томоша қилиб дўконига кирди. Аловиддин уни эҳтиром билан қаршилади, иззатини бажо келтириб олдига чиройли хонтахта қўйди, анвои ла-

зиз таомлар, майи ноб келтирди. Ҳақим еди-ичди, лазиз таомлари, озодалигидан мамнун бўлиб, унга меҳр қўйди, разм солди-ю, худди ошиқдек чўп-устихон бўлганини кўрди.

— Номинг нима, йигит?— деб савол берди.

— Номим Аловиддин, ого,— деди йигит.

Ҳақим яна:

— Мен сендан бир нарса ҳақида сўрамоқчиман, ростини айтгин,— деди.

— Бош устига, эй ого, бажону дил, савол қил.

— Эй Аловиддин, ушалмайдиган бир орзу туфайли ташвишманд кўринасан. Афтидан, муҳаббат ва ҳижрон дардини тортаётганга ўхшайсан.

— Мендек фақирнинг аҳволини асло сўрама, эй покдо-ман дарвиш!— деди Аловиддин.

Ҳақим деди:

— Худо ҳаққи, дардингни менга сўзла. Мен худойи таолодан тилайман, дардингга шифо бериб, муродингга еткуради. Қўрқма, мен доно кимсаман, мағрибийда Дониёр пайғамбарнинг мақбарасида сақланадиган барча илму фандан бохабарман.

Аловиддин ҳақимнинг бу сўзларини эшитиб, халифанинг қизи Бадралбудур хусусидаги воқеани батафсил баён қилди.

— Ошиқи беқарорман, унинг васлига етолмайман. Бир-биримизни бир марта кўрдик холос, кошки кўрмасаму бу азобларни тортмасам эди...

— Хотиржам бўл, Аловиддин,— деди ҳақим.— Эртага дўконингни ёпганидан кейин ҳаммомга туш, бисотингда бор яхши либосларингни кий. Бугун хотиржам бўлиб истироҳат қил. Сен менга ўз ўғлимдек бўлдинг.

— Лутф кўрсатиб мени ўғил қилиб олсанг, нега кетаётибсан,— деди Аловиддин,— минг қатла шукур, ҳовлим катта, яхши уйларим бор, ўзим ёлғизман. Илтифот қил, яхшилигингни ниҳоятига еткиз, бирга истиқомат қилайлик. Ҳамиша бирга бўлайлик, ошнолик қилайлик.

— Бажону дил, Аловиддин,— деди ҳақим.— Иншоолло сени муродингга еткизурман. Шунда ғаройиботларни кўриб кўнглинг ёзилар.

Сўнг ҳақим одам юбориб ул-булларини олдириб келди. Кечқурун Аловиддин уни уйига бошлаб келди, ўтқизиб, олдига хонтахта қўйиб лазиз таомлар тортди. Иккови еди-ичди, хурсандлик қилди. Сўнг Аловиддин дастурхонни

Йиғини тириб, анвои мева ва шароби ноб келтирди. Уйқу маҳаллигача иккови ичди, ширин суҳбат қурди. Эрталаб Аловиддин лазиз таомлар пиширди. Ҳақим Аловиддиндан махсус лазиз таом пиширишни, хуштаъм ва тиниқ шароб келтириб қўйишни, уйни шоҳи тўшаклар билан ораста қилишни илтимос этди. Аловиддин ғоят хурсанд бўлиб тонг отгунча бу ишларнинг ҳаммасини бажо келтирганидан кейин дўконига кетди, дўконда ишини битирганидан кейин уйига қайтиб, яхши либосларини олди. Бағдодда бундай либосларни ҳеч ким киймаган эди, сабабки, Аловиддин ўзи баковул бўлса ҳам, отасидан ер, мулк-амлоқ, боғ-роғ, ҳовли-жой қолган эди.

Сўнг, Аловиддин ҳозиқ ҳақим билан биргаликда ҳаммомга борди. Иккови чўмилди, ўзига мушк-анбар сепди, анвои шарбатлар ичди, либосларни кийиб уйига қайтди. Хонтахта келтириб қўйди, иккови еди-ичди, кечгача суҳбатда бўлди. Кеч киргач, ҳақим Аловиддинга деди:

— Эй Аловиддин, сен бугун ёринг билан дийдор кўришасан, висолига етасан.

Аловиддин севинчга тўлиб ўрнидан турди, ҳақимнинг олдига таом келтириб қўйди, ўз қўли билан шароб қуйиб берди. Тун ярим бўлди. Кўчаларда одам қолмади. Ҳамма уйқуга кетди. Аловиддин бедор, дақиқаларни санар эди. Вақт-соат етганда ҳақим бир пиёла сув олиб афсун ўқиди, сўнг, Аловиддинга юзланиб деди:

— Ҳозир ёринг уйингда пайдо бўлади, тўшагингда ётганини кўрасан.

Аловиддин дарҳол ўрнидан турди, қараса ёрини олиб келаётиптилар. Бадралбудур эса тўшакдан ётиб хуррак ота бошлади.

Аловиддин бориб унинг юзидан зарҳал пардани кўтарди. Бадралбудур ойдай нур сочиб ётар эди. Аловиддин энгашиб унинг юзидан бўса олди, оғуш қилди ва деди:

— Сенинг таърифингда шоир дер:

Бу дилбар юдузидур моҳи тобон,  
Мусаххар кўэларидур нури чўлпон.  
Қоши меҳробига бошлар эгилсун,  
Белига садқа бўлсин риштан жон.  
Самовий ҳуснидур монанди ҳулқар,  
Тағни ҳам сақлағай кўркини пинҳон.  
Пари кўрса уни девона бўлғай,  
Кейинб кул бўлғай оташ ичра шайтон.

Аловиддин уни бағрига босиб ўпар экан, деди:

— Бу қандоқ ҳол, эй дилбарим, Бадралбудур? Ёр вас-лига етган кишининг кўзига уйқу келадими?

Бадралбудур бошини кўтарди ва кўзини очиб деди:

— Ё раббим, ё таборак ва таоло! Кимсан ўзинг?

Аловиддин «мени кўриб, қўрққанидан бирон кор ҳол бўлмасин» деган мулоҳазада беркиниб олди. Бадралбудур ўнг-сўлга назар ташлаб:

— Мени бу ерга ким келтирди? — деди.

Аловиддин ҳамон ўзини кўрсатмасдан:

— Бу ерга сени мен келтирдим, — деди.

Бу орада Аловиддин дастурхон ёзиб таом келтирди, сўнгра тўшакка яқин борди. Қиз уни кўриб таниди ва ўзини унинг оғушига ташлаб ўпди. Аловиддин ҳам уни ўпди.

— Сенмидинг, эй ёрим, мени қўрқитиб юборган! — деди Бадралбудур. Аловиддин деди:

— Ҳа, мен, қўрқма! Тур ўрнингдан, таом еймиз! Эй ёри жоним, эрталабдан бери туз тотганим йўқ, сенга мунтазирман.

— Жоним билан! — деди Бадралбудур ва ўрнидан туриб, Аловиддин билан хонтахта ёнига ўтирди. Иккови еди-ичди, хурсанд бўлиб суҳбат қурди.

— Бошим учун айт, эй ёрим, бу ерга мени қандоқ келтирдинг? — деди Бадралбудур. Аловиддин жавоб берди:

— Эй дилбарим, Бадралбудур, ҳозир бу гапларнинг мавриди эмас.

Бадралбудур деди:

— Агар қўлингдан келса, эй ёрим, мени ҳар кеча уйингга олиб кел.

— Хотиржам бўл, сени ҳар кеча уйимга олиб келишга қодирман, — деди Аловиддин унинг сўзидан ниҳоятда хурсанд бўлиб.

Сўнг Аловиддин қадаҳ келтирди. Иккови ичиб хурсандчилик қилди. Аловиддин қизга ўз қўли билан шароб қуйиб берди. Қиз ўз қўли билан унга таом егизди, хулаас шоирнинг айтгани бўлди:

Кўриб қолдим гулистон ичра лола

Олур гулғунчадин пинҳонона бўса.

Дедим мен ҳайрат ичра, нитиларкан —

Гўзалликка гўзаллик қайда бўлса.

Иккови еб-ичиб, бир-бирига тегишиб, хурсандчилик қилди, ниҳоят шароб кор қилиб бир-бирига суяниб қолди.

Бадралбудур ўрнидан туриб Аловиддинни тўшакка ётқизди. Аловиддин тонг отиб офтоб чиққунча уни ўпиб қучоқлади, чимчилади, мурод ҳосил қилди...

Баногоҳ эшик олдида ҳақим пайдо бўлиб Аловиддинни чақирди. Аловиддин ўрнидан туриб, юзида табассум билан чиқди. Ҳақим сўради.

— Бу кечани қандоқ ўтказдинг?

Аловиддин:

— Волло-билло, бу кечани роҳат-фароғатда, худди беқаштда ўтказгандай бўлдим,— деди ва бу байтни ўқиди:

Шаби ҳижрон мени кучди ширин қоб,  
Олардим ёр илкидин майин ноб.  
Лабо-лаб сипқорлардик иккимиз май,  
Дер эрдим, қийнадинг кўп, раҳм қилмай.  
Кўзинг оҳу сенинг эй қадди шамшод,  
Тараҳҳум айла, бўлма бунча бедод.

Ҳақим яна савол қилди. Аловиддин жавоб берди:

— Билло, мен сенга айтдим-ку, тунни шаҳло кўз ҳурлар билан кечирдим. Эй оғо, худойи таоло сенга бахт-саодат берсин!

Аловиддин келиб ҳақимнинг қўлини ўпди. Ҳақим уни ҳаммомга олиб борди. Бадралбудур ўрнида ётаверди.

— Эй оғо,— деди Аловиддин,— Бадралбудурни қай тариқа уйига элтасан?

Ҳақим жавоб берди:

— Эй ўғлим, бу хусусда ўйлама, хотиржам бўл. Бадралбудурни қандоқ келтирган бўлсам шундоқ элтаман.

— Эй оғо,— деди Аловиддин,— Бадралбудур менинг жуфтим бўлди, мен сенинг ўғлингман, сенинг ҳимоятингдаман. Эндиликда хоҳлар эдимки, Бадралбудурни ҳар кеча ҳузуримга олиб келсанг.

Ҳақим бу сўзни эшитиб кулди ва жавоб берди:

— Эй ўғлим Аловиддин, бу хусусда ўйлама! Ваъда бераман, Бадралбудур шу кеча қандоқ келган бўлса ҳар кеча шундоқ келади. Бадралбудур сенинг жуфти ҳалолнинг бўлди, ҳеч кимса сени ундан маҳрум қилолмайди. Бу хусусда ўйлама, хотиржам бўл. Сенга яна қандоқ лутф-марҳаматлар қиланшимни тез фурсатда кўрасан, ўғлим!

Шундоқ қилиб Бадралбудур ҳар кеча Аловиддиннинг оромгоҳига олиб келинарди. Аловиддинга ишқи тушгани учун унинг кўзига қаро тун қордек оқ кўринар эди. Ало-



ғиддин эса унинг келишини ҳар кеча соатма-соат кутар, бу сирдан ҳеч ким воқиф бўлмас эди.

Бадралбудур ҳар кеча ёрининг оромгоҳига келтирилаётганини кўриб, ҳар сафар унга ҳамэнда беш юз динор келтирадиган бўлди. Бир кеча:

— Эй ёрим, эй жигарпорам, шу ерга аломат бир қаср бино қил, мен пул билан муованатда бўламан,— деди.

Аловиддин жавоб берди:

— Бош устига, эй ёрим! Лекин худодан тилагим шуки, бизни ўз паноҳида сақласин!

— Эй ёрим, қўрқма!— деди Бадралбудур.— Танимини минг пора қилсалар ҳам сендан жудо бўлмайман ва сенга бирон азият еткизгани қўймайман. Мен худойи таолога така қиламан, у ўз паноҳида асрайди, бизга ҳеч бир зиён-заҳмат етмайди. Ҳақим сени ўғил қилиб олгани учун иккимиздан ҳам кўнглим тўқ. Сен ҳақимнинг сўзидан чиқма, айтганини қил.

Иккови тунни биргаликда ўтказди. Эрталаб Аловиддин Бадралбудур айтган гапларни ҳақимга сўзлаб берди, икковининг шаънига муносиб қаср солдирмоқ муддаосида ҳар кеча келтирган ақчаларни, ҳар кеча тўхфа этган қимматбаҳо нарсаларни кўрсатди. Ҳақим хурсанд бўлди, Бадралбудурнинг кўнглидаги ишқ оташи Аловиддиннинг кўнглидаги ишқ оташидан ҳам баландроқ эканига ишонч ҳосил қилди. Ҳақим шу чоққача Бадралбудур Аловиддинга бу янглиғ муҳаббат қўйганини билмаган эди.

Ҳақим Аловиддинга деди:

— Бу борада хотиржам бўл, ташвиш тортма.

Ҳақим пул ва қимматбаҳо нарсаларни олиб кетди ва катта бир майдон сотиб олди, бу майдонга мрамор ва рангдор тошлардан аломат бир қаср бино қилишга киришди, қаср битгандан кейин ерга шоҳона гиламлар тўшалди, девор тағларига туяқуш пари солинган атас ва кимхоб парку ёстиқлар қўйилди, дарчаларга зарҳал пардалар осилди.

Ҳақим билан Аловиддин шу қасрга кўчди. Бадралбудур ҳар кеча Аловиддиннинг оромгоҳига келтирилар, Аловиддин тонг отгунча айш-ишратда бўлар эди.

Иккови бир мунча вақтни шодлик, хурсандлик ва ҳузур-ҳаловатда ўтказди. Кунлардан бир куни Бадралбудур онаси Зубайдабегим билан юқори саройга чиқди, офтобрўяда Бадралбудурнинг қорни катта бўлгани билиниб қолди. Қиз ҳомилдорлигидан беҳабар эди. Зубайдабегим уни бу аҳволда кўриб:

— Қизим, не сабадан қорнинг дўппайиб қолди,— деди

— Билмайман, онажон,— деди Бадралбудур.

Зубайдабегим келиб қизининг қорнига разм солди, ушлаб кўрди, ҳомиладор эканини билиб фарёд кўтарди:

— Вой шўрим! Қизим, сенга нима бўлди, кимдан ҳомила пайдо қилдинг?

Яккаю ягона қизи бўлгани учун Зубайдабегим Бадралбудурни беҳад яхши кўрар эди, бу ҳолни отаси билиб қолса қизини ўлдириб қўйишидан қўрқди, лекин халифа ҳам уни беҳад яхши кўришини билгани учун таскин топди.

Зубайдабегим ҳарам оға Масрурни чақириб:

— Бориб Амиралмуслиминни айтиб кел,— деди.

Масрур халифа ҳузурига кириб деди:

— Аё Амиралмуслимин, сени Зубайдабегим йўқлайпти.

Халифа Зубайдабегимнинг оромгоҳига борди, Зубайдабегим оромгоҳида йўқ, Бадралбудур олдида экан. Халифа қизим касал ё унга бирон нарса бўлган, деб ўйлаб дарҳол унинг оромгоҳига кириб хотинчи билан қизи йиғлаб ўтиргани устидан чиқди.

— Парвардигор ғам-койиш ўрнига шодлик ато қилсин,— деди халифа,— ё раббим, нима ҳодиса рўй берди. айтинглар. Қизим, нега йиғлаб ўтирибсан?

— Сенга салтанат ато қилган расули худо ҳаққи, сўз бер, воқеани баён қилсак қизим иккимизга раҳм-шафқат қилгайсан,— деди Зубайдабегим.

Халифа Зубайдабегимнинг бу сўзини эшитиб, сўз берди. Зубайдабегим воқеани баён этди.

— Аё Амиралмуслимин, қизинг Бадралбудур ҳомиладор бўлибди.

Халифа бу сўзни эшитиб қайғудан беҳуш бўлиб йиқилди. Унинг юзига гулоб сепдилар, хушбўй нарсалар искатдилар. Халифа ҳушига келгач, қизига юзланиб сўради:

— Эй қизим, нима бўлиб бу ҳолга тушдинг? Менга айт, қизим, қўрқма, биттаю битта фарзандим, жигарпорамсан. Бу қилмишинг, албатта, зўр маломат, лекин айб сенда эмас. Айб ўзимда, сабабни, кўп подшоҳлар сени сўратганда бермаган эдим. Айт, қизим, бу иш ўз хоҳишинг билан бўлди-ми, ким бу қабиҳ ишни қилди?

— Эй падари бузруквор,— деди Бадралбудур,— ҳар кеча не ҳодисалар рўй беришини, нима бўлишини сенга айтиб бераман. Ҳар кеча қасримда ухлаб ётганимда мени оромгоҳимдан олиб кетадилар, кўзимни очиб ўзимни ҳаша-

матли ва ораста бир уйда кўраман, ёнимда барно ва хуш-  
рўй бир йигит ётади. Бу йигит шундоқ хушрўйки, таърифни  
қилганлар шундоқ дептилар:

Дилларни олиб қочди баланд тоғлара жийрон,  
Тим қора кўзи қилди, ажаб, барчани ҳайрон.  
Водии Салом узра учар ўқ каби оҳу,  
Бордир йўлида қанча чаман, тоғу биёбон.  
Борму, ажабо, аҳли башар ичра бу хил кўз,  
Жаннат ҳури айларми, ажаб, бўйла хиромон.  
Бўлмас икки оламда бу хил қад ила қомат  
Кўэларни кўзи айлади танг, волою ҳайрон.

Халифа хитоб қилди.

— Бу қандоқ ҳол қизим, мен худонинг ердаги сояси  
Амиралмуслимин бўлсаму, сен шундоқ балага мубтало бў-  
либ турсанг! Мен индамай кета олмайман! Лекин сен хо-  
тиржам бўл, қизим, айб сенда эмас, айбдор ким эканини  
билмай қўймайман!

Халифа вазири Жаъфарни чақирди. Жаъфар келиб таъ-  
зим қилди ва ер ўпди. Халифа унга қизни хусусидаги гап-  
ларни айтди.

— Аббоснинг равзан поки ҳаққи, қизимга озор еткур-  
ган кимсани топмасанг бошингни танангдан жудо қиламан.

— Аё Амиралмуслимин,— деди Жаъфар,— мен афсун-  
гар ва ё авлиё эмасман. Худонинг ўзи кечирсин, мен бу ас-  
рордан қандоқ воқиф бўламан! Лекин, ҳар нучук, бир тад-  
бир топамиз, қизинг Бадралбудурнинг муҳофазатига мир-  
шаб қўямиз ва шу тариқа бадкирдор ким эканидан огоҳ бў-  
ламиз.

— Билганингни қил, лекин мен бу малъун ким эканини  
билмоғим керак. Мен халифа, Амиралмуслимин бўлсаму  
ўз саройимда қизимни бадном қилсалар, тўшаги билан,  
худди чўридек, олиб кетсалар, элтиб бир нобакорга қўшса-  
лар! Эй Жаъфар, мен бунга тоқат қилолмайман!

Халифанинг ғазаби жўш уриб, қасамёд этди ва Жаъ-  
фарга:

— Қизимга озор еткурган кимсани топмасанг бошингни  
танингнидан жудо қиламан!— деди.

Жаъфар чиқиб кетди, шу кеча Бадралбудурнинг муҳо-  
фазатига миршаблар қўйди. Масрур билан бир неча сар-  
боз яроқ олиб, совут кийиб, сипар тутиб ётдилар.

Ҳаким бундан воқиф бўлиб Аловиддиндан сўради:

— Эй Аловиддин, бу кеча халифанинг қизига нима бўлди экан?

— Билмайман, оғо,— деди Аловиддин,— нима бўлганини мен қаёқдан биламан?

Ҳақим деди:

— Суйган ёринг сендан ҳомиладор бўлди. Бу ҳол ошкор бўлди. Онаси Зубайдабегим бундан воқиф бўлиб отасига айтди. Ҳозир сени қидирмоқдалар. Лекин Бадралбудурнинг муҳаббати сенга кучаймоқда, маломатга қолган бўлса ҳам, қилмишига иқрор бўлиб, сени тутиб бермоғи мумкин эмас.

Аловиддин ҳақимга деди:

— Сен менинг оғом ва падаримсан, лекин шундоқ бўлса ҳам қўрқаман, мени ўлдирсалар хафа бўлма, жоним Бадралбудурнинг кўзларига қурбон бўлсин.

— Қўрқма, ўғлим,— деди ҳақим, бу кеча дийдор кўришасан, Бадралбудур бугун бошидан нималар кечганини сенга сўзлаб беради. Халифа унинг қаерга боришини билмоқ ва унга озор еткурган кимсани тутмоқ мақсадида сарбозлар қўйдирди. Лекин мен бор, ўғлим, сендан дарак тополмайдилар, хотиржам бўл.

Аловиддин бу сўзларни эшитиб ҳақимни тавоф қилиб қўлларини ўпди ва деди:

— Мен сенинг ўғлингман, ҳимоятингдаман.

Кеч кириб қоронғи тушгандан кейин тўртта дев пайдо бўлиб Бадралбудур муҳофазатида бўлган сарбозларни қаттиқ ухлатиб қўйди, қизни тўшаги билан кўтариб Аловиддиннинг ҳузурига келтирди. Аловиддин ёрига кўз тутиб гўё оловда ёниб ўтирар эди. Қиз келиб тўшакда йиғлаб ўтирганини кўрди. Қиз ўрнидан туриб Аловиддиннинг юзидан бўсалар олди. Унинг кўз ёшлари шашқатор оқар эди.

Аловиддин сўради:

— Иншоолло, тинчанкми? Эй ёрим, нега йиғлайсан? Дилдорим, сўзла, сенга не бўлди?

Бадралбудур шу куни бошидан нелар кечганини айтди ва деди:

— Ҳомиладор бўлганимдан хабардор бўлдилар, мени муҳофаза қилиш ва қаерга боришимни, сенинг ким эканингни билиш ва ушлаш учун сарбозлар қўйдилар. Мен туфайли сени ўлдирмасалар эди деб қўрқаман, эй жоним!

— Ҳатто ўлдирсалар ҳам мени деб йиғлама,— деди Аловиддин, — жоним кўзларингга қурбон бўлади. Мен сен

билан саодатманд бўлдим, висолнинг лаззатини сўрдим. Бир кунлик висол лаззатини сўрсам армоним йўқ дер эдим. Маъсудман, сенинг ишқингда, хусусан соғ-саломат ва эсон-омон эканингни кўриб ўлсам, беармон кетаман. Билганларини қилсиналар. Худойи таоло иноят қилиб сен билан бутун бир йил ишратда бўлдим — кифоя! Бу дунёда менга яна нима керак? Сенга бўлган муҳаббатим туфайли мени ўлдирсалар жоним бош-кўзингдан садақа!

Бадралбудур бу сўзларни эшитиб қўрқув ва қайғудан беҳуш бўлди. Аловиддин унинг юзига гулоб сепди, ҳушига келгач деди:

— Эй соҳибжамоллар маликаси, эй дилбарим, сен мендан хавотирсан, ҳолбуки ҳакими ҳозиқ мени ўгил қилиб ўз ҳимоятига олди, васиқа битиб мени меросхўри қилди, мол-дунёсини менга мерос қилиб қолдирадиган бўлди.

Ҳаким пули кўп ва давлатманд одам бўлиб, таърифдан ташқари жавоҳирлар, казиналар соҳиби эди.

Аловиддин ҳаким ёзган васиқани, шунингдек, унинг пули ва хазинасини Бадралбудурга кўрсатди. Бадралбудур беҳад хурсанд бўлди. Аловиддин деди:

— Эй дилнавозим, Жаъфарнинг қилмишини биламан, отангга айтиб, сенинг муҳофизатингга сарбоз қўйган ўша. Лекин бундан фойда йўқ, қўлларидан ҳеч нарса келмайди.

Сўнг Аловиддин Бадралбудур иккови қадаҳ ва шароб келтириб, дастурхон ёнига ўтирдилар. Еб-ичиб, хурсандлик қилди. Ниҳоят, Бадралбудур қўлига уд олиб, юракни эзгувчи бир ҳавони чалиб, хониш қилди:

Муҳаббатдан ёруғ дил ҳам қоронгу,  
Муҳаббатда севинч бор, ҳамда қайғу.  
Аё дўст, сўрма мендан не дебон ул,  
Муҳаббат шаҳду шаккардир ҳам оғу.

Иккови маст бўлиб бир-бирига ёнбошлаб қолди, сўнгра ҳар кунгидек, тўшакка қадам қўйди, икки ой ёки оҳудек бир-бирини оғушига олиб ётдики, буларнинг таърифида шоир дебдир:

Ётар ошнқ ва маъшуқ, айлаб ишрат,  
Кўзим бўлсин аларга жойи хилват.

Иккови шу тарзда саҳаргача ётди.

Тонг отганда Бадралбудур қасрига қайтиб келди. Унинг отаси халифа, вазир Жаъфар тонг отишини орзиқиб

кутди. Тонг отгач, иккови Бадралбудурдан хабар олгани кириб, унинг оромгоҳида учрашиб қолди. Сарбозлар маст уйқуда эди. Халифа Жаъфарга деди:

— Назаримда бугун ҳеч кимса келган эмас.

Шу он сарбозлар уйғондилар. Ҳарам оғаси Масрур ҳам уйғонди. Халифа булардан сўради:

— Ҳеч кимсани кўрдиларингми?

— Ҳеч кимса келгани йўқ, Амиралмуслимин,— деди сарбозлар.

Бадралбудур бу сўзни эшитиб:

— Ёлгон, малъунлар!— деди ва отасига юзланди:

— Худо ҳаққи, падар, буларнинг сўзига инонма! Ҳаммаси итдай ириллаб, хуррак отиб ётди. Мени яна ўша йигитнинг оромгоҳига элтдилар, йигит яна мен билан ётди.

Халифа дарғазаб бўлиб, сарбозларни дорга буюрди. Шунда Бадралбудур отасига деди:

— Падар, бундоқ гуноҳ ишни қилмоқ, буларни ўлдиртирмоқ сенга раво эмас! Ўзинг билан Жаъфардан ўзга ҳеч кимса бу воқеанинг замирига етолмайди ва унинг олдини ололмайди. Бугун сарбозлар билан бирликда ярим кечагача бедор бўлингиз, агар бирон кимсани кўриш сизга муюссар бўлса хайр, агар сарбозлардек ухлаб қолсангиз, у ҳолда айб сарбозларда эмас, балки мени олиб кетадиган девлардадир.

— Тўғри мулоҳаза, Жаъфар,— деди халифа.

— Орий, Амиралмуслимин, ҳақ гап,— деди Жаъфар.

Бадралбудурни бу кеча халифа билан Жаъфар иккови муҳофазат қиладиган бўлди.

Қоронғи тушгандан кейин халифа билан Жаъфар бир қанча сарбозларни олиб Бадралбудурнинг оромгоҳига кириб ўтирдилар, лекин фурсат етганда ҳаммалари ўликдай қотиб ухлаб қолдилар. Буларни дев Кашкаш ва унинг шоғирдлари ухлатган эди.

Девлар Бадралбудурни тўшаги билан кўтариб Аловиддиннинг оромгоҳига элтдилар. Халифа билан Жаъфар ва сарбозлар шу ётганларича Бадралбудур қайтиб келганда ҳам уйғонмадилар. Бадралбудур булар ҳамон ухлаётганларини кўриб ҳарам оғаси Масрурни уйғотди ва:

— Ҳукмдорингни уйқудан уйғот!— деб буюрди.

Масрур бориб халифани уйғотди. Ҳамма ўрнидан турди. Бадралбудур халифа билан Жаъфарга юзланиб деди:

— Менинг сўзим рост эканми? Сизларга нима деган эдим? Қани, падар, айт, бу кеча нимани кўрдинг?

— Эй қизим, ҳеч нарсани кўрмадим,— деди халифа.

Бадралбудур деди:

— Мени дев олиб кетган эди, йигитнинг оғушидан ҳозир туриб келдим. Мен сенга шунинг учун: «Сарбозларни ўлдириб гуноҳга ботма» деган эдим. Мени ҳар кеча олиб кетгучи дев сени ҳам, сарбозларни ҳам илму амал билан ухлатиб қўйган.

Халифа ғазаби жўш уриб нима қилишини билмай қолди ва Жаъфарга деди:

— Эй Жаъфар, бу қандоқ кимса эканини билмоқдан ўзга тилагим қолмади.

Жаъфар жавоб берди:

— Аё Амиралмуслимин, бу сарбозлардан бир иш чиқмайди. Энди бир тадбир қолди, холос. Бадралбудурнинг тўшаги остида тешик бир халтада ун қўймоқ керак, халтанинг бир учи тўшак остидан чиқиб турсин. Дев Бадралбудурни кўтариб кетганда ун халтанинг тешигидан тўкилиб боради. Биз эрталаб ун тўкилган издан борамиз шу тариқа у кимса ким эканини биламиз.

— Волло-билло, бундан ўзга мақбул тадбир йўқ, сени худо ёрлақасин!— деди халифа.

Булар Бадралбудурнинг тўшаги остига тешик халтада ун қўйдилар. Халифа билан Жаъфар бир неча сарбозлар билан биргаликда кечани Бадралбудур оромгоҳида ўтказдилар ва яна ухлаб қолдилар.

Бадралбудур эрталаб Аловиддиннинг оромгоҳидан қайтди ва буларни уйғотди. Халифа тонг отишини кутиб ётган эди. Бадралбудур уйғотгандан кейин ҳаммалари унинг тўшагидаги бўш халтани кўрдилар.

Бу воқеа ҳақимга аён бўлди ва эрталаб Аловиддинга деди:

— Эй ўғлим, Жаъфарнинг макри билан халифа сенинг изингга тушди. Бугун халифа келиб сени қидиради. Халифа, Жаъфар ва бир неча сарбоз билан келади, қўрқма.

— Эй падар,— деди Аловиддин, сиздек отам бор экан, мен халифадан ҳам, бошқа кимсадан ҳам қўрқмайман!

Халифа Ҳорун ар-Рашид, Жаъфар ва кўп сарбозлар билан биргаликда халтадан тўкилган ун изидан Аловиддиннинг қасрига йўл олди.

Ҳақим бундан огоҳ бўлиб Аловиддинга деди:

— Эй Аловиддин, бир жом сув олиб томга чиқ, сувни қаср атрофига сепиб туш.

Аловиддин бир жом сув олиб томга чиқди ва қаср атрофига сепди. Қаср атрофида дарҳол мавж уриб турган денгиз, одам ўтолмайдиган тоғлар пайдо бўлди. Аловиддиннинг қасри оролга айланди.

Халифа ва унинг одамлари келиб, мавж уриб турган денгизни кўргач, саросимага тушди ва Жаъфарга юзланиб сўради:

— Эй Жаъфар, бу ерда денгиз қаёқдан пайдо бўлди?

Жаъфар жавоб берди:

— Аё Амиралмуслимин, Бағдодда Дажла дарёсидан ўзга бирон дарё ва денгиз борлигидан бехабарман. Бу жодудан ўзга нарса эмас. Сарбозларга буюр, отланиб денгиздан ўтсинлар, қасрга бориб йигитни келтирсинлар.

— Мана бу мақбул тадбир!— деди халифа ва сарбозлардан бир қанчасига фармон берди. Лекин сарбозлар денгизга тушиб ғарқ бўлдилар. Халифа бошқа сарбозларни юборди. Улар ҳам ғарқ бўлдилар. Шундай қилиб сарбозларнинг кўпи ҳалок бўлди.

Ҳаким дарчадан қараб халифага деди:

— Аё Амиралмуслимин, бу одамларнинг қонига зомин бўлма! Бу денгизни бино қилган, сувини мавж урдирган кимса сенга тобе эмас, сендан қўрқмайди. Сарбозларингни ҳалок қилма, акс ҳолда мен бутун шаҳарни ва ўзингни ҳам ғарқ қиламан. Сен худойи таолонинг соясисан, сенга ҳурматан айтаманки, қайтиб кет, биз ўзимиз ҳузурингга борамиз.

Халифа Жаъфарга юзланиб сўради:

— Бу қандоқ ҳол, Жаъфар?

Жаъфар жавоб берди:

— Аё Амиралмуслимин, бир лаҳзада шундоқ денгизни бино қилган кимса бутун шаҳар билан бизни ҳам ғарқ қилмоққа қодир. Саройга қайтиб бунинг сўзи ростлигини синаб кўрмоқни маъқул деб ўйлайман. Бу одам зодагонлардан, баланд рутба эғаси, исломнинг муҳибига ўхшайди, сабабки, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафони шафеъ келтирди.

Халифа билан Жаъфар омон қолган сарбозларни олиб саройга қайтди. Халифа оромгоҳига кирди, қизи маломатга қолгани ва номуси барбод бўлгани учун дунё кўзига тор бўлди, бадкирдорга қарши қўлидан ҳеч нарса келмаганидан ғазаби жўш урди, юрагига кўкрак қафаси торлик қилди.

Халифа куйиб-қовжираб ўтирган эди, бирдан Аловид-



дин билан ҳақим кириб келди. Булар халифага рўбарў бўлганда халифа қиличбардор Масрурга юзланиб деди:

— Қиличбардор, бу малъуннинг калласини менга олиб бер!

Бадралбудур оромгоҳи дарчасининг панжарасидан қараб турган эди, жаллодлар келиб Аловиддинни ўлдирмоқ мақсадида унинг кўзини боғлаганини кўрди ва ҳушдан кетиб йиқилди. Унинг олдида сиридан воқиф бўлган каниздан бошқа ҳеч кимса йўқ эди, каниз дарров унинг юзига гулоб сепди, Бадралбудур ҳушига келди.

Қиличбардор Аловиддиннинг атрофида уч марта айланди ва халифадан сўради:

— Дё Амиралмуслимин, бу йигитнинг бошини олайми?

— Тезроқ ол!— деди халифа.

Қиличбардор қилични кўтариб Аловиддиннинг бўйнига урди. Бироқ қилич халифанинг сўйган аъёнларидан бирининг бўйнига тушди, калласини учириб юборди.

Халифа қиличбардорга деди:

— Кўр бўлдингми, банги, нега нишонга уролмадинг? Бу малъун туфайли сарбозларимиз денгизда ғарқ бўлгани каммиди, яна улуғ амирни ўлдирдинг! Ҳозир менга бу малъуннинг калласини олиб бер! Агар яна хато қилсанг бошингни оламан!

Жаллод қиличини кўтариб яна урди, бироқ қилич бошқа бир амирнинг бўйнига тушиб, калласини танидан жудо қилди.

Халифа дарғазаб бўлиб, жаллоднинг бошини олмоққа буюрди. Жаъфар деди:

— Дё Амиралмуслимин, айб жаллодда эмас. Бугун сенга нима бўлди? Узинг ўйлаб кўр: қизинг сарбозлар муҳофазатида бўлгани ҳолда уни саройдан олиб кетадиган, бир дақиқада денгиз бунёд қилган кимса жаллодни адаштириб, бизни ўлдиртиришга, подшоҳликни сендан тортиб олишга қодир эмасми?

— Нима маслаҳат берасан?— деди халифа.

Жаъфар жавоб берди:

— Дё Амиралмуслимин, маслаҳатим шуки, йигитнинг отаси ҳақимнинг иззатини қилиб, ёнингга ўтқиз, сабабки, ҳақим сенинг иззатингни бажо келтирди, йўқса бутун шаҳарни, ҳаммамизни денгизга ғарқ қилдиради. Бунинг устига ҳақим сенинг хизматингга келди. Сен унинг иззатини қилмадинг, билъакс ерга уриб, ўғлини ўлдирмоқчи бўлдинг. Ҳақим меҳрибончилик қилиб қилични сенинг бошингга б

менинг бошимга туширтирмагани учун ўз номидан унга ташаккур изҳор қиламан. Сен дарҳол уни эъвоз-икром қил, ўғлига инъом-эҳсон қил, бир фалокатга дучор бўлмайлик. Шундоқ қилмасанг пушаймон бўламиз. Бундоқ одамни, қўлидан шунча иш келадиган ҳукамони иззат қилмоқ керак, сабабки, бу одам подшоҳликка шавкат келтиради.

Халифа Жаъфарнинг сўзи ҳақ эканини кўриб, ўрнидан турди ва ҳакимни қучоқлаб деди:

— Волло-билло, эй биродарим, мен қадр-қийматингни билдим, ўғлингни ҳурмат қилмоқ зарур эканини англадим.

Ҳаким унга таъзим қилди, халифага шон-шавкат тилаб, ташаккур изҳор этди.

Халифа Аловиддинга шоҳона либослар кийгизди, ҳакимга ўз ёнидан жой берди, Аловиддинни унинг ёнига ўтқазди.

Бадралбудур ҳушдан кетиб, каниз юзига гулоб сепгандан кейин ҳушга келди-ю Аловиддиннинг қайғусини еб, ўзини тўшакка ташлади, сўнгра, канизга дарчадан қарашни, ёрининг аҳволдан хабар олишни, Аловиддинга биров ҳомийлик қилаётганини, йўқми эканини билишни буюрди.

Шу орада халифа ҳакимга деди:

— Эй алломайи замон, сенинг ақлу идрокинг қизимнинг бадном, кўп сарбозларимни ўзинг бунёд қилган денгизда ҳалок бўлишини тақоза қилдимми?

— Аё Амиралмуслимин, — деди ҳаким, — мен мусофир одамман, мен бу йигитнинг тузини татидим, сўнгра, уни ўғил қилиб ўз ҳимоятимга олдим, ўзимга ворис қилдим. Унинг танг аҳволга тушиб қолгани менга аён бўлди. Ундан ҳол-аҳвол сўрадим. Йигит ҳеч нарсани махфий тутмасдан сўзлади, қизинг хусусида бошдан кечирганларини айтиб берди. Шунда билдимки, иккови бир-бирига кўнғил берибди, бир-бирининг висолига етмаса, иккови ҳам ҳалок бўлади. Мен икковини ҳалокатдан қутқариб дийдор кўриштирдим. Менга таъна этма, сабабки, агар мен шундоқ қилмасам қизинг ҳалок бўлиб, мусибатга қолар эдинг. Бунинг учун менга ташаккур изҳор қил, ёмон сўз айтма, эндиликда қизингни шу йигитга бер.

— Модомики сенинг хоҳишинг шу экан, — деди халифа, — бу йигитни ўғил қилиб олган экансан, сенга ҳурмат кўрсатмоғимиз ва хоҳишингни бажо келтирмоғимиз зарур.

Халифа дарҳол куёвга муносиб яна бир жома олдириб Аловиддинга кийгизди, ўнг томонидан унга жой берди; ҳакимни сўл томонидаги тўшакка ўтқазди.

Бадралбудурнинг сиридан воқиф бўлган каниз Аловиддин билан ҳақим иззат-ҳурмат ва туҳфага сазовор бўлганини кўриб хурсанд бўлди ва бу хушxabарни дарҳол Бадралбудурга етказди. Бадралбудур ниҳоятда шод бўлди, югуриб дарча олдига келди ва қараб, ёри Аловиддин отасининг ўнг томонида шоҳона жома кийиб ўтирганини кўрди, шодликдан терисига сигмай қолди.

Халифа тўй-томоша қилдирди. Никоҳ ўқитдириб Аловиддинни Бадралбудур ҳузурига киритди. Ўттиз кун тўй-томоша бўлди. Халифа Аловиддиннинг хушахлоқ, ширин калом ва соҳибжамол эканини кўриб, унга ҳаддан зиёд мафтун бўлди.

Булар бир қанча вақт шу тариқа умр кечирдилар. Кунлардан бир кун халифа ўз ишратхонасида шароб ичиб, ҳақим билан суҳбатда, Аловиддин унинг ёнида ўтирар эди. Ҳақим ёнига қараб, икки шернинг сурати соллинган ипак пардани кўрди ва қўли билан ишора қилган эди, шерлар жон пайдо қилиб, кўк ўкиргандай ўкира кетди. Ҳозир бўлганлар қўрқувдан ўтирган ерларида қотиб қолдилар.

Халифа вазири Жаъфарга юзланиб сўради:

— Эй вазир, бу нечук асрор?

Вазир жавоб берди:

— Аё Амиралмуслимин, худойи таоло бу одамни сенинг ҳузурингга умрингда кўрмаган мўъжизаларни кўрсатгани юборган.

Ҳақим шерларга ишора қилди. Икки шер икки мушукка айланди-ю, уриша кетди. Аҳди мажлис яна ҳам ҳайратга тушдилар.

Халифа Жаъфарга деди:

— Эй Жаъфар, ҳақимга айт, бизга бошқа ғаройиботларни ҳам кўрсатсин.

Ҳақим деди:

— Бош устига, аё Амиралмуслимин! Бир жом сув келтирилсин.

Бир жом сув келтиришгач, ҳақим деди:

— Ким мўъжиза кўрмоқни истайди?

Жаъфар: «Мен истайман!» деди. Ҳақим: «Либосингни еч, лунги тут» деди. Вазир либосини ечиб лунги тутди. Ҳақим: «Жомга ўтир!» деди. Жаъфар жомга ўтирди, ўтириши билан ўзини «Тушган одам беном-нишон кетадиган, омон қутулиб чиққан одам қайта туғиладиган» чексиз бир денгизда кўрди.

Жаъфар соҳилга чиқмоқчи бўлиб сузди, лекин соҳилга етай деганда тўлқин ичкарига отар эди. Ниҳоят, тўлқин соҳилга отиб, урди-ю, Жаъфар денгиздан чиқиб олди.

Жаъфар у ёқ-бу ёғига кўз ташлаган эди, қараса, хотин қиёфасига кирибди: узун сочлари елкасига тушиб, кўкрак пайдо қилибди, Жаъфар хитоб қилди: «Ё олло! Бу не ҳол! Худойи таоло — қодир якто! Оллоҳу таоло сени яна не кўйга солар экан! Бу ҳаким қаёқдан ҳам келди! Эй раббим, буни ғазабингга гирифтор қил!» Кейин: «Ҳаким бирон жойга беркиниб туриб бу сўзларимни эшитмадимикин» деб қўрқиб кетди ва деди:

— Дарҳақиқат, бу одам замонда тенги-тимсоли йўқ улуг аллома экан! Бу ҳол унинг мўъжизаларидан бир зарра халос, унинг ғаройиботи кўпдир.

— Тамом бўлдим,— деди Жаъфар ичида.— Вазири аъзам эдим, хотин бўлиб қолдим. Шайтони ражимдан паноҳ излаб тангри таолога сиғинаман! Худонинг бандасимиз, худога бандалик қиламиз!»

Жаъфар ўзича шу сўзларни айтиб турганда бир балиқчи балиқ овлагани келиб қолди. У қаршисида хушрўй бир аёл турганини кўриб хитоб қилди:

— Волло-билло, бугун омадим келган кун экан. Яратганга ҳамду санолар бўлсин. Бу денгиз қизларидан бўлса керак. Катта энам денгиз қизлари соҳибжамол ва дилрабо бўлади дер эди.

Балиқчи ниҳоятда хушнуд бўлиб деди:

— Бу қиз ўғлимнинг насибаси, ўғлим ишрат қилсин деб худойи таоло ато қилган.

Жаъфар бу сўзларни эшитиб ўзига деди: «Эй Жаъфар, соқолинг йўқолиб қолгани бежиз эмас. Бу балиқчининг ўғли бу кеча қўйнингга кириб комига тортади, ё раббим, бу кечани менга кўрсатма! Бундан ёмон кўргулик бўлмас. Қани соқолим, қани эрлигим! Бир лаҳзада хотин бўлдим қолдим, балиқчи ҳозир ўғлини олиб келади. Халифалик, салтанатни энди ким идора этади? Дарҳақиқат, қодир оллонинг қулимиз, унга бандалик қиламиз!»

Балиқчи шодлигидан балиқ ҳам овламади, хушрўй аёл қиёфасида бўлган вазирни олиб уйига йўл олди, уйига келиб хотинини чақирди ва деди:

— Товушингни чиқарма, хотин! Биллои азим, умримда овим бунчалик ўнгидан келган эмас: денгиз қизларидан энг гўзалини тутиб келдим! Азбаройи худо, тангрим менга келин юборди. Уғлинг қани?

— Хўкизларни олиб қўш ҳайдагани кетган эди, ҳозир келиб қолади,— деди балиқчининг хотини.

Шу аснода балиқчининг ўғли келиб қолди.

Жаъфар уни кўриб худойи таолога нола қилди ва ичида деди: «Ҳайҳот, шўрим қуриди! Эй худо, бу бадбуруш менга эр бўладиган кечани кўргулик қилма! Қандоқ фалокатга қолдим. Мен хаифанинг вазири Жаъфар бўламан» десаммикин? Булар менинг сўзимга инонмаслар, сабабки, менда хотинлик аломатлари мавжуд, эркаклигимдан бирон нишона қолган эмас. Соқол-мўйлабим ва бошқа аломатларим қаёққа кетди? Шўрим қурсин! Бу кўргуликдан қандоқ халос бўлсам экан? Қаёқдан ҳам мўъжиза кўраман дедим! Қаёқдан ҳам лақмалик қилдиму ҳаким менга умримда кўрмаган нарсаларни кўрсатди. Бошимга келган бу фалокатдан энди халос тополмайман! Ҳолим қолмади... Вазир Жаъфарни балиқчининг ўғли никоҳига олади! Бу қандоқ бўлди, бу йигит мен билан ётади, мени комига тортади! Бу йигит кучга тўлган бўлса керак, эй худо паноҳингда сақла!.. Эй Жаъфар, худо бу мушкулингни осон қилмайди, сабабки, ўзингга ўзинг қилдинг! Нима жин урди-ю, мўъжиза кўришни орзу қилдинг, тинчгина ўтирсанг бўлмасмиди?! Уз бошига бало чорлаган кимсани худо балодан халос этмайди.

Балиқчи ўғлини чақириб деди:

— Эй ўғлим, хўкизларни оғилга боғлаб кел, мана бу қизни хотин қилиб ол, қўйнига кир, айш қил. Бу қизни худонинг ўзи юборди, қўша қаринглар. Бахтинг бор экан, ўғлим, қиз сендан олдин ҳеч кимга насиб бўлмапти, сендан кейин ҳам ҳеч кимга насиб бўлмайди.

Балиқчининг ўғли хурсанд бўлиб, қиз қиёфасидаги Жаъфарни қўлидан тутиб, ётгани олиб кирди ва мурод мақсадига етди. Жаъфар ундан ҳомила пайдо қилди ва тўққиз ойда туғди.

Жаъфар балиқчининг ўғли билан етти-саккиз йил умр кечирди ва ундан етти бола кўрди. Жаъфар ҳар йили ҳомила кўриб, туғиб, азоб-уқубатлар чекди ва балиқчининг ўғлидан безор бўлди; хўкиз боқиб, ер ҳайдаб кўп жафотортди.

Кунлардан бир куни Жаъфар бу тирикликдан безиб, ўзига деди: «Қачонгача азоб-уқубат чекиб шу тариқа умр кечираман? Бориб ўша денгизга ўзимни ташлайман. Ўзга чора қолмади. Нима бўлсам бўларман! Бу азоб-уқубатлар, лаънати эримни башарасини кўрганимдан фарқ бўлиб ўлганим афзал». Жаъфар ўрнидан турди, кўчага чиқди, ден-

гиз бўйига келди, денгиз катта, жон ширин, «Ўзимни ташласамми, ташламасамми» деб ўйлаб қолди.

Жаъфар шу аҳволда турганда тўлқин келиб урди-ю, уни денгизнинг ўртасига улоқтириб юборди. Жаъфар сузиб кетди ва ғарқ бўлишига оз қолди, шу аснода боши жомдан чиқди-ю, халифа, ҳаким, Аловиддин ва буларнинг атрофида ўтирган бошқа аъёнларни кўрди. Вазир ўзининг аҳволига кулди, бу балолардан қутқарган худога шукур қилди.

Халифа ундан сўради:

— Эй Жаъфар, нималарни кўрдинг?

Жаъфар бошига тушган можаролардан биронтасини ҳам сўзлашни истамас эди, лекин:

— Эй Амиралмуслимин, — деди, — жаноб ҳакимнинг мўъжизалари дарҳақиқат ақлни ҳайратга солади. Менинг кўрган-кечирганларим ақлни лол қилади. Ана боғлар, ана бўстонлар, ана шаҳло кўз ҳурлар! Мўъжиза! Ғаройибот! Бунингдек ғаройиботни ҳеч кимса умрида кўрган эмас. Аё Амиралмуслимин, бу ғаройиботни ўз кўзинг билан кўрмоқ истасанг, марҳамат қил, жомга ўтир, умрингда кўзинг кўрмаган, қулоғинг эшитмаган ғаройиботни кўрасан.

Халифа ўрнидан туриб либосини ечди, лунги тутиб жомга ўтирди ва ўзини бепоён денгизда кўрди, ғарқ бўлишдан қўрқиб сузиб кетди. Шу аснода катта бир тўлқин келиб урди-ю, уни соҳилга улоқтирди. У яланғоч, совуқдан қалтираб соҳилга чиқди ва ичида деди: «Водарифо! Ҳаким билан Жаъфар тил бириктириб салтанатимни тортиб олди. Энди ҳаким менинг ўрнимга халифа бўлади. Қаёқларга келиб қолдим, бу кўргиликнинг менга нима кераги бор эди!»

Халифа шундоқ деб турганида баногоҳ тўрт қиз шу ердаги наҳрдан сув олгани келиб қолди. Қизлар халифадан: «Кимсан, одаммисан, девмисан?» деб сўрадилар. Халифа жавоб берди:

— Одамман, одамларнинг сарасиман, лекин мусофирман, қаёнга боришимни билмайман.

— Қай иқлимдан бўласан? — деб сўрадилар қизлар. Халифа: «Бағдодданман» деб жавоб берди. Қизлардан бири хитоб қилди:

— Бағдодликларнинг худо баракасини берсин, у ер худонинг ердаги сояси Амиралмуслиминнинг маконидир.

Сўнг қиз халифага юзланиб деди:

— Эй бағдодий, мана шу тепаликка чиқиб қарасанг

Уммон отлиқ шаҳри азимни кўрасан. Уша ерга борсанг қўшхона ва оромгоҳ топасан.

Халифа қизнинг бу сўзини эшитиб кўнглидан ўтказди «Бағдодда худонинг сояси Амиралмуслимин истиқомат қилгани сабабли бу қиз Бағдод одамларини хуш кўриб изват қилади, мен ўша халифаннинг ўзиман-ку. «Мен Халифаман» деб кўрсам нима бўлар экан? Қизнинг менга бирон ёрдами тегмасмикин? Йўқ, бундоқ десам қизлар беақл одам экан, деб ўйласалар керак, биронтаси ҳам сўзимга ишонмас».

Халифа қизлар билан хайрлашиб, булар айтган тепаликка чиқди, тепаликдан ошиб нариги томонга тушди. Кўз ўнгида бир шаҳри азим намоён бўлди. Халифа шаҳарга кирди.

Шаҳар аҳолиси уни яланғоч ҳолда кўриб: «Бу одам савдогар бўлса керак, кемаси фарқ бўлганга ўхшайди» деди. Одамлар унга эски либос бердилар. Халифа эски либосни кийиб, бирон жой топиш, қорни оч бўлгани учун тамадди қилиш мақсадида шаҳар айланиб юрди.

Растада бир баковулнинг дўконига кўзи тушиб тўхтаб қолди, қорни оч, ўзи ҳолдан тойган эди, қандоқ қилиб бир луқма таом ва ё бир бурда нон топсам деб туриб қолди. У бировга қўл чўзгани журъат қилолмас эди.

Халифа шунинг хаёлини суриб турганида дўкон эгаси уни кўриб қолди ва: «Бу одам бадавлат бўлиб, кемаси фарқ бўлган, ҳозир оч бўлса керак» деб ўйлади-ю, сўз қотди:

— Мусофир бўлсанг керак. Истасанг шу ерда тур, хизматимни қил. Ҳар куни икки дирҳам ҳақ бераман, қорнингни тўйғизаман.

Халифа бу сўзларни эшитиб кўзларидан шашқатор ёш оқди ва кўнглидан ўтказди: «Эй бевафо дунё, халифа эдим, энди баковулнинг хизматини қиламанми! Лекин, воллобилло, шунга сазоворман! Ҳақимнинг мўъжизаларини кўриб нима қилар эдим. Ўзига ҳам минг лаънат, фаройиботи ҳам бошида қолсин!..»

Халифа бу гаплардан фойда йўқлигини кўриб баковулга деди:

— Хўп, ого, розиман, шу ерда тураман, хизматингни қиламан.

Баковул халифани дўконига олиб кирди. Халифа унинг хизматини қилиб, идиш-товоғини ювиб узоқ вақт шу ерда турди ва доимо ўзига дер эди: «Сенинг жазонг шу, қилмишингга бу ҳам оз. Эй ҳукмдор, малъун ҳақимнинг фаро-

Ўйиботини кўриб нима қилар эдинг? Бутун давлатимни қўйиб баковул бўлиб юрибман, кошки баковул бўлсам, баковулнинг хизматкориман! Халифалик қилиб сарват, ҳашамат ва давлатдан баҳраманд бўлиш ўрнига идиш-товоқ ювиб ўтирибман. Мен таом егани дастурхонга ўтирганимда жанийларим мусиқи чалиб хониш қилар эдилар. Эндиликда табақ ялайман! Лақма ва ўзига даҳли бўлмаган нарсаларни сўрай берадиган кишининг жазоси шу! Бу можаронинг менга нима кераги бор эди, нима учун бошқа ҳеч кимса кўрмаган кулфатни бошимга келтирдим! Эй худо, нима гуноҳ қилган эдим, нима учун бу балога гирифтор қилдинг?»

Бир куни халифа шуларни ўйлаб кетаётган эди, заргарлар растасидан чиқиб қолди. Шаҳардан ташқари денгизнинг саёз жойида дуру гавҳар кони бор эди. Халифа ҳар куни идиш-товоқ ва качкулларни ювиб бўлганидан кейин, денгизга шўнғиб дур ахтараётган гаввосларни томоша қиладиган бўлди. Бир куни шуларни томоша қилиб туриб кўнглига: «Заргарлар растасида даллолик қилсам қалай бўлар экан» деган гап келди ва ўзича: «Ҳар нечук, даллолик баковулга хизматкор бўлиб идиш-товоқ ювишдан яхшироқ. Билло, баковулнинг дўконида истиқомат қилишдан безор бўлдим, баковулнинг дийдорини кўришдан ва ошхонанинг бадбўйлигидан халос бўлишим керак» деди.

Халифа тунни ўтказиб, эрталаб заргарлар растасига борди ва даллолар турадиган жойда турди. Баногоҳ бир одам офтобдек мунаввар ва бебаҳо бир жавоҳир кўтариб келди. Халифа бу тошни кўриб ҳайратга тушди ва ичида: «Халифа бўлиб, умримда бундоқ қимматбаҳо тошни кўрган эмасман» деди.

Халифа бориб тошнинг соҳибидан сўради:

— Бу тошни сотмоқ истайсанми?

— Ҳа, шуни сотмоқ истайман,— деди тошнинг соҳиби.

Халифа жавоҳирни унинг қўлидан олиб, харидор чақирди.

— Жавоҳир деган борми! Тош деган борми!

Халифа жавоҳирни кўтариб дўкандорлар олдида юрди. Савдогарлар қимматбаҳо тошнинг жилосини кўриб саросимага тушдилар.

Унга эллик минг динор баҳо қўйилди, лекин халифа тошни қимматроқ сотиш мақсадида бозор айланаверди. Тошнинг баҳоси юз минг динорга чиққанда халифа қайтиб, эгасига баҳони айтди. Тошнинг соҳиби деди:



— Бориб ўша харидорга давлат тила, пулини ол. Мен бир жойга бориб келаман.

Халифа бориб юз минг динор бермоқчи бўлган харидорга деди:

— Худо давлатингни виёда қилсин. Тошни ол, пулни бер.

— Тошнинг соҳиби қаерда? — деди харидор.

— Унинг соҳиби менга ваколат берди, — деди халифа.

Харидор деди:

— Қўл қўлни танийди, бориб айтиб кел, пулни ўзига бераман.

Халифа бориб тошнинг соҳибини тополмади ва қайтиб келиб харидорга деди:

— Тошнинг соҳиби ўзим бўламан, пулни беравер.

Харидор пулни бермоқчи бўлди-ю, яна ўйлаб, халифа қўлидан тошни олди. Синчиклаб қараса, бу жавоҳир тошга айланган дарахтнинг бир парчаси экан, саросимага тушиб, халифага деди:

— Эй малъун, қачондан бери бу касбни қиласан, қалбаки тош ясаб савдогарларга сотасан?

Буларнинг можаросини бошқа савдогарлар ҳам эшитиб, халифани ўраб олдилар: бири халифани ҳақорат қилар, бири мушт кўтарар, яна бири урарди, ниҳоят қўлини орқасига боғлаб султоннинг ҳузурига олиб бордилар.

Султон сўради:

— Бу кимсанинг гуноҳи нима?

— Аё Амиралзамон, бу одам қалбаки тошлар ясаб, шаҳардаги савдогарларга фириб берди.

Султон бу сўзни эшитиб, дарҳол Халифани дорга оситишни буюрди. Халифанинг бўйнига сиртмоқ солдилар, бошини яланғоч қилиб: «Қалбаки тошлар ясаб султоннинг бозорида одамларга фириб берган кимсанинг жазоси шу!» — деб бонг урдилар.

Халифа тақдирини ўйлаб деди:

— Волло-билло, бу эрмак менга жабр! Эрмак деб шу балоларга гирифтор бўлдим-ку! Халифа эдим, баковулга хизматкор бўлиб идиш-товоғини ювдим, шу касбни қилиб тинчгина ўтирсам бўлар эди, даллоликни орзу қилиб, ма-на энди осиладиган бўлиб турибман... Худойи таоло — қодир якто! Илгари одамларни мен осдирар эдим, менинг фуқароларим энди ўзимни осадиган бўлиб турибди. Волло-билло, жарчи ҳақ, бу янглиғ томошани майл этган кимсанинг жазоси шу! Эй худо, менинг даллол бўлишимга ва осилишимга сабабкор бўлган ҳакимни қаҳрингга ол!

Сўнгра, халифани дор остига олиб бордилар, дорнинг остидаги курсига чиқармоқчи бўлдилар. Халифа курсига чиқаётиб кўзини очди, қараса, жомдан чиқиб келаётибди.

Ҳаким, вазир, аъёнлар халифага мунтазир эдилар. Вазир Жаъфар халифани кўриб ўрнидан турди, кулиб ер ўпди.

— Сабаб куласан, Жаъфар? — деди халифа.

Жаъфар жавоб берди:

— Аё Амиралмуслимин, мен хурсанд бўлганимдан кулаётибман, худойи таоло бошимга келган балодан халос қилганига шукур қилаётибман.

— Бошингга қандоқ бало келган эди? — деб сўради халифа.

— Аё Амиралмуслимин, — деди Жаъфар, бошимга келган балоларни айтсам инонмайсан деб қўрқаман.

— Сабаб инонмайман? Волло-билло, сен инону ишончага лойиқсан. Гапир! — деди халифа.

Жаъфар деди:

— Жомга тушиб ўзимни мавж уриб турган денгизда кўрдим. Ғарқ бўлмаслик, яқин соҳилга чиқмоқ учун сузим. Катта бир тўлқин келиб урди-ю, мени соҳилга чиқариб ташлади. Соҳилга чиқиб олганимдан кейин ғарқ бўлмаганимга шукур қилиб турган эдим, қарасам, аёл қиёфасига кирибман: соқол-мўйлабим ва бошқа эркаклик аломатларим йўқ, ўн саккиз яшар ифбатли қиз бўлиб турибман, барча хотинлик аломатлари зоҳир.

Шундан кейин бир балиқчи учраб мени уйига элиб, ўғлига олиб берди. Мен бу йигитдан етти фарзанд кўрдим, бошимдан кечгани шу. Менинг эрим — балиқчининг ўғли ҳўкизлар кетидан юрадиган бир бедаво деҳқон бўлиб, малъун хоҳлаган вақтида мени комига тортар эди.


— Эй ит, эй итвачча! — деди халифа, — эрга тегибсан, деҳқоннинг ўғли сени комига тортибди, туғибсан, лекин, ҳар нечук, ишрат қилибсан. Сўзни мендан эшит, мен ҳозир дор остидан қайтдим!

Халифа бошидан кечирганларни ҳозир бўлганларга сўзлаб берди, ҳакимнинг маҳорати ва заковатига таҳсин қилди.

Халифа ҳакимга жома кийгизди, инъомлар берди. Ҳаким халифа ва Аловиддин билан бирга саройда қолди. Аловиддин ва хотини Бадралбудур айш-ишрат ва висол заволни бўлмиш — қазо етиб келгунча хурсандлик, ҳузур-ҳаловатда умр кечирдилар.




Али бобо ва  
қирқ қароқчи  
ҳамда каниз  
Маржона ҳақида  
муфассал ҳикоят



Бурун замонда ўтган халқларнинг ривоятларига кўра Эрон Хуросонидаги шаҳарлардан бирида икки биродар ўтган. Булардан бирининг оти Қосим, бирининг оти Али бобо эди. Буларга оталаридан озгина мерос ва арзимас мулк-амлоқ қолди, иккови меросни шаръан, адолат билан, муноқашасиз тақсим қилди. Шундан сўнг Қосим ер, боғроғ, нафис моллар ва беҳисоб қимматбаҳо нарсаларга тўла дўкон соҳиби бўлган бир аёлга уйланди, олди-сотди билан машғул бўлиб давлати ортди, омади келиб савдогарлар срасида шухрат, мўътабар ва ганий одамлар кўзида эътибор қозонди.

Али бобо эса бирон дирҳами, бирон динори, уй-жой ва мулки бўлмаган фақир бир аёлга уйланди, отасидан қолган меросни қисқа бир муддат ичида сарф қилиб бўлди, шундан кейин муҳтожлик ва қашшоқлик машаққатини тортди, тириклик қилгани чора тополмай гаранг бўлиб қолди. Али бобо фаросатли, зийрак ва донишманд одам эди, ўзи ҳақида шу байтни ўқиди:

Дегайлар менга, порлоқ донишинг бор,  
Менга илм ила донишлик на даркор?  
Эрур иззатда нодон аҳли давлат,  
Алар олдида дониш аҳлидир хор.



Дегайларким, китобингдур хазинанг,  
Китобларни сотурман, қайда бозор?  
Қилур ким аҳли донишларни ҳурмат?  
Берурлар доим озор узра озор.  
Қоронғу рўзгорим дард чекарман,  
Мени йўқсиллик айлар ҳар дам абгор.  
Азоб бергай ёз — очлик, қиш — юпунлик.  
На суд тун кечалар йиғлар эсам зор?  
Гадоларга берар итлар ҳам озор,  
Ҳар ўткинчи боқар менга ғазабкор.  
Бу дунёда йўқ эркан сенга роҳат,  
Абад тинч уйқу истаб қабрга бор.

Шу байтни ўқигандан кейин Али бобо ўз аҳволи тўғрисида, ўйлади, тириклик қилиш, қай тариқа кун кечирнш тўғрисида бош қотириб, ўзига деди: «Қолган пулимга болта ва бир неча эшак сотиб олсам, тоққа чиқиб ўтин қилсаму шаҳар бозорига келтириб сотсам, рўзгор ғамидан қутулар эдим».

Бу фикр ўзига маъқул тушиб, дарҳол уч эшак ва болта сотиб олди, эртасига ҳар бири хачирдек келадиган эшакларни ҳайдаб тоғга чиқди.

Али бобо куни бўйи ўтин қилиб боғлади, кечқурун ўшакларига юклади-да, тоғдан тушиб бозорга борди, ўтин-ни сотди, пулини рўзғорга сарф қилди, тирикчилик гами-дан халос бўлиб, худойи таолога шукур қилди. У кечани кўнгли шод ва хотиржам ўтказди, эрталаб яна тоғга чиқиб ўтин қилди. Шу равишча ҳар куни тоғдан ўтин келтириб сотадиган ва пулини рўзғорга харажат қиладиган бўлди.

Кунлардан бир куни Али бобо тоғда ўтин қилиб юрга-нида тўзон кўтарилиб уфқни қоплади. Тўзон босилгандан кейин газабнок шерга ўхшаш бир неча сувори пайдо бўлди. Буларнинг ҳаммаси қурол-яроғли, совут кийган, белига шамшир таққан, тиззасига найза қўйган, елкасига камон осган эди.

Али бобо қўрқди ва ташвишга тушди, булар қароқчи деган хаёлда баланд бир дарахтнинг устига чиқиб, унинг шохлари орасига беркинди-ю, отличларни мушоҳада қилди. Суворилар қирқ нафар бўлиб, ҳар бири энг яхши чопар отга минган эди.

Али бобо ортиқ ваҳимага тушди, оғзи қуруқшади, нима қилишини билмай қолди. Бу орада суворилар тўхтаб отдан тушдилар, отларнинг бўйнига ем солинган тўрва осдилар. Кейин ҳар бири от устидаги қопни олиб елкасига қўйди. Али бобо дарахтнинг шохлари орасидан қароқчиларга ҳамон қараб турар эди.

Қароқчиларнинг сардори одамларини ён бағирга бош-лаб чиқиб, бир темир эшик олдида тўхтади. Эшик қалин чангалзор орасида бўлиб, кўздан пана, Али бобо уни кўр-маган ва унга дучор келмаган эди. Қароқчилар темир эшик олдида тўхтагандан кейин сардор баланд товуш билан: «Сезам, эшигингни оч!» деб қичқирди. Эшик очилди. Қоп кўтарган қароқчилар сардорнинг кетидан ичкарига кирди-лар.

Али бобо қоплар тўла кумуш ва сариқ олтин деб ўй-лади. Ҳақиқатан шундоқ эди, сабабки, қароқчилар худо-нинг бандаларига озор бериб карвонларнинг йўлини тўсар, шаҳарларни талар, топган-тутганларини шу кўздан пана жойга келтириб яширар эдилар.

Али бобо дарахтнинг шохлари орасида ун чиқармай, қи-мирламай, қароқчиларнинг кирдикорларини мушоҳада қи-либ ўтирди. Қароқчилар қопларни бўшатиб чиқдилар, бўш қопларни эгарга боғладилар, отланиб кўздан ғойиб бўлди-лар. Али бобо қўрққанидан тин олмай ўтирган эди. Қароқ-чилар кўздан ғойиб бўлгандан кейин дарахтдан тушди.

Хотиржам бўлганидан кейин Али бобо эшик олдига келди, бир оз қараб турди-ю, ичида: «Сезам, эшигингни оч, деса нима бўлар экан? Эшигини очармикин ё очмасмикин?» деди.

Али бобо эшик олдига яқин келиб: «Сезам, эшигингни оч!» деди. Эшик очилди. Бу ер девларнинг тилсими бўлиб, «Сезам, эшигингни оч» сўзи тилсимнинг калити эди.

Эшик очилгандан кейин Али бобо ичкарига кирди ва бўсагадан ўтиши билан эшик ёпилди. Али бобо қўрқиб кетди ва «Оллоҳу таоло—қодир якто» деб қўйди, сўнг, «Сезам, эшигингни оч» деса эшик очилишини ўйлади-ю, кўнгли тинчиди.

«Тилсимнинг калитини билганимдан кейин эшикнинг ёпилишидан қўрқишнинг ҳожати йўқ» деди-ю олға юрди. У ичкари қоронғи бўлса керак деб ўйлаган эди, бироқ мрамрдан бино бўлган, гумбазлари баланд, кенг ва ёруғ уйна териб қўйилган анвои таом ва ичимликларни кўриб ҳайрон қолди; бундан ҳам кенгроқ нариги хонага кирди, бу ерда ажойиб ва ғаройиб нарсалар турар эдики, кўрган киши лол бўлар эди. Бу ерда соф олтин ва кумуш ёмбларни, динорлар ва дирҳамлар қум ва ёки шағалдек беҳисоб уйилиб ётарди.

Али бобо бу ажойиб хонада юриб яна эшикни кўриб қолди ва эшикдан учинчи бир хонага кирди. Бу иккинчи хонадан ҳам чиройлироқ бўлиб, бу ерда кўп иқлимлардан келтирилган энг яхши либослар тахлаб қўйилган эди. Бунда беҳисоб қимматбаҳо газламалар нафис ипак ва кимхоблар уйилиб ётар, Суриядан, узоқ Африка мамлакатларидан, ҳатто Чин, Синд, Нубия ва Ҳиндистондан келтирилган матолар ҳам кўп эди.

Али бобо қимматбаҳо тошлар турган хонага кирди. Бу хона бошқа хоналардан каттароқ ва ғаройиброқ, сабабки, бу ердаги дур ва қимматбаҳо тошлар беҳисоб эди: ёқут, зумрад, фируза, забаржад, дур ва гавҳар уйилиб ётар эди.

Али бобо мушк-анбар ва бошқа хушбўй нарсалар хонасига кирди. Бу охириги хона бўлиб, бу ерда анвои хушбўй нарсалар кўп, сабур ва мушк-анбар ва нофа, заъфар ҳиди анқиб турар, хушбўй ёғочлар ўтиндек қалашиб ётар эди.

Бу бойлик ва хазинани кўриб Али бобо шошиб қолди, ақлини йўқотиб, боши айланди, бир оз муддат гаранг бўлиб турди-ю кейин бир неча қадам олға босиб, қимматбаҳо

нарсаларни томоша қила бошлади, тенг-тимсоли йўқ гавҳарни олиб у ёқ-бу ёғини кўрди, қимматбаҳо тошларни саралади, ёқутларни оралади, зарҳал кимхобларни титкилади, латиф ва майин шоҳиларни кўриб, сабур ва бошқа хушбўй нарсаларни ҳидлади.

Сўнг ўйлаб қолди: қароқчилар бу бойлик ва ғаройиботни кўп йиллар давомида бир қисмини ҳам тўплай олмас эдилар, бу хазина қароқчилар келмасдан бурун ҳам мавжуд бўлган, улар бу хазинани ғайри шаръий ноҳақ йўллар билан қўлга киритганлар. Агарда фурсатни ғанимат билиб бу катта бойликнинг бир қисмини олсам гуноҳ бўлмайди, таънага қолмайман, модомики, бойлик катта, қароқчилар унинг ҳисобини билмас экан, бир қисмини олинса пайқамайдилар ҳам.

Али бобо сочилиб ётган олтинлардан бир қисмини олишга жазм қилди, динор тўла халталарни хазинадан ташқарига ташиди, ҳар сафар хазинадан чиқишда ва хазинага киришда «Сезам, эшигингни оч» дея берди, эшик очилаверди. *Симсим,*

Али бобо пулни чиқариб эшакларига юклади ва устига бир оз ўтин терди, эшакларини ҳайдаб шаҳарга тушди, хурсанд бўлиб уйига келди, қўшнилари кириб қолишидан қўрқиб, эшикни қулфлаб олди, эшакларини устунга боғлаб, олдига хашак солди, сўнгра, халталарни бирин-кетин келтириб, хотинининг олдига қўйди. Хотини унинг қилган ишнни кўриб ҳайрон бўлиб қолди. Хотин халталардан бирини ушлаб кўрди, қўлига динор урилгач: «Эрим бу пулларни ўғирлаб олган» деган гумонда ранги оқариб кетди.

— Эй бадбахт, нима қилдинг!— деди у,— бизга ҳаром пулнинг ҳожати йўқ, бизга бировнинг пули даркор эмас! Мен худонинг берганига қаноат қиламан, фақирликда умр кечирмоққа розиман. Худонинг берганига шукур, бировнинг моли ва ҳаромдан парҳез қиламан.

— Эй хотин,— деди Али бобо,— кўнглинг тинч бўлсин, мен ҳеч қачон ҳаромга қўл урмайман. Бу пулларни хазинадан топдим, ғанимат билиб олиб келдим.

Сўнг, Али бобо қароқчилар хусусидаги воқеани бошдан-оёқ хотинига баён қилди, сўзини тугатгач: «Тилингни тий, сирни ошкора қилма» деди. Хотини ғоят ҳайратга тушди, қўрқуви босилди, нафасини ростлаб олди ва бениҳоят хурсанд бўлди.

Али бобо халталарни уйнинг ўртасига бўшатди. Олтин



уйилиб кетди. Хотин бу қадар кўп олтинни кўриб ҳангманг бўлди, динорларни санамоқчи бўлган эди, Али бобо деди:

— Эй бечора, буни икки кунда ҳам санаб битиролмайсан ва бундан фойда ҳам йўқ! Ҳозир бу билан машғул бўлмоқ беҳуда, ундан кўра сиримиз ошкор бўлмасин учун чуқур қазиб пулни кўмайлик.

— Пулни санагинг келмаса, ҳеч бўлмаса хумча билан ўлчаб кўмайлик,— деди хотини.

Али бобо деди:

— Билганингни қил, лекин бундан одамлар огоҳ бўлмагай деб қўрқаман. Одамлар огоҳ бўлса сиримиз ошкор бўлади ва пушаймон бўламиз.

Лекин Али бобонинг хотини унинг сўзларига эътибор қилмади, билъакс, қўшнисидан хумча сўрагани чиқди, қашшоқ бўлгани учун хумчаси ҳам йўқ эди. Хумчани овсини Қосимнинг хотинидан сўради. Овсин: «Бажону дил» деб хумча олиб чиққани уйга кирди ва: «Али бобонинг хотини фақир, бир нима ўлчаш одати йўқ эди, бир кўрай, қанақа дон ўлчар экан!» деб ўйлади.

Қосимнинг хотини шуни билгиси келди-ю, хумчанинг тубига бир оз мум суркаб Али бобонинг хотинига берди. Али бобонинг хотини хумчани олди, қуллуқ қилди-ю, уйига келди ва олтинни ўлчашга киришди. Олтин ўн хумча эканини кўриб хурсанд бўлди. Али бобо каттакон чуқур қазиди, олтинни тўкиб, кўмди. Хотини хумчани қайтариб берди.

Қосимнинг хотини хумчани тўнтарди, унинг тубига ёпишиб қолган динорни кўрди. Али бобо фақир эканини билгани учун ҳайрон бўлиб бир оз турди-да, ўлчанган нарса соф олтин эканини билиб, ичида деди: «Али бобо ўзили фақирликка солади-ю, олтинни хумчада ўлчайди, бу бахт унга қаяқдан келди, шунча олтинни қаердан топди экан?»

Овсиннинг бахиллиги келди, юраги ёнди, эри келгунча хуноб бўлиб ўтирди. Унинг эри ҳар кун дўконига бориб, кечгача савдо-сотиқ, олди-берди билан машғул бўлар эди. Хотини унинг келишини кутишга сабри чидамай, алам ва ҳасаддан ўлар ҳолатга етди.

Қосим кечқурун дўконини беркитиб уйига келди, хотинининг хафа бўлиб, йиғлаб ўтирганини кўрди. Қосим уни ниҳоятда яхши кўрар эди, сўради:

— Эй кўзимнинг гавҳари, воҳ дилимнинг қуввати, нима сабабдан хафа бўлиб, йиғлаб ўтирибсан?

Хотини хитоб қилди:

— Сен чандон уддабурон, бадавлат одам эмассан. Мен сенинг акангга тегсам бўлар экан! Аканг зоҳиран фақир кўринса, одамлар уни муҳтожликда умр кечиради десалар ҳам, ҳақиқатда пулининг саногини бир худо билади. Динорларининг ҳисобини билмай, ўлчагани хумча сўраб олди. Сен эса бахтиёр ва саодатманд одамман, деб бойлигинга мағрур бўлиб юрибсан-да, ҳолбуки, акангга қараганда қашшоқ одамсан, динорингни доналаб санайсан. Мерос бўлганда озга рози бўлгансан, акангга кўп дунё теккан.

Қосимнинг хотини бутун воқеани — Али бобонинг хотини хумча сўраб олганини, хумчанинг тубига суртилган мумга динор ёпишиб қолганини айтиб берди. Қосим хотинидан бу сўзларни эшитиб, хумчанинг тубига ёпишган динорни ўз кўзи билан кўрганидан кейин акасига бахт боққанига амин бўлди-ю, лекин суюнмади, билъақс, бахиллиги келди, акасига қарши ёмон ниятда бўлди, сабабки, ўзи бахил, разил, манфур ва хасис одам эди.

Хотини иккови кечани қайғу-ҳасрат ва алам билан ўтказиб тонг оттирди.

Қосим бомдод намозини ўқиб, акасининг уйига кириб борди. Али бобо укасини хурсанд бўлиб, таъзим-тавозе билан қаршилади, уйининг тўрига ўтқазди. Қосим ўтирганидан кейин Али бобога деди:

— Эй ака, бисотингда туман бойлик туриб не сабабдан фақирлик ва муҳтожликда умр кечирасан? Кўп сарфу харажатга қодир бўлганинг ҳолда хасис ва қашшоқликда умр кечирмогингга сабаб нима? Нафи тегмаган пулдан на фойда? Хасислик қусур, мазаматга лойиқ нуқсон эканини билмайсанми?

Али бобо жавоб берди:

— Оҳ, сен айтгандек ғаний одам бўлсам эди! Ҳануз бурунгидек фақирман, уч эшагу, бир болтадан ўзга давлатим йўқ. Сенинг бу сўзларингга ҳайронман. Нима сабабдан бундай деяётганингни билмайман.

— Эндиликда ёлғон ва айёрликнинг фойдаси йўқ. Менга фириб беролмайсан, сабабки, пинҳон тутган сиринг ошкор бўлди, — деди Қосим ва хумчанинг тубига ёпишиб қолган динорни кўрсатиб хитоб қилди: — Биздан хумча олиб олтин ўлчабсан. Хумчанинг тубидан олтин чиқди, олтининг беҳисоб бўлмаса, хумча билан ўлчамас эдинг!

Али бобо сирининг ошкор бўлишига хотинининг беақлиги сабаб бўлганини, унинг гапига кириб хато иш қилга-

нини фаҳмлади, лекин начора, ҳар қандай от ҳам қоқилади, қилич қўлдан чиқиб кетади. Али бобо бу хатони тузатмоқ учун бирдан бир чора сирни яширмаслик, бўлган воқеани рўй-рост айтиш керак, деб ўйлади. Модомики, пул бу қадар беҳисоб экан, бир қисмини укасига берса, бу бойлигига укасини шерик қилса, иккови умр бўйи еганда ҳам пул тамом бўлмайди, шу хаёлда қароқчилар, хазинадан олиб чиққан пули, кўрган қимматбаҳо тошлари, газмоллари тўғрисида сўзлаб берди ва деди:

— Эй ука, топганимни иккига тақсим қилиб баҳам кўрамай, агар кўпини мен оламан десанг келтириб бераман. Хазинанинг калити ўзимда, хазинага кириб нимани истасам ҳеч бир монелик кўрмай олиб чиқаман.

— Мен тақсимга рози эмасман,— деди Қосим,— мени ўша хазинага олиб бор, унга кириш сирдан мени воқиф қил. Менда хазинага кириш хоҳишини туғдирдинг, албатта кириб кўришни истайман. Сен хазинага кириб хоҳлаганингча олибсан, мен ҳам кириб, нима борлигини кўрай, истаганимни олай, акс ҳолда бу воқеани шаҳар ҳокимига маълум қиламан, балога қоласан.

Бу сўзларни эшитиб Али бобо деди:

— Нега мени ҳоким билан қўрқитасан? Сўзингга сўз қайтарганим йўқ, ҳамма сирдан воқиф қиламан. Сенга қароқчилар озор еткизмасин, деб андиша қиламан, холос. Сенинг хазинага кирмоғингдан мен на фойда кўраман, на зарар. Хазинадан истаганингни ол, барибир, барини олиб чиқолмайсан, қолгани сен олгандан кўпроқ бўлади.

Сўнг Али бобо Қосимга ўша тоғ йўлини кўрсатди: «Сезам, эшигингни оч!» деган сўзларни ўргатди ва деди:

— Бу сўзларни ёдингдан чиқарма! Мен қароқчиларнинг ёвузлиги ва ишнинг оқибатидан қўрқаман.

Ровийлар ривоят қиладиларким, Қосим хазинанинг қаерда эканини, унга кириш йўлини билаганидан кейин хурсанд бўлиб, акасининг огоҳлантириб айтган сўзларини писанд этмай, уйига келди воқеани хотинига айтди ва деди:

— Иншоолло, эртага эрталаб тоққа бориб, акам келтиргандан ҳам кўпроқ мол-дунё келтираман. Сенинг таънадашномларинг мени қайғу ва васвасага солди, эндиликда илтифотингга сазовор бўлгулик бир иш қиламан.

Сўнг, Қосим ўн эшакка тўқим урди, ҳар бирига икки-тадан бўш сандиқ юклади, керакли асбоб ва арқон олди,

бутун хазинани бир ўзи олмоқ мақсадида эрталаб тоққа томон эшакларини ҳайдаб кетди, тоққа бориб акаси берган дастур билан темир эшикни ён бағирдаги чангалзор орасидан топди ва дарҳол: «Сезам, эшигингни оч!» деди. Эшик очилди. Қосим ғоят ҳайратга тушиб, бойликни қўлга кириштириш иштиёқида шитоб билан хазинага кирди. Эшик ёпилди.

Қосим биринчи хонадан иккинчи ва учинчи хонага ўтди, булардаги ғаройибот ва бойликни кўриб гаранг бўлиб қолди, хурсандликдан ҳуши бошидан учаёзди, ҳамма бойликни олиб кетмоқчи бўлди.

Қосим у ёқ-бу ёққа назар ташлади, уйлиб ётган дирҳам ва қимматбаҳо тошларни бир оз титкилади, кейин бир халта олтинни елкасига қўйиб эшик олдига келди, лекин: «Сезам, эшигингни оч» деган гап эсидан чиқиб қолди, ўтириб хўп ўйлади, ҳарчанд ўйласа ҳам хотирлолмади. Қосим: «Арпа, эшикни оч» деди, эшик очилмади, «Буғдой, эшикни оч» деди, эшик қимири этмади, «Нўхат, эшигингни оч» деди, эшик очилмади. Қосим ҳамма донларнинг отини айтди, лекин «Сезам, эшигингни оч!» деган гап асло хотирига келмади.

Қосим донларнинг отини айтишдан фойда йўқ эканини кўриб, халтани елкасидан қўйди, ўтириб, акаси айтган гапни яна хотирлашга тиришди, лекин хотирлолмади, ғоят ташвишманд ва қилмишига пушаймон бўлиб бир муддат ўтирди ва ичида: «Акам берганига қаноат қилсам, бошимга бало келтирмаган бўлар эдим. Очкўзликни қўйсам бўлар экан!» деди.

Қосим ўзини урди, сочини юлди, либосларини йиртди, бошига тупроқ сочиб хўп йиғлади. Соатлар ўтар, ҳар бир дақиқа унга бутун бир асрдай туйилар эди. Унинг қўрқуви ҳаддан ошди ниҳоят, халос бўлишдан умид узиб хитоб қилди:

— Бу қоронғи зиндондан қутулмоқликнинг йўли йўқ, энди муқаррар ҳалок бўламан!

Қароқчилар эса мол олиб кетаётган карвон йўлини тўсдилар, талаб кўп ғанимат олдилар, сўнг, молларни қўйгани одатдагича хазинага келдилар. Булар хазина эшиги олдида сандиқ юкланган хачирларни кўриб шубҳа ва ташвишга тушдилар, ҳаммалари бирдан хачирларга ҳужум қилдилар. Хачирлар тоққа қочиб кетди, лекин қароқчилар бунга эътибор қилмадилар. Улар отларни қўйиб, шамширларини қинидан суғурдилар, хачирларнинг соҳиби кўп гумон қи-

либ, эҳтиёт бўлдилар, лекин бирон кишини ҳам кўрмай, эшик олдига келдилар.

Қосим отларнинг дупури ва одамларнинг товушини эшитиб тингшанди-ю, булар акаси айтган қароқчилар эканини фаҳмлади, қочиб қутулишга умид боғлаб, эшикнинг орқасида турди. Қароқчиларнинг сардори эшик олдига келиб: «Сезам, эшигингни оч!» деди. Эшик очилди. Қосим ҳалокатдан қутулмоқ қасдида ўзини эшикка урди ва қароқчилар сардорига дуч келди. Саросимага тушган Қосим қароқчиларнинг бирига, иккинчисига, учинчисига чап берди, лекин булар қирқ киши бўлгани учун, ҳаммасидан қочиб қутулолмади. Қароқчилардан бири унга етиб олиб кўксига чунон найза урдик, найзанинг учи ярқираб орқасидан чиқди, Қосимнинг куни битди. Очкўз, ўз акасига фирибгарлик ва хиёнат қилмоқ ниятида бўлган кимсанинг жазоси шу эди.

Сўнг, қароқчилар хазинага кирдилар, бундан бир нима олинганини пайқаб дарғазаб бўлдилар, бу кимса қатл этилган Қосим эканини билдилар, лекин бу одам хазинага қай тариқа кирганини, кўздан пинҳон хазина эшигини ва худойи таолодан ўзга ҳеч кимса билмайдиган калитни қай тариқа топганини билолмай гаранг эдилар.

Унинг ўлиб ётганини кўриб хазинага бошқа ҳеч бир кимса киролмаслигидан кўнгиллари тўқ бўлди.

— Бу малъундан бизни ҳалос қилган оллога шукур!— дедилар ва бу ерга кирмоққа журъат қиладиган бошқа кимсаларга ибрат бўлсин деб, унинг жасадини тўрт пора қилиб, эшикнинг устига осиб қўйдилар.

Шундан кейин қароқчилар хазинадан чиқиб жўнадилар, эшик ёпилди.

Қосимнинг хотини орзулари ушалишини кутиб кечгача ёрига мунтазир бўлди, у эри келтирадиган туман бойликка, муштоқ динор ва дирҳамларни ўз қўли билан ушлаб кўрмоқ умидида эди, кеч кирди, Қосим келавермагандан кейин ташвишга тушди-да, Али бобонинг олдига бориб, эри эрталаб тоққа кетганича ҳануз қайтмаганини, бирон фалокат бўлмадимикин деб хавотир олаётганини айтди.

Али бобо унга таскин берди.

— Хавотир олма! Ҳануз қайтмаганига бирон сабаб бордир, сири ошкор бўлишидан қўрқиб шаҳарга кундузи киришни истамаган бўлса ажаб эмас, ҳеч шубҳасиз, кечаси хилватда келади ва сенга пул келтиради. Қосимнинг тоққа

боришини билган эдим, шунинг учун халал бермайин. мени пойлаб келишти, демасин деган андишада мен бормадим. Худо мушкулини осон қилиб, ниятига етади! Уйингга бор, ҳеч нарсадан қўрқма. Эринг соғ-саломат ва кўп давлат олиб келганини кўриб шод бўласан.

Лекин Қосимнинг хотини уйга ташвишманд бўлиб қайтди, юрагига қил сиғмас эди. Унинг кўнглига ҳар хил ёмон гаплар келди. Кун ботди ҳамки эридан дарак бўлмади. Хотин эрининг келишига илҳақ бўлиб ухлай олмади, тун яримдан оққандан кейин ўтириб йиғлади, лекин нола-фарёд қилмади, сабабки, қўни-қўшни эшитса йиғлаганининг боисини сўраши мумкин эди.

Хотин йиғлаб, хавотир бўлиб, қўрқув ичида тунни ўтказди. Тонг отгач, Али бобонинг олдига борди, гиря-нола қилиб, кўз ёши тўкиб ҳануз эри келмаганини айтди. Али бобо унинг сўзларини эшитиб деди:

— Худойи таоло — қодир якто! Эринг ҳануз келмагани хусусида нима деб ўйлашимни билмайман. Мен бориб хабар олиб келаман, эҳтимол, кечиккани яхшиликкадир, иншоолло, зиён-заҳмат етмагандир.

Али бобо дарҳол эшакларига тўқим урди, болтасини олиб, одатдагича, тоққа йўл олди, хазинанинг эшиги олди-га келиб, хачирлардан ном-нишон топмади, қон изларини кўриб укасини кўришдан умид узди.

Али бобо бирон ҳодиса рўй берганини сезиб даҳшат ичида эшик олдига борди, «Сезам, эшигингни оч!» деди; эшик очилганда укасининг жасади тўрт пора қилиниб эшикка осиб қўйилганини кўрди.

Бу ҳолни кўриб унинг аъзойи баданидаги туклар тика бўлди, лаблари буришиб, тиши-тишига урилди, қўрқувдан беҳуд бўлаёзди, қаттиқ изтиробга тушиб хитоб қилди:

— Худойи таоло — қодир якто! Худонинг бандасимиз, худога бандалик қиламиз, тақдир азалдан паноҳ йўқ, пешонага ёзилгани бўлади.

Али бобо, бундоқ ҳолларда йиғи ва қайгудан фойда йўқ, тadbиркорликка суяниб ақл-идрок билан иш тутмоқ керак, деб ўйлади. Укасининг жасадини кафанлаб кўмиш унинг бўйнидаги қарз ва фарз эди. Али бобо пора қилинган жасадни эшакларга юклади, хазинадан олиб чиққан сугил ва лекин қимматбаҳо матолар билан устини ёпди, эшакларга яна ўтин ортди ва бир қанча вақт туриб, қоронғи тушгандан кейин шаҳарга кирди.

Али бобо шаҳарга кирганида аҳоли боласи ўлган она-нинг аҳёлидан ҳам оғирроқ, ўликни нима қилишини билмас эди. У минг фикру хаёл билан эшакларини ҳайдаб укасининг ҳовлисига келди ва эшикни қоқди. Эшикни Қосимнинг чўриси гоят соҳибжамол, хушқомат, қора кўз, ёш ҳабаш қиз очди. Бу қиз соҳибжамоллиги устига фаросатли, закий ва зийракликда кўпни кўрган эркакдан баланд бўлиб, рўзгор ишлари шунинг зиммасида эди.

Али бобо ҳовлига кириб деди:

— Эй Маржона, сен ёрдам берадиган палла келди, бир ишда сенинг уддабуронлигинга муҳтож бўлиб қолдик. Буни сенга беканг ҳузурда айтаман, бу ёққа кел, гапимга қулоқ сол.

Али бобо эшакларни ҳовлига қўйиб, укасининг хотини ҳузурига кирди. Маржона ҳайрон ва ташвишманд бўлиб унинг кетидан эргашди. Қосимнинг хотини Али бобони кўриб сўради:

— Не хабар, Али бобо, хайриятликми, фалокатми? Қосимнинг изини топдингми, хабарини олиб келдингми? Тезроқ менга таскин бер, юрагимнинг ўтини бос.

Али бобо тезда жавоб бермади. Қосимнинг хотини ҳақиқатни сезиб нола-фарёд қила бошлади. Али бобо деди:

— Нола қилма, овоз чиқарма! Одамлар эшитиб сиримиздан воқиф бўлмасинлар. Ҳаммамизнинг ҳам ҳалокатимизга сабаб бўлма.

Али бобо укасининг ўлиги устидан чиққанини, уни тўрт пора қилиб, хазинанинг эшигига осиб қўйилганини айтиб берди ва деди:

— Билагинки, бизнинг бор-йўғимиз, жонимиз ва оиламиз худойи тасолонинг ихтиёридадир. Биз худонинг марҳаматига шукур, мусибатига сабр-қаноат қилмоғимиз керак. Қайғу, дод-фарёд ўликни тирилтирмайди, жаллоднинг қиличидан муҳофазат қилмайди. Сабр қил, сабр саодат ва ҳаловат келтиради. Ғам-ғусса ва ноладан худонинг иродасига бўйин эгмоқ афзал. Эндиликда ақл-идрок бизнинг эр-хотин бўлмоғимизни тақозо қилади. Катта хотинимнинг бизга оғирлиги тушмайди, сабабки ўзи кўп ақлли, софдил, ҳалол пок ва тақводор хотин, ҳаммамиз бир оила бўламиз. Худого шукур, пул ва давлатимиз бор, рўзгор ташвишини тортмаймиз.

Қосимнинг хотини Али бобонинг сўзини эшитиб ғам-ғуссадан фориғ бўлди, кўз ёши тинди ва деди:

— Мен чўринг, хизматкоринг бўламан, ҳеч бир сўзингдан чиқмайман, лекин ўликни нима қиламиз?

— Уликни чўринг Маржонага ҳавола қил,— деди Али бобо,— унинг фаҳм-фаросати, удабуронлиги ўзингга аён.

Али бобо чиқиб кетди. Маржона унинг сўзларини эшитиб, хожаси қатл этилиб тўрт пора қилинганини кўриб, бунинг боисини тушунди ва бекасига таскин-тасалли берди:

— Кўп ташвиш тортма, бу ишни менга ҳавола қил. Мен бир тадбир топаман. Сиримиз ошкор бўлмайди, кўнглимиз осойиш топади.

Маржона шу маҳалладаги бир нилчининг олдига борди. Нилчи мусофир, ёши бир жойга бориб қолган, табобатда донғи кетган, дори-дармон ишига моҳир бир кимса эди. Маржона ундан оғир касалга малҳам сўради. Нилчи деди:

— Уйлариңда кимга бундоқ малҳам даркор бўлди?

— Хожам Қосимга даркор бўлди,— деди Маржона.— оғир дард оёқдан йиқитди, ҳозир беҳуш бўлиб ётипти.

Нилчи унга малҳам бериб:

— Худо шифо берсин,— деди.

Маржона малҳамни унинг қўлидан олди, бир миқдор пул берди-ю, уйига қайтди. Эртасига яна нилчининг олдига келиб, ўсал ётган беморга дори сўради.

Нилчи деди:

— Кечаги малҳам кор қилмадими?

— Йўқ,— деди Маржона,— хожам жон талвасасида, бекам нола-фарёд қилиб ўтирипти.

Нилчи унга бошқа дори берди. Маржона дорини олиб ҳақини тўлади ва Али бобонинг олдига келиб, кўзламоқчи бўлган тадбирини айтиб берди ва укасининг уйига тез-тез кириб, қайғу-ҳасратда юришни маслаҳат берди. Али бобо унинг айтганини қилди. Укасининг уйига тез-тез кириб чиқаётганини ва юзида мусибат аломатлари зоҳир бўлганини маҳалла одамлари кўриб, бунинг боисини сўрадилар. Али бобо укаси оғир хаста бўлиб қолганини айтди. Бу хабар бутун шаҳарга тарқалди, ҳамманиннг оғзида шу гап эди.

Эртасига кун чиқмасдан бурун Маржона шаҳарга тушди, шайх Мустафо отлиқ бир кавушдўзнинг дўконига борди. Анча ёшга борган, ўрта бўйли, ҳумкалла, соқол-мўйлови узун бир одам дўконини жуда эрта очар, халойиқ унинг шу одатини билар эди.



Маржона кавушдўзининг олдига келиб таъзим-тавозе билан салом берди, қўлига бир динор тутқазди. Шайх динорнинг қай рангда эканини кўриб, қўлида узоқ айлан-тирди, кейин:

— Суф! Кўлайсин,— деб қўйнига солди ва Маржона бир иш буюрмоқчи эканини пайқаб:— Э каниз, нима ҳожатинг бор, айт, ҳожатингни чиқараман,— деди.

— Эй шайх,— деди Маржона,— қўлингни юв, игна билан ип ол, кавушингни кий, ижозат бер, кўзингни боғлай. Мен билан борасан, бир тилагим бор, шуни бажо келтирсанг, у дунёю бу дунё мукофотини оласан, лекин бундан ҳеч бир зарар топмайсан.

— Агар бу— худо ва унинг расули қавайдаги иш бўлса сўзингни қайтармайман, бажону дил бажо келтираман,— деди шайх, агар тилагингни бажо келтириб гуноҳга ботадиган бўлсам сўзингга кирмайман, бошқа одам топ.

— Йўқ, шайх, волло, бу иш гуноҳ эмас, мубоҳ, ҳеч нарсадан хавф олма,— деди Маржона ва кавушдўзининг қўлига яна бир динор берди. Шайх Мустафо унинг сўзини қайтаролмай, деди:

— Хизматингга ҳозирман! Нима буюрсанг бажо келтираман!

Кавушдўз дўконини бекитди, каниз айтган ип-игнани олди. Маржона дарҳол қўйнидан рўмол олиб, унинг кўзини боғлаб, етаклади. Шайх унинг кетидан қаёққа бораётганини, бундан мурод нима эканини билмасдан кўрдай борар эди. Маржона шайхни чалғитиш мақсадида йўлни узоқ қилиб гоҳ ўнгга, гоҳ сўлга бошлади, ниҳоят, марҳум Қосимнинг ҳовлисига олиб келиб, эшикни оҳиста қоқди. Эшик очилди. Маржона шайхни зинадан чиқариб, Қосимнинг жасади ётган уйга олиб кирди ва кўзидан рўмолини ечиб олди. Шайх Мустафо ўзини бегона бир уйда ва мурда олдида кўриб қўрқувдан тиззалари қалтиради.

— Кўрқма, шайх,— деди Маржона,— шикаст кўрмайсан! Мана шу тўрт пора ўликни бир-бирига тикиб бутун қилиб берсанг, бас.

Маржона шайхга яна бир динор берди. Шайх Мустафо динорни қўйнига солди ва ичида: «Энди ақл-идрок билан амал қилмоқ фурсати етди. Мен бировнинг уйидаман, бу одамларнинг ниятидан беҳабарман. Буларнинг сўзига кирмасам шикаст кўраман, тилагини бажо келтиришдан ўзга

нложим йўқ. Ҳар нечук, марҳумнинг қонига мен зомин эмасман, қотилнинг жазосини худо беради. Уликни тикиш гуноҳ эмас, касрига қолмайман» деди.

Шайх Мустафо ўтириб, ўликни тикишга киришди ва бутун ҳолга келтирди. Бу иш тамом бўлгандан кейин Маржона туриб шайхнинг кўзини яна боғлади, етаклаб кўчага олиб чиқди ва кўчама-кўча юриб, кўп муюлишлардан бурилиб, одамлар пайдо бўлмасдан уни дўконига олиб келди, кўзидан рўмолини ечиб олди ва деди:

— Бу сирни махфий тут, кўрган-билганингни кимсага оғзингдан чиқарма. Лақмалик қилма, йўқса озор кўрасан.

Маржона унга яна бир динор бериб уйига қайтди, иссиқ сув келтирди, ўликнинг қонини ювди, унга либос кийгизиб, тўшакка ётқизди, сўнгра, Али бобо билан хотинини чақирди, қилган ишини уларга айтиб:

— Мана энди хожам Қосимга аза очинглар,— деди.

Хотин-халаж йиғи чиқарди, дод-фарёд кўтарди. Қўни-кўшни, ёр-ошна йиғилди. Қосимнинг қазо қилгани хабари бутун шаҳарга ёйилди. Дўстлари унга худонинг раҳматини тиладилар, душманлари шод бўлдилар.

Бир оздан кейин ўликни ювгани ғассол келди. Маржона пастга тушиб, ғассолларга ўлик ювилиб, ёғ суртилиб кафанланганини айтди ва уларга одатдагидан кўпроқ пул берди. Ғассоллар бунинг сабабини, ўзларига дахли бўлмаган гапларни суриштирмай, хотиржам бўлиб кетдилар. Тобут келтирилди. Марҳумнинг жасади пастга туширилиб, тобутга солинди ва гўристонга олиб кетилди. Одамлар тобутнинг олдида, Маржона ва бошқа хотинлар йиғлаб-сиқтаб кетидан бордилар.

Раҳматлик Қосим дафн қилинди. Одамлар тарқалди. Шундай қилиб Қосимнинг қатл қилинганлиги ошкор бўлмай қолди. Одамлардан ҳеч бири воқеанинг ҳақиқатидан огоҳ бўлмади. Ҳамма Қосимни куни битиб ўлган деб ўйлади.

Қосим ўлиб, хотинининг иддаси битгандан кейин Али бобо уни ўз никоҳига олди. Одамлар унинг укасига меҳр-муҳаббати зўр экан деб бу ишини мақбул кўрдилар. Сўнгра, Али бобо укасининг уйига кўчди, хазинадан олган давлатини ҳам олиб келди. Икки хотин билан истиқомат қила бошлади.

Али бобо укасининг дўкони тўғрисида ўйлади. Унга худо ўғил ато қилган эди, бола шу орада йиғирма ёшга

тўлди. Бола илгари бир савдогарнинг хизматида бўлиб, савдо-сотик ишида маҳорат касб этган эди. Али бобога укасининг дўконига қарагани одам керак бўлганда ўғлини савдогарнинг хизматидан олди-ю, дўконга ўтқизди, амаки-сидан қолган ашё ва молларни қўлига берди, тўғри юриб, ишлари кушойиш топса, хотин олиб беришни ваъда қилди.

Бир қанча фурсат ўтгандан кейин қароқчилар яна хазинага келдилар, Қосимнинг жасади йўқолганини кўриб, бу ишдан бир қанча рақиб хабардор бўлганини, марҳумнинг шериклари борлигини, сир халойиққа ошкор бўлганини англадилар.

Қароқчилар бу ҳолдан ташвиш-тахликага тушдилар. Улар хазинадан қанча бойлик олинганини тафтиш қилганларида жуда кўп бойлик кетгани маълум бўлди. Қароқчилар бениҳоят ғазабга келдилар. Уларнинг сардори деди:

— Жангу жадалда шавкат кўрсатган аё баҳодирлар, соҳибқиронлар, қасос олмоқ фурсати етди. Бу хазинани бир одам кашф этди деган хаёлда эдик, маълум бўлдики булар кўп экан. Биз буларнинг ададини ва маконини билмаймиз. Биз бу бойликни жонимиз кўзимизга кўринмай, таҳликаларга дучор бўлиб топсагу, ўзга кимсалар бундан баҳраманд бўлсалар! Бу бадкирдорликка тоқат қилолмаймиз! Биз душманларимизнинг пайига тушмоғимиз керак. Бу одамлар қўлимга тушса мана шу шамшир билан ўлдириб, даҳшатли қасос оламан. Жасорат, мардлик ва шижоат фурсати етди. Қишлоқларга, қўрғонларга борингиз, шаҳарларни кезингиз, давлатманд бўлган фақир, яқин фурсатда ўлик кўмган кимсани сўроқлангиз, худо ёр бўлиб, душманининг изига тушсангиз ажаб эмас. Ҳозир бизга ҳийлагар, чаққон ва мард бир кимса керак, у биздан ажралиб шаҳарни қидирсин, сабабки душманимиз шаҳарда истиқомат қилса аҳтимол. Бу одам шаҳарга савдогар қиёфасида кирсин, шаҳарда воқе бўлган янгилликлардан хабар топсин: яқин орада ким ўлган ва ё ўлдирилган, бунинг сабаби нима, ўлганининг уйи ва оиласи қаерда эканини билсин. Шу тариқа ганимнинг изига тушсак ажаб эмас, сабабки қатл воқеаси маҳфий қолмайди, шаҳарда катта-кичик ҳаммага маълум бўлади. Душманимизни қўлга туширган ёки қаерда эканини билиб келган кимсага улутф-марҳамат кўрғазамиз. Мен унга баланд мартаба бераман, уни ўзимга ноиб қиламан. Агарда у кимса талаби-

мизни бажо келтирмаса, ваъдасига вафо қилмаса, ақли норасо бир аҳмоқ, ношуд одам деб биламиз, ихлос билан хизмат қилмагани учун шармисор қилиб ўлдирамиз, сабабки, жасоратсиз кимса бизга даркор эмас, бефаҳм одамни тирик қўймоқдан наф йўқ, чаққон, маккор кимсагина моҳир қароқчи бўлади. Эй ботирлар, бунга нима дейсизлар, бу мушкул ва хатарли ишни ким ўз зиммасига олади?

Қароқчилар сардорнинг бу сўзларини маъқул кўриб, шартларини маъбул топдилар ва бу талабни бажо келтиришга сўз бердилар. Қароқчилардан барваста, бақувват бир кимса ўрнидан туриб бу машаққатли ва хатарли ишни бажармоққа рози бўлди ва ҳамма маъқул кўрган шартларни қабул қилди.

Қароқчилар бу одамга иззат-икром изҳор қилиб, унинг оёқларини ўпдилар, шижоати ва жасоратини мадҳ этдилар, сабот ва матонатига таҳсин ўқидилар, кучи ва довюраклигига қойил қолдилар. Сардор унга эҳтиёт бўлишни, ёлғон-яшиқ гапириб, ҳийла-найранг ишлатишни буюрди. Зоҳиран савдогар, ботинан воқеанавис бўлиб шаҳарга кириш йўлини ўргатди.

Сардор ваъз-насихатини қилганидан кейин ҳамма чиқиб кетди. Фидоий қароқчи эса бошқа либослар кийиб савдогар қиёфасига кирди, шаҳарга бориш тараддуди билан кечани ўтказди, тонг отгач йўлга тушди, дарвозадан шаҳарга кирди, кўп одамлар ҳануз уйқуда ётган маҳалла ва бозорларни кезиб юриб, кавушдўз Хожи Мустафонинг дўкони олдига келиб қолди. Хожи Мустафо ҳаммадан врта турган, юқорида зикр қилинган одатига кўра, дўкониёни барвақт очиб бировнинг кавушини ямаб ўтирган эди.

Айғоқчи-қароқчи хожи Мустафога таъзим-тавозе билан салом берди ва деди:

— Худо ишинга кушойиш берсин, давлатинг зиёда бўлсин! Дўкониёгни ҳаммадан олдин очибсан.

— Эй ўғлим,— деди хожи Мустафо,— ризқ улашилаётган маҳалда уйқудан ҳаракат афзалдир, ҳар куни одатим шу.

— Лекин, аё шайх, таажжубдаман: ёшинг улуғ ва кўзларинг хира ҳолда тонг қоронғисида иш тикиб ўтирибсан,— деди қароқчи.

Шайх малол келиб унга юзланди ва хўмрайиб деди:

— Мусофир бўлсанг керак! Шаҳар аҳлидан бўлсанг бу сўзларни айтмас эдинг, сабабки кўзимнинг ўткирлиги

ганию фақир, ёшу қарига маълум. Мен тикувчилик ишига моҳирман. Кеча одамлар мени олиб бориб, қоронги уйда ўлик тикдирдилар. Кўзим ўткир бўлмаса қоронги уйда ўликни бунчалик яхши тикмас эдим.

Қароқчи бу гапни эшитган замони муродига етганидан хурсанд ва хушқол бўлди, қидирган одамни топганини фаҳмлаб ҳайрон бўлгандек:

— Саҳв қилмоқдасан шайх, кафан тиккан бўлсанг керак. Ўлик тикилганини умримда эшитган эмасман,— деди.

— Мен бор гапни айтдим,— деди шайх,— сен бировларнинг сирини билмоқ муддаосида эканлигинг муқаррар. Бундоқ муддаода бўлсанг кўзимдан йўқол, тузоғингни ўзга ерга бориб қўй, бирон лақма одам топилса ажаб эмас. Мени индамас деб атайдилар, билган сиримни ҳеч вақт ошкор қилмайман. Сенга бошқа сўзим йўқ.

Қароқчи бу ўлик хазинада ўлдирилган одамнинг ўлиги эканига амин бўлди ва шайх Мустафога деди:

— Эй шайх, сенинг сирларингни билмоққа ҳожатим йўқ, бу хусусда сўзламаслик яхшироқ, сабабки: «Сирни сақламоқ авлиёлар хислатидир» деганлар. Сендан тилагим шуки, мени ўша марҳумнинг уйига элтсанг: эҳтимол бу одам менинг ёр-ошноларимдан бўлиб, онласига таъзия билдирмоғим керакдир. Менинг бу шаҳардан кетганимга кўп замон бўлди, йўқлигимда нима ҳодисалар рўй берганидан бехабарман.

Сўнг, қароқчи чўнтагига қўлини солиб, шайх Мустафога бир динар чиқариб берди. Лекин шайх Мустафо пулни олмади ва деди:

— Сенинг бу тилагингни бажо келтира олмайман. Мени марҳумнинг уйига кўзимни боғлаб олиб борган эдилар, йўлини билмайман.

— Тилагимни бажо келтирсанг-келтирмасанг шу динорни сенга инъом қилдим. Худо ниятингга еткизсин, динорни ол, қўлимни қайтарма. Бир оз ўйласанг эҳтимол йўлини тусмоллаб топа оларсан.

— Кўзимни боғласанг эҳтимол топсам,— деди шайх,— мени қўлимдан етаклаб олиб кетгани, неча бор бурилганимиз, ниҳоят, тўхтаганимиз ёдимда бор. Эҳтимол йўлини топиб, сени ўшал уйга олиб борарман.

Қароқчи бу сўзни эшитиб шод бўлди, шайхга яна бир динар бериб деди:

— Айтганингдай қиламиз.

Шайх дўконини беркитди. Қароқчи унинг кўзини боғлади ва етаклаб олди.

Шайх Мустафо Маржона юрган йўлдан гоҳ ўнга, гоҳ сўлга бурилиб, гоҳ тўғри юриб ўша кўчага етди ва бир неча қадам юрганидан кейин тўхтаб, қароқчига деди:

— Мени мана шу ерда тўхтатган эди чоғи.

Қароқчи унинг кўзидаги рўмолни ечди. Тақдирнинг ҳукми билан кавушдўз марҳум Қосимнинг эшиги олдида тўхтаган эди. Қароқчи шайхдан бу ҳовлининг эгаси ким эканини сўради. Шайх деди:

— Азбаройи худо билмайман, менинг дўконим бу ерга узоқ. Бу маҳалла одамларини билмайман.

Қароқчи унга миннатдорлик билдирди ва қўлига бир динор бериб:

— Хайр, сени худо паноҳида сақласин,— деди.

Шайх Мустафо бир динор олганига хурсанд бўлиб дўконига қайтиб кетди. Қароқчи дарвозага разм солиб туриб қолди. Дарвоза маҳалладаги бошқа дарвозалардан фарқ қилмас эди.

Қароқчи ўртоқлари билан қайтиб келганида таниш учун дарвозага белги қўйди-ю, муродига етганидан хурсанд бўлиб, тоғга қайтиб кетди.

Маржона эрталаб бомдод намозини ўқиганидан кейин, бошқа юмушларини битириб, емоқ-ичмоқ келтириш учун бозорга борди ва қайтишида дарвозадаги белгини пайқаб қолди, белги кўзига шубҳали кўринди-да, ўйлаб қолди: «Буни болалар ўйнаб чизганмикин ё пайимизга тушган бирон кимса ёмон ният билан белги қўйганмикин?»

Маржона маҳалладаги бошқа ўнтача дарвозага шу хилда белги қўйиб чиқди, ҳовлисига кириб кетди-ю, буни ҳеч кимга айтмади.

Қароқчи тоққа қайтиб келганидан кейин ўликни тиккан кавушдўзни топганини, кавушдўз билан ўша ҳовлига бориб, дарвозага белги қўйганини хурсанд бўлиб айтди ва душмандан қасос олиш фурсати яқин эканини билдирди. Қароқчилар сардори унга таҳсин ўқиди ва қароқчиларга деди:

— Бошқа либослар кийиб фуқаро қиёфасида, маҳфий суратда аслаҳа олиб, шаҳарга ҳар томондан кирингиз. Масжиди жомага тўпланингиз. Биз айғоқчи иккимиз душманмизнинг ҳовлисини топсак масжиди жомага боришимиз, унинг ҳовлисига кечаси бостириб кирамизми ё

ўзга бир тадбир топамизми, буни маслаҳатлашиб кўрамиз.

Қароқчилар сардорнинг бу сўзини маъқул кўрдилар, фуқаро қиёфасига кириб, либослари остидан аслаҳа тақдилар, шаҳарга ҳар томондан кириб, жомега тўпландилар.

Сардор айғоқчи билан бирга ўша кўчага борди, дарвозадаги белгини кўрди, лекин бошқа бир дарвозада ҳам шундоқ белги бор эди. Сардор айғоқчидан бу дарвозаларнинг қайси бири ўша эканини сўраган эди, айғоқчи ҳайрон бўлиб, жавоб беролмади. Сардор нари юриб, белги қўйилган ўндан ортиқ дарвозани кўрди.

— Сен бу дарвозаларнинг ҳаммасига белги қўйганмидинг? — деди сардор.

Айғоқчи:

— Йўқ, биттасига белги қўйган эдим, — деб жавоб берди.

Сардор хитоб қилди:

— Сабаб ўндан ортиқ дарвозада белги пайдо бўлипти?

— Бунинг сабабини билмайман, — деди айғоқчи.

Сардор сўради:

— Ҳа, қўлинг билан белги қўйган дарвозани биласанми?

Айғоқчи жавоб берди:

— Билолмай қолдим. Бу дарвозаларнинг ҳаммаси бири-бирига монанд-да. Белгилар ҳам бир хилда.

Сардор бу ерда тураверишдан фойда йўқ эканини, умиди пучга чиққанини, душманни қўлга тушира олмаслигини билди-ю, айғоқчи билан бирга масжиди жомега келди ва одамларига қараб: «Шаҳарга қайси йўл билан кирган бўлсаларинг ўша йўл билан тоққа боринглар» деди, ҳамма тоққа йиғилганда воқеани баён қилди ва айғоқчи мазкур дарвозани кўрсатиб беролмаганини айтиб:

— Энди аҳдимизга мувофиқ бу одамга жазо беришимиз керак, — деди.

Ҳамма унинг сўзини маъқуллади. Айғоқчи жасур, шижоатли одам бўлгани учун сардорнинг бу сўзини эшитиб кўрқмади, мардона туриб деди:

— Яхши тадбир тополмаганим, ношуд бўлганим учун дарҳақиқат ўлимга сазоворман. Мен талабни бажо келтирмадим. Жоним кўзимга кўринмайди. Бундоқ маломатга қолганимдан ўлганим афзал!

Сардор шамширини қинидан суғуриб, айгоқчининг бўйига урди, бошини танидан жудо қилиб деди:

— Эй жангу жадалда соҳибқирон ёронлар, ораларингда ким довьюрак ва мард? Бу душвор ва хатарли вазифани ким зиммасига олади? Менга заиф ва ногирон одамнинг даркори йўқ. Ким мард, кўкрагида ўти бор, фаросатли, уддабурон одам бўлса ўрнидан турсин.

Қароқчилардан барваста, бадбуруш, бадном, мўйлаблари сичқон овлаётган мушукнинг мўйлабидек диккайган, соқоли эчкилар орасида ирғишлаб юрган таканинг соқолига ўхшаш силкилаб турган Аҳмадулғабдон деган бир кимса ўрнидан туриб деди:

— Эй яхшилар, бу ишга мендан ўзга кимса ярамайди, худо хоҳласа, душманзимизнинг уйини билиб, ҳузурларингга хушхабар олиб келаман.

Сардор унга деди:

— Бу ишда ўша қўйган шартимиз шарт: агар талабни бажо келтирмасанг, бошингни кесамиз, бажо келтирсанг мартабангни оширамиз, иззат-ҳурмат кўрасан, мукофот оласан.

Аҳмадулғабдон савдогар либосини кийди, тонг отмасдан шаҳарга кирди, жўраси айтган йўлдан бориб кавушдўзининг дўконини топди, шайхга салом бериб унинг ёнига ўтирди ва ширинсухан бўлиб суҳбат бошлади. Кўп ўтмай шайх ўликнинг сирини ва уни қандоқ тикканини айтиб берди.

Аҳмадулғабдон шайхдан Қосимнинг уйига олиб боришни сўради. Шайх бош тортди, ҳатто бу ҳақда сўзлашишни ҳам истамади, лекин Аҳмадулғабдон пул ваъда қилганидан кейин, рози бўлди, сабабки машойихлар: «Пул нишонга тегадиган ўқ ва сўзи ўткир даллол» дебдилар.

Аҳмадулғабдон шайхнинг кўзини рўмол билан боғлаб етаклаб олди, Қосимнинг ҳовлисига етгач, рўмолни кўзидан олди, ваъда қилган пулини бериб, жўнатиб юборди.

Аҳмадулғабдон истаган дарвозасини топганидан кейин адашмаслик учун дарвозага биров пайқамайдиган кичкина ва қизил белги қўйди, тоққа қайтиб, қилган ишини жўраларига айтиб берди ва иш ўнгидан келишига, белгини ҳеч кимса пайқамаслигига амин бўлиб суюнди.

Маржона эрталаб турди, гўшт, сабзавот, мева-чева келтириш учун одатдагича бозорга борди, қайтишда дарвозадаги кичкина қизил белгини кўриб ҳайрон бўлди ва



шубҳага тушди, ҳушёр бўлгани учун бу белгини хонадонга бIRON ғарази бор киши қўйганини фаҳмлади.

Маржона бу одамни чалғитиш мақсадида қўшнилари-нинг дарвозаларига худди шундай белгилар қўйди ва хожасини ташвишга қўймаслик учун бу ҳақда индамади.

Аҳмадулғабдон келиб кавушдўзни топгани, дарвозага қизил белги қўйганини айтганидан кейин сардор қароқчиларга фуқаро либосини кийиб, маҳфий суратда аслаҳа олиб шаҳарга ҳар томондан киришни буюрди.

— Жомега бориб туринглар, биз етиб борамиз,— деди ва Аҳмадулғабдонни олиб, ўша дарвозани қидириб топгани кетди.

Булар ўша маълум кўчага келганда Аҳмадулғабдон ҳамма дарвозаларда қизил белги бўлганлиги сабабли керакли ҳовлини тополмади ва хижолат бўлиб жим қолди. Сардор Аҳмаднинг адашганини кўриб хафа бўлди, қовоғини солди, ғазабланди, лекин ҳозирча индамаслик керак бўлгани учун ғазабини ютди-ю, жомега келди ва одамларига қайтиб кетишни буюрди.

Ҳамма келган йўли билан тоққа қайтиб келди. Сардор бўлган воқеани сўзлади, Аҳмаднинг ношудлиги туфайли душмандан қасос олиб маломатдан қутулиш насиб бўлмаганини айтди, қиличини яланғочлаб Аҳмаднинг бўйнига чунон урдик, унинг боши танидан жудо бўлиб, жони жаҳаннамга кетди.

Сўнгра, сардор бу хусусда ўйлади: «Менинг одамларим жангу жадал, қон тўкиш, босқинга ярайди, лекин макру ҳийлага ақли етмайди. Мен буларни бирин-кетин бу талабни бажо келтиргани юбораверсам ҳаммаси ҳалок бўлади-ю, бундан фойда чиқмайди. Бу мушкул ишга яхшиси ўзим қўл ураман».

Сардор ўзининг ниятидан одамларини огоҳ қилди. Қароқчилар жавоб бердилар:

— Амр сенинг амринг, фармон сенинг фармонинг.

Сардор эрталаб ўзга қиёфага кирди ва кавушдўз Мустафони излаб топгани шаҳарга борди, шайхни топиб саломлашти, хушғуфторлик қилди. Кавушдўз ўликнинг сирини айтди. Сардор унга хушомад қилиб, динор бериб ахири муродига етди: шайх уни Қосимнинг ҳовлисига бошлаб борди. Сардор унга ваъдасидан ортироқ пул бериб жўнатди ва дарвозага кўз югуртирди; лекин белги қўймади, маҳаллада нечта дарвоза борлиги, Қосимнинг

дарвозаси нечанчи эканини билиб олди, бундан ташқари ҳовлининг ташқи кўринишига разм солди ва одамлар бадгумон бўлмасин учун бир жойда тўхтамасдан юриб турди.

Сўнг маконига қайтди ва қилган ишини одамларига сўзлаб берди ва деди:

— Душманимизнинг ҳовлисини билиб олдим, энди ундан қасос олиш фурсати етди. Мен уни қўлга тушириш тўғрисидаги режамни сизларга айтиб бераман. Сизлар шу режани мақбул кўрсаларинг, уни жорий қиламиз, мақбул кўрмасаларинг, бундан яхшироқ режаси бўлган кимса режасини айтсин.

Сардор қароқчиларга режа ва ниятини сўзлаб берди. Қароқчилар унинг режасини мақбул кўрдилар ва ижросига киришмоққа рози бўлдилар, қасос йўлида бири биридан қолмасликка онт ичди. Сардор қароқчилардан бир неча кишини қирқта меш, яна бир қанчасини йигирма нафар хачир сотиб олгани яқин қишлоқларга юборди.

Қароқчилар амр этилган нарсаларни сардорнинг ҳузурига олиб келдилар. Мешларнинг оғзи одам сиғарлик қилиб тилинди.

Қароқчиларнинг ҳар бири қўйнига ханжар солиб, мешга кириб олди. Ҳамма киргандан кейин сардор мешларнинг оғзини тикди, кўрган киши мой солинган экан деб ўйласин учун ҳаммасининг сиртига мой суркади.

Сардор иккита мешга ҳақиқатан мой тўлдирди, қолган мешларни йигирмата хачирга юклади.

Кун ботиб қоронғи тушгандан кейин сардор хачирларни ҳайдаб шаҳарга кирди, Али бобонинг ҳовлиси олдига келиб, унинг ўзини кўриб қолди. Али бобо эшиги олдидаги эшакчага гилам солиб, чиройли лўлага ёнбошлаб хушҳол ва хотиржам ўтирар эди. Савдогар унга таъзим қилиб салом берди ва деди:

— Мусофирман, ватаним бу ерга узоқ. Шу шаҳарда сотиб фойда кўрмоқ мақсадида бир оз зайтун мойи олиб келган эдим, бироқ йўл узоқ ва оғирлигидан шаҳарга кеч, ҳамма бозорлар беркилгандан кейин кириб келдим. Қўшхона излаб шаҳарда адашдим. Сени кўриб, ҳожатим чиқар экан деб хурсанд бўлдим ва худога шукур қилдим, сабабки нуроний юзингда саҳоват, кўзларингда ҳиммат ва мурувват аломатлари зоҳирдир. Мурувватли, художўй ва омади келган кимсалардан кўринасан. Менга ва хачирларимга кечани ҳовлингда ўтказгани ижозат бермасмикан-

сан? Шундоқ қилсанг бу марҳамат ва яхшилигинг бўй-нимда қарз бўлиб қолар эди ва савоб иш қилиб, худойи таолонинг марҳаматига ноил бўлар эдинг. Мен дуои жонингни қилиб эрталаб бозорга бораман ва молларимни сотаман.

Али бобо розилик бериб: «Меҳмон — атойи худо! Бу хосиятли кунда меҳмонимизсан. шарофатли оқшомда суҳбатдошим бўласан» — деди, сабабки ўзи олижаноб, яхши ва гўзал фазилатлар эгаси бўлиб саҳий ва нияти холис одам эди. У одамлар хақида фақат яхши фикрда бўлгани учун савдогар қиёфасидаги сардорнинг ёлгон сўзларига инонди, у тоғ қароқчиларининг сардори эканини хаёлига ҳам келтирмади.

Али бобо қули Абдуллани чақириб, хачирларини ҳовлига олиб киришни буюрди. Абдулла хачирларни олиб кирди. Сардор хачирлардаги юкларни тушириш учун унинг кетидан кирди, Абдулла иккови мешларни тушурди, девор остига қатор қилиб қўйди. Сўнг Абдулла хачирларни боғлади ва бўйнига тўрва осиб, арпа берди. Сардор гўё уй эгаларини танг қилмаслик учун уйга кирмай ҳовлида ётиб қолмоқчи бўлди. Лекин Али бобо бунга рози бўлмай уни қистаб, охири уйга олиб кирди. Сардор кириб, ўзини кенг, муҳташам бир хонада кўрди. Ерга ранг-баранг мрамар терилган, теварак-атрофга пардалар осилган, ажойиб гиламлар тўшалган, хонанинг ўртасида четлари дур билан безалган шоҳилар ёйилган ва кумуш зина қўйилган бир шаҳнишин турар эди.

Али бобо сардорни шаҳнишинга ўтқазди, шамларини ёқдирди, сўнгра, Маржонага одам юбориб, меҳмон келганидан хабардор қилди, меҳмонга муносиб яхши таомлар пиширишни буюрди, таом келтирилгунча меҳмонни овунтириб ўтирди. Таом кумуш ва олтин табақларда келтирилиб, сардорнинг олдидаги хонтахтага қўйилди. Иккови ҳамма табақлардан баҳам кўриб қорни тўйгандан кейин таом йиғиштирилди, кетидан кўҳна шароб келтирилди, қадаҳ икки орада айлана кетди. Иккови еб-ичиб бўлгандан кейин ярим кечагача суҳбат қилишди.

Ётадиган маҳал бўлганда сардор гўё хачирлардан хабар олмоқчи бўлиб, аслида эса бундан кейин нима қилиш тўғрисида шериклари билан гапни бир жойга қўйгани ташқарига чиқди ва одамларига бирма-бир шивирлаб:

— Дарчадан тош оттанимда мешни ханжар билан ёриб чиқ, менинг ҳузуримга кел,— деди.

Али бобо эрта саҳарда ҳаммомга борадиган бўлиб, Маржонага керакли нарсаларни Абдуллага беришни ва қайнатма шўрва қилиб қўйишни буюрди ва шу билан бирга меҳмонга қалин кўрпа солиб беришни, меҳмондорчилик, расмини бажо келтириб, унга хизматда бўлишни тайинлади-да, ётоғига кириб ётди.

Сардор шериклари билан гапни бир жойга қўйгач, Маржонага учраб: «Қаерда ётаман» деб сўради Маржона шамни кўтариб, уни меҳмонхонага бошлаб кирди. Меҳмонхона яхши гиламлар билан ясатилган, бунда кўрпатўшак ва керакли ҳамма нарса бор эди. Маржона меҳмонга яхши туш тилаб чиқди ва ошхонага бориб, шўрвага уринди.

Шу орада чироқнинг мойи тугаб, ўчиб қолди. Маржона хумчага қараса, мой тугапти, шам ҳам тамом бўлган эди, ҳайрон бўлиб қолди. Буни кўриб Абдулла, деди:

— Ташвиш тортма, уйда ёғ кўп. Меҳмоннинг мешларида мой тўлиб ётипти, ҳовлига тушиб олиб чиқ, эрталаб ҳақини берамиз.

Маржона унинг сўзини маъқул кўрди ва ташаккур изҳор қилди-ю, ҳовлига тушиб мешлардан бирининг олди-га келди. Қароқчилар бу қоронғи ва тор мешда ётавериб, димиққан, суюклари зирқираб, ҳолдан тойган, тоқатлари тоқ бўлган эди. Маржонанинг шарпасини эшитиб, уни сардор гумон қилдилар ва муродга етиш фурсати етганидан хурсанд бўлдилар.

Қароқчилардан бири: «Мешдан чиқиш фурсати келмадими?» деб сўради. Маржона мешдан эркак кишининг товуши чиққанини эшитиб даҳшатга тушди. Унинг ўрнида бошқа одам бўлса ҳушидан кетиб йиғилар ё дод солар эди, бироқ Маржона довдюрак ва уддабурон бўлганлигидан, булар ўғри эканини дарҳол фаҳмлади-ю, товуш чиқарса ёки қимирласа, ўзи, хўжаси ва бутун уй ичи ҳалок бўлишини билиб, ўзга тадбирни кўзлади, ўғрига йўғон овоз билан.

— Бир оз сабр қил,— деди.

Бошқа ҳамма мешлардаги ўғрилар ҳам Маржонага ўша саволни бердилар, Маржона ҳаммасига ҳам шу жавобни берди.

Ниҳоят, Маржона мой тўлдирилган меш олди-га борди, бундан овоз чиқмагач, одам йўқлигини билиб қимирлатиб

кўрди, мой эканини кўриб оғзини ечди, майдан олиб ошхонага кирди ва чироғини тўлдирди, кейин каттакон мис қозонни кўтариб ҳовлига тушди, қозонни тўлдириб мой олди, ошхонага келтириб доғлади ва олиб чиқиб, қумғон билан мешларнинг оғзига қуяверди. Ёғ ўғрилларнинг бошига тушиб, ҳаммаси ҳалок бўлди.

Ўғрилларнинг бари ҳалок бўлганига амин бўлганидан кейин Маржона ошхонага келиб қайнатма шўрвани пишириб бўлди-ю, ўтти ва чироқни ўчириб, сардорни кузатиб турди.

Сардор шамни ўчириб ётди ва ўзини уйқуга солиб, ёвузлигини қилмоқ учун фурсат кутди.

Ҳовли жимжит бўлиб, тахминига кўра ҳамма уйқуга кетгандан кейин сардор ўрнидан оҳиста турди, эҳтиёт бўлиб дарчадан ташқарига қаради. Ҳеч қаерда чироқ йўқ, ҳеч бир шарпа эшитилмас эди. Сардор ҳовлига бир нечта тош отди ва одамларнинг мешлардан чиқиб келишини кутиб бир оз турди, бироқ ҳеч бир овоз ва шарпа эшитилмагандан кейин ҳайрон бўлди. Шундан кейин сардор мешларни мўлжалга олиб яна бир нечта тош отди. Бироқ шерикларидан биронтаси ун чиқармас ва қимирламас эди. Сардор ташвишга тушиб учинчи бор тош отди. Лекин бу ҳам бекор кетди. Ниҳоят, сардор ваҳимага тушди, буларга нима бўлди экан деб ҳовлига чиқди, мешларга яқин борганида димоғига бадбўй мой ҳиди урди, бунини бир фалокат аломати деб кўрқиб кетди.

Сардор мешлар олдига бирма-бир бориб, шерикларини чақирди, ҳеч биридан садо чиқмагач, мешларни қимирлатиб, ағдариб кўрди, қараса, шерикларининг ҳаммаси ҳалок бўлипти. У мой тўлдирилган мешларни кўриб, қанча мой олинганини чамалади, бундан шерикларининг ҳалокати сабабини ва қандоқ ҳалок бўлганликларини англади-ю, қайғуга тушди ва кўз ёши тўкди.

Сардор ўзи ҳам қўлга тушиб қолишидан қўрқди, йўллар тўсилмасдан туриб қочиб қутулмоқчи бўлди, шу мақсадда боғга чиқди, девор ошиб кўчага тушди, қутулиш, маконига етиб олиш учун қочди. Унинг ҳоли паришон, дили вайрон эди.

Сардорни кузатиб ўтирган Маржона унинг қочганини кўриб ҳовлига тушди ва бориб боғнинг эшигини қулфлаб олди-да, келиб жойига ўтирди.

Тонг отиб офтоб оламни мунаввар қилганида Али бобо уйқу ва ширин рўёлардан уйғонди, либосларини кийиб

ҳаммомга йўл олди. Унинг қули Абдулла керакли нарсаларни кўтариб кетидан борди.

Али бобо ҳаммомга тушди, чўмилди, кайфи чоғ бўлиб истироҳат қилди, аммо кечаси уйда нима ҳодиса рўй бергани ва худойи таоло қандоқ фалокатдан омон сақлаганидан беҳабар эди. Али бобо либосларини кийиб ҳовлисига келди, қараса, мешлар жойида турипти, ҳайрон бўлиб, Маржонадан: «Бу мусофир савдогар нега ҳануз бозорга бормади?» деб сўради. Маржона жавоб берди:

— Эй хоҷам, худойи таоло умрингни узун, толеингни фузун қилган экан, бугун бир фалокатдан омон қолдинг, ниятнинг холис бўлганидан сени ҳам, уй ичингни ҳам маломатли ўлимдан худо сақлади. Сенга чоғ қазиган кимса чоғига ўзи йиқилди. Ёмон ният ва каззобликнинг оқибати шу бўлади. Савдогар қиёфасидаги бу каззобнинг ниятини ўз кўзинг билан кўргин, чўринг Маржонанинг жасоратини билгин деб ҳеч нарсага тегмадим. Бу мешларда нима борлигини келиб кўр.

Али бобо бориб, бир мешнинг ичида ханжар тутган кимса ётганини кўрди-ю, ранги оқариб, орқага чекинди.

— Қўрқма, бу одам ўлиб ётипти,— деди Маржона ва Али бобога бошқа мешларни ҳам кўрсатди. Уларнинг ҳар бирида бир одам ханжар тутиб ётган эди.

Али бобо гоҳ мешларга, гоҳ Маржонага қараб бир оз турди, қандоқ ҳодиса рўй берганини фаҳм этолмай, қўрққанидан эс-ҳушини йўқотиб хитоб қилди:

— Нима ҳодиса рўй берганини тезроқ баён қил, гапни кўпайтирма, қўрқиб кетаётибман?— деди.

— Бир дақиқа сабр қил, шовқин солма, қўшни эшитиб қолмасин,— деди Маржона,— ўзингни бос, уйингга кир, ўтириб нафасингни ростла. Ҳозир шўрва олиб кираман, ичиб ўзингга келасан.

Маржона ошхонага бориб шўрва келтирди, Али бобо шўрвани ичиб бўлганидан кейин бутун воқеани — чироқнинг мойи тугаб, Абдулланинг маслаҳати билан савдогарнинг мешидан мой олганини, шунда мешларда нияти бузуқ одамлар борлигини пайқаганини, ҳаммасининг бошига доғланган мой қуйиб ўлдирганини, савдогар эс-ҳушини йўқотиб боғ оша қочиб кетганини батафсил гапириб берди ва деди:

— Бошқалар ҳам уйғониб шов-шув кўтарилмасин деган мулоҳазада сени уйғотмадим. Бўлган воқеа шу: Яқинда

бўлиб ўтган яна бир воқеани сенга айтмаган эдим. Энди айтиб берай,— деди Маржона ва дарвозага қўйилган оқ ва қизил белгилар тўғрисида гапирди.— Бу белгиларни ҳалок бўлган одамлар қўйганлиги, булар тоғда сен кўрган ўғрилар эканлиги муқаррар. Модомики ҳовлимизга йўл топган ўғриларнинг биронтаси ер юзида бўлар экан, бошимиздан хавф-хатар кўтарилмайди. Қочиб кетган ўғридан эҳтиёт бўлишимиз керак, сабабки бу ўғри бизнинг пайимизга тушади. Биз, хусусан мен эҳтиёткор ва ҳушёр бўлмоғимиз даркор.

Али бобо чўриси Маржонанинг сўзларини эшитиб, ажойиб ва ғаройиб бу ҳодисадан гоят ҳайратга тушди ва хитоб қилди:

— Мен бу дом ва тахликадан аввало худойи таолонинг меҳрибончилиги, қолаверса сенинг ақл-идрокинги ва тадбиркорлигини туфайли омон қолдим.

Сўнг, Али бобо чўриси Маржонага ташаккур изҳор қилди, яхши тадбир кўргани, довюраклиги, фаҳм-фаросати ва уздабуронлигига таҳсин ўқиди ва деди:

— Ҳозирдан бошлаб сени озод қилдим. Лекин қилган марҳаматинг учун яна қарздорман, яна инъом-эҳсон қиламан, ўзинг айтганингдек, бу одамлар тоғдан келган. Энди буларнинг ўлигини кўмиб, бўлган воқеани пинҳон тутмоғимиз даркор.

Али бобо қули Абдуллани чақириб, иккита курак келтиришни буюрди, битта куракни ўзи олиб, бирини Абдуллага берди. Иккови боғда узун хандақ қазиб, ўликларни бирма-бир келтириб ташлади ва устига тупроқ тортиди. Ўғриларнинг изи йўқолди. Хачир ва мешлар бозорга чиқарилиб сотилди.

Қароқчиларнинг сардори, Али бобонинг уйдан қочганича, ҳаллослаб хазинага кирди, якка ўзи қолгани, умидлари барбод бўлгани, қазиган чоҳига ўзи йиқилгани ва одамларидан ажраганига қайғуриб йиғлади. Дунё кўзига қоронғи кўриниб кетди, ўлимни истаб хитоб қилди:

— Ҳайҳот, эй замона баҳодирлари, эй талончилик ва қароқчиликда мисли йўқ мардонлар, эй жанг майдонида соҳибқиронлар, сизлардан айрилгач, тириклигимдан нима фойда! Кошки жангу-жадалда қилич еб ҳалок бўлсаларинг эди! Бундоқ ўлим шаънимизга иснод келтиради. Ҳар бирига жонимни фидо қиладиган одамларимнинг ҳалокатига мен касофат сабаб бўлдим. Бундоқ фалокатни кўргунча

Ажал шаробини ўзим сипқарсам бўлмасмиди? Оллоҳу карим мени душманимдан қасос олиб юзимдан маломат доғини ювишим учун омон қолдирди. Мен душманимдан қаттиқ ўч олиб уни азоб-уқубатга соламан. Умоимдан бир кун қолган бўлса ҳам қасос олмоққа қифоя қилади. Шунча одамларим билан қасос ололмаган бўлсам, эндиликда ишшоолло, танҳо ўзим қасос оламан.

Сардор ётиб хаёл дарёсига чўмди, юраги мурод йўлини қидириб, уйқу лаззатини тарқ этди, эрталаб ноз-неъматлар ҳам кўзига кўринмади. Унинг хаёлига бир тадбир келдики, бу тадбирни жорий қилса муродига етиб, кўнгила жароҳатига малҳам топар эди.

Сардор савдогар либосини кийди, шаҳарга бориб, карвон саройдан бир ҳужрани ва бозордан бир дўконни ижарага олди, дўконга хазинадан чиройли ва қимматбаҳо тошлар, зарҳал билан тикилган қимматбаҳо матолар — ҳинд ва Сурия газмоллари, кимхоб либослар, ҳашаматли жомалар, ипак моллар, яъни хазинага йиғилган ўғирлик молларнинг бир қисмини ташиди, дўконда ўтириб савдототиқ билан машғул бўлди. Сардор молларни харидор тилаган нархга бериб, одамларнинг хоҳишига қараб, тез кунда яхши ном чиқарди ва ҳамманинг оғзига тушди. Унинг дўконига катталар савдо ва кичиклар томоша қилгани келар, сардор эса одамларни хуш чеҳра, ширин сўз билан қаршилар, муомаласи юмшоқ ва ҳозиржавоб эди. Шундоқ қилиб, сардор одамларнинг муҳаббатини қозонди, аслида эса табиатан бунинг акси — дағал, шафқатни билмайдиган, бағри тош, ўлдириш, талаш, ғорат қилиш, қон тўкишга одат қилган кимса бўлиб, ҳозир «заруратнинг ўз гарикати бор» қабилида иш тутмоқда эди.

Донолиги ва фикру мулоҳазаси билан ном чиқарган донишмандлар, қозихоналардаги муқим шоҳидлар, имомлар, воизлар, муфтилар, тариқат ва шарият пешволари, зоҳидлар — ҳамма унинг дўконига келиб мол ва матолар харид қилар эди. Жангларда шон-шавкат кўрсатган паҳлавонлар, камонадозлар, найзабоз, қиличбозлар, кўчманчилар, шаҳар аҳолиси, жаҳонгашталар ҳам унга мижоз эдилар. Унинг олдига ғани ва қашшоқлар ҳам, ғийбатчи ва шаллақилар ҳам, араблар ва ажамлар ҳам, чўпон ва туякашлар ҳам, бошпаналик одамлар ва бошпанасиз дарбадарлар ҳам, саҳро ва биёбонлар кезгувчи сайёҳлар ҳам келар эдилар.

Унинг дўконига қадди расо ва ҳушқомат, юзлари бе-



ғубор, кўкраклари кўпчиб турган, буйинлари узун, оҳу кўз, қоши камон, ғунча даҳан, лаблари ҳақиқ, нафаслари оромбахш ва сўзлари жонга малҳам Рум чўрилари ҳам назар ташлар эдилар.

Унинг дўконидан юзлари буришган, кўзлари шилпиқ, бурунларидан сув оқиб турадиган ва тинмай вайсайдиган кампирлар, мўйлаби энди сабза урган хушсурат йигитлар, ясанган болалар, серсоқол ва мункайиб қолган чоллар ҳам аримас эди. Улар ҳол тили билан шундай деяётгандай эдилар:

Оғир ғамларга солди чархи золим  
Билар ким кўрса ушбу қадди долим.  
Югурмоқдан, ажбким, чарчамасдим,  
Бугун ўтирмоққа ҳам йўқ мажолим.

Сардор буларнинг барини тавозе билан қарши олар, шоҳ демай, гадо демай, хожа демай, қул демай, ғани демай, қашшоқ демай ҳаммасига хушмуомалада бўлар, аллома, фозил кишиларни иззат қилар, мусофирлардан ҳам ҳазар қилмас, дўстлари ва қўшниларига аҳтиром кўрсатар эди. Шу тариқа ҳамма дилида унга меҳр-муҳаббат қўйди.

Худойи таолонинг иродаси билан бу каззоб Али бобонинг ўғли Муҳаммаднинг дўкони рўпарасига дўкон очган эди.

Қўшничилик тариқининг тақозоси билан иккиси ошна бўлди, бир-бирининг ота-бобоси кимлигини ва ўзини билмаса ҳам, бир-бирига меҳр-муҳаббат пайдо қилди, бири иккинчисининг дўконига ўтирадиган, кўришмасалар бир-бировини қўмсайдиган бўлди.

Кунлардан бир куни Али бобо бозорни айланиб юриб, ўғлини кўргани унинг дўконига кирди. Сардор шу ерда эди, Али бобони кўриши билан таниди.

Сардор муродига етганини, қасос олиш мавриди келганини кўриб шод-хуррам бўлди, лекин сир бой бермади, Али бобо кетганидан кейин ўғлидан: «Бу одам ким?» деб сўради.

— Бу одам менинг отам-ку? — деди Муҳаммад.

Шундан кейин сардор унинг дўконига яна кўпроқ келадиган, унга яна ҳам кўпроқ иззат-ҳурмат кўрсатадиган, меҳр-муҳаббат ва садоқат арз этадиган бўлди, уни таомга чақирар, зиёфат қилар, қимматбаҳо тухфа ва ажойиб тортиқлар бериб сийларди.

Муҳаммад қўшнисининг лутф ва марҳаматини кўриб, унинг дўстлиги ва садоқатига амин бўлди-ю, унга билони-ҳоя меҳр-муҳаббат қўйди, бирон соатини ҳам усиз ўтказмай кеча-кундуз бирга бўлди. Муҳаммад отасига бу мусофир савдогар қандоқ лутфу марҳаматлар қилганини, қандоқ меҳр-муҳаббат кўрсатганини айтди ва бу одам гани, мурувватли, олим ва фозил киши деб хўп мақтади.

— Ундоқ бўлса, ўғлим,— деди Али бобо,— қарзингни уз, бу одамни зиёфатга чақир, жума намозидан чиққанларингда уйга таклиф қил. Мен бу муҳтарам меҳмонга муносиб таомларни ҳозир қилиб қўяман.

Жума куни сардор Муҳаммад билан бирликда жума намозига борди, намоздан кейин шаҳар томошасига чиқиб, Али бобонинг кўчасига келганларида Муҳаммад уни уйига таклиф қилди. Сардор турли важ-қарсонлар билан бу таклифни қабул қилмади, лекин Муҳаммад қистаб туриб олганидан кейин рози бўлиб деди:

— Дўстлик аҳд-паймонини бузмаслик учун сўзингни қайтармайман, лекин бир шартим бор: таомга туз солинамсин, тузни хуш кўрмайман ва исига тоқат қилолмайман.

— Ҳечқиси йўқ,— деди Муҳаммад,— тузни ҳазм қилолмасанг тузсиз таом пиширамиз.

Сардорнинг муроди шу ҳовлига кириш эди, шунинг учун беҳад хурсанд бўлди; душманидан қасос олишнинг имкониятига молик бўлганига амин бўлиб, ичиди деди: «Шубҳа йўқки, тақдир ёр бўлиб, ҳаммаси қўлимга тушди».

Сардор остонадан ўтиб ҳовлига кирганида Али бобо камоли аҳтиром билан салом берди, у бошқа қиёфага кирган ўша савдогар эканини, бўри қўтонга, арслон подага киргани хаёлига ҳам келмасдан, уйининг тўрига ўтқизди.

Али бобо меҳмон билан у ёқдан, бу ёқдан гаплашиб ўтирди. Маҳдум ошхонага кириб, Маржонага меҳмон тузлик таом емаслигини айтди ва таомга туз солмасликни буюрди.

Маржона афсус қилди, сабабки таомга туз солиб қўйган, энди бошқа тузсиз таом пиширмақ керак эди, иккинчидан, нима учун меҳмон туз татишни истамаганига ҳайрон бўлиб шубҳага тушди ва бу одамни кўргиси келди.

Таом маҳали бўлганда Маржона билан Абдулла хон-

тахта келтириб қўйдилар, Маржона меҳмонга кўз ташлади-ю, ҳушёр ва зийраклиги орқасида ўғрилар сардорини таниди, синчиклаб қараб, жомаси остидан чиқиб турган ханжарнинг қабзасини кўрди ва ўзича деди: «Бу малъун не сабабдан хожанинг тузини татимоқдан бош тортганини энди билдим! Хожамни ўлдирмоқчи ва тузини еб уни ўлдиришни қабоҳат деб билади. Иншоолло, муродига етолмайди, муродига етгани қўймайман».

Маржона чиқиб кетди ва ўз иши билан машгул бўлди. Абдулла буларга хизмат қилиб турди. Али бобо манзират қилди. Меҳмон билан мезбон ҳамма таомлардан еб тўйди. Қолган таом олиб кетилди, май, ҳўл ва қуруқ мева, анвои ширинликлар, шарбатлар келтирилди.

Булар еб-ичиб ўтирганда Маржона билан Абдулла кириб келди. Маржона Искандария матосидан тикилган тўр кўйлак, шоҳона кимхобдан нимча кийиб олган ва ўзига оро берган, турли қимматбаҳо тошлар билан зийнат берилган олтин камар белини қисиб турар эди. Унинг бошида инжу билан зийнатланган дурра, бўйнидаги зумрад, ёқут, забаржад ва анордек маржон кўкракларига тушиб турар, бу зийнатлар ўзига ниҳоятда ярашган, чеҳраси баҳорнинг илк табассумига ўхшар эди. Абдулла ҳам ясаниб олган эди, у доира чертди, Маржона рақс бошлади.

Али бобо Маржонани кўргач, завқи келиб табассум қилди ва деди:

— Бебаҳо жориямиз ва қадрдон канизимиз қадамига ҳасанот! Тангри ҳаққи, кўп яхши иш қилдинг, сабабки роҳат-фароғатимиз бекам-кўст ва ишратимиз тўла-тўкис бўлсин учун рақс томоша қилмоқ хоҳишида эдик.

Сўнг, Али бобо сардорга деди:

— Бу жория беназир, унинг ўхшаши йўқ, сабабки ҳар ишга моҳир ва хизматда комил, барча санъатдан хабардор, латофат, зарофат ва фаросатда мислсиздир. Бу менга кўп яхшиликлар қилган, уни қизимдан ортиқ кўраман. Эй оға, жамолига кўз ташла, қад-қоматини кўр, рақсини томоша қил, жилвасига назар сол!

Бироқ унинг сўзлари сардорнинг қулоғига кирмас, қаҳр-ғазабдан ҳуши бошидан учган эди, сабабки бу икки одамнинг келиши ёвуз ниятини амалга оширишга халал берар эди.

Маржона ғоят гўзал рақс қилиб бориб, сардорнинг жомаси остидан қабзаси чиқиб турган ханжарни олди ва араб раққосларининг расмини қилиб, ханжарнинг учини

гоҳ ўзининг, гоҳ Муҳаммаднинг, гоҳ сардорнинг кўкрагига текизиб ўйин қила кетди, сўнг, Муҳаммаднинг қўлидан доирани олиб Али бобога тутди ва динор ташла деб имо қилди. Али бобо доирага динор ташлади. Маржона доирани Муҳаммадга тутди. Муҳаммад ҳам динор ташлади. Сўнг, Маржона бир қўлида ханжар ва бир қўлида доира билан Сардорнинг олдига келди, сардор динор олгани қўлини қўйнига тиқиб, алақсиб турган пайтида унинг кўкрагига ханжар урди.

Сардор «вой» деб жон берди. Худо унинг жонини жаҳаннамга йўлади. Али бобо ва ўғли қўрқувдан дарҳол оёққа турдилар ва Маржонага дағдаға қилдилар:

— Оҳ, маккора, ҳаромзода! Оҳ, оқпадар, оҳ таги паст, бундоқ қабиҳ хиёнатнинг боиси нима? Бизни оғир гуноҳга дучор қилдинг, бошимизга бало келтирдинг. Эй малъуна, қозининг қўлидан қочиб қутулсанг ҳам, бизнинг қўлимиздан қутула олмайсан!

Маржона бепарво жавоб берди.

— Ўзларингизни босинг, қўрқманг, бардам бўлинг. Бошини тикиб жонларингни сақлаб қолган кимсанинг ажри шу бўлса, дунёда ҳеч ким яхшилик қилмайди. Мендан бадгумон бўлишга ошиқманг, сабабки, сўнгги пушаймон ўзингга душман. Менинг сўзимни эшитингиз, сўнг ихтиёр ўзингизда. Бу одам савдогар эмас, балки тоғдан келган ўғрилар сардори, аввал, мой сотаман деб ҳаммамизни ҳалок қилмоқ мақсадида ҳовлимизга мешларда одам олиб келди, мен унинг макр-ҳийласини фош қилиб, ниятини барбод қилганимдан кейин қочиб кетди. Лекин бу нобакор бундан сабоқ олмади, менга ва ҳаммамизга қарши ғазоби жўш урди, қабиҳ ниятидан қайтмади, шу ниятда бозорда дўкон очиб, дўконини қимматбаҳо молларга тўлдирди, яна макру ҳийла ва фирибгарлик йўлини тутиб, айёрлик билан хошам Муҳаммадга ёлғондан меҳр-муҳаббат изҳор этди, шу йўл билан уйимизга кириб, сиз билан ҳамтабақ бўлди, пайт пойлаб сизни азоб-уқубат билан ўлдирмоқ, ер юзидан изимизни йўқотмоқни истади яроғининг ўткир тиғига ва қўлининг куч-қувватига инонди. Лекин худойи таоло — қодир якто! Шукур худогаким, менинг қўлим билан уни маҳв этди. Сўзларимга инонмасангиз унинг юзига назар солингиз.

Маржона сардорнинг ўлигини ағдариб юзини кўрсатди. Али бобо билан Муҳаммад Маржонанинг сўзларидан сўнг сардорнинг юзига тикилиб, ёғ сотмоқчи бўлган каззоб сав-

догарни танидилар, Маржона кўтариб рақс қилган ханжарни кўриб, чўрининг сўзлари ҳақ эканини, унинг жасорати ва довюраклиги туфайли худо даҳшатли ўлимдан асраганини англадилар.

Али бобо билан Муҳаммад Маржонага мақтовга сазовор иши учун ташаккур изҳор қилдилар, унинг фаҳм-фаросатига таҳсин ўқидилар.

Мен сени озод қилганимда яна инъом-эҳсон қиларман деган эдим, шу ваъдамни ҳозир бажо келтиришим керак, бу яхшиликларинг учун сени келин қиламан, ўғлим Муҳаммадга олиб бераман. Бунга ўзларинг нима дейсизлар?

Муҳаммад жавоб берди:

— Сенинг сўзинг сўз, сенинг хоҳишинг менинг хоҳишим. Агар амринг малол келган тақдирда ҳам бўйин эгардим. Аммо Маржонани келин қилиб олиш тилагинг, менинг учун айни муддаодир.


Муҳаммаднинг бундоқ жавоб берганига сабаб Маржонанинг ҳусн-латофати, фазлу камолати, фаросати ва насл-насаби тоза бўлганлиги туфайли унга кўпдан ошиқи беқарор бўлиб юрганлиги эди.

Сўнг, булар каттакон чуқур қазиб сардорнинг жасадини кўмдилар. Сардор, ризқи битган малъун ва касофат шерикларига ҳамсоя бўлди. Бу ажойиб ва гаройиб ишдан ҳеч ким воқиф бўлмади.


Сардор узоқ вақт беном-нишон кетганидан кейин унинг дўконидаги моллар, қимматбаҳо ашё хазина тасарруфига ўтди. Тинчлик барқарор бўлиб ҳамма хотиржамликда умр кечири бошлагандан кейин, Муҳаммад чўри қиз Маржонани никоҳига олди, қозига бориб никоҳ васиқаси ёздирди, бир миқдор маҳр бериб, қолганини кейинроқ беришни ваъда қилди. Улар халққа тўй-томоша бердилар, созандалар, хонадалар ва қизиқчилар иштирокида тонг отгунча зиёфат бўлди.

Уч кечаю уч кундуз тўй-томоша бўлди. Орадан бир йил ўтгач, Али бобо хазинага бормоқчи бўлди, укаси ҳалок бўлгандан бери бормаган, қўрққан, сабабки, худойи таоло Маржонанинг қўли билан ўттиз саккиз қароқчини ҳалок қилгандан кейин, тоғдаги қирқ қароқчидан дарак топмаганидан кейин хазинани кўрсатмоқ ва унга кирмоқ усулини ўргатиш учун ўғлини олиб борди. Иккови келиб қараса, хазинанинг йўлини ўт-ўлан, чангал босиб кетипти. Бундан маълум бўлдики, хазинага узоқ вақт ҳеч бир кимса йўла-

мапти. Булар қолган қароқчиларнинг ҳам ҳалок бўлганига амин бўлиб, қўрқмасдан олға юрдилар. Али бобо болта билан чангални чопиб, эшикка йўл очди: «Сезам, эшигингни оч!» деган эди, эшик очилди. Ота-бола хазинага кирдилар. Али бобо уйилиб ётган бойлик, ажойиб ва ғаройиб нарсаларни кўриб ҳайратда қотиб қолди. Сўнг, иккови хазинани айланиб томоша қилди, ҳамма хоналарга кирди, бойликни беармон титқилади ва енгил, аммо қимматбаҳо тошлардан манзур бўлганларини олиб хурсанд бўлиб уйига қайтди. Шундан кейин булар хазинадан истаганларини ташиб, то айш-ишрат ва висол заволи, саройларни хароб ва қабристонларни обод қилувчи қаза етиб келгунча умрларини роҳат ва фароғатда ўтказдилар.



**Шоҳ Бахтзод,  
унинг ўғли  
ва ўн вазири  
ҳақида ҳикоят**



Қадим замонда Бахтзод отлик салтанати устивор улуғ бир подшоҳ бор эди. Унинг насл-насаби Найруз шаҳридан бўлиб, пойтахти Сисар шаҳри, давлати Ҳиндистон сарҳадидан бошланиб, дарёи азимга етар эди. Давлати ниҳоятда бой, обод ва бепоён бўлганидан подшоҳ ўн вазир тайин қилган, лашкари беҳисоб, сарбозлари беадад эди.

Куллардан бир куни подшоҳ шикорга чиқди. қуш солди, ит қўйди, кўзи ғоят катта бир йиртқич ҳайвонга тушди.

Шоҳ Бахтзод йиртқичнинг кетидан от қўйди, кўп юриб, сарбозларининг кўзидан ғойиб бўлди ва саҳрода йўлини йўқотди. Йиртқич қочиб кетди.

Шоҳ чакалак ва чангалзордан йўлга ва ё сарбозлари турган жойга чиққани кўп уринди, ниҳоят, саҳрога чиқиб қолди. Узоқда суворилар кўринди. Булар олтин тахтиравон олиб бормоқда, тахтиравоннинг қуббаси қимматбаҳо тошлар билан безалган эди. Подшоҳ буни кўриб отини қамчилади, буларга етиб олди ва тахтиравонни кузатиб бораётган йигитдан сўради:

— Эй жувонмард, бу тахтиравон кимникидир?

Йигит жавоб берди:

— Эй оға, шоҳ Бахтзоднинг вазири Исфоханд қизини Зодшоҳга хотинликка берди, биз қуллари қизни Зодшоҳнинг ҳузурига олиб бормоқдамиз.





Қиз бу сўзни эшитиб, йигитга ким сўз қотганини билмоқ бўлиб, даричадан қаради, лекин шоҳ шикор либосида бўлганидан танимади. Шоҳ унга назар ташлади-ю қиз кўзига хушрўй кўриниб ишқи тушди ва вазири Исфахандга ғазаби келди: «Нечук шундоқ қизи борлигидан менч оғоҳ қилмапти, билъакс, уни душманим Зодшоҳга берипти!»

Сўнг, шоҳ қарвонбошига қараб деди:

— Мен шоҳ Бахтзодман, шу қизни хотинликка олмаққа ихтиёр этдим. Қизнинг отаси Исфаханд бунга хафа бўлади деб ўйлама, билъакс хурсанд бўлади.

Қизни қузатиб борғувчи сарбозлар бу одам шоҳ Бахтзод эканини билиб ер ўпдилар ва «Хукм сенинг ҳукмингдир» дедилар, дарҳол тахтиравонни орқага қайтардилар. Подшоҳ сувориларни бошлаб саройга олиб келди, дарҳол қизни никоҳига олиб, оромгоҳига кирди.

Сувориларидан бири қизнинг отаси Исфаханднинг ҳузурига бориб деди:

— Аё ҳукмдорим, йўлда шоҳ Бахтзод учраб қизниги биздан тортиб олди, саройига элтиб никоҳига олди ва оромгоҳига кирди. Мен унга: «Аё Амиралзамоң, қизни отасининг ҳузурига йўллаб совчи юборсанг яхшироқ бўлар эди, ҳозир никоҳингга олсанг қизни олиб қочган бўласан»

дедим. Шоҳ: «Исфоханд менинг вазирим, ундан қизини сўрашимнинг лузуми йўқ» деб жавоб берди.

Вазир бу сўзни эшитиб, қизини беижозат олиб кетган султонга дарғазаб бўлди. Қизининг оти Баҳражур эди.

Қизининг отаси барча давлат аъёнлари, ёр-ошнолари ва таниш-билишларига мактуб ёзиб султоннинг қилмишларини баён қилди. Булар йиғилиб, султонга қарши отланмоқчи бўлдилар ва дедилар:

— Агар султон бугун қизингга тажовуз қилган бўлса, эртага бизларга тажовуз қилади. Ҳаммамиз унга қарши сенинг тарафингдамиз. Лекин аввал сен султонга ёлғондан: «Менга куёв бўлганингдан беҳад хурсандман» деб мактуб ёз, сўнгра, шаҳардан чиқиб истеҳком қур, бошқа ҳукмдорларга нома юбор. Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб Бахтводни подшоҳликдан туширамиз.

Исфоханд ҳаммага ташаккур билдирди ва подшоҳ Бахтводга мактуб ёзди:

«Аё подшоҳим, қизимни олиб менга шараф кўрсатганингдан нақадар шод-хуррам эканимни изҳор қилишдан ожизман. Илоҳо фароғат кўр, умр ва салтанатинг зиёда бўлсин. Ассалому алайкум».

Вазир подшоҳга мактуб билан бирга қимматбаҳо туҳфалар юборди.

Унинг мулозими подшоҳга мактубни элтди. Подшоҳ мактубни ўқиб гоят хурсанд бўлди ва донишманд бир вазирга одам юбориб олдириб келди, унга мактубни, туҳфаларни кўрсатди. Вазир мактубни ўқиб мазмунидан огоҳ бўлгач, Бахтводга деди:

— Эй Амиралзамон, бу мактуб макру ҳийладир. Худо ҳозир, вазиринг Исфоханддек душманинг йўқ. Бу мактуб бошдан-оёқ фирибгарлик ва ҳийладан иборат.

Лекин Бахтвод вазирининг бу сўзларини инобатга олмади, гоят яхши кўрган хотини Баҳражур билан умр кечираверди. Қизининг отаси Исфоханд эса подшоҳга мактуб ва туҳфалар юборганидан кейин шаҳардан чиқиб, қўли остидаги вилоятлардан бирига борди, ўрнашиб, лашкарларга, фармон ва вазирларга номалар юборди: «Имкон бўлса менинг ҳузуримга келингиз, Бахтводга қарши бирон тadbир кўрурмиз, сабабки шоҳ зулм ва адолатсизликни ҳаддан оширди. Шоҳ бугун менинг қизимга тажовуз қилган бўлса, эртага сизларнинг ҳарамларингизга ва хотинларингизга тажовуз қилади», — деди

Барча лашкарлар, давлат аъёнлари ва зодагонлар шоҳ Бахтзодга қарши бир ёқадан бош чиқардилар. Вазир Исфанди бехисоб лашкар тортиб Бахтзод турган шаҳарга йўл олди. Шоҳ Бахтзод хотини Баҳражур билан ишратда бўлганидан душман ҳужумига қарши ҳеч бир ҳозирлик кўрмади, шунинг учун ўзи бир отга миниб, хотинини чодирга ўраб, бошқа отга миндириб шаҳардан қочди. Исфанди шаҳарга кириб, унинг тахтига ўтирди.

Бахтзод билан Баҳражур саҳрода икки-уч кун юрдилар. Баҳражур ҳомиладор бўлиб, ой-куни яқин эди, ҳорғинлик ва қўрқувдан тўлғоқ тутди. Бахтзод хотинини дарҳол бир тоғнинг этагига олиб борди, йилга бўйида отдан тушди. Баҳражурни қаттиқроқ тўлғоқ тутди, худойи таоло кушойиш бериб, ҳусн-латофатда тенги тимсоли йўқ ўғил туғди.

— Эй Баҳражур,— деди шоҳ,— фарзандимизни шу ерга қўйиб кетайлик, токи йўлда ўзимиз билан бирга ҳалок бўлмасин. Худойи таоло меҳрибончилик қилиб бирон кимсани юборар.

Баҳражур боласига ичи ачиб, ўз аҳволига йиғлади. Икковлари болани йилга бўйига қўйиб, отланиб жўнадилар.

Худойи таоло бир кийикни юборди. Кийик болага раҳм қилди ва бир неча кун келиб эмизди. Бу жойларда қароқчилар бор эди, булар истироҳат қилгани ва ганимат молларни бўлишгани йилга бўйига келиб, йилтираб турган бир нарсани пайқадилар ва яқин келиб, пўстинга ўралган бир болани кўрдиларки, унинг таърифиди шоир дебдир:

Чиройингга жаҳон ичра топилмайдур қиёс асло,  
Мужассам ҳусни эурсан, охуваш нозиқ қадинг, барно  
Боқар чоғинда сен ойина эй орази зебо,  
Турар бир-бирларига икки кўзгу рўбарў гўё.

Қароқчилар болани, унинг ҳусн-жамолини кўриб хитоб қилдилар:

— Шундоқ вужудни бунёдга келтирганларга худонинг раҳмати бўлсин! Бу гўдак нима гуноҳ қилган эканки, отанаси бу ерга танҳо ташлаб кетипти!

Қароқчиларнинг сардори болани шаҳарга олиб бориб тарбият қилгани хотинига берди ва энага олди.

Шоҳ Бахтзод билан Баҳражур йўл юрганда ҳам мўл юриб, Эрон подшоҳи Нуширавоннинг юртига келдилар. Нуширавон буларни иззат-ҳурмат билан қарши олди, сарайдан жой берди ва бу ерга келганларининг боисини:

сўради. Бахтзод вазири Исфоханд туфайли бошига келган можаароларни баён қилди.

— Нуширавон воқеани эшитиб Бахтзодга дарҳол беҳисоб лашкар ва уруш анжомларини берди-ю, қайтариб юборди. Бахтзод ўз мамлакатига йўл олди.

У ўз мамлакатининг чегарасига келганда вазир Исфоханд одамларини унга қарши олиб чиқди. Икки орада жанг бўлди. Жангда подшоҳ голиб келиб вазири Исфохандни асир қилди, ўзини ва ҳамма одамларини ўлдирди, зафар ва шодлик билан шаҳарга кириб, тахтига ўтирди. Унга мамлакат ва худонинг бандалари итоат қилдилар. Подшоҳ фарзандини қўйиб кетилган тоғга одамлар юборди, лекин бола топилмади.

Шундан кейин Бахтзод Нуширавонга ҳашаматли туҳфалар ва қимматбаҳо пешкашлар йўллади, лашкарларига инъом-эҳсон бериб қайтарди; шоҳга ташаккур изҳор қилиб, хотини Баҳражурни қайтариб юборишини сўради.

Нуширавон бир кун Баҳражурни кўриб ошиқ бўлиб қолди, Баҳражур эса ўғлининг қайғусини чекар эди. Нуширавон унинг қайғусини ёзишга ҳаракат қилди, бир уйни ораста қилиб маликанинг баҳри-дилани очадиган нима бўлса ҳаммасини муҳайё қилди, сўнгра, унинг хизматига қирқ чўри қўйди.

Орадан бир қанча вақт ўтгандан кейин унинг лашкарлари Бахтзоднинг мамлакатидан қайтиб келди, юборган туҳфаларини ва Нуширавонга миннатдорчилик билдириб, хотинини қайтариб юборишини сўраб ёзган мактубини топширди. Нуширавон Баҳражурни хотин қилиб олмоқчи бўлгани учун хатни ўқиб кўп хафа бўлди, лекин Бахтзод инъом-эҳсонга кўмиб юборган лашкарлари унинг дуоий эконини қилаётганликларини кўриб, Баҳражурни олгани кўрқди ва уни иззат-икром билан дарҳол жўнатди. Баҳражур эри Бахтзоднинг ҳузурига келиб хурсанд бўлиш ўрнига хафа бўлди, жигарпорасини эслаб йиғлади, ўзини урди, юзини юлди.

Подшоҳ Бахтзод унга таскин-тасалли бериб деди:

— Эй Баҳражур, ҳали ёшмиз, худо бошқа фарзанд ато қилишидан умидвормиз. Хафа бўлма, бизни мамлакатимизга қайтарган худога шукур қил!

Бола қароқчилар сардорининг тарбиясида ўсиб, ўн беш ёшга кирди, жангу жадал ишига маҳорат касб этиб, қароқчилар сардори бўлган отаси ва унинг одамлари билан бирга йўл тўсгани, карвонларни талагани борадиган бўлди.

Бир куни йўлдан сувори сарбозлар қўриқлаб кетаётган каттакон карвон ўтиб қолди. Сардор карвонга ҳужум қилди. Карвондаги сарбозлар жанг қилиб, қароқчиларнинг кўпини ўлдирдилар, асир олдилар, қолганлари қочди. Асирлар орасида ўша бола ҳам бор эди. Савдогарлар унинг ҳусн-жамолини кўриб лол қолдилар ва сўрадилар:

— Қаерликсан йигитча, отанг ким, нима бўлиб қароқчиларга қўшилиб қолдинг! Юзингдан қароқчига ўхшамайсан!

Савдогарлар болани шаҳарга олиб келдилар. Бу шаҳар шоҳ Бахтзоднинг шаҳри эди. Шаҳарга карвон келганлигидан хабар топгач, Бахтзод савдогарларга одам юбориб олдириб келди ва булардан маликага муносиб бирон нарса борми эканини сўради. Савдогарлар унга қимматбаҳо молларни кўрсатдилар. Шоҳ манзур бўлган матони олди.

Бола савдогарлар билан бирга келган эди. Шоҳ уни кўриб ҳусн-жамолига маҳдиё бўлди, жигарининг қони уни ўзига тортди.

Шоҳ карвонбошидан сўради:

— Бу бола ораларингда нима қилиб юрипти?

— Аё Амиралзамон, биз йўлда қароқчиларга йўлиқдик, жанг қилиб, уларни тор-мор қилдик, бола олинган асирлар жумласида эди. Бу боладан: «Кимнинг ўғлисан?» деб сўраган эдик, бола: «Қароқчилар сардорининг ўғлиман» деб жавоб берди,— деди карвонбоши.

— Болани менга беринглар,— деди шоҳ.

Карвонбоши жавоб берди:

— Аё Амиралзамон, бола мендан сенга туҳфа бўлсин.

Шоҳ болани олиб, унга зўр меҳр-муҳаббат қўйди, лекин бола ўз ўғли эканидан тамоман беҳабар эди.

Бола саройда отаси шоҳ Бахтзоднинг қаноти остида ўсиб, фаросати, билими, ақл ва тадбиркорлиги кундан-кун камол топа берди. Отаси буни кўриб унга бутун хазинасини, мамлакатининг бож-хирожини топширди. Боланинг сўзи — сўз, фармони — фармон бўлиб қолди. Унинг ишбилармандлиги, ҳалоллиги орқасида хазина бойида. Илгарри хазина ўнларча вазирларнинг қўлида бўлиб уларнинг ҳар бири билганини қилар, хирож кам тушар эди.

Йигит шоҳ Бахтзодга ўз ўғлидан азизроқ бўлиб қолди. Вазирлар буни кўриб ҳасад қилдилар, макр-ҳийла билан уни ўлдиртириш пайига тушдилар.

Бироқ улар ожизлик қилиб, макр-ҳийла тополмадилар. Бир кун кечқурун йигит хурсандлик қилиб майни кўпроқ

иди-ю, ақлини йўқотди, оромгоҳидан чиқиб саройни кезд. маликанинг оромгоҳи ёнидан ўтаётиб, унинг тўшагига йиқилди-да, учиб қолди. Уйқу маҳалида оқсоч одатдагича оромгоҳга кириб, хонтахтага шароб ва мева-чева қўйди, тамни ёқди, мушк-анбар тутатди-ю, тўшакда биров ётганини пайқамасдан чиқиб кетди.

Шоҳ Бахтвод ўз оромгоҳидан чиқиб, хотини Баҳражурнинг оромгоҳига йўналди, малика унинг кетидан борди. Шоҳ эшикни очиб хотини билан оромгоҳга кирди, қараса, мазкур йигит тўшакда хуррак отиб ётипти. Шоҳ даргазаб бўлди ва хотинига таънамуз қараб сўради:

— Бу қандоқ ҳол, йигит бу ерда нима қилиб ётипти? Бу ерга сенинг изминг билан кирган бўлса керак.

— Волло-билло, бундан хабарим йўқ,— деди малика.

Буни эшитиб йигит кўзини очди, шоҳ билан маликани кўриб дарҳол ўрнидан турди ва шоҳнинг оёғига йиқилди. Шоҳ деди:

— Эй, нобакор, бу қандоқ хиёнат! Сен менга ўз ҳарамимда хиёнат қиласанми! Сенга қилган лутфу карамимнинг эвази шуми! Мен сени барча вазирларимдан юқори қўйдим.

Сўнг, шоҳ қаҳр-ғазаб билан оромгоҳидан чиқиб, йигитни зиндонга, маликани хилватхонага қамаб қўйишни буюрди, кечани изтиробда ўтказди, эрталаб тахтига ўтирди-ю вазирларининг каттасини чақиртирди-да:

— Бу ярамас йигитнинг қилмишини кўр!— деди ва воқеани айтиб берди.

Вазир деди:

— Аё Амралзамон, умринг узоқ бўлсин. Бу йигит қароқчилар сардорининг ўғли, паст насаб эканидан беҳабармидинг? Бу йигитдан поклик талаб қилиб бўладими? Айб маликада эмас деб ўйлайман. Малика кўп йиллик хотининг, унинг биронта хатосини кўрган эмасман, покдоманлик, ҳалоллик ва тақводорликда ном чиқарган хотин, агар ижозат берсанг ҳозир маликанинг ҳузурига кириб воқеани батафсил билиб чиқаман.

— Бор,— деди шоҳ.

Вазир маликанинг ҳузурига кириб деди:

— Менинг саволларимга тўғри жавоб берарсан деб ҳузурингга келдим.

— Сўра!— деди малика.

Вазир савол қилди:

— Йигит нима сабабдан сенинг оромгоҳингга кириб тўшагингда ухлаб қолди?

- Малика зўр қайғуга тушиб йиғлади ва деди:

— Волло-билло, бундан хабарим йўқ, йигитни мутлақд билмайман.

Вазир маликанинг бегуноҳ эканини билиб деди:

— Бу бўҳтондан қутулиш тадбирини айтайми?

— Қандоқ тадбир экан?— деб сўради малика. Вазир жавоб берди:

— Подшоҳ чақириб сўраса шундоқ дегин: «Бу йигит мени бир марта кўриб одам юборди ва менга илтифот қилиб яқинингга йўлатсанг юзларча бебаҳо гавҳар бераман, деди, юборган одамини ҳайдаб солдим. Йигит мендан қўрқиб яна одам юборди, хоҳишимга юрмасанг бирон кун кечқурун маст бўлиб келаману тўшагингга ётиб оламан, подшоҳ кўради, шарманда бўласан, подшоҳ сени ўлдиради. Подшоҳга шундоқ десанг бўҳтондан қутуласан»,— деди вазир.

Малика хитоб қилди:

— Худо хайрингни берсин!

Вазир маликанинг ҳузуридан чиқиб подшоҳга деди:

— Худдо ҳаққи, айб маликада эмас. Бу йигит қатлга сазовордир. Эй Амралзамон, маълумки, ёмоннинг боласи ёмон бўлади.

Подшоҳ даргазаб бўлиб йигит билан жаллодни чақиртирди, жаллодга йигитнинг бошини олишни буюрди, сўнгра йигитга юзланиб деди:

— Эй хиёнаткор, мен сенинг қўлингга хазинани ва бутун давлатни топширдим, вазимга пешво қилдим, яхшиликларимнинг эвази шу бўлдими?

— Аё Амралзамон,— деди йигит,— мен сенга ҳеч хусусда хиёнат қилганим йўқ, лекин толеим шум экан. Толе ёр бўлмаса одам балога гирифтор бўлади ва ҳол тили унинг фойдасига эмас, зарарига сўзлайди. Мен сенинг қошингда заррача ҳам гуноҳ қилмасликка жон-жаҳдим билан ҳаракат қилдим, лекин модомики ҳукминг шу экан, чора йўқ. Толеим шум, тақдирнинг жафосини чеккан савдогар қабилдан бўлсам қандоқ қилай.

— У қандоқ савдогар?— деди шоҳ. Шаҳзода жавоб берди:

— Аё масъуд шоҳ, бир замонлар савдо ишида маҳорат касб этган, бир дирҳамдан юз дирҳам фойда кўрадиган бир савдогар бор экан. Шу савдогарнинг иши чаппасига кетипти, бир қанча вақт фойда кўрмапти, шунда ўзига: «Қачонгача фойда кўрмай машаққат тортаман! Бошқа мол олиб

сотаман!» депти. Савдогар пулининг ярмига буғдой олипти, хирмон вақтида: «Буни қишга олиб қўяман, фойда кўрарман» деб ўйлапти. Бироқ қишда буғдой арзон бўлипти, харид ярим баҳосига келипти. Савдогар кўп хафа бўлибди-ю буғдойни янаги қишга олиб қўйипти, қишда буғдойнинг нархи яна ҳам тушиб кетипти. Савдогарнинг олдига мўйсафид бир ошнаси келиб депти:

— Эй дўстим, худо ҳаққи, буғдойдан омад кўрмайсан.

— Буғдойни зарарига сотаманми? Фойда кўрмайдиган бўлсам, ўн йил турса ҳам тураверади,— дебди савдогар ва омборининг эшигини маҳкамлаб қўйипти.

Худонинг иродаси билан қаттиқ ёмғир ёғиб, омборга сув кирипти, буғдойнинг ярмидан кўпини сув босипти, қолганини худойи таоло чумолиларга ем қилипти. Шундай қилиб, буғдой батамом нобуд бўлипти.

Савдогар бир куни келиб қараса буғдой шу аҳволда, беш юз динорга одам ёллабди-ю, буғдойини чиқариб денгизга ташлатипти.

Савдогарнинг ошнаси дебди:

— Эй дўстим, буғдойдан омад кўрмайсан демаганмидим.

Савдогар жавоб берипти:

— Рост айтган экансан. Бу ишда сиздим.

— Менинг хизматимга кир, сени мулк-амлокимга нозир қиламан.

Ошнаси унга йиллик маош тайин қилипти. Савдогар бир йил унинг хизматида бўлипти. Мўйсафиднинг буғдойи яхши унипти, савдогар ҳисоблаб кўриб ўйлапти:

— Мўйсафид менга ҳар йили берадиган маошини бермас керак, яхшиси ваъда қилган буғдойини яшириқча ола қолай. Ҳақимни тўласа, қайтариб бераман, бермас қайтармайман.

Савдогар буғдойдан тегишини олиб яширипти, қолганини мўйсафиднинг омборига элтиб тўкипти.

— Эй азизим, юр, ҳақингни берай,— депти мўйсафид ва унга ҳақини берипти.— Элик йил хизматимни қилсанг ҳам ҳар йили шу маошни олаверасан.

Савдогар ичида ўзини сўкипти, яшириқча олган буғдойини мўйсафидга келтириб бермоқчи бўлипти, бориб қараса буғдой йўқ, қайтиб, мўйсафидга депти:

— Эй хожам, сендан ҳеч нарсани пинҳон тутмайман. Маошим хусусида ваъдангда турмасан деган хаёлда ўзимга тегишли буғдойни сендан яшириқча олган ва: «Ҳақим-



ни батамом берса қайтараман» деб ўйлаган эдим. Сен ҳақимни батамом берганингдан кейин буғдойингни келтириб бергани борсам, буғдой яширган жойимда йўқ.

Мўйсафид бу сўзни эшитиб савдогардан хафа бўлипти ва дебди:

— Дарҳақиқат, толе ёр бўлмаса найрангдан фойда йўқ. Менга ёмонликни раво кўрган бўлсанг ёмонлигинг ўзингга қайтди. Минбаъд сенга маош бермайман!

Мўйсафид шундоқ деб савдогарни ҳайдаб юборипти. Савдогар хафа бўлиб, йиғлаб шаҳардан ташқарига чиқипти ва қаерга боришини билмай, денгиз бўйига йўл олипти, йўлда денгизга шўнғиб, дур, гавҳар ва бошқа қимматбаҳо тошларни олиб чиқаётган ғаввосларни кўриб қолипти. Ғаввослар унинг йиғлаётганини, аҳволини кўриб гап сўрабдилар. Савдогар бошидан кечганларни баён қилипти. Ғаввосларнинг бошлиғи уни таниб: «Сен фалончи, фалоннинг ўғли эмасмисан?» деб сўрабди. Савдогар: «Ҳа» деб жавоб берибди. Ғаввосларнинг бошлиғи ўртоқларига дебди:

— Бу сафар шу бечорага атаб шўнғийлик, нима чиқса шунга берайлик.

Ғаввослар денгизга шўнғиб беш дона садаф олиб чиқибдилар, буларнинг ҳар бирида иккитадан дур бор экан.

Ғаввослар дурларни савдогарга берибдилар. Уларнинг бошлиғи дебди:

— Сенга бахт юз ўгирди. Бориб, бу дурлардан бир-иккитасини сот, пулини дастмоя қилиб савдогарчилик қил, қолганини тугиб қўй.

Савдогар дурларни олиб, ғаввосларга ташаккур изҳор қилибди ва жўнаб кетибди, саккиз дона дурни кийимига жойлаб тикибди, икки донасини оғзига солибди, бироқ йўлда келаётганида унга қароқчилар ҳужум қилиб, кийим-бошини ечиб олибдилар, оғзидаги икки дона дури билан қолибди.

Савдогар шаҳарга бориб, қимматбаҳо тошлар растасига кирибди ва қўлидаги икки дона дурни даллолга берибди. Бир савдогар шу дурларга ўхшаш ўн дона дурини ўғирлатган экан. Даллолнинг қўлидаги дурни кўриб, уни маҳкам ушлабди.

— Бу кимнинг дури?— депти.

— Бир фақир одамнинг дури,— дебди даллол.

— Мени ўша фақирнинг олдига олиб бор,— дебди савдогар, даллол олиб борганда савдогарга дебди:

— Дурларнинг қолган саккизтаси қани?

Савдогар: «Бу одам ғаввосларни билар экан, воқеадан хабардор бўлса керак» деган хаёлда жавоб берибди:

— Қароқчилар йўлимни тўсиб, саккизта дурни тортиб олдилар, мана шу иккитаси қолди, холос.

— Сен бу дурларни менинг дўконимдан ўғирлагансан!— дебди савдогар ва дарҳол уни миршаббоши олдиға олиб борибди, воқеани баён қилиб дебди:

— Бу одам дурнинг саккизтасини қароқчилар олиб, иккитаси қолганиға иқрор бўлди.

Савдогарни ҳушидан кетгунча урибдилар ва зиндонға солибдилар. Савдогар зиндонда бир йил ётибди.

Иттифоқо ғаввослардан бири гуноҳ қилиб зиндонға тушибди ва савдогарни кўриб таниғач, ҳол-аҳвол сўрабди. Савдогар воқеани айтиб берибди.

Ғаввос бу фалокатни эшитиб ҳайрон бўлибди ва подшоҳға одам юбориб: «Бир сирдан сен зоти олийни огоҳ қилмоқ истайман» дебди.

Подшоҳ ғаввосни чақиртирибди. Ғаввос бориб подшоҳға савдогарнинг бошиға келган фалокатни айтиб берибди. Подшоҳ воқеани эшитиб унинг шум толеиға ҳайрон бўлибди, раҳми келибди.

Подшоҳ савдогарни зиндондан озод қилибди ва чақиртириб воқеани сўрабди. Савдогар бошиға тушган савдони ганириб берибди. Подшоҳ яна ҳам ҳайрон бўлибди ва ғаввосға инъом берибди, савдогарға саройдан вазифа бериб, маош тайин қилибди.

Савдогар толеидан хурсанд бўлиб хизматини ўтаб юрган экан, бир куни ўйлаб:

— Худоға шукур, бахтим очилиб кетди,— дебди ва шунда суваб ташланган бир эшикка кўзи тушибди-ю, ичиди: «Бу эшик нима сабадан суваб ташланди экан, бу ерда нима бўлса экан?» дебди.

Савдогар сувоқни бузиб, гишталарни олибди, тешик очиб ичкариға қарабди. Бу ерда шоҳнинг энг севган канизи турар экан.

Буни ҳарам оғалардан бири кўриб қолибди-ю, бориб подшоҳға айтибди. Подшоҳ бориб кўзи билан кўрмоқчи бўлибди, бориб қараса, ҳақиқатан, савдогарнинг хонасидан канизнинг хонасига тешик очилипти. Подшоҳ дарғазаб бўлиб савдогарни чақирибди:

— Сенға қилган яхшиликларимнинг эвази шу эканди!— дебди.

Подшоҳ савдогарнинг кўзини ўйишни буюрибди. Унинг кўзи ўйилибди. Савдогар кўзини қўлига олиб кетар экан: «Қачонгача толеним шум бўлади! Илгари шум толе мени мол-мулкдан бенасиб қилган эди, энди ҳаётдан маҳрум қилди! Дарҳақиқат, ризқ тугаган бўлса, меҳнатдан наф йўқ, экан», дебди.

Йигит сўзида давом этиб деди:

— Аё Амиралзамон, шу савдогарнинг кўргиликлари менинг бошимга келди. Шум толе мени шу кўйга солди. Бахт мендан юз ўгирди. Энди бунга қарши ҳеч бир чора йўқ.

Шоҳ Бахтзод йигитнинг сўзларини эшитиб деди:

— Бунни қайтариб зиндонга элтинглар, қилмишига муносиб жазони эртага берамиз.

Эртаси хизмат навбати Баҳрун отлиқ бошқа бир вазирники эди, у эрталаб саройда ҳозир бўлди, подшоҳ олдида ер ўпиб деди.

— Аё шоҳим, бу йигитнинг бошини омон қўйсанг, унинг қилмиши бутун подшоҳликка йснод келтиради!

Подшоҳ бу сўзни эшитиб ғазабга келди-ю, йигитни чақиртириб деди:

— Эй паст насаб, менга хиёнат қилдинг, бугун сени азоб-уқубат билан ўлдираман!

— Мени ўлдиришга шошилма,— деди йигит,— эҳтиёт бўлиб иш тутмаган савдогардек пушаймон бўлмаслик учун бу ишнинг оқибатини ўйла, қилмишинг савдогарзоданинг қилмишидай оқибати ёмон бўлмасин.

— Савдогар ва савдогарзодага нима бўлибдур, сўзлаб бер,— деди шоҳ Бахтзод.

— Аё масъуд шоҳ, бир замонлар бой бир савдогар ўтган, унинг хотини ва уч фарзанди бор экан. Савдогар узоқ мамлакатларга сафар қилгани кемага енгил, лекин қимматбаҳо моллар ортипти, хотини билан хайр-хўш қилиб йўлга чиқипти, узоқ бир мамлакатга бориб, шаҳарда молларини сотишга киришипти. Савдогар ғоят нотик, оқил ва тадбиркор, хушхат одам экан. Шу шаҳарнинг султони ундан дарак топиб чақиртирипти ва:

— Мен сени ўзимга вазир қилиб оламан,— депти.

— Бош устига,— депти савдогар.

Султон дарҳол фармон берипти. Унга вазирона жомалар келтириб бериптилар. Наққоралар чалинипти. Савдогар вазир бўлипти. Султон унга меҳр қўйипти.

Яхши вазир туфайли давлатнинг ишлари жўнашиб

кетипти. Вазир бир қанча давлат ишлари билан машғул бўлганидан кейин хотини ва болаларини соғинипти.

Кунлардан бир кун султон давлат аъёнларига зиёфат берипти. Савдогар ҳам шу зиёфатда ҳозир экан. Ҳамма ебичиб, хурсандлик қилгандан кейин савдогар уйига келиб ўйлапти: «Қачонгача бола-чақамдан жудаликда умр кечираман! Бола-чақамдан узоқда бўлганимдан кейин бу давлат-салтанатдан нима фойда?»

Савдогар кечани хафаликда ўтказипти-ю эрталаб жомаларини кийиб султоннинг ҳузурига кирипти. Унинг юзида мусибат аломатлари борлигини кўриб султон сўрапти:

— Юзингдаги мусибат аломатларининг боиси нима?

Савдогар жавоб берипти:

— Аё султоним, мусофиратда юрган киши ҳамма вақт бола-чақасини соғиниши ўзингга маълум, кеча кечқурун хотиним, болаларим ёдимга тушди. Марҳамат қилиб, бола-чақамни олиб келгани ижозат бермасмикансан?

Тезликда бориб келиш шарти билан султон унга ижозат берибди. Савдогар султонга қуллуқ қилиб, дарҳол йўл тараддудини кўрибди, султон билан хайр-хўш қилибди, кемага тушиб ўз шаҳрига йўл олибди.

Савдогарнинг хотини эри йўқолиб кетганини, ундан хат-хабар келмаганини кўриб сайёҳлардан сўроқлабди, ниҳоят, фалон шаҳарда фалон подшоҳга вазир бўлганини эшитибди, шундан кейин болаларини олиб йўлга тушибди, бир жазирага келибди. Иттифоқо шу жазирага эри тушган кема ҳам келган экан.

Хотин жазирада карвон саройга тушибди ва жазирага қайси бир шаҳардан кема келганини эшитиб, ўғилларига дебди:

— Дарё бўйига бориб, ҳозир келган кемани сўранглар, зораки оталарингдан дарак топсаларинг.

Болалар бориб дарё бўйида ўйнаб ўтирибдилар. Худонинг иродаси билан буларнинг оталари шу ерга яқин бир уйда ухлаб ётар экан, болалар шовқин солиб, қичқириб уйғотиб юборибдилар. Савдогар аччиғи келиб ўрнидан турибди, дарчадан бошини чиқариб болаларни уришибди. Шу чоғ унинг қимматбаҳо тошлар солинган ҳамёни пастда савдо-сотик билан машғул бўлган савдогарларнинг моллари устига тушиб кетибди.

Савдогар пастга тушиб ҳамёнини қидирибди, лекин топмабди, хафа бўлиб йиғлабди, болаларга ғазаби ошибди уларни ушлаб: «Ҳамёнимни сизлар олдиларинг» деб ура

кетибди. Денгизчилар буни кўриб, болаларни ажратиб олиш ўрнига:

— Ажаб қиласан, оға, бу шаҳардаги ҳамма болалар ўғри, талончи!— дебдилар.

Шундан кейин савдогар яна ҳам хафа бўлиб, «Болалар ҳамёнимни бермасалар ҳаммасини денгизга ташлайман» деб оғзига сўз олибди, болалар калтак еб ҳам ҳамённи бермаганларидан кейин учтасини ушлаб, бир боғ ўтинга боғлабди-ю, денгизга ташлаб юборибди. Тўлқин болаларни денгизга тортиб кетибди.

Болалар ҳаяллагандан кейин буларнинг онаси хавотир бўлиб денгиз қирғоғига борибди, қидирибди. Денгизчилар унга воқеани сўзлаб, болаларни савдогар денгизга ташлаб юборганини айтибдилар. Она дод-фарёд қилиб ўзини ўзи урибди.

— Оҳ жигаргўшаларим! Оҳ болаларим! Оталаринг шу ерда бўлса сизларни денгиздан чиқариб олар эди, сизларни денгизга ташлаган бу малъуннинг ўзини фарқ қилар эди!

Хотин бошига тош-тупроқ сочиб додлабди. Денгизчилардан бири сўрабди:

— Эй хожи она, кимнинг хотинисан?

Хотин жавоб берибди:

— Мен фалон шаҳарда подшоҳга вазир бўлган фалон савдогарнинг хотиниман. Болаларимни олиб эримнинг олдига кетаётган эдим, бошимга шу кўргулик тушди.

Савдогар бу сўзни эшитиб хотинини танибди, денгизга ташлаган болалар ўз болалари эканини билиб, ўзини ўзи уриб йиғлабди, либосларини йиртибди, хотинига дебди:

— Мен эринг бўламан, болаларимни ўз қўлим билан ҳалок қилдим. Қилмишининг оқибатини ўйламайдиган, эҳтиёт бўлиб иш тутмайдиган одамнинг жазоси шу.

Эр-хотин хўп йиғлабди, ўзини урибди, кейин иккови денгиз соҳилларини кезиб болаларини қидирибди, лекин тополмабди.

Болаларни денгиз тўлқини ҳар томонга олиб кетибди. Булардан бири бир шаҳарга яқин қирғоққа чиқиб олибди ва шаҳар султонининг мулозимларидан бирига дуч келибди. Мулозим унинг ёқимтойлигини кўриб, уйига олиб кетиб, яхши либослар кийгизибди, таом берибди. Бола ебди-ичибди, ётиб денгиз заҳматларидан дам олибди, яна ҳам ёқимтойроқ бўлиб кетибди.

Мулозим боланинг бунчалик ёқимтойлигини кўриб уни султонга тақдим қилгиси келибди ва султоннинг ҳузурига

олиб борибди. Султон унинг ёқимтойлигини кўриб, саройида олиб қолибди, фарзанди йўқ экан, қаттиқ меҳр қўйибди. Уғил қилиб олибди. Султон қазо қилгандан кейин валиаҳд бўлмагани учун аёнлар болани подшоҳ қилиб кўтарибдилар.

Боланинг ота-онаси болаларини қидириб денгиз соҳилларини кезибди, лекин ҳеч бир дарак топилмабди, ниҳоят, умид узиб, бола султон кўтарилган шаҳарга келиб қолибди, шаҳар фаровон ва султони одил эканини кўриб шу ерда истиқомат қилибди.

Кунлардан бир куни савдогар мол харид қилгани бозорга тушибди ва даллол икки болани сотмоқчи бўлиб етаклаб юрганини кўриб, болаларга меҳри тушибди-ю, икковини ўйига олиб келибди. Унинг хотини болаларни кўриб танибди, хурсандликдан парвоз қилгудай бўлиб эрига:

— Иккови меннинг болаларим,— дебди.

Савдогар болаларнинг бирини савдо-сотиқ ишига солибди, иккинчисини хат-савод чиқаргани, қуръон тиловат қилгани ва нутқ ўргангани мактабга берибди.

Бола зеҳн қўйиб ўқибди, устодидан ўзиб кетибди, ўзи хушовоз экан. Кунлардан бир куни бола жума намозига борибди. Унинг акаси султон ҳам жомеда экан. Аллома либос, унинг устидан авра тўн кийган, елкасига рўмол ташлаган бола акаси султонга яқин ерда намоз ўқимоқда экан.

Намоздан кейин бола қуръон тиловат қилибди. Одамлар унинг хушовозига қойил бўлибдилар.

— Бу одам имомликка лойиқ экан,— дебди султон, унинг хушсуратлигига тонг қолиб.

Султон саройига, намозхонлар уй-уйларига кетибдилар. Султон болага ўзининг зотли чопар отларидан бирини юбориб олдириб келибди, унинг хушрўйлиги, фасоҳат билан сўзлашига таажжубланибди-ю, қаерданлиги ва кимнинг ўғли эканини сўрабди. Бола мусофир бир савдогарнинг ўғли эканини, шаҳарда адлу адолат ҳамроҳ бўлганлигидан ота-онаси шу ерда туриб қолганини айтибди.

— Сен доим ҳузуримда бўлгин, хоҳишим шу,— дебди султон.

— Бош устига, аё Амиралзамон,— дебди бола.

Султон унга саройидаң жой берибди. Бола бориб воқеани ота-онасига айтибди. Булар беҳад шод бўлибдилар.

Султон бир куни боғларидан бирига бориб сайр қилибди, куни бўйи вақти чоғлиқ қилиб майдан кўпроқ ичиб,

ухлаб қолибди. Бола унинг ухлаб ётганини, ҳеч кимса муҳофаза қилмаганини кўриб, тақсинга аъйиқ бир иш қилмоқчи бўлибди-ю, қиличини яланғочлаб султоннинг тепасида турибди. Аъёнлар унга султон меҳр қўйганини кўриб ҳасад қилиб пайт пойлаб ўлдирмоқчи эканлар, бу ҳолни кўриб сўрабдилар:

— Сабаб қилични яланғочлаб султоннинг тепасида турибсан?

Бола:

— Муҳофаза қилиб турибман,— деб жавоб берибди.

Ҳасадчилар тил бириктириб: «Болани ўлдириш мақсадида турган эди» деб султонга етказмоқчи бўлибдилар, ўзаро: «Бу болани ўлдириш учун бошқа йўл йўқ» дебдилар.

Подшоҳ уйқудан тургандан кейин аъёнлар боладан яшириқча унинг ҳузурига кирибдилар.

— Аё султон, сенинг ҳузурингга яхши бир маслаҳат бергани кирдик.

— Қандай маслаҳат экан?— дебди подшоҳ.

— Савдогарнинг ўғлидан эҳтиёт бўл, сени ўлдирмоқ муддаоси бор, кеча қиличини яланғочлаб тепангда турганини кўрдик, биз келиб қолмасак сени ўлдирса ажаб эмас эди.

Подшоҳ бу сўзни эшитиб ранги бўзарибди ва сўрабди:

— Шоҳидларинг борми?

Аъёнлар:

— Сўзимизнинг ҳақ эканини билмоқчи бўлсанг, бугун ўзингни уйқуга солиб ёт, ўз кўзинг билан кўрасан,— дебдилар.

Кечаси султон ўзини-уйқуга солиб ётибди. Аъёнлар йигитга дебдилар:

— Кеча муҳофаза қилганингни эшитиб султон сендан ниҳоятда хурсанд бўлди.

Бу сўзни эшитиб бола султоннинг оромгоҳи ёнидан ўтаётганда унинг ухлаб ётганини кўрибди-ю, қиличини яланғочлаб унинг муҳофазатига турибди. Султон буни кўриб: «Аъёнлар рост айтган экан, йигит мени ўлдирмоқ муддаосида» деб ўйлабди, қаҳр-ғазаб билан ўрнидан турибди-ю, қулларига қичқирибди:

— Ушланглар бу хиёнаткорни! Эрталаб унинг қандоқ жазога лойиқ эканини мен бунга кўрсатаман!

Йигитни ушлаб зиндонга солибдилар. Эрталаб султон уни олдириб келибди ва дебди:

— Хиёнаткор! Сенга қилган яхшилигимнинг эвази шуми? Мен сенга шунча яхшилик қилсаму сен мени ўлдирмоқчи бўлдингми?

Аъёнлардан бири подшоҳга:

— Аё шоҳимиз, бошини олайми?— дебди.

Подшоҳ айтибди:

— Бундоқ ҳолларда шошқалоқлик даркор эмас: тирикни ўлдирмоқ бизнинг ҳукмимизда, лекин ўликни тирилтирмоқ бизнинг ҳукмимизда эмас.

Султон йигитни зиндонга қайтарибди-ю, овга кетибди. Подшоҳ йигитга ҳаммадан юқори мартаба берганига ҳасад қилиб юрган вазирлар, аъёнлар тил бириктирибдилар. Подшоҳ овдан қайтгач, унга дебдилар:

— Аё подшоҳимиз, ҳаммамизнинг маслаҳатимиз шу: бу хиёнаткорни ўлдир, токи ибрат бўлиб, бошқа аъёнлар сенинг жонингга қасд қилмасинлар.

Подшоҳ қаҳр-ғазаби зиёда бўлиб:

— Хиёнаткорни келтирингиз!— деб қичқирибди.

Йигит келтирилгандан кейин подшоҳ жаллодга унинг бошини танидан жудо қилишни буюрибди. Жаллод йигитнинг олдига келибди, унинг кўзини боғлабди, атрофида уч айланибди, учинчи марта айланаётганда подшоҳ дебди:

— Йигитдан қўлингни торт, пушаймон бўлмайллик, сабабки шошилмоқдан кўра эҳтиёткорлик ва ҳар ишнинг оқибатини ўйламоқ шоёни таҳсиндир.

Шу аснода йигитнинг отаси келиб подшоҳнинг оёғига йиқилибди ва оёғини ўпиб дебди:

— Аё Амралзамон, биз учун ўғлимнинг жонига раҳм қил, ўлдиришга шошила, токи менинг куним бошингга тушмасин. Мен шошқалоқлик қилиб уч ўғлимни денгизга ташладим, иккитасини топдим, лекин учинчисини тополмай доғи кўнглимда қолди.

Савдогар бошидан кечганларни султонга айтиб берибди. Султон бу сўзларни эшитиб бу одам ўз отаси ва йигит ўз укаси эканини билибди-ю, тахтдан туриб отасининг қучоғига ўзини отибди, уни ўпиб хитоб қилибди:

— Мен сенинг ўғлингман, бу йигит менинг укам.

Подшоҳ укасининг кўзидан рўмолини олдириб, уни қучоқлабди ва ўнг томонига ўтқизибди, сўнгра онаси ва қолган укасига одам юбориб олдириб келибди, ҳаммасига либос кийгизибди. Бу хурсандчиликларни овоза қилиб наққора чалдирибди, бутун мамлакатда тўй-томоша бошланибди.



Султон отасига юзланиб дебди:

— Эҳтиёткорлик, ҳар ишнинг оқибатини ўйлаш, қандоқ таҳсинга лойиқ эканини кўрдингми? Шошқалоқликнинг оқибати пушаймонликдир. Сен эҳтиёт бўлиб иш тутсанг бундоқ пушаймонликка тушмас эдинг. Мен ҳам сенингдай шошқолоқлик қилсам, сендай пушаймон бўлар эдим.

— Аё шоҳ, мен ҳам шундоқ дейман, эҳтиёткор, мулоҳаза билан иш тутмоқ шошқалоқликдан яхшидир.

Бахтзод йигитнинг сўзларини эшитиб вазирларга деди:

— Йигитни зиндонга қайтариб юборингиз, эртага адолат билан ҳукм чиқарамиз, сабабки қўлимизда бўлгандан кейин ўлдирмоқ қочмайди.

Йигитни зиндонга қайтардилар. Девон тарқади. Учинчи кун эрталаб Бахтзоднинг ҳузурига учинчи вазир келиб ер ўпди ва деди:

— Аё подшоҳим, йигитнинг ишини пайсалга солма! Уни тезроқ ўлдир, сабабки одамлар сенин ҳақингда оғизга олиб бўлмайдиган сўзларни айтмоқдалар.

Бахтзод дарғазаб бўлиб йигитни олдириб келди ва деди:

— Эй яхшиликни билмайдиган паст насаб, сени ўлдирмоқ керак, сабабки мени маломатга қўйдинг. Бугун ўлимнинг муқаррар.

Йигит деди:

— Аё шоҳ, сабр билан иш тутсанг муродингга етсан, сабабки худойи таоло, одам сабрдан топади, деган. Абу Собир сабр қилиб қудуқдан чиққан ва подшоҳлик тахтига ўтирган.

— У қандоқ қилиб қудуқдан чиқиб тахтга ўтирибди?— деди Бахтзод.

Йигит деди:

— Аё маъсуд шоҳ, бурун замонда Абу Собир отлиқ бир яхши одам ўтган, унинг кўп қулу ва моллари, яхши хотини ва икки фарзанди бўлган. Булар кичик бир қишлоқда истиқомат қилар эканлар. Унинг чорвасига йиртқич йўлаб, ҳар кун қўйларидан кўтарганича олиб кетар экан. Ахир қўй тамом бўлипти.

Хотини Абу Собирга депти:

— Эй Абу Собир, молларнинг кўпини йиртқич нобуд қилди, одамларингни олиб бор, панада туриб пойла, зора, йиртқични ўлдирсанг, бу офатдан халос бўлсак.

— Эй хотин,— депти Абу Собир,— сабр қил, сабрнинг

туби сариқ олтин. Бу йиртқич бизга жабр қиляпти, жабр қилган охири жазосини тортади.

Орадан бир оз муддат ўтгач, шу мамлакатнинг подшоҳи шикорга чиқипти ва йўлда ўша йиртқичга дуч келипти. Унинг одамлари йиртқични ўлдириптилар. Абу Собир бу хабарни эшитиб хотинига депти:

— Жабр қилган жазосини тортди, сабрнинг туби сариқ олтин демабмидим. Мен йиртқичга қарши борсам эҳтимол унинг чангалида ҳалок бўлар эдим.

Бир ойдан кейин қишлоқ одамлари султонга яқин бир кишини ўлдирибдилар. Султон сарбозларига қишлоқни вайрон қилиш ва ёшу қари, эркак-аёл барча аҳолисини олиб келишни буюрипти. Сарбозлар келиб Абу Собирнинг қишлоғини вайрон қилибдилар ва ҳамма нарсани, жумладан Абу Собирнинг мол-мулкани, чорвасини олибдилар, қишлоқ аҳолисини боғлаб султоннинг ҳузурига олиб келибдилар. Абу Собир яхши одам бўлганлиги учун қатордан қолди.

Сарбозлар буларни олиб келганда султон сўрапти:

— Қишлоқ аҳолисидан ҳеч бир кимса қолдими?

Сарбозлар жавоб берибдилар:

— Қолди, Абу Собир отлиқ яхши бир одамни қолдирдик.

Шоҳ дарғазаб бўлиб хитоб қилипти:

— Қайтиб боринглар, қишлоққа ўт қўйинглар, Абу Собирни ҳам олиб келинглар, бу қишлоқ аҳолисидан мамлакатимда бирон кимса қолмасин.

Сарбозлар бориб Абу Собир, унинг хотини ва болаларини ҳайдаб чиқарибдилар; қишлоққа ўт қўйиб талабдилар. Шунда Абу Собирнинг хотини эрига дебди:

— Эй Абу Собир, султоннинг сарбозлари сени танийдилар, булар билан гаплашиб кўр, зора чорвамиздан бир озини қўйиб кетсалар, тириклигимизга яраса.

Абу Собир хотинига дебди:

— Эй хотин, сабр қил, сабрнинг туби сариқ олтин.

Сарбозлар буларни ҳайдаб юборгандан кейин хотин Абу Собирга дебди:

— Эй Абу Собир, сабр қилиб кўрган кунимиз шу бўлдимми?

Собир:

— Эй хотин, жабр қилган жазосини тортади,— дебди.

Абу Собир, унинг хотини ва болалари саҳрога чиқиб кетибдилар. Хотин эрини қарғабди.

— Сабр қилиб шу кунларга қолдик,— дебди.

Абу Собир жавоб берибди:

— Эй хотин, сабрнинг туби сариқ олтин.

Булар саҳродан кетаётганда қароқчилар тўсиб талабдилар, либосларини ечиб олибдилар, болаларини олиб кетибдилар. Эр-хотин фарёд чекипти, ўзини уриб йиглабди. Абу Собир хотинига:

— Эй хотин, сабрнинг туби сариқ олтин,— дебди.

— Эй эр, қўй энди бу гапни, қароқчиларнинг кетидан бор, шояд бизга раҳм қилиб болаларимизни берсалар,— дебди хотин.

Абу Собир жавоб берибди:

— Сабр қил, сабрнинг туби сариқ олтин. Жабр қилган жазосини тортади.

Булар юриб-юриб, бир шаҳар ёнидан ўтган дарё бўйига келганларида Абу Собир хотинига юзланиб:

— Шу ерда ўтир, мен шаҳарга бориб қўшхона топиб келаман,— дебди.

Абу Собир кетибди ва бир қишлоққа кирибди. Шу чоғ бир сувори отини суғоргани дарё бўйига келиб Абу Собирнинг хотинини кўриб қолибди, ҳусни ақли лол қиладиган бу хотин дарё бўйида ёлғиз ўтирганини кўриб унинг олдига келиб дебди:

— Бу ерда нима қилиб ўтирибсан! Отга мингаш, олиб кетаман. Хотин қиламан.

— Худо хайрингни берсин, менинг эрим бор,— дебди хотин.

Сувори қиличини яланғочлаб қичқирибди:

— Гапимга кирмасанг ҳозир ўлдираман!

Хотин унинг дағдағасини кўриб, бармоғи билан қумга ёзибди:

«Эй Абу Собир, сабр деб мол-мулкингдан маҳрум бўлдинг, болаларингдан айрилдинг, энди жонингдан ортиқ кўрган хотинингдан ҳам жудо бўлиб, ўзинг якка, доғ-ҳасратда қолдинг! Сабрнинг оқибати шу экан!»

Сувори хотинни олиб кетибди. Абу Собир қишлоқдан қайтиб келса хотини йўқ, қумга ёзилган хатни ўқиб йиглабди, ўзини урибди, тақдирини ўйлаб, хафа бўлиб ўтирибди. «Абу Собир, бошингга бундан ёмон фалокатлар келса ҳам сабр қил, худойи таоло мушкулнингни осон қилади».

Сўнг, Абу Собир шаҳарга борибди. Шаҳарда султон сарой солдираётган бўлиб, сарбози одамларни ишга ҳайдамоқда экан, Абу Собирни ҳам тутиб ишга солибдилар.

— Ишламасанг сени зиндонга соламиз, қийнаймиз,— дебдилар.

Абу Собир ишлабди. Унга ҳар куни фақат битта нон берар эканлар. Абу Собир бир ой ишлабди.

Бир куни одамлардан бири томдан йиқилиб оёғи синган экан, Абу Собир дебди:

— Эй биродар, сабр қил, сабр одамнинг мартабасини улуғ қилади, подшоҳлик тахтига ўтқизади.

Иттифоқо шу ерда ҳозир бўлган подшоҳ Абу Собирнинг сўзини эшитибди ва уни чақиртириб дебди:

— Эй нодон, нечук паст насаб одам сабр билан подшоҳлик тахтига ўтиради? Мана, мен сени зиндонга солайчи, сабр билан подшоҳлик тахтига ўтирармикансан!

Подшоҳ Абу Собирни зиндонга солибди. У ҳар куни келиб, зиндоннинг оғзидан қичқирар экан:

— Эй нодон, зиндонда ўтирибсан, қани, сабр сени зиндондан чиқариб тахтга ўтқиизишини кўрсат!

Абу Собир ҳеч бир жавоб бермасдан жим ўтираве-рипти.

Султоннинг укаси бўлиб, аъёнлар уни хуш кўрар эканлар. Султон ўзининг золимлигини билгани учун, «аъёнларим мени тахтдан тушириб ўрнимга укамни тахтга ўтқазадилар» деган ваҳида укасини зиндонга солибди. Укаси зиндонда ўлибди. Аъёнлар ва фуқаро воқеадан хабар топиб подшоҳга қарши бош кўтарибдилар, уни ўлдирибдилар ва Абу Собирни уни укаси гумон қилиб, зиндондан озод қилибдилар ва тахтга ўтқазибдилар.

Абу Собир тахтга ўтириб худога шукур қилибди:

— Сабрнинг туби мана шу!— дебди ва адлу адолат билан подшоҳлик қилибди. Унга мамлакатлар итоат арз этибди, қуллар меҳр қўйибдилар.

Абу Собирнинг қишлоғини ғорат қилган ва уни ҳайдаб юборган подшоҳга қарши бошқа подшоҳ лашкар тортиб бориб, уришибди ва юртини олиб, ўзини ҳайдаб юборибди. Подшоҳ кўмак сўраб Абу Собирнинг ҳузурига келибди, оёғига йиқилибди, душманини енгил учун мадад сўрабди. Абу Собир дебди:

— Жабрнинг оқибати шу. Жабр қилган жазосини тортади! Етқизган ранжу аламларинг эвазига худойи таоло сени менга бўйин эгдирди.

Абу Собир дарҳол сарбозларига буюриб, подшоҳнинг бор-йўғини тортиб олибди, либосларини ечдириб, мамла-

катидан ҳайдаб юборибди. Аъёнлар буни кўриб ўзаро дебдилар:

— Бундоқ адолатсизликка ҳеч бир кимса тоқат қилолмайди! Озор чеккан подшоҳ биздан мадад сўраб келса-ю биз уни шилиб ҳайдаб юборсак!

Ҳамма Абу Собирни мазаммат қилса ҳам, ҳеч ким унга қарши очиқ сўз айтилмас экан.

Бир оз муддат ўтгандан кейин Абу Собир йўлларда қароқчи ва ўғрилар пайдо бўлганини эшитибди, уларни тутиб келгани сарбозлар юборибди. Қароқчиларни тутиб келтирибдилар. Абу Собир буларни кўриб танипти. Улар ўзининг либосини ечиб олган ва болаларини олиб кетган қароқчилар экан.

— Фалон вақтда фалон йўлда олиб кетган болаларинг қани?— дебди султон.

Қароқчилар жавоб берибдилар:

— Болалар шу ерда, аё Амиралзамон, сенга қул тарзида инъом қиламиз. Мол-мулкимизни ҳам сенга тортиқ қиламиз, бир қошиқ қонимиздан кеч.

— Болаларни олиб келинглар,— дебди Абу Собир.

Қароқчилар болаларни ва талаб олган молларини келтирганларидан кейин подшоҳ ҳаммасини дарҳол ўлимга буюрибди.

Абу Собир болаларини кўриб беҳад шод бўлибди. Давлат аъёнларнинг эса ундан шикоятни эшита бўлиб, улар ўзаро дер эканлар:

— Бу қандоқ ҳол, қароқчилар тавба қилдилар, унинг ҳимоятига сизиндилар, талаб олган нарсаларини келтириб бердилар, сарбозлик қилмоқчи бўлдилар, шундоқ бўлган ҳолда уларни ўлдириш на ҳожат эди? Бу ноинсофлик, тоқат қилиб бўлмайдиган ранжу алам!

Орадан кўп ўтмай Абу Собирнинг ҳузурига бир сарбоз, яъни унинг хотинини олиб кетган кимса келиб хотиндан шикоят қилибди:

— Аё Амиралзамон. Хотиним менинг изимда бўлишдан бош тортмоқда.

Абу Собир хотинни олдириб келибди ва танибди, сарбозни дарҳол ўлдирибди. Аъёнлар буни кўриб ғалаёнга келибдилар:

— Биз бу ҳолга тоқат қилолмаймиз. Бир одам хотинининг саркашлигидан шикоят қилиб келсаю подшоҳ уни ўлдириб, хотинини олса! Бу нарса худо ва одамлар олдида гуноҳдир.

Абу Собир бундан хабар топиб аъёнларни йигибди ва дебди:

— Эй, акобир ва аъёнлар, менга қулоқ берингиз! Сизлар мендан нолиб юрибсизлар, уч ҳолда мени ноҳақ иш тутди деб ўйлайсизлар. Бировга ноҳақ озор етказиш, жабр қилишдан мени худо сақласин. Сизларга бошдан кечирганларимни баён қилай. Мен сизлар ўлдирган султоннинг укаси эмасман. Сизлар ўлдирган султон бир оғиз сўзим учун мени зиндонга солди. Мен томдан йиқилиб оёғи синган бир кимсага: «Сабр қил, сабр одамнинг мартабасини улуғ қилади, подшоҳлик тахтига ўтқизади» деган эдим. Шу сўзим учун подшоҳ мени зиндонга солди ва ҳар куни зиндонга келиб: «Эй нодон, нечук паст насаб одам сабр билан подшоҳлик тахтига ўтиради? Қани, кўрай, сабр билан зиндондан подшоҳлик тахтига чиқармикансан» дейдиган бўлди.

Сабр қилдим, худойи таоло мени унинг тахтига ўтқизди. Душмандан ҳимоят сўраб келган подшоҳнинг бор-йўғини олиб ҳайдаб юборганимда ҳам адолат юзасидан иш тутдим, сабабки у ҳам мени шундоқ қилган, бор-йўғими олиб, ўзимни ҳайдаб юборган эди. Менинг олдимда тавба қилмоқчи бўлган қароқчиларга ҳам раҳм-шафқат қилолмас эдим, сабабки булар йўлимни тўсиб либосларимни олган эдилар, болаларимни олиб кетган эдилар. Мен буларга оллонинг ҳукмини жорий қилдим, сабабки буларнинг тавбаси ёлгон эди.

Хотинидан шикоят қилиб келган сарбоз менинг хотинимни ўғирлаб кетган эди! Мен унга адолатсизлик қилганим йўқ, бировга адолатсизлик қилишдан худо сақласин.

Аъёлари подшоҳнинг бу сўзларини эшитиб таҳсин этибдилар, унга меҳр қўйибдилар, ҳурматлари зиёда бўлибди, бандаларнинг пешонасига ёзилгани бўлиши ва сабрнинг туби саодат эканига ҳайрон қолибдилар.

Сўнг, Абу Собир хотини билан учрашиб дебди:

— Мана, кўрдингми, сабрнинг туби сариқ олтин, жабр қилган жазосини тортди!

— Мен ҳам шуни айтаман, аё шоҳ, сабр султонлар фазилати ва сабрнинг туби саодатдир.

Шоҳ Бахтзод йигитнинг фасоҳатига таажжуб қилди ва фаросатига ҳайрон қолди, йигитни зиндонга қайтариб юборди ва деди:

— Ишини эртага ҳақиқат қиламиз.

Султон бундоқ дегандан кейин девон тарқалди. Тўртинчи куни эрталаб Бахтзоднинг ҳузурига тўртинчи вазир

Эу Шод кирди, таъзим қилди, унга бахт-саодат тилаб деди:

— Аё шоҳ, бу йигитнинг барча айтганлари ёлғон! Минбаъд унинг сўзларига қулоқ солма, тезроқ ўлдир, сабабки сенинг ҳақингда гап кўпайиб кетди.

— Сенинг сўзинг ҳақ,— деди шоҳ Бахтзод,— мен уни бугун ўлдираман, қутуламан.

Подшоҳ дарҳол йигитни олдириб келди ва деди:

— Эй шўр пешона хиёнаткор, сен кунларни гап сотиб, айёрлик қилиб ўтказмоқчи бўласанми? Гапларимга ишонади деб ўйларсан-да? Мен сени бугун ўлдираман.

— Аё шоҳ,— деди йигит, жоним сенинг қўлингда, лекин шошқалоқлик манфур кимсаларнинг хислати, сабр ва мулоҳаза эса оқил кишиларнинг фазилатидир, мени ўлдириб пушаймон бўлсанг, жон ато қилишдан ожизсан. Шошқалоқликнинг оқибати пушаймонликдир. Ким шошқалоқлик қилса афсус-надомат еган шаҳзода Беҳзоднинг кунига қолади.

— Нечукдир бу ҳикоят?— деди Бахтзод.

Йигит деди:

— Эй Амиралзамон, қадим замонда бир подшоҳ ўтган. унинг хушсуратликда беназир Беҳзод отлиқ бир ўғли бор экан. Беҳзод кишилар суҳбатини хуш кўрар, тижорат аҳли билан улфатчилик қилар экан. Бир куни шаҳзода аъёнлар суҳбаtida ўтирган вақтида бошқа либос кийганлиги сабабли уни танимаган аъёнлар шаҳзоданинг хушрўйлигини таъриф қилибдилар, булардан бири:

— Фалон подшоҳнинг қизи ундан хушрўйроқ — депти.

Бу сўзни эшитиб Беҳзод улар олдидан чиқиб кетибди ва ўша одамни чақиртириб депти:

— Фалон подшоҳнинг қизи шаҳзодадан чиройли, деб эдинг, шу сўзларинг ростми? Уша подшоҳ қаерда эканини сўроқла.

Бу одам Беҳзодга ўша малика, унинг отаси ва унинг мамлакати тўғрисида сўзлаб беришти ва қизининг ҳусн-латофатини таъриф ва тавсиф қилипти. Беҳзоднинг қизга кўнгли тушипти, унинг ишқида куйиб бетоб бўлипти.

Бундан отаси хабардор бўлиб унинг ҳузурига келипти ва депти:

— Эй ўғлим, кўнглинг тинч бўлсин! Бу қизга албатта совчи юбораман, лекин сабр қил.

Подшоҳ дарҳол қизга совчи юборипти. Қизнинг отаси подшоҳ жавоб қайтариб: «Қизим ҳали ёш, икки йил сабр

қилсинлар: аввало қизим балоғатга етсин, сониян, мен се-  
пини тайёрлай» депти.

Беҳзод бу жавобни эшитиб ҳуши бошидан учипти, ақл-  
дан озай депти, сабр-қарори қолмай қайғурипти, юраги си-  
қилипти. У яроғ-аслаҳасини тақиб отланипти-ю, шаҳардан  
чиқиб кетипти, йўлда кетаётганида қароқчилар йўлини тў-  
сибдилар, кўпчилик бўлганларидан уни асир қилиб олиб  
кетибдилар. Беҳзод улар билан муросага келипти, уларга  
қўшилиб йўл тўсадиган, қаерга борсалар, бирга борадиган  
бўлипти.

Шундоқ қилиб Беҳзод ўғри-қароқчи бўлибди, йўловчи-  
ларни талапти. Кунлардан бир куни қароқчилар йўлга  
чиқиб савдогарлар карвонига ҳужум қилиптилар. Савдогар-  
лар орасида аслаҳали бир неча сувори бўлиб, булар қароқ-  
чиларга қарши жанг қилиптилар, уларни мағлуб қилиб,  
Беҳзодни асир олибдилар ва шаҳар подшоҳининг ҳузурига  
келтириб:

— Аё Амралзамон, бу йигит, сенинг мамлакатинг  
йўлларида қароқчилик қилиб юрипти,— дебдилар.

Подшоҳ йигитга зеҳн солипти, унинг хушсурат ва хуш-  
қоматлигини кўриб: «Қиёфаси қароқчиларникига ўхша-  
майди» депти, сўнг, йигитга юзланиб:

— Эй йигит, кимсан, қаерликсан?— деб сўрапти.

Беҳзод: «Мен фалон подшоҳнинг ўғлиман, қароқчилик  
қилиб йўл тўсиб юрибман» дегани шарм қилиб, унинг  
саволига жавоб бермапти.

Подшоҳ ўйлаб: «Бу ишни ҳақиқат қилмасдан йигитни  
ўлдиришга шошмаслигим керак» депти ва уни зиндонга  
буюрипти.

Орадан бир оз вақт ўтгач, фалон подшоҳнинг ўғли  
Беҳзод бедом-дарак йўқолипти, унинг отаси ўғлини қиди-  
риб ҳар тарафга мактуб йўллапти деган овоза тарқалипти,  
шаҳзодани зиндонга солган подшоҳга ҳам мактуб келипти,  
шунда подшоҳ зиндонга солган одами Беҳзод эканини  
билипти.

Подшоҳ Беҳзодни ўлдиришга шошмагани учун худога  
шукур қилипти ва уни чақириб депти:

— Эй Беҳзод, нима бўлиб фалокатга йўлиқдинг?

— Маломатга қолишдан қўрққанымдан,— депти Беҳ-  
зод.

Подшоҳ депти:

— Отанг хоҳишингни бажо келтиргунча нега сабр қил-  
мадинг? Шошқалоқлик пушаймонлик келтиришини бил-



масмидинг? Мен ҳам шошқалоқлик қилсам ҳалок бўлар эдинг.

Сўнг, подшоҳ йигитга инъом қилибди, қўнглига таскин берипти ва дарҳол ўша қизни олиб беришни ваъда қилипти. Подшоҳ Беҳзоднинг отасига мактуб йўллаб, ўғли соғ-саломат эканини айтибди, йигитни ҳам юбормоқчи экан, Беҳзод унамапти.

— Уша қизни олиб бермасдан отамнинг олдига юборсанг, сабрим тугайди.

— Эҳтиёт бўл, шошқалоқлик билан муродга етолмайсан!— депти подшоҳ.

Сўнгра, подшоҳ қизнинг отасига мактуб йўллапти, Беҳзоднинг отаси ҳам мактуб юборипти, иккови совғасалом ва тухфалар юбориб, қизини Беҳзодга дарҳол беришга мойил қилипти. Сўнгра, Беҳзодни отаси қиз билан юз кўришгани қизнинг отаси ҳузурига юборипти.

Беҳзод ўша шаҳарга келганда қизнинг отаси уни дабада билан қарши олипти, унга ўз саройидан жой берипти.

Подшоҳ қизини дарҳол ясантирипти. Никоҳ куни янгалари қизга оро бераётган вақтда шўрпешона Беҳзод шошқалоқлиги орқасида деворни тешипти-ю, келинни кўрмоқчи бўлипти. Чўрилардан бири Беҳзодни танимасдан бир сихни ўтга солиб қиздирипти-ю, пойлаб туриб унинг кўзига тикипти. Беҳзод фарёд чекиб йиқилипти ва ҳушидан кетипти, шодлик ғам-ғусса билан мубаддал бўлипти.

— Аё шоҳ, шошқалоқлик пушаймонлик келтиришини кўрдингми? Шунинг учун, мени ўлдиришга шошилма, сабабки сен ҳам Беҳзоддек пушаймонлик тортасан. Ҳар қандоқ бўлганда ҳам мен сенинг ҳукмингда-ку,— деди йигит.

Бахтзод йигитни зиндонга қайтариб юборди ва:

— Биз бунинг ишини эртага ҳақиқат қиламиз,— деди.

Бешинчи куни эрталаб подшоҳнинг ҳузурига Жаҳрбавоз отлақ бешинчи вазир келди, ер ўпиб деди:

— Аё шоҳ, қачонгача маломатга бардош берасан, хстинингга нисбатан сенга хиёнат қилган йигитни қачонгача ўлдирмайсан?

Бахтзод бу сўзни эшитиб дарғазаб бўлди ва:

— Бугун албатта ўлдираман!— деб йигитни чақиртирди. Йигит келганда деди:— Эй паст насаб, хиёнаткор, қилган гуноҳинг учун бугун албатта қатл қилинасан!

Йигит деди:

— Аё шоҳ, бошинг ҳаққи, заррача гуноҳим йўқ ва ўлимдан қўрқмайман, сабабки бегуноҳ киши жаҳаннам азобидан ҳам тап тортмайди, ҳолбуки гуноҳкор одам бир муддат ўтгандан кейин жазосини тартади. Гуноҳкор шоҳ Додбин ва унинг вазири Заврақон кунини кўради.

— Нечукдир бу ҳикоят?— деди Бахтзод. Йигит жавоб берди:

— Аё шоҳ, Табаристон мамлақатида Додбин деган улуғ бир подшоҳ ўтган экан. Унинг Заврақон ва Кордон отлиқ икки вазири бор экан. Заврақоннинг Арва отлиқ тақводор, художўй, замонада беназир соҳибжамол бир қизи бор экан.

Подшоҳ қизининг таърифини эшитиб унга кўнгил қўйипти ва отаси вазирга киши юбориб, қизини сўрапти. Вазир:

— Аё шоҳ, менга муҳлат бер, қизим билан сўзлашай,— депти.

— Майли, сўзлаш, лекин тезроқ сўзлаш!— депти подшоҳ.

Вазир қизининг ҳузурига кириб, подшоҳ сўратаётганини айтипти. Қиз жавоб берипти:

— Эй падар, менинг эрга тегмоқ хоҳишим йўқ, агар хоҳласам давлати мейинг давлатимдан камроқ кимсага тегаман, сабабки ўзимдан давлатманд одамга тегсам эрим мени оқсоч қилади ва ё устимга хотин олади.

Вазир қизининг сўзини подшоҳга етказипти. Подшоҳ хитоб қилипти:

— Қизинг тиласа-тиламаса менга тегди!

Вазир келиб подшоҳнинг сўзини қизига айтипти. Қизи:

— Эй падар, менинг эрга тегмоқ хоҳишим йўқ,— депти.

Вазир подшоҳдан қўрқиб, қизини олиб қочипти.

Шоҳ Додбин бу хабарни эшитиб, унинг кетидан сарбоз юборипти. Сарбозлар ҳамма йўлларни тўсиб, вазир билан қизини тутибдилар. Подшоҳ вазирни бошига таёқ билан уриб ўлдирипти, қизини олипти ва мурод-мақсадига етипти. Қиз худога солиб, кечаси-ю кундузи муножот қилипти.

Кунлардан бир кун подшоҳ бошқа бир мамлақатга бормоқчи бўлипти ва вазирни чақириб депти:

— Сенга бир супоришим бор: маликани эҳтиёт қил, мудом хизматида бўл, чароки уни жонимдан азиз кўраман.

Вазир жавоб берипти:

— Бош устига, аё Амиралзамон! Маликага ким сидқидил билан хизмат қилмайди!

Подшоҳ кетипти. Орадан бир муддат ўтгач, вазир: «Хамманинг оғзида маликанинг хусн-латофати, бир кўр-масам бўлмайди!» деб ўйлапти.

Вазир бир куни маликанинг саройига беркиниб олиб, унга назар солипти, қараса, ҳақиқатан хусн-латофати таърифдан ташқари.

— Ҳақиқатан, подшоҳ кўнгил қўйганича бор экан, одамлар таърифини яна ҳам жойига қўймаган эканлар!— депти вазир.

Маликага вазирнинг ишқи тушипти, бағрига ўт туташипти, томоғидан ҳеч нарса ўтмай, кўзига уйқу келмапти, ниҳоят маликага одам юбориб: «Раҳм қил, ишқингда адо бўлдим» депти.

Малика унга жавоб айтипти: «Эй вазир, амонатга хиёнат қилма, шариат ҳукмига қаноат қил. Мендан умидингни уз, сўзимга қулоқ солмасанг шарманда қиламан».

Вазир бу жавобни эшитиб маликанинг покдоман эканини билипти ва одам юборганига пушаймон бўлипти, бу гапни малика подшоҳга етказишидан қўрқиб ичида: «Малика бошимга фалокат келтирмасдан бурунроқ уни ўлдираман» депти.

Вазир подшоҳнинг сафардан зафар билан қайтишини кутипти. Подшоҳ шаҳарга яқин келгач, вазирга одам юбориб мамлакат ва давлат аҳволини сўрапти, вазир жавоб берипти:

— Аҳвол кутганингиздан зиёда, лекин бир ноқислик борким, бу хусусда гапиргани қўрқаман, аё шоҳ. Лекин буни сендан яширсам, яхши маслаҳатимни пинҳон тутган бўламан.

— Айт, мен сенга ва сенинг сўзингга инонаман,— депти подшоҳ.

— Аё Амралзамон,— депти вазир,— малика, ўзинг айтгандай, рўза ва ибодат билан машғул... Лекин буларнинг риё эканлиги бизга маълум бўлди! Сен кетганингдан кейин менинг ҳузуримга бир одам келиб: «Эй вазир, малика саройда нималар қилаётганини бориб кўр» деди. Мен бориб, маликанинг оромгоҳига яқин ерга беркиниб олдим, қарасам, маликанинг олдида отасининг хизматкори Абулхайр ўтирипти. Абулхайрга сен қанчалар яхшилиқ қилган эдинг. Иккиси нималар қилганини сенга айтмаганим маъқул.

Подшоҳ Додбин бу сўзларни эшитиб даргазаб бўлипти-ю. Бош ҳарам оғага бориб маликани ўлдиришни буюрипти.

ти. Ҳарам оға бу сўзни эшитиб хафа бўлипти ва депти:  
— Аё шоҳ, маликани бу ерда ўлдириш маъқул эмас. Хизматкорларингдан бирига буюр, уни узоқ биёбонга элтиб ўша ерда ўлдирсин, сабабки саройда ўлдиртирсанг воқеа шаҳарга маълум бўлади-ю, маломатга қоласан. Аё шоҳ, эҳтимол малика бегуноҳдир, ўлдириб гуноҳига ботгандан кўра биёбонга элтиб ташла — бегуноҳ бўлса маъсумлик ҳалокатдан қутқаради, гуноҳ қилган бўлса биёбонда ўлиб кетади.

Подшоҳ бу гапни маъқул кўрипти ва депти:

— Бу ишни ўзингдан ўзга кимса қилмайди, маликани олиб бор, айтганингдай қил.

— Бош устига,— депти ҳарам оға ва саройга қараб кетипти.

Ҳарам оға маликани отга миндирипти. Ўзи ҳам отланипти, яшириқча кўп озиқ-овқат ва ичимлик олипти ва узоқ, кимсасиз биёбонга жўнапти. Малика қаёққа кетаётганини билмас экан.

Ҳарам оға маликани биёбонга келтириб отдан туширганидан кейин унга таом ва ичимликларни бериб депти:

— Эй бека, сенинг мусаффо эканингни, бўҳтонга қолганингни биламан ва инонаманки, худойи таоло сени биёбонда ёлғиз қўймайди ва жабр қилганинг жазосини беради.

— Эй Жавҳар,— депти малика,— бу можародан огоҳмисан?

Ҳарам оға: «Огоҳман» деб жавоб берипти, вазир подшоҳга айтган гапларни сўзлаб берипти. Малика: «Худо хайрингни берсин!» депти. Ҳарам оға малика билан видолашиб, йиғлаганича подшоҳнинг ҳузурига қайтипти. Малика бир тепалик тагига келипти, тош териб унинг устига намозгоҳ қилипти, намоз ўқиб худога муножот қилаверипти.

Худонинг иродаси билан подшоҳ Кисронинг туячиси бир нечта туясини йўқотипти, туячи туяларини қидириб биёбонга чиқипти ва малика Авра ўтирган жойга келипти, малика намозини ўқиб бўлишини кутипти-ю, унинг олдига келиб салом берипти ва сўрапти:

— Кимсан?

— Худонинг бандасиман,— депти малика.

— Бу биёбонда нима қилиб ўтирибсан?— деб сўрабди туячи. Малика жавоб берипти:

— Худога ибодат қилаётибман.

— Туячи унинг ҳусн-латофатини кўриб мафтун бўлипти.

— Мен сени хотин қилиб олмоқни истайман!

— Эрга тегишимга ҳожат йўқ, умримни раббимга ибодат билан кечирмоқчиман,— депти малика.— Савоб иш қиламан десанг, мени сув бўйига олиб бор.

Туячи маликани сув бўйига олиб боришти ва хайрлашиб, унинг ҳусн-латофатига маҳлиё бўлиб жўнапти. Туячи маликадан узоқ кетмасдан унинг дуоси шарофати билан туяларини топишти ва шаҳарга олиб кетишти, хожасининг ҳузурига келганида хожаси сўрапти.

— Туяларни топдингми?

— Топдим, аё Амралзамон,— депти туячи,— бир тақводор ва гоят соҳибжамол хотиннинг шарофати билан топдим. Замонамизда бунингдай хотин бўлмаса керак. Бу хотин биёбонда ибодат қилиб умр кечирар экан.

Кисро бу сўзларни эшитиб отланибди-ю, туячини олди-га солиб ўша ерга жўнабди, маликанинг олдига етиб келибди ва унинг ҳусн-латофатини кўриб лол бўлиб қолибди.

Кисро унга яқин келиб салом берибди. Малика унинг саломига одоб билан алик олибди. Кисро дебди:

— Эй воҳида, мен шаҳаншоҳ бўламан, тилагим сени хотин қилишдир.

— Мен тарки дунё қилган, шу биёбонда тоат-ибодат билан машғул бир хотин бўлсам, мени нима қиласан?— дебди малика. Кисро жавоб берибди:

— Сени олишим муқаррар, рози бўлмасанг сени деб шу биёбонда умр кечираман.

Кисро қуларига буюриб, шу ерга чодир тикдирибди. Арва буни кўриб ўйлаб қолибди: «Шундоқ улуғ шаҳаншоҳ мени деб подшоҳлигини тарк этмоқчи, бу нарса подшоҳга муносиб иш эмас!»

Малика Кисрога одам юбориб шаҳарга кетсин дебди, Кисро унамаганини кўриб унинг хоҳишига бўйин эгишга мажбур бўлибди-ю, яна одам юбориб: «Хоҳишинга бўйин эгаман, лекин шартим бор: одам юбориб менинг ҳузуримга шоҳ Додбин, унинг вазири Кордон ва бош ҳарам оғани келтир» дебди.

— Бундоқ шартнинг боиси нима?— дебди Кисро.

Малика Арва вазиrнинг туҳмати ва бошдан кечирганларини бирма-бир сўзлаб берибди.

Кисро кимхоб ёпилган қуббали тахтиравон олдириб келибди ва маликани тахтиравонда саройига олиб келибди:

Додбинга одам юбориб вазир Кордон ва ҳарам ога Жавҳар билан бирга етиб келсин, деб фармойиш юборибди.

Булар воқеадан беҳабар, дарҳол етиб келибдилар. Кисро Арвани девонхонада кўздан пана жойга яширибди, ўзи тахтга ўтириб, шоҳ Додбин, унинг вазири билан ҳарам огани чақиртирибди. Арва вазир Кордонга дебди:

— Эй Кордон, сен подшоҳ Додбинга менинг ҳақимда нималар деб ёлғонладингки, у мени таҳқир этиб ва маломатга қўйиб ҳайдаб юборди? Шоҳ менга муҳаббати туфайли отамни ўлдирган эди, нима деб менга уни ғазаблантирддинг? Сени ерга қаратиб қўйган одам ҳаққи, ростини айт, сабабки бу одам олдида ёлғон гапиролмайсан.

Вазир Арванинг бу сўзларини эшитиб уни танибди ва куни битганини, энди ёлғон гапиролмаслигини англабди, бошини қўйи солиб йиғлабди ва хитоб қилибди:

— Дарҳақиқат, жабр қилган охир бир куни жазосини тортади! Иқроман, малика Арвага туҳмат қилганимнинг боиси шоҳ Додбиндан қўрққанлигим бўлди, сабабки, мен маликани йўлдан ургани кўшиш қилиб унга кўп одам юбордим, лекин малика рози бўлмади ва менга насихатлар қилди. Подшоҳга мендан шикоят қилишидан қўрқиб, ўлдиртириш мақсадида унга шундай бўҳтонлар қилдим. Малика Арва мен айтган гуноҳдан пок.

Подшоҳ Додбин вазирнинг бу сўзларини эшитиб ўзини урибди, йиғлабди ва Кордонга қараб дебди:

— Худо жонингни олсин, малъун! Сен ёлғон гапириб мени хотинимдан айирдинг!

Кисро дебди:

— Худо сенинг жонингни олсин! Сен ким гуноҳкор ва ким гуноҳкор эмаслигини ҳақиқат қилмасдан шошиб ҳукм чиқардинг! Вазиринг хотининг ҳақида ёлғон гапларни гапирганда ақлинг қаерда эди? Уйлаб кўрганингда ҳақиқатни билар эдинг.

Сўнг, Кисро малика Арвага юзланиб дебди:

— Айт, бу одамни нима қилай?

— Қонга қон, ёмонга ёмонлик. Яхшига яхшилик қилиш керак. Шоҳ Додбин менинг отамни бошига таёқ билан уриб ўлдирган эди, бунинг ҳам бошига таёқ билан уриб ўлдир. Вазирни эса мен ҳайдалган биёбонга элтиб ташла.

Подшо Додбинни ўлдирибди, вазирни гиёҳ унмайдиған биёбонга элтиб ташлабди. Вазир биёбонда ҳалок бўлибди.

Ҳарам огага Кисро инъомлар ва саройидан улуғ мартаба берибди.

— Мана шундоқ, аё шоҳ! Гуноҳкор вақти келиб жазосини тортади, гуноҳсиз ташвиш тортмаслиги керак. Умид қиламанки, худойи таоло менинг гуноҳсиз эканимни сенга аён қилади, туҳмат қилиб мени ўлдиришга ундаган душманларимнинг жазосини беради,— деди йигит.

Подшоҳ Бахтвод йигитнинг фасоҳати олдида лол бўлди, уни зиндонга қайтариб юборди ва:

— Бунинг ишини эртага ҳақиқат қиламиз,— деди.

Олтинчи куни эрталаб шоҳ Бахтвод ҳузурига олтинчи вазир кирадиган бўлди. Бошқа вазирлар, бордию подшоҳ йигитнинг бир қошиқ қонидан кечиб омон қолдирса, у ҳамма вазирларни ўлдириш пайига тушади деб қўрққанларидан унинг ёнига яна икки вазирни қўшиб юбордилар. Уч вазир подшоҳнинг ҳузурига кириб ер ўпдилар:

— Аё шоҳ, сенинг шаънингга доғ туширган йигитни ҳамон ўлдирмаётибсан. Сенинг гийбатингни қилаётган одамларнинг тилини тийиш учун бу йигитни ўлдиришга қачон розилик берасан?

— Рост айтасизлар,— деди подшоҳ,— бугун албатта ўлдираман.

Шоҳ Бахтвод йигитни чақиртирди, йигит келгандя деди:

— Сени ўлдиришни қачонгача пайсалга соламан! Бирон кимса сени ҳимоя қилмайди. Қилган гуноҳинг учун ҳамма бошингни олишимни истайди.

— Аё шоҳ,— деди йигит,— мен ҳеч кимнинг ҳимоятига муҳтож эмасман, ёлғиз худойи таолога сифинаман. Худо ҳимоятига олса, ҳеч кимса бирон тукини ҳам йўқотмайди. Гуноҳим йўқлигини билганим учун ҳеч кимдан қўрқмайман, худонинг бандаларидан эмас, унинг ўзидан ҳимоя кутаман. Худодан ҳимоят кутган кимса Бахтзамондек муродига етади.

— Нечукдир бу ҳикоят?— деди Бахтвод.

Йигит жавоб берди:

— Аё масъуд шоҳ, бир замонлар Бахтзамон отлиқ бир подшоҳ ўтган экан. Подшоҳ емоқ-ичмоқ ва айш-ишрат билан машғул экан. Кунлардан бир куни душманлари мамлакатига кўз тикиб лашкар тортиб келипти. Унинг вазирлари дебдилар:

— Аё Амиралзамон, душманларинг сен билан уруш-

моқ қасдида лашкар тортиб келдилар, уруш тадорикини кўргин.

— Мен пинагимни ҳам бузмайман,— депти подшоҳ,— менинг пулим ҳам, одамларим ҳам, қудратим ҳам душманниқидан ортиқдир.

— Ундай бўлса, аё шоҳ,— дептилар вазирлар,— худого така қил.

Душман яқин келипти. Подшоҳ Бахтзамон одамларининг кўплиги ва қудратига ишониб, душманга қарши чиқпти. Душман урушиб, уни мағлуб қилипти. Бахтзамон қочиб бошқа бир подшоҳнинг олдига бориб, ундан кўмак сўрапти. Бу подшоҳ унга пул ва лашкар берипти. Шоҳ Бахтзамон хурсанд бўлиб хитоб қилипти:

— Бу лашкар билан яна пурқудрат бўлдим!

Бахтзамон ўз мамлакатига қайтиб келипти, лекин душман уни яна тор-мор келтирипти. Унинг лашкари пароканда бўлипти. Душман уларни қувлаб, денгиз бўйига келипти. Шоҳ Бахтзамон қайиққа тушиб денгиздан ўтипти ва бир шаҳарга кўзи тушипти, бу қандоқ шаҳар ва қайси подшоҳга қарашлик эканини сўрапти.

— Шоҳ Худайдонга қарашлик шаҳар,— дептилар одамлар.

Бахтзамон шаҳарга кириб, саройга келипти ва депти:

— Мен сарбозман, подшоҳнинг хизматини қилмоқ истайман.

Шаҳарнинг подшоҳи Бахтзамоннинг қиёфасини кўриб уни ёқтирипти ва аскарбоши қилиб тайинлапти. Лекин Бахтзамоннинг кўнгли ҳануз подшоҳликда экан.

Бахтзамон шоҳ Худайдон хизматида бўлипти. Худонинг иродаси билан Худайдоннинг мамлакатига душман беҳисоб лашкар тортиб келипти. Худайдон душманга қарши лашкар чиқарипти ва унга Бахтзамонни бош қилипти.

Подшоҳ Худайдон шамширини қўлига олипти, «Оллоҳу акбар» деб наъра тортиб душманга ҳамла қилипти. Душман қочипти, шоҳ кўп ғанимат ва асирлар олиб ғалаба билан қайтипти ва шаҳарни безатипти.

Бахтзамон бунни кўриб ҳайратга тушипти ва ичида: «Бу қандоқ бўлди, душман лашкари беҳисоб, бизнинг лашкаримиз оз бўлгани ҳолда ғолиб келдик. Сабаб, душман қочди?» депти ва Худайдондан сўрапти:

— Пиёда ва сувора аскарларнинг оз бўлгани ҳолда сабаб ўзинг жангга кирдинг?

Шоҳ Худайдон жавоб берипти:



— Ғалаба лашкарнинг миқдоридан эмас, худойи таолодан. Бир вақтлар саккиз юз минг лашкарим борлигида душман саккиз юз отлиқ лашкар билан келиб мени тормор қилган эди, сабабки мен лашкаримга, душманам эса худога така қилган эди. Мен ўшанда саккиз юз минг лашкардан омон қолган эллик сувори билан тоғга қочган эдим. Тоғда бир художўй одамни кўриб, душмандан тортган азиятимни баён қилдим. Шунда художўй: «Бунинг сабаби шуки, сен одамларингга така қилгансан, душманинг худога така қилган, ғалаба лашкарнинг миқдоридан эмас, худодан, шунинг учун душманинг сени тормор қилган» деган эди.

Кейин, бу зоҳид менга: «Тавба қил, худога сиғин, душманингга ғолиб келасан» деди. Шу одамнинг сўзига кириб худога тавба қилдим, сиғиндим — шу зоҳид билан бирга истиқомат қилиб турдим. Зоҳид бир куни: «Сарбозларингни олиб йўлга чиқ, эндиликда душманингни тормор қиласан, чароки, душманинг одамларининг миқдорига така қилади. Сен энди худога така қиласан» деди.

Мен дарҳол худога така қилиб, тун пардаси остида душманга ҳужум бошладим. Душманам ғафлатда қолди, бизни кўпчилик гумон қилиб бир-бирини ўлдирди ва пароканда бўлиб қочди. Мен эллик сувори билан ғалаба қилиб ўз мамлакатимга қайтдим. Шундан бери душманга қарши чиқсам худога така қиламан.

Бахтзамон бу сўзларни эшитиб ғафлат уйқусидан уйғонибди ва подшоҳ Худайдонга бошидан кечирганларини сўзлаб берибди:

— Мен подшоҳ Бахтзамон бўламан. Бошимдан фалон-фалонлар кечди. Эндиликда тавба қилиб, ҳар ишда худога така қиламан, — дебди, шоҳ Худайдон билан хайрлашиб бир тоққа борибди ва ибодатга берилибди.

Бир куни кечаси шоҳ ухлаб ётганида бир махлуқ пайдо бўлиб дебди:

— Худо тавбангни даргоҳига қабул қилди. Тур, душманга қарши отлан, худо мададкоринг бўлади.

Бахтзамон уйғонибди, худога така қилиб, ўз шаҳрига йўл олибди, шаҳарга яқин келиб, душмани бўлган подшоҳнинг аъёнларидан бир қанчаси ов қилиб юрганини кўрибди, келиб шуларга қўшилибди. Аъёнлар ундан сўрабдилар:

— Кимсан? Мусофирга ўхшайсан, золим подшоҳимиз сенга бирон зиён-заҳмат етказмагай деб қўрқамиз.

Подшоҳимиз шаҳарга йўлаган ҳар бир мусофирни ўлдирди,— Бахтзамондан шу қадар қўрқадди.

— Зиён-заҳмат етказадиган ҳам, мурувват қиладиган ҳам худонинг ўзи. Подшоҳларинг нима фикрда, бировга зиён-заҳмат етказиш ва ё мурувват қилиш қўлимдан келди деб ўйлайдими?

— Ҳа, шундоқ фикрда,— деб жавоб берибдилар,— подшоҳимиз худога эмас, ўз кучига такя қилади.

Бахтзамон хурсанд бўлиб ичида дебди: «Мен худога такя қиламан, шунинг ўзи кифоя, душманам ўзига ишонадиган бўлса, мен худодан мадад сўрайман. Энди бу одамларга ўзимни танитаман». Бахтзамон буларга юзланиб:

— Менинг ким эканлигимни биласизларми?— дебди. Аъёнлар «йўқ» деган эканлар, подшоҳ: «Мен Бахтзамон бўламан» дебди.

Аъёнлар унга тикилиб, ўз подшоҳларини танибдилар ва уни иззат-иқром қилиб дебдилар:

— Аё Амралзамон, сабаб ўз жонингни таҳликага қўйдинг?

Бахтзамон дебди:

— Жоним ҳеч нарса эмас, мен худога такя қилиб келдим.

— Худога такя қилган бўлсанг кифоя, сабабки сен жабрдийда, душманинг жабр қилғувчидир,— дебдилар бу одамлар,— биз албатта сенинг тарафингни олиб жанг қиламиз ва жонимизни, молимизни қурбон қиламиз. Биз ҳозир сени хуфия сурагда олиб кетамиз, халойиқни сенга садоқат арз этдирамиз, сабабки ҳамманинг кўнгли сендадир.

— Билганларингни қилинглар,— дебди Бахтзамон,— бошимга нима келса худодан мадад сўрайман.

Подшоҳ аъёнлари Бахтзамонни шаҳарга олиб келибдилар, ёр-дўстлари, таниш-билишларини йиғибдилар, унга садоқат арз этибдилар, пайт пойлаб унинг душманига ҳужум қилибдилар, подшоҳни ўлдириб, Бахтзамонни подшоҳлик тахтига ўтқазибдилар.

Бахтзамонга ҳамма мамлакатлар ва халқлар бўйин эгибди. Унинг ишлари кушойиш топибди, ишлари ўнганлибди. Худога такя қилгани учун худо унга саодат ато қилибди. Худога такя қилган кимса фақат эзгулик кўради. Менинг худодан ўзга мададкорим йўқ, сабабки гуноҳдан покман.

Шоҳ Бахтзод бу сўзларни эшитиб, йигитнинг фасоҳатига ҳайратда қолди, уни зиндонга қайтариб юборди. Еттинчи кун эрталаб подшоҳнинг ҳузурига еттинчи вазир Баҳман кирди, ер ўпиб деди:

— Аё шоҳ, бу йигитнинг қилмишларига сабр-тоқат этганинга ҳайронман. Буни ўлдиришни пайсалга солишингдан нима фойда, одамлар ғийбат қилиб, сени маломатга қўймоқдалар. Тўшагингни мурдор қилган кимсани сабаб ўлдирмайсан?

Подшоҳ дарғазаб бўлиб хитоб қилди:

— Бу аблаҳ хиёнаткорни келтирингиз!

Йигит келтирилганда подшоҳ деди:

— Э хиёнаткор, бугундан кейин бир дақиқа ҳам умр кўрмайсан, сабабки мени маломатга қўйдинг, энди макр билан мендан қонингни тиламоқчи бўласан, лекин сенинг гуноҳинг буюқдир.

— Аё шоҳ,— деди йигит,— буюк гуноҳ кечирилса буюк марҳамат бўлди, дейдилар, лекин мендек бир кимса буюк гуноҳ қилган тақдирда ҳам, уни кечирсанг буюк марҳаматинг олдида ҳеч нарса эмас. Мен ҳеч қачон гуноҳ қилмаганимдан, ҳар қандай гуноҳдан пок эканимдан кейин кечирш яна ҳам осонроқдир. Ҳеч бир ёмонлик қилмаган эканман, жазодан қўрқмайман. Ёмонлик қилган кимса шоҳ Баҳракўрд сингари жазосини тортади.

— Нечукдир бу ҳикоят?— деди шоҳ Бахтзод.

Йигит деди:

— Аё маъсуд шоҳ, бир замонлар Баҳракўрд деган подшоҳ ўтган экан. Шоҳ ғоят қудратли, давлатманд, лашкари кўп, лекин феъли ёмон, арзимас гуноҳ учун гуноҳкорни қийноққа солар, ҳеч бир кимсага раҳм-шафқат қилмас экан.

Кунлардан бир кун мана шу шоҳ шикорга чиқипти, сарбозларидан Теру отлиқ бир кимса ўқ отган экан, ўқ шоҳнинг қулоғига тегиб шартта узипти.

Шоҳ Баҳракўрд хитоб қилипти:

— Ўқ отган кимсани тутиб ҳузуримга келтирингиз!

Теру бу сўзни эшитиб қўрққанидан беҳуш бўлиб йиқилипти.

Теруни келтириб шоҳнинг олдига ташлаптилар. Шоҳ уни дарҳол ўлимга буюрипти. Теру шоҳга депти:

— Аё Амиралзамон, мен бу ишни билмасдан қилдим, қасддан қилганим йўқ. Менга раҳм қилиб гуноҳимдан ўтқину савоб ишларинг ҳазинасига сол, мендан кўрмасанг худодан кўрасан.

Шоҳ золлим бўлса ҳам йигитнинг гуноҳидан ўтипти. Теру аслида бир шоҳнинг ўғли бўлиб, бир гуноҳи учун отасининг қўл остидан қочган, келиб шоҳ Баҳракўрднинг хизматига кирган экан. Шундан кейин отасининг фуқароларидан бири Баҳракўрднинг юртига келиб Теруни таниб қолипти ва отасига дарҳол одам юбориб бу ҳақда хабар етказипти. Терунинг отаси ўғлига мактуб юбориб унинг кўнглини тинчитипти. «Кел, ҳеч нарсадан қўрқма» депти.

Йигит отасининг ҳузурига қайтиб келипти, ота-бола апоқ-чапоқ бўлиб кетипти.

Шоҳ Баҳракўрд кунлардан бир кун кемага тушиб бирикки кунлик денгиз саёҳатига чиқипти. Шамол туриб, кема фарқ бўлипти, ҳамма ҳалок бўлиб, шоҳ Баҳракўрдгина омон қолипти. Баҳракўрд бир тахта-порага ёпишиб, қияланғоч соҳилга чиқиб олипти ва кўп юрганидан кейин кўзига бир шаҳар намоён бўлипти. Бу шаҳар Терунинг отасига тобе шаҳар экан.

Баҳракўрд шаҳар дарвозасига келипти. Қоронғи тушкани сабабли дарвоза берк экан. Худонинг иродаси билан қароқчилар дарвоза олдида бировни ўлдирган экан. Тонг отгач посбонлар дарвозани очиб ўликни кўрибдилар, унинг қотилини излаб Баҳракўрдни ушлабдилар ва уни подшоҳнинг ҳузурига келтириб:

— Аё Амралзамон, бу одам кечаси шаҳар дарвозаси олдида бир кишини ўлдирди,— дебдилар.

Султон уни дарҳол зиндонга солипти.

Баҳракўрд зиндонда ўтириб бошига келган фалокат тўғрисида ўйлапти ва ўзига депти: «Беҳад гуноҳларим касофатига қолдим, сабабки ҳеч бир кимсага раҳм-шафқат қилмадим, худо қилмишимга яраша шу кунга солди, ёмонлик қилган ёмонлик кўради».

Баҳракўрд шундай хаёл суриб турганида зиндоннинг тўйнуғига бир қуш келиб қўнибди. Баҳракўрд бир тошни олиб қушга отибди. Шу чоғ шаҳзода Теру ташқарида чавкон ўйнаётган экан. Тош унинг қулоғига тегиб шартта узиб ташлабди. Теру беҳуш бўлиб йиқилибди. Шоҳ бундан хабардор бўлибди ва дарҳол бу қандоқ тош эканини суриштириб билишни буюрибди. Гуноҳкор Баҳракўрд экани маълум бўлибди.

Уни шоҳнинг ҳузурига келтирибдилар. Шоҳ Баҳракўрдни ўлимга буюрибди. Унинг бошидан салласини олибдиларда, шу салла билан кўзини боғламоқчи бўлибдилар. Теру унинг бир қулоғи йўқлигини кўриб қолибди.

— Сен ярамас одам бўлмасанг қулоғингни кесмас эдилар,— дебди Теру.

Баҳракўрд жавоб берибди:

— Эй хожа, сенинг гумонинг тўғри эмас. Қулоғим фалон-фалон сабаб билан кесилган. Мен шоҳ Баҳракўрд бўламан, овга чиққанимда бир сарбозим ўқ отди. Уқ менинг қулоғимга тегди. Мен ўлдирмоқчи бўлганимда сарбозим гуноҳини тилади, мен кечирдим.

Шаҳзода бу гапни эшитиб, синчиклаброқ қараса, қаршисида шоҳ Баҳракўрд турган эмиш, унинг қучоғига отилибди ва сўрабди:

— Сен шоҳ Баҳракўрдмисан?

Шоҳ: «Ҳа» дебди.

— Бу ерга нима бўлиб келиб қолдинг!— дебди шаҳзода.

Шоҳ бошидан кечирганларини сўзлаб берибди. Бунга ҳамма ҳайрон бўлибди.

Сўнг шаҳзода отасига юзланиб дебди:

— Эй падар, мен ўқ отиб бу шоҳнинг қулоғини узганман. Шоҳ менинг гуноҳимдан кечган эди, бунинг ҳам гуноҳидан кечмоқ керак.

Шаҳзоданинг отаси бу сўзни эшитиб тахтидан турибди, шоҳ Баҳракўрдни қучоқлабди, унга шоҳона либослар кийгизибди. Сўнг, Теру шоҳ Баҳракўрдга юзланиб дебди:

— Кўрдингми, гуноҳкорнинг гуноҳидан кечган кимсанинг гуноҳини худо кечиради.

Баҳракўрд ўз шаҳрига қайтиб кетишига кўмак сўрабди. Уни иззат-иқром билан кузатибдилар.

— Аё шоҳ,— деди йигит,— менинг ҳам сўзим шу: хусусан қатл қилмоқ имкони бўлганда раҳм-шафқат қилмоқ эвазига олинадиган мукофотдан яхшироқ мукофот йўқ. Баҳракўрдни кўр: бу кимса бир одамдан бошқа ҳеч кимга раҳм-шафқат қилган эмас, лекин шу одамга қилган раҳм-шафқатининг мукофотини олди.

Шоҳ Бахтзод бу сўзларни ҳайратангиз деб билди ва йигитни зиндонга қайтариб юборди.

— Бунинг ишини эртага ҳақиқат қиламиз,— деди.

Эртасига эрталаб барча вазирлар йиғилдилар ва дедилар:

— Сўз ва найранглари билан бизни мағлуб қилган бу йигитни нима қилмоқ керак? Бу йигит халос бўлиб, ўзини ҳалокатга дучор бўлмасак эди.

Булар сўзни бир жойга қўйиб шоҳнинг ҳузурига кирдилар, унга умр ва салтанат тиладилар ва ер ўпиб дедилар.

— Аё Амиралзамон, сенга бир яхши маслаҳат бермоқ муддаосида келдик. Бу йигитнинг чиройли сўзларига учма, уни тезроқ ўлдир, сабабки бу йигит туфайли одамлардан сенинг шаънингга иснод келтиргувчи сўзлар эшитмоқдамиз. Одамлар: «Бу йигит тўшагини ҳаром қилганини кўриб туриб подшоҳ кўп сабабларга биноан уни ўлдирмаяпти» демақдалар. Аё Амиралзамон, биз сенинг вазирларинг — яхши маслаҳатгўйларингмиз. Бугун йигитнинг сўзларига эътибор қилма, ўлдир. Бу қандоқ ҳол, ярамас йигит сенинг тўшагингни мурдор қилсаю сен ўлдирмай қараб ўтирсанг!

Шоҳ Бахтзод бу сўзларни эшитиб ғазаби жўш урди, йигитни олдириб келиб деди:

— Эй паст насаб, эй хиёнаткор, сен менинг тўшагимни булгадинг, эндиликда чиройли сўзлар билан жонингни омон сақламоқчи, ҳийла-найранг ва ёлғончилик билан мени алдаб шафқат тиламоқчи бўласанми! Сендай гуноҳкорларга умрбод шафқат йўқ, сабабки бундай гуноҳнинг жазоси азоб-уқубатдир.

Шунда вазирларнинг ҳар бири йигитнинг қошига бориб шоҳга деди:

— Аё Амиралзамон, истасанг бошини олай.

Йигит шоҳ Бахтзодга деди:

— Аё шоҳ, боқ, булар ярамас вазирлар, эҳтиёт бўл! Булар сенга мени ўлдиришни маслаҳат бераётиптилар — шу билан бизни бир-биримиздан жудо қилмоқчи, мен сенинг хизматингни қилиш шарафига ноил бўлмасимдан бурун хазинангни қандоқ талаган бўлсалар, яна шундоқ таламоқчи бўладилар.

— Булар сенинг хиёнатингга шоҳид бўлганликлари учун шундай деятибсан,— деди шоҳ.

— Кўрмаган нарсаларига қандоқ шоҳид бўладилар,— деди йигит.— Буларнинг шоҳидлиги бахилликдандир. Ҳар нечук, мени ўлдирсанг ғоят пушаймон бўласан. Мен ўлимдан кўрқмайман, сабабки бир бошда бир ўлим бор, лекин Илон-шоҳдек қаттиқ пушаймонликка тушасан деб кўрқаман.

— Нечукдур бу ҳикоят?— деди Бахтзод.

Йигит деди:

— Аё шоҳ, бир замонлар Абу Таммам отлиқ ҳалол, худжўй, фаросатли, ҳурматли ва ҳимматли бир одам ўтган, унинг пули кўп экан. Мамлакатнинг подшоҳи ғоят шафқатсиз экан. Абу Таммам ҳаминша жони ва молидан хавотир

бўлиб, «Подшоҳнинг жабрини кўрмаслик учун бу шаҳардан бошқа подшоҳнинг қўл остига кўчиб кетганим маъқул» дер экан.

Абу Таммам дарҳол йўл ҳозирлигини кўриб, Илоншоҳнинг шаҳарига кўчишти, ўзига каттакон уй солишти, мусофирларга таом берипти, фақир-фуқарога мурувват қилипти, бундан шаҳар амирининг аъёнлари ҳам хабар топибдилар, Абу Таммам уларни ҳам баъзи кунлар зиёфатга чақирипти. Унинг сахий ва художўйлиги овоза бўлиб кетипти.

Ниҳоят, бу хабар Илоншоҳнинг қулоғига етиб, Абу Таммамни чақиртирипти. Абу Таммам шоҳнинг ҳузурига келиб таъзим қилиб ер ўпибди, фасоҳат билан унга бахт-саодат тилабди. Шоҳ унинг камолоти ва фасоҳатини кўриб унга меҳр қўйипти:

— Эй шаҳримизнинг меҳмони, сен келиб шаҳримизга файз кирди. Тила тилагингни, ҳарнаки истасанг оласан.

Абу Таммам шоҳга қуллуқ қилипти, бахт-саодат тилапти. Шундан кейин шоҳ уни тез-тез олдириб келадиган, узоқ-узоқ суҳбат қиладиган бўлипти. Шоҳга унинг фаросати, камолоти ва душвор масалаларнинг ҳалида ақл-идроки, уддабуронлиги ёқиб, депти:

— Эй Абу Таммам, мен сени вазир ва девонбеги қилмоқчиман.

Абу Таммам қуллуқ қилиб депти:

— Эй шоҳ, жоним ва молим хизматингдан айлансин, лекин мени бу ишдан озод қил, сабабки одамларингнинг ҳасаидан кўрқаман.

Подшоҳ унамапти:

— Кўрқма, мен ҳеч кимнинг сенга қарши сўзига қулоқ солмайман.

Сўнг, шоҳ Абу Таммамга шоҳона либослар кийгизипти. Абу Таммам ҳар куни шоҳнинг девонхонасига кириб, унинг ўнг қўлида ўтирадиган бўлипти. Шоҳ унга барча қийин ишларини сўзлаб берипти. Абу Таммам бу ишларнинг фаҳмига етиб осонгина жўнаштирипти ва ўзининг уддабуронлиги орқасида яхши иш кўрсатипти. Шоҳнинг унга меҳри ошипти. Ҳамма иш унинг қўлига ўтипти, айтгани айтган, дегани деган бўлипти.

Абу Таммамдан олдин шоҳнинг уч вазири бўлиб, бутун подшоҳлик шуларнинг қўлида, булар истаганини қилар экан. Абу Таммам вазир бўлгандан кейин бошқа вазирлар шоҳнинг назаридан қолипти, шоҳ уларга иш буюрмай қўйипти, нима иш бўлса Абу Таммамга буюрадиган бўлипти.

Шундан кейин уч вазир ҳасад қилиб, ўзаро маслаҳатлашибдилар:

— Сабаб, подшоҳ бу мусофир билан бўлиб бизни унутди, биз назаридан қолдик, уни бизнинг тепамизга қўйди. Подшоҳга айтиб бунини даргоҳдан ҳайдатиш ё ўлдиртиришдан ўзга чора йўқ.

Вазирларнинг ҳар бири Абу Таммамни ўлдиришни маслаҳат кўрипти ва булардан бири депти:

— Фалон подшоҳнинг ҳусн-латофатда тенги йўқ қизи бор. Қизга ким совчи бўлиб борса подшоҳ уни дарҳол ўлдиради. Бизнинг шохимиз бундан беҳабар, ўзи хотинларни хушлайди... Юринглар, подшоҳнинг ҳузурига кириб шу қиздан сўз очамиз. Подшоҳнинг кўнгли суст кетсаю совчи юборишни истаб қолса, «Совчиликка Абу Таммамдан бошқа кимса ярамайди» деймиз. Подшоҳ Абу Таммамни совчиликка юборса у подшоҳ ўлдирадию биз қутуламиз.

Вазирлар сўзни бир жойга қўйиб бир куни Илоншоҳнинг ҳузурига кирибдилар. Абу Таммам ҳам шу ерда экан. Вазирлар шу қизнинг ҳусн-жамолидан сўз очибдилар ва унинг латофатини кўкларга кўтарибдилар, Подшоҳнинг қизга кўнгли суст кетибдию хитоб қилибди:

— Бу қизга совчи юбораман, совчиликка ким боради?

— Аё Амралзамон, бундай катта ишга Аму Таммамдан ўзга киши ярамайди, сабабки, бу вазирнинг уддабурон ва фаҳм-фаросатли одам,— дебдилар вазирлар.

— Дарҳақиқат, бу ишга бундан ўзга кимса ярамайди,— дебди шоҳ, сўнгра Абу Таммамга юзланибди:— Шу вазифани зимманга олиб, борасанми?

Абу Таммам жавоб берибди:

— Бош устига!

Абу Таммам ҳозирлик кўрибди. Подшоҳ қизнинг отасига деб қимматбаҳо тўғфалар совға-саломлар берибди. Абу Таммам йўл юриб, йўл юрганда ҳам мўл юриб қизнинг отаси қўл остидаги Чин шаҳрига борибди, шоҳнинг ҳузурига кириб ер ўпибди, унга фасоҳат билан давлат ва саодат тилабди, сўнгра Илоншоҳнинг мактубини берибди, бу ерга келишининг боисини айтиб совға-саломини топширибди.

Қизнинг отаси мактубни ўқибди, совға-саломнинг кўплигини ва Абу Таммамнинг фасоҳатини кўриб мамнун бўлибди, унга ҳашаматли жомалар кийгизиб, катта иззат-ҳурмат кўрсатибди, каттакон бир хона бериб:



— Уч кундан кейин даргоҳимга кел,— дебди, сўнг, қизининг ҳузурига кириб Абу Таммам Илоншоҳдан совчи бўлиб келганини айтибди.

— Эй падар,— дебди қиз,— мен унинг ўзини кўрма-симдан олдин жавоб айтма. Мен ўзим сўзлашаман.

Шоҳ «хўп» дебди ва уч кундан кейин Абу Таммам даргоҳига киргач:

— Сен аввал қизимнинг ҳузурига кир, ундан кейин жавоб бераман,— дебди.

Подшоҳ Абу Таммамни қизининг ҳузурига юборибди. Абу Таммам ичида: «Қадимги одамлар, кўзини тийган фалокатдан омон қолади, тилини тийган ҳеч қачон ёмон сўз эшитмайди, қўлини тийган эса ғани бўлади, деганлар» дебди.

У маликанинг ҳузурига кирибди. Малика ҳар бирининг жамоли оғни хира қиладиган қирқ бокира каниз даврасида ўтирган экан.

Абу Таммам кирганда малика унга жой кўрсатипти. Абу Таммам унинг қаршисига ўтиргандан кейин малика савол қилишти:

— Нима деб келдинг, отамдан сўраганинг нима?

Абу Таммам ерга қараб жавоб берипти:

— Аё малика, хошам Илоншоҳ сенга худо ҳусн-латофат, камолот ва заковат ато қилганини эшатиб, сени никоҳига олмоқ шарафига ноил бўлмоқчи. Мени сенинг отанг ҳузурига юбориб, шуни рижо қилди.

Малика бир оз сукут қилганидан кейин Абу Таммамга инъом берипти. Абу Таммам инъомга қўл уриб ўпишти, лекин олмапти, қуллуқ қилиб, унга бахт-саодат тилапти.

Малика совчи бўлиб келганларнинг ҳаммасини шу тариқа синар экан.

Шундан кейин Абу Таммам маликага депти:

— Аё малика, менга ҳурмат кўрсатиб қилган инъомнинг учун қуллуқ, лекин мен бунинг учун келган эмасман. Мен яна ҳам каттароқ марҳаматга, яъни хошам Илоншоҳ эришишга умид қилган шарафга ноил бўлсин деб келдим. Мен бу ерга қиммати ҳаммага маълум бўлган мол-дунё учун келганим йўқ, подшоҳимга бебаҳо бойлик, яъни малика учун келдим, бошқа ҳеч нарсага кўз солмайман.

Малика унинг фасоҳатини кўриб мафтун бўлипти ва ичида: «Дарҳақиқат, бу одам закий, одамшаванд ва доно экан. Буни юборган киши бундан ҳам ақллироқ ва донороқ бўлса керак» дебди.

Малика Абу Таммамни иззат-ҳурмат билан кузатишти, сўнг, отасига одам юбориб, уни хўп мақтапти. Подшоҳ Абу Таммамни чақириб сўрапти:

— Қизим қалай, сенга маъқул бўлдими ва хожанг Илоншоҳга манзур бўладими?

— Манзур бўлади, аё шоҳ,— депти Абу Таммам,— қизингнинг ҳузурига кирдим, суҳбатига бўлдим. Лекин унинг жамолини кўрмадим, ҳузурингга келмасдан бурун соҳибжамоллигини унинг таърифини қилган шоирларнинг шеърлардан ўқиб билган эдим.

Подшоҳ Абу Таммамнинг жавобларидан, хусусан қизи берган тухфаларни олмагандан мамнун бўлибди. Чин подшоҳ унинг ақл ва донолигини кўриб қимматбаҳо жома кийгизибди ва дебди:

— Подшоҳларга сендай одам маслаҳатгўй ва вазир бўлмоғи керак. Қизимни сўраб шунча одам келди, ҳаммасини синаб, жоҳил ва нодон эканини билганимдан кейин ўлдирдим. Сен оқил ва доно бўлганинг сабабли қизим хусусида сўз бердим. Хоҳлаган вақтингда қайтиб кет. Илоншоҳ совчиликка сендай одамни юборибди, демак қизимга муносиб экан.

Шоҳ қизини жўнатиш учун йўл ҳозирлигини кўрипти. Илоншоҳга мактуб ёзиб, Абу Таммамнинг қўлига берибди.

Абу Таммам подшоҳга бахт-саодат тилаб, хайр-хўш қилиб қиз билан бирликда йўлга тушибди, Илоншоҳнинг ҳузурига келиб Чин подшоҳи берган совға-салом ва мактубни топширибди. Илоншоҳ кўп хурсанд бўлибди ва Абу Таммамга меҳри яна ошибди. Ҳамма иш Абу Таммамнинг қўлига ўтипти. Подшоҳ қизни никоҳига олиб, мурод-мақсадига етипти.

Вазирлар Абу Таммамни яна ҳам ёмон кўриб қолиптилар, булар бир-бирларига:

— Буни ўлдириш тадбирини кўрмасак бизга осойишталик бўлмайди,— дептилар.

Подшоҳ ўзининг иккита ёш маҳраманинг тиззасига бош қўйиб ором олишни яхши кўрар эди, вазирлар шу икки маҳрамни қўлга олиб дебдилар:

— Бизнинг сизлардан тилагимиз шу: подшоҳ тиззаларингда пинакка кетгудай бўлса, биринг-бирингга: «Подшоҳ Абу Таммамни ҳамма аёнлардан катта қилди, Абу Таммам эса унга хиёнат қиляпти» дегин, биринг: «Яъни?» деб сўрагин. Иккинчинг жавоб бергин: «Яъни, ҳарамда фисқ-фужур билан машғул. Чин подшосининг қизи шоҳи-

мизни яхши кўриб келган эди, Абу Таммам подшоҳимизга хиёнат қилиб, ҳар кеча унинг оғушига киради. Бундан кўп одамлар хабардор бўлди, лекин ҳеч ким подшоҳимиз олдида оғиз очолмайди, чунки подшоҳимиз Абу Таммамни ҳаддан зиёда яхши кўради» дегин.

Маҳрамлар вазирлар берган пулга учиб бу таклифга рози бўлибдилар. Кунлардан бир куни Илоншоҳ одатига кўра мазкур маҳрамларнинг тиззаларига бош қўйиб ором олгани келибди. Маҳрамлар унинг пинакка кетгандай бўлганини кўргач, вазирлар ўргатган гапларни айтибдилар.

Илоншоҳ бу сўзларни эшитиб газабга келибди ва ичида: «Маҳрамларим маъсум болалар, ёлғон гапиришни билмайди, демак бу гаплари чин» дебди.

Шоҳ дарҳол Абу Таммамни чақиртириб дебди:

— Ўз подшоҳининг номусини поймол қилган кимса қандоқ жазога лойиқ?

— Бундоқ кимсанинг номусини поймол қилмоқ керак,— деб жавоб берибди Абу Таммам.

— Подшоҳнинг хотини билан хиёнатгарлик қилган кимса қандоқ жазога лойиқ?— дебди подшоҳ.

Абу Таммам: «Ўлимга лойиқ» деб жавоб берибди.

— Сен шундоқ, хиёнаткордирсан!— дебди подшоҳ ва ёнидан ханжарини олиб, Абу Таммамнинг кўксига санчибди. Абу Таммам ўлибди, уни дафн қилибдилар.

Бироқ орадан бир оз фурсат ўтгач шоҳ кўп хафа бўлибди ва қилмишига пушаймонлик тортибди. Вазирлар ниҳоятда хурсанд эканлар. Подшоҳнинг қайғуси кундан-кун ошибди, икки маҳрамнинг тиззасига бош қўйиб йиғлайдиган, уларнинг девон ва подшоҳлик ишлари ҳақидаги сўзларига қулоқ соладиган бўлибди.

Бир куни подшоҳ маҳрамларнинг ётоғига келибди ва эшикнинг тирқишидан қараса, иккови олдига икки минг динорни ёйиб, гаплашиб ўтирипти, бири: «Абу Таммамга хиёнат қилганимиздан кейин бу динорлардан бизга нима фойда?» дебди; иккинчиси унга жавоб берибди:

— Эй биродар, подшоҳ Абу Таммамни ўлдиришини билганимизда вазирларнинг сўзларига қулоқ солмас эдик, ўша гапни айтмаган бўлар эдик. Уволи вазирларнинг бўйнига. Вазирлар ўша гапни бизнинг оғзимиздан подшо эшитсин, Абу Таммамни ўлдирсин деб ўргатган эканлар. Биз гуноҳдан покмиз.

Илоншоҳ бу сўзларни эшитиб эшикни очибди ва хитоб қилибди:

— Ростини айтгингиз, бу пулларни қаердан олдиларинг ва бир-бирларингга нималар дединглар?

— Бизга шафқат қил, аё Амиралзамон!— деб қичқирбдилар маҳрамлар.

— Ростини айтсаларинг шафқат қиламан,— дебди подшоҳ.

Шундан кейин маҳрамлар бўлган воқеани, бу пулларни вазирлар берганликларини, ўша сўзни вазирлар ўргатганликларини айтиб берибдилар.

Илоншоҳ бу сўзни эшитиб Абу Таммамни ўлдирганидан қаттиқ пушаймон бўлибди, қайғуриб кечаси билан кўз юммабди, эрталаб уччала вазирни чақириб:

— Қабих қилмишларингни худо билмайди деб ўйлаганмидиларинг!— дебди ва дарҳол ҳаммасининг бошини кесдирибди.

Сўнг, шоҳ хотинининг ҳузурига кириб, бўлиб ўтган бутун воқеани айтиб берибди. Абу Таммамнинг ҳолига у ҳам ачиниб:

— Катта бир хазинадан жудо бўлдинг,— дебди.

Подшоҳ Абу Таммамнинг дард-фироқида куйиб оламдан ўтибди.

— Сенинг вазирларинг ҳам ўша вазирлар қабилидандир,— деди йигит,— булар сенга мени ўлдиришни маслаҳат кўрадилар ва ўзларини яхши маслаҳатгўй қилиб кўрсатмоқчи бўладилар. Мени ўлдирадиган бўлсанг, қаттиқ пушаймонлик тортишингни биламан. Вазирларинг сенга мени ўлдиришни маслаҳат кўрганликлари ҳасаддандир. Илоншоҳнинг вазирлари Абу Таммамга қандоқ ҳасад қилган бўлсалар, сенинг вазирларинг ҳам менга шундоқ ҳасад қилмоқдалар. Лекин, аминманки буларга қарши худо менга ёр бўлади, сабабки гуноҳим йўқ, гуноҳдан покман. Улимдан кўрқмайман, мени ўлдирсанг Илоншоҳдек пушаймонлик торгасан деб кўрқаман. Гуноҳим бўлса бир сўз айтолмас өдим, гуноҳдан пок эканимни билганим учун гапираётибман.

Шоҳ Бахтзод бу сўзларни эшитиб йигитнинг фасоҳати-га ҳайрон бўлди-ю, деди:

— Буни зиндонга қайтарингиз, эртага ҳақиқат қиламиз. Улими бизнинг қўлимизда, қочиб кетмайди.

Тўққизинчи куни ҳамма вазирлар йиғилиб дедилар:

— Бу йигитни мағлуб этамиз деб ҳаммамиз ҳам ҳолдан тойдик: ҳар куни подшоҳга фириб беради, биз нима қилишимизни билмай қоламиз.

Булар маликанинг ҳузурига кирмоққа ва шу сўзларни айтмоққа қарор қилдилар: «Сенинг шаън-шавқатинг одамлар ёғдирмоқда бўлган маломат олдида ҳеч нарса бўлмай қолди, йигит маликанинг тўшагида ётган вақтда подшоҳ устига кириб қолипти, деган гап юрипти. Халқ бу ҳақда ҳатто қўшиқ тўқиган. Ҳамма, малика йигитнинг ўйнаши, шунинг учун уни ўлдиргани қўймайпти, демакда».

Малика уларнинг сўзини эшитиб дарғазаб бўлди-ю, сўради:

— Бу ишда менга нима маслаҳат берасизлар?

Вазирлар жавоб бердилар:

— Бориб шоҳга айт: «Шаҳар хотинлари бу йигит ҳақида гапириб мени иснодга қўйдилар. Ё мени ўлдир, ё йигитни ўлдир» дегин.

Малика хафа бўлиб, йиғлаб подшоҳнинг ҳузурига кирди. Подшоҳ бунинг бонсини сўради. Малика вазирлар ўргатган гапни айтди, йигитни ўлдиришга ундаб қутқу солди. Подшоҳ дарғазаб бўлиб деди:

— Хотиржам бўл, мен йигитни бугун албатта ўлдираман.

Сўнгра, подшоҳ девонхонага кирди, йигитни чақиртирди. Йигит келгач, вазирлар унга дедилар:

— Эй нобакор, бугун сенинг кунинг битди.

— Ажал сизларнинг сўзларинг ва сизларнинг хоҳишларинг билан келмайди, ажал тақдирга боғлиқ ва оллонинг иродаси билан келади,— деди йигит,— худо пешонамга ёзганини кўраман, шоҳ Иброҳим ва унинг ўғлидек бундан қочиб қутулолмайман.

— Нечукдир бул ҳикоят?— деди шоҳ Бахтзод ва йигит жавоб берди:

— Аё Амралзамон, бурун замонда Иброҳим отлиқ бир подшоҳ ўтган ва биронга ҳам ўғил кўрмаганидан доғу ҳасратда экан. Подшоҳ қаерда соҳибжамол каниз бор деб эшитса дарҳол сотиб олар ва оғушига кирар экан. Ниҳоят, худойи таоло бир каниздан ўғил ато қилипти. Шоҳ шодхуррам бўлипти.

Канизнинг ой-куни яқинлашганда шоҳ мунажжим ва қуръачиларни олдириб келипти. Булар юлдузларга қараб гўдакнинг толеи, таваллуд чоғини тайин қилибдилар. Каниз ўғил кўрипти. Шоҳ беҳад хурсанд бўлипти.

Мунажжимлар юлдузномага қараб гўдакнинг толеини кўрганларида ранглари оқариб кетган экан, шоҳ Иброҳим сўрапти:

— Нимани кўрган бўлсаларинг менга ҳақиқатини айтингиз!

Мунажжимлар дебдилар:

— Уғлинг беш ёки етти ёшга кирганида арслондан шикаст кўради, шу таҳликадан омонда қолса сенинг ажалинг шунинг қўлида.

Шоҳ бу сўзни эшитиб юраги сиқилипти, кўп хафа бўлипти, лекин ичида: «Мен уни арслондан муҳофаза қиламан, менга қарши қўл кўтармайди, мени ўлдирмайди деб ўйлайман» депти ва мунажжимларнинг сўзларини инобатга олмапти.

Шундан кейин подшоҳ ўглини энагага берипти. Бола тўрт ёшга тўлганда шоҳ тоғ бағрига бориб, у ердаги қудуқни чуқурлатибди, кенгайтирибди, шу ерга бир уй солдирибди. Қудуқдан сув олиб келибди, озиқ-овқат ғамлабди, ўгли билан энагани келтириб қўйибди.

Подшоҳ ойда бир марта қудуқнинг олдига келар, ўглини чиқариб кўрар, ўпар ва яна қудуққа тушириб қопқоғини ёпиб қулфлаб кетар экан.

Ниҳоят, бола беш ёшга тўлибди. Худонинг иродаси билан ўша тоғ бағрига овчилар келиб, арслонга йўлиқибдилар, йиртқични ҳайдабдилар, найза ва ит билан кетидан қувлабдилар. Подшоҳ иттифоқо қудуқнинг қопқоғини ёпмай кетган экан, арслон овчилардан қочиб қудуққа тушиб кетибди. Арслон болани кўриб унга оғиз солибди. Энага додлабди. Арслон болани қўйибди-ю, энага олдига келиб уни ғажиб ташлабди.

Овчилар арслон қудуққа тушиб кетганини кўрган эканлар, улар келиб қарасалар, арслон майиб бўлиб кўзлари ёпиб ётган эмиш. Улар бориб каттакон тош келтирибдилар ва арслоннинг бошига ташлаб юборибдилар, арслонни ўлдириб, қудуққа тушибдилар. Энага пора-пора бўлиб ётган эмиш. Бола елкасидан ярадор бўлган экан, овчилар унинг жароҳатига дори қўйибдилар ва қудуқдан олиб чиқибдилар. сўнг бор озиқ-овқат захирасини ҳам олиб кетибдилар.

Овчилар йўлда боланинг бошидан кечирганларини, ким ва кимнинг ўгли эканини сўрабдилар.

— Билмайман,— дебди бола,— мен умримда шу қудуқдан ўзга ҳеч нимарсани ва арслон ғажиб ташлаган ўша хотиндан ўзга ҳеч кимарсани кўрган эмасман. Ҳар замон бир одам келиб мени қудуқдан чиқариб олар, қучоқлар, ўпар ва яна қудуққа солиб кетар эди.

Овчиларнинг бошлиғи болани ўғил қилиб олибди ва тарбиясига киришибди, чавандозлик ва соҳибқиронлик санъатининг барча усулларига ўргатибди.

Куллардан бир куни овчиларга қароқчилар ҳужум қилиб ҳаммасини ўлдирибдилар, фақат шу бола омон қолибди. Бола қочиб бир ғорга яширинибди, кечани шу ерда ўтказибди, эрталаб бир шаҳарга кетибди. Шаҳарда уни дафина ва яширин хазиналардан воқиф бўлган бир одам кўриб қолибди. Унинг номига атаб хазина кўмилганини дарҳол билибди; боланинг олдига келиб унинг номини, ким эканлигини сўрабди. Бола бошдан кечирганларини айтганидан кейин у одам:

— Юр, болам, мен сени давлатманд қиламан, — дебди.

Бола бу одамга эргашибди. Бу одам болани баланд бир тоғ бағрига бошлаб келибди. Иккови қидириб бир мрамар тахтани топиб кўтарибди. У одам тутатқи тутатиб, афсун ўқибди. Адир ёрилиб хазина намоён бўлибди.

У одам шам ёқиб боланинг қўлига берибди ва уни сават билан хазинага туширибди. Бола саватга тилла тўлдирибди. У одам саватни тортиб олибди, бўшатиб яна туширибди, шундай қилиб беҳисоб тилла ва қимматбаҳо тошларни чиқариб олибди.

Шундан кейин у одам яна тутатқи тутатибди, афсун ўқиб хазинани беркитибди. Бола хазинада қолиб кетибди. Бола хазина беркилганини, бирдан ҳамма ёқни қоронғилик босганини кўриб, бу одам ўлдирмоқ мақсадида эканини билибди-ю, йиғлабди, ўзини урибди, кейин худога сизғинибди-ю, муножот қилибди:

— Эй худо, азиз-авлиёларинг ҳаққи, анбиёларинг ҳаққи, мени арслондан ва қароқчилардан халос қилганингдек, бу балодан ҳам халос қил.

Бола ғорда айланиб юрганида баногоҳ сувнинг шилдираганини эшитиб қолибди, ўнг-сўлга қараб бир тешикни кўрибди, тешикдан қараса, шу ердан дарё ўтар экан. Бола ўйлаб, ичида дебди: «Бу ердан чиқиб кетмасам ўлимим ҳақ, яхшиси худога таваккал қилиб ўзимни дарёга ташлайман, зора шундай қилиб халос топсам».

Бола ўзини дарёга ташлабди. Дарё тез оқар экан, болани оқизиб, бир водийга чиқариб ташлабди. Бола дарахларни кўриб, ер юзига чиққанини билибди-ю худога шукр қилиб, водий бўйлаб кетибди, юриб-юриб отасининг қўл остидаги бир қишлоққа келиб қолибди. Қишлоқ аҳолисидан бири ундан ҳол-аҳвол сўрабди. Бола бошидан кечирганла-

рини сўзлаб берибди. Қишлоқ аҳолиси ҳайрон бўлибди, унга меҳр қўйиб олиб кетибди.

Энди сўзни боланинг отасидан эшитинг, у одатига кўра ўғлини кўргани тоғ бағрига борибди, энагани чақирибди, лекин қудуқдан товуш чиқмабди. Шундан кейин шоҳ қуларидан бирини қудуққа туширибди. Қудуққа тушиб қараса энага ўлдирилган, ғор ҳувиллаб ётибди.

Қул қудуқдан чиқиб воқеани боланинг отаси шоҳ Иброҳимга айтибди. Султон йиғлабди, ўзини урибди, ўғлининг тақдирини билгани мунажжимларга одам юборибди. Мунажжимлар қуръа ташлабдилар;

— Аё шоҳ, фарзандингни арслон тилка-пора қилган бўлса, сўз тамом, сен ҳалокатдан халос бўлдинг, арслондан халос топган бўлса ажалинг ўшанинг қўлида.

Қулар ўтибди. Болани қишлоқ одамлари тарбия қилибди. Булар эса қароқчилар экан.

Бир куни бола қароқчиларга қўшилиб йўл тўсгани чиқибди. Йўловчилар подшоҳга қароқчилардан дод деб борибдилар. Подшоҳ Иброҳим дарғазаб бўлиб, қароқчиларни тутгани одамлари билан йўлга чиқибди. Қароқчилар уни одамлари билан бирга ўраб олибдилар. Бола камонни олиб отибди. Уқ султон Иброҳимнинг жон жойига тегишти.

Султон бола ва қароқчиларни асир олиб даргоҳига қайтибди ва қуръачиларни олдириб келиб дебди:

— Сенинг ажалинг ўғлингнинг қўлида деган эдиларинг, мени бошқа одам ҳалокатга дучор қилди-ку?

Қуръа андозлар қуръа ташлаб дебдилар.

— Аё шоҳ, худонинг асроридан киши воқиф эмас. Сени ҳалокатга дучор қилган ўз ўғлингдир.

Шоҳ бу сўзни эшитиб қароқчилардан сўрабди:

— Менга ўқ отган қайси биринг?

— Мана шу бола,— деб жавоб берибдилар қароқчилар.

Подшоҳ болага юзланиб депти:

— Эй бола, кимсан, кимнинг ўғлисан, ростини айтсанг шафқат кўрасан.

— Аё хожам,— депти бола,— мен отамни билмайман.

Адирдаги қудуқда энагамнинг тарбиясида эканимни биламан, холос. Ойда бир марта бир одам келиб мени қудуқдан чиқариб кўрар, ўпар, яна қудуққа солиб кетар эди. Бир куни қудуққа арслон тушди, энагамни тилка-пора қилди. Мени худо омонда сақлади: одамлар келиб арслонни ўлдирибдилар, мени олиб кетдилар.

Бу сўзларни эшитиб шоҳ Иброҳим:



— Илло-билло, бу бола менинг ўғлим! — деб хитоб қилибди. Уни қучоқлабди, ўпибди.

Шоҳ дарҳол аъёнлари ва мунажжимларни олдириб келиб дебди:

— Билинглари ва огоҳ бўлингларики, тақдирга тадбир йўқ. Мен ўғлимдан эҳтиёт бўлишга ҳаракат қилган эдим, лекин эҳтиёткорлик фойда қилмади.

Шоҳ бутун воқеани айтиб берибди, яна:

— Лекин худога шукурки, ўғлимни кўрдим, кўз юммасимдан олдин подшоҳликни шунга топшираман! — дебди, сўнг ўғлига юзланиб, тожини унинг бошига кийгизибди, васият қилибди. Бола отасининг тахтига ўтирибди.

— Аё шоҳ, оллонинг иродаси бўлмай қолмайди, — деди йигит, — киши пешонасидагини кўради. Олло менинг пешонамга ўлим ёзган бўлса, ўлимдан халос топмайман, ўлим ёзмаган бўлса вазирларнинг мени ўлдиришга уришилари зое кетади.

Шоҳ Бахтзод бу сўзларни эшитиб йигитнинг фасоҳати-га ҳайрон қолди-ю, деди:

— Зиндонга қайтариб юборингиз, бунинг ишини эртага ҳақиқат қиламиз.

Девон тарқалди. Эртасига Алмиърож куни эди. Бу кунда зодагону фуқаро ҳамма подшоҳни муборакбод қилгани келар эди. Вазирлар маслаҳат қилиб, шаҳар зодагонларидан бир қанчаси билан сўзлашиб, уларга шундай дейдиган бўлдилар:

— Подшоҳнинг ҳузурига кирганларингда унга шундоқ денглари: «Аё шоҳ, шукур худогаким, сен таърифга сазовор умр кечирмоқдасан. Лекин нима сабабдан тўшагингни палид қилган йигитни ўлдиришга ошиқмайсан, билъакс, уни ўз боргоҳингда қамоқда сақлайсан? Сенинг ҳаққингда одамлар қанчалар ёмон сўзлар айтаётганидан беҳабарсан».

Шаҳар аъёнлари: «Бош устига» деб жавоб бердилар. Шоҳ девонхонада ўтириб, одамлар муборакбод қилгани келганларида шаҳар аъёнлари ўринларидан туриб ер ўпдилар ва вазирлар ўргатган сўзларни айтдилар. Вазирлар ҳам сўз қотдилар. Шоҳ Бахтзод деди:

— Эй азизларим, йигитнинг жони менинг қўлимда, дарҳақиқат ўлимга лойиққа ўхшайди. Лекин ҳанузгача ўлдирмаганимга сабаб — худо олдида менга бирон даъвоси бўлмасин, дедим.

Сўнг шоҳ Бахтзод йигитни олдириб келди ва деди:

— Эй хиёнаткор, одамлар сени ҳануз ўлдирмаганим учун менга таъна қилмоқдалар.

Йигит жавоб берди:

— Бошинг ҳаққи, аё шоҳ, одамларга шу гапларни ўргатган разил вазирларингдан ўзга ҳеч кимса сенга таъна қилмайди. Аминманки, худодан бўлиб, буларнинг макр-ҳийласи ўз бошига етади. Шоҳ мени ўлдираман деб таҳдид қилар экан, мен унинг қўлида бир чумчуқдайман, хоҳлаган вақтида ўлдир беради. Лекин умримга умр қўшиш подшоҳнинг эмас, худо таолонинг иродасига боғлиқ, сабабки худо менинг ўлимимни истар экан, сен умримга умр қўшолмайсан. Худо таоло ўз қулига азиятни раво кўрар экан, эҳтиёткорлик бу азиятни даф қилолмайди. Сулаймон шоҳнинг ўғли гўдакнинг жонига қасд қилиб, кўп саъйи-ҳаракатда бўлса-да, лекин гўдак омон қолди. Гўдак кўп фалокатларга дучор бўлса ҳам, куни битгунча умр кўрди.

— Нечукдир бу ҳикоят, сўзла,— деди шоҳ Бахтзод.

Йигит деди:

— Аё шоҳ, билгинки, бир замонлар Сулаймон отлиқ бир подшоҳ ўтган экан. Шоҳ кўп фозил ва фикр-мулоҳазали одам экан. Унинг укаси бўлиб, ундан бир қиз қолибди, шоҳ Сулаймон қизни яхши тарбия қилибди. Қизнинг замонада тенги йўқ экан.

Шоҳ Сулаймоннинг икки ўғли бор экан. Шоҳ жиянини катта ўғли Баҳлавонга бермоқчи бўлибди. Унинг кичик ўғлини оти Маликшоҳ, қизнинг оти эса Шоҳхотун экан.

Бир куни Сулаймон шоҳ Шоҳхотуннинг ҳузурига кириб, уни ўпибди ва дебди:

— Мен сени ўғилларимдан бирига бермоқчиман, уни валиаҳд қилмоқчиман. Танла, қайси бирига тегасан?

Шоҳхотун Сулаймоншоҳнинг қўлини ўпиб дебди:

— Мен сенинг чўрингман, менга қайси бири муносиб бўлса ўшанга бер.

Сулаймоншоҳ унинг жавобидан мамнун бўлибди.

Лекин кейинчалик унинг нияти ўзгарибди. Қизни кичик ўғли Маликшоҳга беришга, уни валиаҳд қилишга қарор берибди, тездан қизни Маликшоҳга олиб берибди ва уни валиаҳд қилибди. Катта ўғли буни кўриб отасини ёмон кўриб қолибди ва укасига бахиллиги келибди.

Маликшоҳ Шоҳхотуннинг қўйнига кирибди. Шоҳхотун тўлинойдай ўғил туғибди. Баҳлавон укасига яна ҳам кўпроқ ҳасад қилибди. Бир кечаси Баҳлавон укасининг ётоғи олдидан ўтиб кетаётиб ётоққа кирибди. Гўдак анагаси ёни-

да ухлаб ётган экан. Баҳлавон гўдакнинг юзига, тикилибди. Шайтон васваса қилибди-ю, кўнглидан шу гап ўтибди: «Бу қиз, шундоқ бола ва подшоҳлик укамники эмас, аслида меники бўлмоғи керак эди».

Баҳлавон шу гапни кўнглидан ўтказибди-ю ҳасади жўш уриб, ханжар билан болани бўғизлабди, лекин чала бўғизлабди, кейин укасининг уйига кириб қараса, укаси ёш хотин билан ухлаб ётган эмиш. Баҳлавон хотинни ўлдирмоқчи бўлибди, лекин яна ўйлаб: «Ўлдирмай, ўзим оламан» дебди ва укасини сўйиб чиқиб кетибди.

Баҳлавон қилар ишини қилиб ваҳимага тушибди, дунё кўзига тор кўринибди, қочиб эрталабгача шаҳарда бекиниб юрибди, эрталаб шаҳардан чиқибди ва отасининг қалъаларидан бирита бориб ўрнашиб олибди.

Энага эрта билан уйғониб, сут бермоқчи бўлиб қараса, бола қонга беланиб ётган эмиш. Энага дод солибди. Шоҳхотун уйғониб қараса боласи билан эрини биров сўйиб кетибди. Шоҳхотун дод-фарёд кўтарибди, лекин боланинг жони бор экан.

Сулаймоншоҳ уйғонибди, аҳволни кўриб қотилни қидирибди, лекин тополмабди, лекин бу нарса Баҳлавоннинг қилмиши эканини билибди. Бу ҳол уни ҳам, бутун подшоҳлик аҳлисини даҳшатга солибди.

Сулаймоншоҳ расм-русумни жойига қўйиб, ўғли Маликшоҳни дафн қилибди, болани табибларга топширибди. Табиблар болани муолажа қилиб, жароҳатини тузатибдилар.

Баҳлавон қалъага ўрнашиб олиб, отасига қарши урушга ҳозирлик кўрибди. Сулаймоншоҳ болани тарбият қилибди. Беш ёшга етказиб, ўзига валиаҳд қилмоқчи бўлибди. Шоҳ уни отга миндириб олиб юрибди. Аҳоли бундан хурсанд бўлиб, унинг ўз отаси ўрнига валиаҳд бўлишини тилабди.

Баҳлавон Рум подшоҳи Қайсарга одам юбориб, отасига қарши урушгани кўмак сўрабди. Қайсар унга кўп миқдорда лашкар берибди. Сулаймоншоҳ бундан огоҳ бўлиб, Рум подшоҳига нома юборибди: «Аё шоҳ, ўғлимга кўмак берма, сабабки, у фалон-фалон гуноҳларни қилди, ўз укаси ва укасининг ўғлига ханжар урди» дебди. Мактубда шундан башқа бир сўз айтмабди, бола соғайиб кетганини ундан яширибди.

Рум подшоси бу номани ўқиб Баҳлавоннинг қилмишидан хафа бўлибди ва Сулаймоншоҳга нома йўллаб: «Агар

тиласанг Баҳлавоннинг бошини олиб сенга юбораман» дебди. Сулаймоншоҳ унга жавоб қайтариб: «Ўлдириш керак эмас, ундан юз ўгирсанг, ҳайдаб юборсанг кифоя, ўз қилмишига яраша жазосини тортади» дебди.

Сулаймоншоҳ билан Рум подшоси ўртасида ошнолик пайдо бўлибди. Иккови бир-бирига мактуб ва совға-салом юбориб турибди. Сўнг, Рум подшоси Шоҳхотуннинг соҳибжамоллигини эшитибди, Сулаймоншоҳга одам юбориб, уни хотинликка сўрабди. Сулаймоншоҳ унинг илтимосини рад қилмабди, Шоҳхотуннинг ҳузурига кириб:

— Қизим, Рум подшоҳи менга одам юбориб, сени сўраётибди,— дебди.

Жувон йиғлаб дебди:

— Бола билан қандоқ қилиб эрга тегаман.

— Қандоқ қиласан, қизим,— дебди Сулаймоншоҳ,— болани олиб кетмайсан, бола бор ҳам дея кўрма. Мен ҳамма подшоҳларга Баҳлавон укасини ва унинг ўғлини ўлдирди деб мактуб ёзганман. Мен сени Рум подшосига бермай иложим йўқ, унинг ёрдамида кучимни ўнглаб олганман.

Жувон бир сўз демабди. Сулаймоншоҳ Рум подшоҳига илтифот билан розилик арз этиб жавоб қайтарибди, ҳовирлик кўриб, Шоҳхотунни Рум подшоҳига юборибди. Рум подшоси унинг оғушига кириб, беҳад хурсанд бўлибди ва унга муҳаббат қўйибди. Шоҳхотун ҳамиша ўғлини ёд этар, фироқида куяр экан, Сулаймоншоҳ болани тарбият қилиб, унга Маликшоҳ деб отасининг номини қўйибди.

Бола ўн ёшга тўлганда Сулаймоншоҳ давлат аъёнларини йиғибди, болани келтириб, валиаҳд қилибди ва унга садоқатли бўлиш хусусида аъёнларга қасамёд эттирибди, орадан кўп ўтмай оламдан ўтибди.

Баҳлавон отасининг мамлакатини босиб олибди, лашкар ва сарбозларни саф торттирибди. Лашкар ва сарбозлар унга дебдилар:

— Агар жиянингни ўлдирмасанг биз сенинг итоатинг-даминиз, садоқат арз этиб онд ичамиз.

Баҳлавонни жиянини ўлдирмасликка қасамёд этибди.

Баҳлавонни саройга келтириб тахтга ўтқазибдилар. У жиянини олдириб келибди ва зиндонга солибди. Бу хабар унинг онасига етибди. Шоҳхотун яна ҳам қайғуга тушибди. Лекин ўғли бор эканини Рум подшосига айтолмабди, Сулаймоншоҳни ёғончи қилишни истамабди. Бола тўрт йил зиндонда ётибди, ҳар хил касалликлардан арвоҳдай бўлиб қолибди.

Кунлардан бир куни Баҳлавон девонхонада ўтирган вақтида давлат аъёнлари унинг ҳузурига кириб дебдилар:

— Аё шоҳ, биз сенга итоат арз этиб отангнинг тахтига ўтқизганимизда жиянингга озор етказмаслигинг хусусида ваъда олган эдик. Жиянинг нима гуноҳ қилдики, сен уни шунча муддат зиндонда тутасан? Агар унинг гуноҳи тахтга ўтирганлиги бўлса, гуноҳ унда эмас.

— Мен уни зиндондан озод қилсам, унинг фитнасидан омон қолишимга гумоним бор,— дебди Баҳлавон.

Аъёнлар дебдилар:

— Бу боланинг нимасидан қўрқасан? Қўрқсанг бирон вилоятга ҳоким қилиб юбор.

— Рост айтасизлар!— дебди Баҳлавон.

Баҳлавон болани зиндондан озод қилибди, сийлабди, лашкар бериб, душманга қарши жанг қилгани бир қалъага юборибди. Душман гоят кучли, урушгани келганларни ё ўлдирад, ё асир қилар экан.

Маликшоҳ жанг қилгани келганда душман кўп лашкар тортибди, Баҳлавоннинг одамлари қочибди, ўзини тутиб зиндонга солибдилар.

Маликшоҳ зиндонда бир йил ётибди. Душманларнинг бир одати бор экан: ҳар йили наврўз куни асирларни зиндондан олиб чиқиб қалъадан пастга ташлар эканлар. Наврўз куни ҳамма асирларни, жумладан Маликшоҳни ҳам қалъадан пастга ташлабдилар. Маликшоҳ ўзидан олдин ташланган одамларнинг устига тушибди, омон қолибди-ю, лекин бир муддат ҳушдан кетибди.

Йигит ҳушига келиб худога шукур қилибди, ўрнидан туриб, боши оққан томонга қараб кетибди. Гиёҳларнинг баргини, томирини еб, кечалари йўл юрибди, кундузлари беркиниб ётибди, ниҳоят, одамларга йўлиқиб, улардан марҳамат кўрибди. Ўзининг ким эканини айтмабди, амакиси Баҳлавон ҳокимлик қиладиган шаҳар йўлини сўрабди. Одамлар йўл кўрсатибдилар. Маликшоҳ кўп юриб шаҳарга яқин келибди. У ҳорғинлик ва даҳшатдан ўлар ҳолатга етибди, озиб чўп бўлган, ранги не аҳволда экан.

Маликшоҳ дам олгани шаҳар дарвозасининг олдида ўтирибди. Баногоҳ овдан қайтган амакисининг мулозимлари келиб қолибдилар. Булар шаҳар дарвозасидан кириб кетаётганларида йигит бориб:

Шоҳ Баҳлавон омон-эсон, соғ-саломатми?— дебди.

Бу одамлар ундан кулибдилар.

— Кимсан ўзинг? Шоҳ Баҳлавонни сўрайсан, қашшоқ бир малайсан-ку!

Ҳигит дебди:

— Шоҳ Баҳлавон менинг амаким бўлади.

Одамлар уни мазах-масхара қилиб кулибдилар.

— Биз шоҳнинг битта жиянини билар эдик. Шоҳ бу жиянини зиндонда тутар эди. Ҳалок қилиш мақсадида уни душманга қарши юборган эди,— дебдилар.

Маликшоҳ хитоб қилибди:

— Подшоҳ душманга қарши юборган ўша жияни мен бўламан, худонинг инояти билан, фалокатдан омон қолдим.

Одамлар унга тикилиб, танибдилар, отдан тушиб унинг қўлини ўпибдилар.

— Эй хожа, сен бизнинг шоҳимиз, шоҳимизнинг ўғлисан. Амакингнинг қасдидан сени худо омон сақлабди, энди унинг олдига борма, таниса дарҳол ўлдиртиради. Сабр қил, худо мушкулингни осон қилади.

— Яхши маслаҳатларинг учун худо хайр берсин,— дебди Ҳигит.— Мен энди қаёққа борсам экан?

— Рум мамлакатига бор, онанг ўша ерда, Рум подшоҳининг хотини,—дебдилар аёнлар. Маликшоҳ дебди:

— Амаким Сулаймоншоҳ онамга: «Ўғлинг борлигини оғзингдан чиқарма» деб тайинлаган.

— Бундан хабаримиз бор,—дебдилар аёнлар,—бу ерда юриб ҳалокатга дучор бўлганингдан Рум мамлакатига бировнинг хизматида бўлиб омон қолганинг яхши.

Аёнлар Маликшоҳга пул берибдилар, янги либос кийгизибдилар, бирон тош юриб, Рум йўлини кўрсатибдилару видолашиб, қайтиб кетибдилар.

Ҳигит йўл юрса ҳам, мўл юриб, амакисининг мамлакатидан чиқибди ва Рум мамлакатига кириб борибди, бир қишлоққа келиб, деҳқонга хизматкор бўлибди.

Унинг онаси Шоҳхотун ўғлидан узоқ замон дарак тополмай кўп соғинибди, ғуссага тушиб кечалари кўзига уйқу келмабди. Шоҳхотун бу ерга келишда бир ҳарам оғасини олиб келган, ҳарам оғаси унинг хизматида бўлиб, оқилу доно ва уддабурон бир кимса экан. Малика ҳарам оғасини чақириб дебди:

— Болалигимдан менинг хизматимда эканингни, сени гоёт яхши кўришимни биласан. Менга бир яхшилиқ қилиб, ўғлимдан дарак топиб келмайсанми?

— Аё бекам,—дебди ҳарам оға,—биз бу нарсаи

яшириб келаётибмиз, ўғлинг борлигини Рум подшосига оғзингдан чиқарма.

— Рост айтасан,—дебди малика,—подшоҳга айтмайман, лекин ўғлимни олдириб келаман, шу ерларда қўй боқсин, кўз ўнгимда бўлса бас. Қанча пул десанг бераман, яшириқча бориб ўғлимни олиб кел. Йўлга чиқадиган бўлсанг-да, шоҳдан ижозат сўра, «Бекам Маликшоҳнинг хотини экани чоғида ўша ерга пул кўмган экан, шунини олиб келгани юбораётибди» дегин.

Ҳарам оғаси бу хусусда малика билан гапни бир жойга қўйиб йўлга тушибди ва Баҳлавоннинг шаҳрига етиб келибди, йигитни суриштирибди, амакиси уни зиндондан озод қилиб, душманга қарши жангга юборган экан, душман қўлида ҳалок бўлибди.

Бу хабарни эшитиб ҳарам оғаси кўп ғам чекибди ва нима қилишини билмай саросимага тушибди. Йигитга шафқат кўрсатган сарбозлардан бири иттифоқо ҳарам оғани кўриб таниб қолибди, келиб салом берибди ва не мақсадда келганини сўрабди. Ҳарам оға аввал бу сирни бировга айтмасликка сўз олибди-ю, не мақсадда келганини айтибди.

Сарбоз унга дебди:

— Бу йигитни фалон вақтда ўртоғим иккимиз кўрган эдик. Пул ва либос бериб, Рум мамлакатига жўнатган эдик.

Ҳарам оға унга ташаккур изҳор қилиб, Рум мамлакатига қайтибди, қишлоқларга кириб, йигитни сўроқлай берибди, ниҳоят, йигит турган қишлоқни топибди. Ҳарам оғаси қишлоқнинг кираверишида, пода ўтлаб юрган ўтлоқда ухлаб ётган бир йигитни кўрибди, дарҳол тўхтаб ўйлаб қолибди:

— Ким билади, бу йигит Маликшоҳ бўлмасин тагин? Буни қай йўл билан билсам экан?

Ҳарам оғаси отдан тушибди, келиб йигитнинг юзига разм солибди, йигит уйғонганда дебди:

— Эй бўтам, кимсан, кимнинг ўғлисан?

Йигит бошидан кечирганларини сўзлаб берибди. Ҳарам оға йигитни яхши таниб олганидан кейин қучоқлабди, кўпдан бери қидириб юрганини, уни олиб келгани онаси юборганини айтибди, сўнгра бориб от келтирибди, иккови отланиб йўлга тушибди.

Булар шаҳарга яқин келганда қароқчилар ҳужум қилиб бор-йўқларини талабдилар, ўзларини шу ердаги бир

қудуққа ташлабдилар. Ҳарам оға йиғлабди, йигит ундан сўрабди:

— Нега йиғлаб ётибсан?

Ҳарам оға жавоб берибди:

— Нажот йўқ, ўлиб кетаётганимизга йиғлаётиман. Сенинг шўр пешоналигингга йиғлаётиман, онанг куйиб ўлади.

— Худойи таолонинг айтгани бўлади,—дебди йигит,— кунимиз битган бўлса ўламиз, кунимиз битмаган бўлса, сен айтгандай, ўлиб кетмаймиз.

Иккови қудуқда икки кечаю икки кундуз ўтирибди, очликдан ўлаёзибди. Худонинг продаси билан йигитнинг ўгай отаси — Рум подшоси овга чиқипти, қудуққа яқин келибди, унинг мулозимларидан бири қудуқдан босинқи нола товушини эшитибди-да, буни Рум подшосига айтибди.

Рум подшоси қудуқнинг олдига келиб қулоқ солибди, дарҳақиқат, нола товушини эшитиб, одамларидан бир нечасини қудуққа туширибди. Одамлар қудуқдан рамақижон ҳарам оға билан йигитни олиб чиқибдилар, шароб бериб ҳушига келтирибдилар.

Рум подшоси ҳарам оғага тикилиб танибди ва сўрабди:

— Нима бўлди, бу ерларда нима қилиб юрибсан?

— Маликам Шоҳхотун ўз юртларининг тупроғига пул кўмган эканлар, шунини келтиргани борган эдим,— дебди ҳарам оға,— пулни олиб келаётганимда шу ерда қароқчиларга йўлиқдим. Қароқчилар пулни, либосларимни олиб ўзимни қудуққа ташладилар.

— Бу йигит ким?—деб сўрабди шоҳ.

Ҳарам оға жавоб берибди:

— Бизда хизмат қилган бир энаганинг ўғли, биз кетганда кичкина эди, онаси менга: «Болани олиб кет», деди. Мен олиб келдим.

Шоҳ шаҳарга қайтиб келибди. Хотинининг ҳузурига кириб, йўлда ҳарам огани, унинг ёнида бир йигитни учратганини айтибди. Шоҳхотун бу сўзларни эшитиб хурсандликдан қанот пайдо қилгудай бўлибди, лекин ўзини босибди. Қувончини шоҳга билдирмабди.

Ҳарам оға етиб келибди, маликанинг ҳузурига кириб, ўғлини олиб келганини айтибди. Ўғлининг амакиси ва Баҳлавондан кўрган жафоларини, худо таоло уни фалокатлардан халос қилганини бирма-бир баён қилибди. Малика кўп йиғлабди, сўнг сўрабди:



— Шоҳ сени ўғлим билан кўрганида, ўғлим тўғрисида нима деди?

— Шоҳ сўраганда мен бизнинг хизматимизда бўлган бир энаганинг ўғли, биз кетганда кичкина эди, подшоҳимнинг хизматини қилсин деб олиб келдим, дедим, — дебди ҳарам оға.

Малика хитоб қилибди:

— Яхши қилибсан!

Рум подшоси ҳарам оғага инъом берибди, йигитни шундай яхши кўриб қолибдики, бутун даромад ва ҳаражатини унинг қўлига топширибди. Подшоҳнинг қўлида унинг мартабаси кундан-кун ортаверибди. Онаси унга дарчадан қараб турар, уни қучоқлаш, ўпиш иштиёқида ёнар экан.

Бир қанча вақт ўтибди, малика ғуссадан ўлар ҳолатга етибди. Кунлардан бир кун малика орқа эшикда пойлаб туриб йигитни қучоқлабди, ўпибди. Худонинг иродаси билан буни бош ҳарам оға кўриб қолибди-ю дарҳол подшога етказибди:

— Ҳозир ўз кўзим билан кўрдим: Шоҳотун ўша йигит билан ўпишди, уни бағрига босди.

Рум подшоси буни эшитиб ранги оқарибди, ғазабга келибди, йигитни олдириб келибди ва зиндонга солибди, йигитни олиб келган ҳарам оғани ҳам зиндонга ташлабди, сўнг, Шоҳотуннинг ҳузурига кириб дебди:

— Шоҳларнинг қизлари шундоқ бўлар экан-да! Мен сени шундай жазолайманки одамларга ибрат бўлсин. Ҳарам оғани ўйнашингни олиб келгани юборган экан-сан-да!

Подшоҳ маликанинг юзига тупурибди. Шоҳотун ҳеч нарса деёлмапти, сабабки ростини айтса, шоҳ барибир ҳозир ишонмаслигини билар экан.

Малика бегуноҳ эканини ошкор қилишини сўраб худоба муножот қилибди, хафа бўлибди, ўзининг ва ўғлининг қадрига йиғлабди, гуз татимай қўйибди, кечалари ухламабди. Рум подшоси нима қилишини билмай ўйлабди:

— Ҳарам оға билан йигитни ўлдирганим билан юрагимнинг ўти босилмайди. Уччовини ўлдириш осон эмас. Ҳар нечук шошилмай, эҳтиёткорлик — эзгулик, шошқалоқлик — пушаймонлик келтиради.

Шоҳ бу ишни ўз ҳолига ташлаб қўйибди.

Подшоҳни ўстирган энагаси бор экан. Шоҳ унинг сўзларига қулоқ осар, уни ўз онасидай иззат-ҳурмат қилар

экан. Энага подшоҳнинг хафа ва ташвишманд бўлиб юрганини пайқаб унинг ҳузурига келибди ва бунинг боисини сўрабди. Лекин подшоҳ ҳеч нарса айтмабди. Шундан кейин энага Шоҳхотуннинг олдига кириб сўрабди, ҳол-жонига қўймабди. Шоҳхотун воқеани бошдан-оёқ айтиб берибди ва йигит ўғли эканига иқрор бўлибди.

— Ташвиш тортма,—дебди кампир.

Малика хитоб қилибди:

— Эй онахон, бу йигит ўғлим эканига иқрор бўлгунча ўлганим яхши, энди гапимга шоҳ инонмайди.

— Рост айтасан,—дебди кампир,—лекин худойи таоло мушкулингни осон қилади.

Сўнг, кампир бу ердан чиқиб подшонинг ҳузурига кирибди, ўтириб унинг оёғини уқалабди.

Подшо хафа ва ташвишманд экан.

— Менга айт, нима бўлди сенга?—дебди кампир.

Подшо жавоб берибди:

— Эй онахон, мен Шоҳхотун туфайли хафаман, сабабки, фалон-фалон иш қилди.

— Хотин туфайли хафа экансан-да!—дебди кампир.

Подшо:

— Ҳаммасини ўлдираман!—дебди.

— Шошқалоқлик қилма, болам,—дебди кампир,—шошқалоқлик — пушаймонлик келтиради. Буларни қачон ўлдираман десанг ўлдираверасан, лекин ҳақиқат қилиш керак.

— Эй онахон,—дебди подшо,—нимасини ҳақиқат қиламан! Йигитни олиб келгани ҳарам оғасини унинг ўзи юборган-ку.

— Эй болам,—дебди кампир,—бу далил эмас, бу иш-ни ҳақиқат қилгани сенга бир нарса кўмак беради. Мен сенга попишакнинг юрагини келтириб бераман, хотининг ухлаб ётган вақтида попишакнинг юрагини унинг юраги устига қўйгину истаган нарсангни сўрайбер, хотининг ростини айтади.

Рум подшоси хурсанд бўлибди. Кампир бу ердан чиқиб Шоҳхотуннинг ҳузурига кирибди, бўлган воқеани айтиб, дебди:

— Эринг кириши билан ўзингни уйқуга сол, юрагингга попишакнинг юрагини қўйиб гап сўраса ростини айтавер.

Шоҳхотун хўп дебди ва топган тадбири учун кампирга ташаккур айтибди.

Кампир попишакнинг юрагини келтириб подшонинг қўлига берибди.

Кечаси подшо попишакнинг юрагини олиб Шоҳхотуннинг оромгоҳига кирибди. Шоҳхотун ўзини уйқуга солибди. Шоҳ келиб, попишакнинг юрагини унинг кўксига қўйибди ва хитоб қилибди.

— Эй Шоҳхотун, сенга муҳаббатимнинг эвази шуми?

Малика дебди:

— Мен нима гуноҳ қилдим?

— Бундан ёмон гуноҳ бўладими?— дебди шоҳ.— Сен ҳарам оғасини юбориб суйган йигитингни олдириб келдинг.

— Хизматингдаги одамлар орасида йигитдан хушрўйроқ йигитлар бор,—дебди малика,—лекин мен ҳеч кимсага кўнгил берган эмасман, аҳтирос нима эканини билмайман. Бу кимса—менинг ўғлим, жигарпорам.

Шоҳ бу сўзни эшитиб ҳанг-манг бўлибди ва дебди:

— Сенинг фарзандинг йўқ. Сулаймоншоҳ мактубида сенинг ўғлингни амакиси сўйган, отасини ҳам сўйган деб ёзган эди.

— Рост, боламни сўйган, лекин чала сўйган экан гузалиб кетди. Томоғида ҳануз жароҳат изи бор.

Шоҳ бу сўзни эшитиб хитоб қилиб:

— Шу далилнинг ўзи кифоя!—дебди ва дарҳол оромгоҳига кириб, йигитни чақиртирибди, унинг томоғидаги жароҳат изини кўриб, ундан гап сўрабди. Йигит бошдан кечирганларини бирма-бир айтиб берибди. Шунда шоҳ ҳайрон бўлиб, шошқалоқлик қилиб йигитни ўлдирмаганига шукурлар қилибди:

— Йигитни ўлдирсам пушаймонлик тортар эдим,—дебди.

— Мана кўрдингми, аё шоҳ, бу йигит кўп балоларга дучор бўлса ҳам, ҳар нечук омон қолди, сабабки куни битмаган эди. Рум подшосининг эҳтиёткорлигига ҳам эътибор қил: шошқалоқлик қилиб йигитни ўлдирса ғоят пушаймон бўлар эди.

Шундан кейин шоҳ Бахтзод фармон қилди:

— Зиндонга қайтарингиз,—деди ва вазирларига юзланди,—менга садоқатларингни яхши биламан, бугун сизларнинг маслаҳатларингга қулоқ осиб йигитни ўлдирман. Шаҳар дарвозаси олдига дор тикингиз. Жарчи чақириб одам йиғсин. Йигитни келтириб дорга осингиз, одамлар «Шоҳга хиёнат қилган кимсанинг жазоси шу!» деб

нидо қилсинлар. Лекин бу ишларнинг ҳаммаси эртага бўлсин.

Вазирлар ғоят шод бўлдилар, шодликдан кечаси билан кўз юммадилар. Унингчи куни эрталаб вазирлар дорни тикиб, одам йиғиб бўлганларидан кейин шоҳ Бахтзоднинг ҳузурига кирдилар. Шоҳ дарҳол одам юбориб, йигитни олдириб келди.

Вазирлар йигитга дедилар:

— Эй хиёнаткор, яна тирикликдан умидинг борми?

— Эй нобакор вазирлар, хусусан мендек жабрдийда кимса худонинг марҳаматидан умид узадими? Эҳтимол, ўлим чангалига тушганимда бир асирдек нажот топсам.

— Нечукдир бу ҳикоят?—деди шоҳ Бахтзод.

Йигит жавоб берди:

— Аё шоҳ, ривоятларга кўра бир ҳукмдор бор экан. Унинг саройи зиндоннинг устида экан. Бир кеча ҳукмдор зиндондан: «Эй халоскорим, мени халос қил» деган овозни эшитиб қолибди ва дарғазаб бўлиб:

— Аҳмоқ, гуноҳни қилиб қўйиб, энди халос бўлиш умидинг бор!—дебди ва дарҳол одам юбориб, гуноҳкор ким ва нима гуноҳ қилганини сўрабди.

— Одам ўлдирган экан,—дебди борган киши.

Подшо гуноҳкорни чақиртириб дебди:

— Эй нодон, шундоқ катта гуноҳ қилиб яна халос бўлмоқ умидидасанми?

Шоҳ яна бир қанча бандиларни зиндондан чиқартириб: «Буларни шаҳардан ташқарига чиқариб, оёқ-қўлидан миҳлаб қўйингиз» дебди. Тун экан, сарбозлар бандиларни оёқ-қўлидан миҳлагани шаҳардан ташқарига олиб чиққанларида бирдан қароқчи босибди.

Сарбозлар бандиларни ташлаб қочибдилар. Бояги банди саҳрога қочибди, саҳрода кетаётган вақтида арслон йўлиқибди-ю, уни тишлаб олиб кетибди.

Арслон бу одамни бир дарахтнинг остига олиб келибди, ерга қўйиб, устини дарахтнинг шоҳи билан беркитиб кетибди. Банди худога таъя қилибди, арслон кетгандан кейин ичида: «Бу нечук ҳайратангиз хол» дебди.

Сўнг банди шоҳларнинг остидан чиқибди, қалашиб ётган суякларни кўрибди. Булар арслон еган одамларнинг суяги экан. Бу одам шу ерда сочилиб ётган кўп пул ва тиллани кўрибди, ҳаммасини олибди, арслон келиб қолишидан кўрқиб қочибди, бир қишлоққа кириб борибди, иши ўнгидан келибди.

Бу одам гуноҳкор ва қотил бўлгани ҳолда худойи тало нажот берибди, давлатманд қилибди. Шундоқ бўлгани ҳолда гуноҳсиз бўла гуриб мен нега худонинг марҳаматидан умид қилмайман?

— Ҳозир гапнинг вақти эмас. Оёқ-қўлингдан михлаш вақти,— деди шоҳ ва йигитнинг оёқ-қўлидан михлаб қўйишни буюрди.

Йигитни оёқ-қўлидан михлаб қўйгани майдонга олиб чиққанда баногоҳ уни тарбият қилган қароқчилар сардори пайдо бўлди. Одамлар тўпланиб турганини кўриб суриштирди. Одамлар унга:

— Бу йигит подшонинг қули, хиёнат қилгани учун подшо ўлдирияпти,— дедилар.

Сардор яқин келиб қаради, йигит ўзи тарбият қилган бола эди, дарҳол уни бағрига босиб ўпди, сўнг шоҳ Бахтводнинг олдига келиб деди:

— Аё шоҳ, бу йигитни мен бир кунлик гўдаклигида фалон жойда кимхобга ўралган ҳолда ётганини кўрган эдим, олиб тарбият қилдим, ўзимга ёрдамчи қилиб етиштирдим. Кейин уни карвонни муҳофазат қилиб келаётган сарбозлар олиб кетган эдилар. Мен буни қидириб юрган эдим.

Шоҳ Бахтзод бу сўзларни эшитгач, йигит ўз ўғли эканига кўнгли гувоҳлик берди. Шоҳ йигит ўралган кимхобни олдириб келди, кимхобни кўриб йигит дарҳақиқат ўғли эканига ишонди ва бор товуш билан қичқирди:

— Оҳ, шодлик, ўғлим, ўғлим!— деди ва йигитга отилиб уни қучоқлаб ўпди, сўнгра бошидан тожини олиб йигитнинг бошига кийгизди-да, хитоб қилди,— сени ўлдирганимда ғам ва пушаймонликдан ўзим ҳам ўлар эдим.

Дарҳол бутун шаҳарда тўй-томоша бошланди. Халқ ва лашкар йигитни тантана ва дабдаба билан кузатди, ҳатто учиб юрган қушлар ҳам осмони-фалакда тўхтаб қолди. Малика Баҳражўр ҳам бундан хабар топиб чиқди ва ўғлининг бўйнига осилиб қучоқлади. Бутун мамлакатда етти кечаю-етти кундуз тўй-томоша бўлди.

Вазирлар буни кўриб даҳшатга тушдилар, ҳалок бўлишларига кўзлари етди. Шоҳ Бахтзод ўғли билан бирликда девонхонага чиқиб ўтирди, вазирларни олдириб келди. Йигит вазирларга қараб деди:

— Эй нобакор вазирлар, худо таолонинг ирода ва марҳаматини, мен ўлмай нажот топганимни, жинояткорнинг жинояти ўз бошига етишини кўрдиларингми?!

## Шоҳ Бахтзод деди:

— Мен сизларнинг маслаҳатларингга қулоқ осиб шош-қалоқлик орқасида ўғлимни ҳалок қилганимда ғам-ғусса, қаттиқ пушаймонликдан ўзим ҳам ҳалок бўлар эдим. Сизлар қилмишларингга яраша жазо тортасизлар.

— Эй падар,—деди унга ўғли,—эҳтиёткорлик-эзгулик келтиришини кўрдинг.

Шоҳ Бахтзод ўғлига тикилган дор ёнига яна тўққизта дор тикишни буюрди ва ўғлига юзланиб деди:

— Мен ҳайронман, бу ярамас вазирлар не сабабдан сени ўлдиришни маслаҳат бердилар экан.

— Сабабки, буларнинг хазинангга узатиб юрган қўллари ни тутдим,—деди йигит.

Вазирлар шоҳ Бахтзодга юзланиб дедилар:

— Аё шоҳ, бу йигитга қазиган чоҳимизга ўзимиз йиқилдик демакдан ўзга сўзимиз йўқ. Бизни ҳарнаки қилсанг ихтиёринг.

Шоҳ вазирларни оёқ-қўлларидан миҳлаб қўйишни буюрди, буйруқ бажо келтирилди. Шоҳ йигитни тарбият қилган қароқчилар сардорига одам юбориб олдириб келди, унга инъом-эҳсонлар қилди, саройдан вазифа берди.

Шундай қилиб шоҳ Бахтзод висол ва айш-ишратнинг заволи бўлмиш казо етиб келгунча ўғли ва хотини малика Баҳражур билан бирликда умрини хурсанд, роҳат-фароғатда ўтказди.

## ТАРЖИМОНДАН

Рус тилида «Халиф на час» номи билан чиққан бу китоб ажойиб ва гаройиб араб афсоналари тўплами «Минг бир кеча»га кирмаган, таржимон М. А. Сальенинг сўзи билан айтганда, унинг «унутилган саҳифалари»дир.

Сўнг сўзда айтилишига қараганда «Минг бир кеча»ни, демак бу китобни ҳам М. А. Салье бевосита араб тилидан таржима қилган ва ўзининг писанда қилишига кўра таржимон билан муҳаррир имконияти борича таржимани мазмун ва услуб жиҳатдан асл нусхага яқин қилишга тиришган. Мен китобни ўзбекчага мана шу нусхадан таржима қилаётганимда бир қанча саволлар туғилиб қолди:

1. Мен русча таржимаси асл нусхага яқин, деб таржимада шунга қаттиқ роя қиладиган бўлсам, китобда жуда кўп учрайдиган, мана бу хилдаги сатрлар, ўзбекчада қандай чиқар экан, деган хаёлга бордим, чунончи:

«И когда она возвращалась с рынка, красный знак не укрылся от нее, а наоборот, ее взгляд упал на этот значок и она хорошо его увидела».

«И провели они... не смежая век, и не шел к ним сон и дремота, а наоборот, они всю ночь не спали...»

2. Китобда бу хилдаги қатма-қат жумлалардан ташқари китобхонни ортиқча овора қиладиган яхлит такрорлар ҳам кўп учрайди, чунончи: Аловиддиннинг дафинага кириб кўрганлари китобхонга тўлиқ маълум бўлгани ҳолда бу нарса унинг огзидан яна батафсиҳ дикоя қилинади. Шу хилдаги такрорлар олиб ташланса китобнинг мазмунига зарар етармикин?

3. Китобда янглиш, асл нусхада бўлиши эҳтимолдан йироқ бир эпизод бор, бу хато қандоқ юз берди экан:

«И он совершил ракатн вблизи от своего брата, султана, и когда проповедник сказал: «Аллах велик!»— мальчик сейчас же произнёс: «Боже мой, хвала тебе!»— и прочитал фатиху на приятный напев, красивым голосом».

Бу хато кишини ўйлантриб қўяди.

Мен мана шуларни эътиборга олиб таржимада русча нусхага қаттиқ риоя қилмадим, китобхонга қулай бўлсин учун қатма-қат жумлаларни сиқиштирдим, такрорларни қисқартирдим, ўқувчини шубҳага соладиган жойларини олиб ташладим. Бу нарса афсонанинг мазмун ва услубига ҳеч қанча зиён етказмаса керак деб ўйлайман.

А б д у л л а   Қ а ҳ ҳ о р

Август, 1965



## МУНДАРИЖА

Бир соатлик халифа ёхуд фосиқ Абуҳасан ҳақида ҳикоят . . . . .	3
Басра султонининг ўғли Зайнуласном ҳақида ҳикоят . . . . .	63
Жиннихонага тушган йигит ҳақида ҳикоят . . . . .	81
Аловиддин ва тилсим чироқ ҳақида ҳикоят . . . . .	111
Эрон ҳақими борасида ҳикоят . . . . .	167
Али бобо ва қирқ қароқчи ҳамда каниз Маржона ҳақида му- фассал ҳикоят . . . . .	193
Шоҳ Бахтзод, унинг ўғли ва ўн вазири ҳақида ҳикоят . . . . .	229
Таржимондан . . . . .	293

*На узбекском языке*

**Сборник**

**ХАЛИФ НА ЧАС**

Перевод с издания издательства  
«Восточной литературы»  
Москва — 1961 г.

Редактор М. Асамова.  
Рисовал А. Давлатов.  
Расмлар редактори П. Мудрак  
Тех. редактор Н. Курилова.  
Корректор Ш. Собирова

Босмахонага берилди 16/IV 1966 й. Босишга рухсат этилди 27/X  
1966 й. Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босма л. 9,25, Шартан босма л.  
15,54+0,31 (6 вкл.) Нашр л. 15,8+0,5, Тиражи 60000. Гафур  
Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, Навоий  
кўчаси, 30, Шартнома № 8/64.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг матбуот Даваат Ко-  
митетининг 3-босмахонасида босилди. Тошкент, Навоий кўча-  
си, 30, Заказ № 479. Баҳоси 1 с. 26 т.